

МАЛИКА ДАМИНОВА

# БИР УМР ҚИССАСИ

*Қисса ва ҳикоялар*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2006

Ушбу китобга ҳаваскор ижодкорнинг қисса ва ҳикоялари киритилган. Ёш қаламкаши инсоний ирода, меҳр-муҳаббат каби мангу туғиларни тилга олади, ҳаёт сўновларини мардона енганига чорлайди. «Бир умр қиссаси» асари сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

Таҳрирчилар:  
Азиз САИД,  
Ўзбекистон ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси

Аҳрор АҲМЕДОВ,  
Ўзбекистон журналистлар  
уюшмаси аъзоси

Масъул муҳаррир  
Зебо МИРЗАҲАКИМОВА

HD 32451  
383

ISBN 5-633-01921-0

© Малика Даминова, «Бир умр қиссаси».  
«Янги аср авлоди», 2006 йил

2006

Alisher Navoiy  
nomidagi

А10469 Ўзбекистон МК

## БИР УМР ҚИССАСИ

### 1

— Дилфуза, даданг қаерда ишлайдилар? — Нозима дугонасидан ийманибгина сўради.

— Дўконлари бор...

— А, ишлари яхши экан...

Нозима атрофга аста назар ташлади. У дугонасининг уйига тез-тез келиб турса-да, ҳар сафар уй жиҳозларидаги янгиликни кўрарди. Дугонасининг ота-онаси, уйларидаги жиҳозларни янгисига алмаштириб туришни яхши кўришарди. Ахир оилавий эҳтиёжларидан ортгани, ҳамёнлари кўтаргани учун ҳам шундай қилишарди-да. Шифти баланд, кенг хоналарга кўзни қамаштирувчи турфа рангларда товланувчи биллур қандиллар осилган. Гули ўйиб ишланган ранго-ранг ҳарир пардалар, деразадан кираётган майин шабаданинг мусиқасига ўйнаётгандек тебранади. Хуллас, ҳамма уйлар саранжон-саришта, уй бекасининг дид-фаросатига тасанно айтишинг турган гап.

Нозима беихтиёр чуқур хўрсинди. Кўнглида шундай савол туғилди. “Биргина эркакнинг топгани шундай кўпмикан? Шунча нарсани қандай уйдлаш мумкин? Ҳайронман. Онаси эртаю кеч уйда рўзгор юмушлари билан банд. Ҳа-я, эркакнинг пулида барака бор, деб бежизга айтишмаган. Хосият бувижониси Нозималарникига келганида рўзгорларини кўриб: «Аёл этагида ташмалаганида эмас, эркак қўлтиғига қистириб келганида барака бўлади», — деганини эслаб қолди. Дарвоқе, шундай, қари билганини пари билмас.

— Яна янги кўйлак олиб беришдими? Жуда чиройли экан, — Нозима дугонасининг лоладай қизил, этаги оқ хол-хол

гулли янги кўйлагига суқланиб қаради. Жиккаккина Дилфузага кўйлак ёпишганди-кўйганди.

— Ҳа, дадам кечагина олиб келдилар, — Дилфуза кўзгуга қараб ўзини кўз-кўз қилди, кўйлагини этагидан тутиб гир-гир айланди. Тинч ва бекаму кўст ўтаётган болалигидан мамнун эканлиги унинг юз-кўзидан шундоққина билиниб турарди.

Ҳа, Дилфуза жуда бахтиёр эди.

— Боғча болаларига ўхшаб талтаймасдан, сочларингни тезроқ йиғсанг-чи, — Нозима деворга осибдиқ соат милларига кўзи билан ишора қилди.

Ҳар ойда янги кийим-а, ҳавасданми, ҳасадданми, унинг кўзларига ёш келди. Дугонаси сезмасин деб кўз ёшларини базўр тутди. Нозима нам кўзларини олиб қочар экан, гапни бошқа мавзуга бурди.

— Ўзингни кўзгуга солиб имиллаб кийингунингча кеч бўлади. Туғилган кунга ҳаммадан кейин борадиган бўлдик. Энди нима қилдик бориб?

Шу гапдан сўнг Дилфуза шошилди. Икки дугона тез йўлга тушди. Фарзандларининг босган ҳар бир қадамини қаттиқ назорат қилиб, уларни еру кўкка ишонмайдиган Лаълихон опа ортларидан жавраб қолди.

— Соат 10 ларда сени олиб келгани даданг машиналарида борадилар. Кўчага ҳушёр бўлиб тур.

Дилфузанинг онасини кўрган инсон ҳеч олти боласи бор жувон демасди. Чунки Лаълихон опанинг қош-кўзидан сурма аримайди. Ҳар ойда эринмай сартарошхонада сочларини турмаклаб, юзига оро, тирноқларига зеб берувчи бу аёлга кўпгина аёллар ҳавас билан қарашарди. Янги чиққан матодан ҳаммадан олдин дид билан кўйлак тиктириб киядиган Лаълихон суҳбатида бўлишни истаган қўшни аёллар кўп. Юзига ажин тушишидан, ўзини тўлишиб кетишдан асрайдиган бу жувоннинг ўзига яраша кибру ҳавоси ҳам бор. У ўзига ўхшаганлар билан кирди-чиқди қилар, тўй-ҳашамларга ҳам қўшниларни танлаб айтарди.

Кун шомга етди. Икки дугона илдам одимлаб кетмоқда эдилар. Йўлни қисқароқ қилиш учун кечаси бир оз хилватроқ бўлса-да, тутзор ёқалаб мактаб ҳовлисидан синфдошлари Рустамларникига олиб борувчи йўлни танлашди. Дилфуза дугонасининг қўлтигидан маҳкам тутганча, бутун синфда бўлган

воқеалар ҳақида оғзи тинмай гапириб борарди. Нозиманинг эса қулоқлари биттан, оғзига талқон солиб олгандай жим. У чуқур хаёллар уммонига ботган. Яна ўша дилни ўртайдиган эски ўйлар, алам унинг қалбини тирнайди. «Менинг дадам ҳам биз билан яшаганларида, ўйимизга қайтиб келганларида эди... Хабар олмай қўйганларига беш-олти йиллар бўлди чамаси. Дадамнинг кўринишлари қандай эди-я? Нега ҳеч тасаввур қила олмаёпман-а. Ўшанда эндигина қўлига қалам тутишни ўрганаётган қизча эдим. Бутун эса юқори синфда ўқияпман. Дадамни лоақал бир маротаба узоқдан кўрсам эди... Олдиларига югуриб бориб: “Ўйимизга қайтиб келинг” деб ялиниб-ёлворармидим. Бўйниларидан маҳкам қучганча, қайтиб қўйиб юбормасдим, йўқ. Балки шундан сўнг меҳрлари уйғониб уйга қайтсалар... Шунда ойиси «рўзғор қилишим керак» деб эртаю кеч ишламай, Дилфузанинг ойиси каби уйда ўтирган, Нозима бугунгидек қўшни қизнинг кўйлагини кийиб юрмаган бўлармиди. Бир кун келиб орзуларим армонга айланиб қолмаса эди дейман. Дадам, ойим, укаларим бир дастурхон атрофида туғилган кунларни нишонлаб, байрамларда боғларга сайр қилгани борардик. Ана ўшанда дадам олиб берган кўйлақларини кийиб, қўлларидан маҳкам тутганча дугоналарим олдида бошимни тик тутиб, отажонимни синф мажлисларига олиб келардим. Ҳаётимдаги ана шундай бахтли лаҳзаларни кўп бора хаёлимда тасаввур қилганман. Мана, мен ҳамон шундай кунларни интизорлик билан кутаяпман. Дадам бизни соғинсалар, ўйимизга албатта қайтиб келишларига ишонаман. Биз дадамни кўмсаб, уларни эслатиб турувчи ягона суратлари билан онамга билдирмай, ўзимизча сўхбат қураимиз. Дадам шуларни билармиканлар-а, унда нега ...

— Нозима, гапирсанг-чи? Нега индамайсан?. Нималарни ўйлаёпсан ўзи? Дарсларда ҳам хаёл сурганинг сурган. Ўзи бирортаси юрагингдан уриб қолганми дейман-а.

— Йўқ. Ҳеч қачон кечирмайман, келсалар, уйга киритмайман.

— Нималар деяпсан?

— Ҳеч нарса, ўзим, — Нозима тезда фикрини жамлаб олди. Дилидаги сўзлар беихтиёр тилига кўчганидан ҳижолат чекди.

— Дадамни айтаман, анчадан бери уйга келмайдилар. Ҳаммамиз соғинганмиз. Айниқса, синглим Нафиса дадамнинг

суратларини қучоқлаб, йиғлаганча уйқуга кетади. Укам Ҳикматулла уларни эслай олмайди, дадам кетганларида у бешиқда эди-да. Ота-онам ажралишган... — Нозиманинг сўнги сўзлари бўғиздан базўр чиқди.

— Сенга бир гап айтайми? — Дилфуза дугонасига махфий бир хабарни етказмоқчи бўлди-ю, яна ўнғайсизланди. Қўнғироқдай овози пасайиб қадами секинлашди.

— Нима гап экан, айтақол, — Нозиманинг қизиқиши ортиб дугонасининг билагидан тутди.

— Дадам билан ойим гаплашаётганларида ўз қулоқларим билан эшитдим. Дадангнинг пули кўпайиб, ёмон аёллар билан кетиб қолган эмишлар. Яна ойим «болаларининг уволи тутиб, бир кун бу киши кўр бўлади», дедилар.

Эски «хушхабарни» дўст-душмандан, қарию ёшдан эшитавериб, дийдаси қотган Нозиманинг тишлари ғичирлади. Юзини ювиб тушаётган шашқатор кўз ёшларни кафти билан артди. Беихтиёр бармоқлари мушт бўлиб тугидади. Лаблари алам ва нафрат билан пичирлади:

— Бу дунёда меҳрсиз, қаҳри тошдан қаттиқ инсон дадам бўлсалар керак!

\* \* \*

Тун. Сон-саноқсиз юлдузлар чарақлаб кўкка ҳусн бахш этган. Чигирткалар чириллайди, ҳовуздаги қурбақалар қуриллайди. Аҳён-аҳёнда хураётган итнинг овози демаса, тунга сукунат ҳоким. Нозима туғилган кундан қайтиб ҳовлидаги супага солинган ўрнига ётди. Қулоқлари остида уни уйларигача машинасида элтиб қўйган Дилфузанинг дадаси қизини «попук қизим», «она қизим», деб эркалашлари жарангларди. Жиққа ёш кўзларини мовий осмонга тикканча ўйга ботган Нозима ўзига-ўзи савол берди.

Нега унинг дадаси Дилфузанинг дадасига ўхшаган эмас экан-а? Нега унинг дадаси уларни ташлаб кетди? Кўзлари қандай қийдийкан? Фарзандларини, қадрдон уйини ташлаб кетишга нима мажбур этган экан? Фарзанддан ҳам ширин нима бор эканки, у муқаддас саналган оила эшигини қарсиллатиб ёпишгача олиб борса инсонни. Бу оламда яна

қандай қўним бор эканки, эркак киши кичик ватан деб аталмиш муқаддас оиласидан кечиб юборса.

Нозима шу тобда кўкси тўлиб, фарёд кўтаргиси келди. Ёстигини маҳкам қучоқлаганча ўқсиб-ўқсиб йиғлади.

Уларнинг оиласи бузилиб кетишига ким айбдор ўзи?! Нозима беихтиёр барча воқеаларни кўз олдига келтириб, уларни ҳақ-ноҳаққа сараламоқчи бўлди. Хотиралари бирмабир кўз ўнгидан ўта бошлади: дадаси ичиб келиб тўполон қиларди, арзимаган нарсага баҳона топиб жанжал чиқарарди. Дадаси онасига қўл кўтарганини, хўрлаганларини кўп кўрган. Энг аянчлисиси шу эдики, дадасини жони-дилидан ҳам ортиқ кўрувчи Нозима, уйда онаси йўқлигида отаси Зузу, Юлдуз исмли аёлларни уйга эргаштириб келганидан хабардор, лекин барибир уйга дадаси келган куни хонадонлари қувончга тўларди. Тўғри, уларнинг рўзгорларида егулик қолмай, қўшнидан чиқадиган бир коса овқатга, бувилари кўтариб келадиган нону қандга илҳақ бўлиб ўтиришган кунлари кўп бўлган. Аммо болалар учун қоринлари тўқ, тансиқ таомлар пиширилган, кунлар эмас, икки қўли бўм-бўш бўлса ҳам уйларига дадалари кириб келган кун расмана байрам саналарди. Чунки оталари ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса боса олмаслигини болалар яхши ҳис қилишарди. Кечалари ухламай, йиғлаб чиқадиган оналарининг ҳам айнан шу куни юзига табассум югурарди.

Нозима беихтиёр “уф” тортди. Кўнглидан шундай ўйлар ўтди. Онам чидасалар бўларди-ку. Оч ўтирсак ҳам майли эди-я. Дадам айланиб-айланиб барибир уйга қайтиб келардилар-ку. Шунинг учун ажралиш шартмиди?! Ахир онам биз учун дадам қилган ёмонликларни кечирсалар бўларди-ку. Бунчалар мағрур бўлмасалар. Отамдан ажралиш билан турмушимиз яхши томонга ўзгаргани йўқ-ку. Етишмовчилик, ночорлик ҳамроҳ бўлган турмушимизга энди тирик етимлик ҳам қўшилди. Тўғри, онам адоқсиз калтаклару беҳисоб ситамлардан қутулдилар. Энди эса кичкинагина жуссалари меҳнатдан, бошлари таъналардан эгилиб бормоқда.

Вақт ўтиб улғайгач турмушга чиқсам, фарзандларим учун оиланинг барча қийинчиликларига чидайман. Фарзандларим мендайин отасиз ўксинмасликлари учун ҳам сабр билан яшайман. Нима бўлса ҳам мен учун уйда «ота» деган табаррук зот яшаса бўлгани. Нозима ичида ўзи-ўзига сўз берди.

Бирдан қўшни ҳовлидан болалар йиғиси, Сабоҳат опанинг фарёди эшитилди. У бир зумда сертак тортди. Тўрақул ака ичиб келиб «ароққа пул топиб бер», деб яна жанжал қилган шекилли. Нозима қўлига пиёла тутқазиб «Бир қултум бўлса ҳам ароқ топиб кел», деб ярим тунда хотинини кўчага оёқ яланг қувиб солувчи Тўрақул аканинг совуқ башараси-ю, Сабоҳат опанинг илтижоли қарашларини эслади. У «Мен турмушга чиқсам барча азобларга чидайман», деб қасам ичиб катта кетворди чамаси. Соҳибанинг дадаси ичиб тўполон қилавериб, Сабоҳат келинойини дўппослайвериб оқибати нима бўлди? Соҳиба иссиқ овқатсиз, кир-чир укалари билан уйда қолиб мактабни ҳам ташлаб юборди. Дадаси эртаю кеч маст-аласт кўчада лойга булганганча думалаб ётади. Онаси бечора касалманда бўлиб қолган. Кунни кўпинча касалхонада ўтади. Эшиклари тагидан «тез ёрдам» машинаси аримайди. Отаси ароққа пул топади, аммо болаларнинг китоб-дафтарига орттирмайди. Қўшниларнинг «Соҳиба ана шу тўс-тўполонлар оқибатида дудуқ бўлиб қолган», деб пичир-пичир қилишларида жон бор. Маҳалла, қариндош-уруғ улар орасига тушавериб чарчади. Участка нозири келиб неча марта «эрингизни олиб кетаман», деса Сабоҳат опа «Яхшими, ёмонми, болаларимнинг отаси» деб унамади. Эрини ўн беш кун «ўтириб» чиқишини дўст-душман одаида ор билди.

Нозима юлдуз тўла осмонга тикилганча хаёллари чалкашиб кетди. Болаларим отасиз қолмасин деб чидаган Сабоҳат опанинг аҳволи шуми? Нозима ўйлаб-ўйлаб, хаёллари тубига етмади. У одатдагидай яхши кунларга умид қилганча уйқута кетди.

Ёнгинасида ётган, дала юмушлари, турмуш ташвишларидан чарчаган онаси аста хўрсинганини у сезмади. Онасининг бошидан ўтган не-не азобли кунларни, хўрлигу ситамлар, қалб изтиробларини бола қалби билан яхши англай олмаган Нозима хиёнат қанчалар аччиқ эканлигини билмасди.

## 2

— Вой дод, мусулмонлар, шўрим қуриди! Уйимга ўт кетди! Яхшилар ёрдам беринглар...

— Нима? Нима бўлди? — Нозима қаттиқ фарёддан уйғониб кетди. Сапчиб ўрнидан турди. У атрофга гангиб қаради.



Тушими бу ё ўнгими? Нозима не кўз билан кўрсинки, уйлари қарс-қурслаб ёнар, хоналар қип-қизил аланга ичида қолган эди. Шу пайт унинг кўзи ўнгида аланга ичида бир қоғознинг буралиб-буралиб ёнганини, сўнг кукунга айланиб бораётганини кўрди. Бу — отасини эслатиб турувчи ёлғиз сурат...

Атроф-теваракдаги одамлар тобора кучайиб бораётган ёнгига челақлаб сув сепи бошлади.

— Нозима, укаларингни нарига олиб бор! — онаси даҳшат ичида қичқирди. Нозима гарангсиб қолган укаларини етаклаганча ҳовли этагидаги қари ёнроқ панасига ўтди. У бирдан додлаб йиғлаётган укаларини овутишга сўз топа олмай, даҳшатдан лол қотган эди.

Ҳали ичимлик суви ҳам етиб келмаган бу қишлоқдаги ягона ариқдан сув ташиб келиш анчагина вақтни олди. Аланга эса тобора кучайгандан-кучайиб бормоқда эди. Буралиб авжига олаётган олов ёнига ҳеч кимни йўлатмай, вишилаганча иссиқ захрини соча бошлади. Кечагина бўёқдан чиққан, ҳали ўткир ҳиди анқиб турган хоналарга олов шиддат билан ўрмалади. Шу дамда ҳеч ким хаёлига келтирмаган иш юз берди. Моли куйиб, жони ҳалак бўлаётган она «ул-бул буюмим омон қолар, кўтарганимча олиб чиқарман», деб хаёллаганча ўзини аланга ичига урди. Уни ушлаб қолишга ёнидагилар ҳам улгурмай қолишган эди. Қора тутун орасида шарпаси йўқолган онаизори ҳаракатини кузатиб турган тўрт бола ҳовлини бошига кўтаргудай уввос солиб, додлашди. Ақли етганлари қўшни амакилар қўлига ёпишиб «Онамни олиб чиқинг, ёрдам беринг!» — деб тиз чўккудай ялиниб-ёлворишди. Нима бўлишини тасаввурларига сиғдира олмай турган одамлар орасидан бирор қаҳрамон топилмади. Тўғри-да жон ширин, ҳаёт бўлса — ғанимат. Гўдаклар ноласи ҳаммаёқни ларзага солди. Қўшни аёллар тақдирга тан бериб, болаларни юпатишга тушганларида орадан бир зум ўтмай, қоп-қора тутун орасидан икки қўлида чала ёнган дераза пардани юлиб олган она қайтиб чиқди.

Димиққан нафасини ростлай олмай ўқчиб-ўқчиб йўталаётган она беш-олти қадам ҳам ташлаб улгурмай ерга чўккалаганча унсиз ингради. Тўзгиган сочлари куйиб, оловнинг қайноқ тафтидан юзлари пуфак бўлиб кетган онасининг ночор аҳволини кўрган Нозима югуриб келиб уни маҳкам қучоқлади.

— Нега ундай қилдингиз, онажон! Бизга раҳмингиз келмадими? Сизга бир кор-ҳол бўлса, биз нима қиламиз? — Нозима унсиз йиғлаётган онасини елкасидан қучди. Титраётган қўллари билан онасининг юз-кўзларини силаб, жизғанақ бўлиб кетган сочларини йиғди. Онасининг пуфак бўлиб куйган юзларига қаради. Ўзининг ёрдам беришга чорасиз эканлигини англаб, йиғлаб юборди.

Атрофида гирдикапалак бўлаётган тўрт қора кўзининг меҳрибонлигини кўрган она олов ичига киришдай қалтис ҳаракатининг оқибати нималарга олиб келишини энди фаҳмлади. Тақдирга тан берди. Қўлларини кўкка кўтарганча нола қилди:

— Бизга шу кунларинг ҳам бормиди, Яратган эгам?! Ҳаёт нега бунчалар бешафқат экан-а. Худойим, норасидаларимга раҳминг келсин! Синовларинг бунча аччиқ бўлмаса...

Шум хабар бир зумда қишлоқ бўйлаб тутундек тарқалди. Ярим тун бўлишига қарамай, текин томошага тумонат одам тўпланди. Майкачан эркаклар, шиппаксиз хотинлар, иштонсиз болалар... Гуриллаб ёнаётган аланга қоронғи тунни ёритиб юборганди. Аланга тили яқинига йўлаганларга ютиб юборгудай ҳамла қиларди. Қўлларини кўкка чўзиб қудратини кўз-кўз қилаётган аланга важоҳати нималарга қодирлигини намоён қилиб турганди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай хоналардаги қўш телевизор кетидан музлаттич, электр асбоблари гумбурлаб портлади. Гумбурлаш зўридан том биринчи қаватга, сўнг ертўлага устма-уст қулади. Оловнинг қайноқ захридан том устига қоқилган шиферлар ёрилиб ҳар томонга отила бошлади. Ёрдамга ошиққан қўшнилари ноилож, таслим бўлиб чеккага ўтишди. Ўт балоси олдида бандаси ожиз эди.

Кечикиб келган ўт ўчирувчилар машинаси ёниб култепага айланган, кечагина тўрт етимга бошпана бўлган уйнинг сўнгги алангасига сув пуркашди.

Болааларнинг топармон-тутармон Хосият бувижониси қизига сеп қилиб берган кўрпалар, яшик-яшик зарҳалли чинни асбоблар, чет элнинг қимматбаҳо уй жиҳозлари-ю, тилла тақинчоқлар кул орасида ном-нишонсиз йўқолди.

Нозиманинг онаси бисотидаги буюмларни саранжом қилиб, артиб-суртаётганида кўзи қувониб, “бу асбоблар мендан ортиб, сенларга ҳам бемалол етади”, дерди. Ота-онаси сепида қилган

барча буюмларни авайлаб тутган онаизор «ҳеч бўлмаганда фарзандларимга берадиган асбоб билан чинни буюмларим тайин турибди» деб енгил тортарди. Афсуски, бандасининг айтгани эмас, Яратганнинг амри вожиб бўларкан.

Ўт ўчирувчилар ўзларича нимааларнидир кавлаб, куллар ичини тимирскилаб ёнгин сабаби электр симининг нотўғри туташуви деб, «ташхис» қўйишди. Улар маконларига қайтиш учун машиналарини юргизганларида тонг ёришиб, қуёш аллақачон бош кўтариб бўлганди.

Шу кун — 20 август Нозиманинг хотирасида бир умрга муҳдиш сана сифатида муҳрланиб қолди. Онасининг тунги кўйлақда телбалардек унсиз йиғлаши йиллар ўтса ҳам унинг кўз олда кечагидек гавдаланиб туради. Нозима эндигина ўттиз беш баҳорни кўрган онаизорининг бевақт оқ оралаган сочларига, эрта ажин тушган сўлгин юзига термулар экан, шундай қора кунларда улар ёнида турмаган, бирор маротаба хабар олишга ярамаган бир инсонни эслади. Ўшанда у бола қалби билан ўзича фол очганди. «Дадам уйимиз ёниб, кўчада қолганимизни эшитсалар чопиб келадилар, бизни олиб кетадилар», деб умид қилганди. Кўчалари томон бирор машина бурилса, уйлари олдада нотаниш одам кўрингудек бўлса, кўзлари олазарақ бўлар, юраги тапир-тупур уриб кетарди.

Нозима хотирасида йиллар давомида тобора хиралашиб бораётган отасининг қиёфасини қачонлардир ўчиб кетишидан қўрқиб яшади. Кунлар кетидан кунлар қувганча ўтиб бораркан, йиллар мобайнида кўрмаган дадаси тўсатдан келиб қолса таний олмай қолишидан хавотирга тушарди. У бора-бора умидлари саробга айланиб бораётганини сезди. Шунда Нозима нафрат ва алам билан ичида қайта-қайта такрорлади; «Бу дунёда энг меҳрсиз, тошбағир инсон менинг отам бўлса керак».

— Нозима, челақда сув олиб кел. Мен самоварга ўт қалайман. Укаларингни қорни очиб кетди. Ҳаммамиз ўтириб чой ичиб олайлик.

Онаизор фарзандлари тамадди қилиб олиши учун супага жой ҳозирлади. Хайриятки, хабар олиш учун ҳовлиларига кирган қўшниси Фарида, ҳозиргина тандирдан узилган иссиққина кулча нон олиб чиқди. Бўлмаса онаизор шу дамда қаёққа борарди, қайси қўшни эшигини минг хижолат билан қоқарди. Ахир уйда на бир егулик, на бир кийгулик кийим

омон қолди. Бутун уларнинг эгниларидаги бир сидра кийимлари билан тағларидаги тўрттагина кўрпачаларидан бўлак ҳеч вақолари йўқ.

Онаизор нонни ушатар экан, фарзандларининг жони омон қолганлиги учун ичида худога шукроналар айтди. «Жон омон бўлса, қолгани топилади», деб синиқ кўнгилларни кўтарди. Аслида ўзининг ичига чироқ ёқса ёришмайди. Эҳ-ҳе, озмунча нарчасидан айрилдими бу кеча. Уларнинг ўрнини тўлдириш бева бошига осонми. Эри билан ажрашганидан бери тўрт боласининг устидан, қорнидан орттириб шу вақтгача бирор бўжом сотиб олмаганди.

Нозима самоварга сув келтириш учун пақир излаб юрарди. Кечагина қўшнилари қўлма-қўл қилаётган челақлар қаерга кетди экан-а. Рўзгорларида челақлар кўп бўларди-ку. Ҳар бурчакка кириб чиқаётган Нозиманинг нигоҳи онасига тушди. У шу дамда онасининг иродасига яна бир бор тан берди. Кечаси саросимада кўрган онаси қайда-ю, ҳозиргиси қайда. Онаизор у ер-бу ердан ҳали ҳам тутун буруқсиб турган, сув сепилавериш балчиққа айланган кулни аравага ортиш учун бор ғайрати билан шай турарди. Тундаги қўрқув, нажотсизлик ўрнини келажакка умид, яхши кунларга ишонч туйғулари эгалаб олганди.

— Ойижон, пақирларни топа олмаяпман-ку...

— Кеча терган шафтолиларни бозорга олиб бориб сотиш учун бор пақирларга жойлаб қўйгандим, яхшилаб қара-чи.

Нозима олди очиқ ўчоқ бошига кўз югуртириб чиқди. Кичкинагина ўчоқ, балонли газ, идиш-товоқ қўйиладиган шкаф. Нозима челақни қидириб, ҳар эҳтимолга қарши уч-тўрт қўшниларикига ҳам зинғиллаганча чиқиб келди. Бирорта ҳам челақ топа олмади. Унинг хаёлига келган тахмин ҳақиқат эди.

Наҳотки бошларига шундай мусибат тушганини кўрган одамлар...

Нозима йиғламоқдан бери бўлиб бақирди.

— Ойижон, шафтолилар ҳам, челақлар ҳам йўқ!

### 3

Уйлари ёнмасидан олти йил аввал Нозиманинг онаси эридан ажралишга қарор қилганда эндигина ўттиз ёшга чиққанди.

“Москва — Тошкент” йўналиши поездида проводник бўлиб ишлаётган эри, «командировкага кетдим», деб ойлаб йўқ бўлиб

кетганида, у ҳақиқатни кўнгли сезса-да, ўзини эри тўқиган ёлғонларга ишонтиришга ҳаракат қиларди. Бир куни Мария исмли рус қўшниси, «Сиз эрим бошқа шаҳарда юрибди, деб ўйласангиз хато қиласиз. Кечагина уни қўшнимиз Сайёра билан кафедра кўрдим», деганда ҳам «адашгансиз», деб уни енгди. Бу билан ўзини ўзи алдади, гумонли кўнглини овутди. У Москвадан келган телеграммани ўқиб бирдан сергак тортди. Телеграммада: «Дорогой Зикрилла! Мы с нетерпением ждём тебя. Поздравляю с рождением дочери. Твоя Надя», дейилганди.

Нима? Қизчалик бўлиптими? Наҳотки у ёқда хотини бўлса?

У бу ерда нонга пул топиш учун қўшнилар уйини супуриб, кирини ювиб, тўрт боланинг қорнини қандай қилиб тўйдиришни ўйласа-ю, у ерда эри...

Хиёнатлар зарбидан чарчаган аёл елкасида «бева», деган маломатни кўтаришга журъат топиб, судга ариза ёзди. Иш билан танишиб чиққан судья: «Ё шаҳарда жойлашган кўп қаватдаги уч хонали уйни, ё дала ҳовлини танланг», деди.

Сингилларининг эри билан ажралиши тўғрисидаги қарорини эшитган ака-опалар бир тўхтамга келиш учун ота ҳовлисига тўпланишди.

Шаҳарнинг Себзор даҳасида жойлашган кичкинагина ҳовлида болалар тупроқни кўкка кўтаргудек, тўполон қилишади. Олтита опа-укаларда бештадан бола бўлса, уларнинг бир жойга йиғилишини тасаввур қилаверинг. Яхшиям катта келиноий сув тошса тўпигига чиқмайдиганлар хилдан. Рус мактабида ўқиган, ғийбат, фисқу фасодни билмайдиган Мукаррам келиноий болаларга ҳеч қаттиқ гапирмасди. У «мажлис залга» кириш ҳуқуқига эга эмаслиги, кейин оиланинг ички ишларига аралашини хоҳиши йўқлиги учун ҳар галгидак ошхонада ўрмалашади. У одатини қанда қилмай, қайин-бўйинлар кўнглини овлаш мақсадида тансиқ таомлар тайёрлаш билан банд.

Айвонда тизилиб ўтирган жигарларнинг боши қотган, сингиллари ўзи орқасидан эргаштириб юрган тўрт етими билан қаёқда яшайди? Ажралаётган сингилларининг ҳоҳишини тинглаган ака-опалар бир-бирларига кўз қирларини ташлаб ўзаро келишиб олгач, сўзни фарзандларнинг каттаси, ота ўрнига қолган Аҳмадга беришди.

— Далада қўлинг қосов, сочинг супурги бўлади. Шаҳардан анчагина узоқда жойлашган қишлоққа бориб сендан хабар олиб

туриш бизга оғирлик қилади. Шаҳар, қаерга бормоқчи бўлсанг, ҳар қадамда транспорт бор. Домда бир амаллаб кунингни кўрарсан.

Сингил акаси гапларини жимгина тинглади. Сўнг ўзининг режаларини айтди:

— Дала, тоза ҳавода болаларим яйраб, соғлом ўсади. Деҳқончилик қилиб, ердан ризқимни териб ейман. Деҳқончиликда барака бор дейишади...

Синглисининг осонгина қарорга келишидан жаҳди чиққан ака гапни чўрт этиб узди.

— Нималар деяпсан, мактабни аъло баҳоларга, институтни қизил дипломга туталлаб, деҳқончилик қилмоқчимисан? Кетмон чопиш осон иш эканми шаҳарда ўстан сендай бегойимларга? Қўлингдан келадиганини қилсанг-чи. Институтда «ўзимизда дарс беришга қолинг» деб деканларинг неча марта таклиф қилди-ку. Сен ҳоп кўтариб, офтобда қорайиб ер чопмоқчимисан? Эс-ҳушингни йиғиб ол. Оилангдан тинмай, бизни шунча кўйдирганинг ҳам етар. Ёлғиз бошинг билан чўлда деҳқончилик қиламан деб катта гапирма.

— Деҳқончилик қилиб, болаларимни меҳнатта ўргатаман. Уларни амаллаб эмас, бекаму кўст ўстирмоқчиман. Кейин Ҳикматилланинг шамоллаши кундан-кунга зўрайяпти, касалининг асорати мени хавотирга солиб қўйди. Врачлар тўрт томони бетон билан ўралган уйда яшаётган болангизга малҳамлар таъсири яхши бўлмайди, дейишди. Кўпроқ тоза ҳаво, иложи бўлса, ҳовлида яшашни тавсия қилишди. Мен болаларимнинг соғлигини ўйлашим керак. Кувингиз билан келиша олмай юрган вақтимизда, мени қўшни хонадалигимдан фойдаланиб, ҳали ёшига етмаган Ҳикматиллани олиб ҳочиб кетгани эсингиздами?. Эртадан кечгача оч-наҳор гўдакни қариндош уруғ ва танишлариникига олиб бориб, «болани хотиним эмас, мен боқяпман», деб кўксига ургангани эшитиб, ҳайратда қолгандим. Машинада юравериб, очликдан тинкаси қуриган боламни ярим тунда эшик тагига ташлаб кетганди ўшанда бемехр. Машина ойнасида кирётган шамол зўридан болагинамнинг қулоқ пардалари йиртилиб, икки томонлама зотилжамга чалинди. Шу касали сурункали хуруж қилади. Совуқ тушди дегунча болагинамнинг қулоқларидан йиринг оқади. Докторлар «Болангиз ҳали ёш ва нимжон, катта бўлгач,

қулоқларини албатта операция қилдилинг. Акс ҳолда эшитиш қобилияти йўқолади», дейишди. Дала ҳовлида яшаш фарзандларим соғлиги учун ҳам зарур деб ўйлайман.

— Мағрурлигинг, ўжарлигинг сира қолмади-қолмади-да. Сен ҳам аёлман деб бундоқ, бошингни эг. Болаларинг ҳали ёш. Улар эрта-индин катта бўлишганда қорнини тўйдириш, устини бутлаш осон эмас. Ҳозир оғзига бир кафт ташласанг тўяди, бир мушт берсанг айтганингга кўнади. Катта бўлиб, бўйи бўйинга етганида, буларни эплаш осон бўлмай қолади. Ҳали ҳам кеч эмас. Гапимизга қулоқ солиб яхши кунларингни эслагин-да, эринг билан яраш. Биз сенга ёмонликни раво кўрмаймиз.

Опасининг ҳар сўзига урғу бериб баланд овозда айтганлари Назиранинг юрагига қаттиқ ботди. Ахир, куёвларининг чидаб бўлмас қилиқлари ҳақида опасига неча марта йиғлаб гапириб берганди-ку. Бу гаплар опасининг ўнг қулоғидан кириб, чап қулоғидан чиқиб кетган экан-да.

— Кечирининг, сабринг ҳам чегараси борми?! Пичоқдай қадаладиган жанжаллар етарли эмасми?! Жоним ҳиқилдоғимга келди. Бас, етар. Ажрашдим, бўлар иш бўлди. Бу ёғини пешонамдан кўраман. Алдоқчи, хиёнаткор отанинг фарзандларимга бош бўлишини истамайман. Бу можароларни кўрган икки ўғлим эрта келиб, отаси юрган кўчаларни оралашини хоҳламайман. Икки гулдай қизимни бети қотиб улғайишига чидаб туролмайман. Бу наҳс ишларнинг касофати кимга? Бегуноҳ фарзандларимга уришини кутайми?!

— Қанча аёлларнинг эрлари оиласига хиёнат қилади. Эракк киши кўчаники, йигитчилик-да, айби йўқ. Бир-бирини кечирган оилалар бинойидай яшаб юришибди-ку. Кейин болаларингнинг тарбиясидан хавотир олма. Қайтанга шундай оилада ўсган болалар турмуш қурганида тиниб-тинчиб кетади.

Сўхбатта аралашган опа билибми-билмайми, гапириб қўйди. У нима деса ҳам сингисининг турмуши бузилишини истамасди. Унинг наздида чумолининг ини ҳам бузилмаслиги керак.

Сингил опасининг гапларидан тўтоқиб кетди:

— Нималар деяпсиз, опа? Болаларим ҳаётга бир марта келади. Улар ҳам ўйнаб-кулиб яшаётган сизнинг болаларингизга ҳавас билан қарашади. Бизни деб болаларимнинг подшолик

даври қачонгача ғурбатда ўтади? Мен ва болаларим кўча-кўйдаги гап-сўзларнинг дастидан бош кўтариб юра олмай қолдик. Ўртоқларининг сўроғига жавоб топа олмай йиғлаб келади катталарим. Кичикларим боғчадан келгач, у хонадан бу хонага кириб отасини излайди. Вақти келса қозон қайната олмаслигимни ўзингиз неча маротаба гувоҳи бўлгансиз. Оч ўтирган болаларнинг кўзига қараш, бир ҳафталаб йўқ бўлиб кетадиган дадаси ўликми, тирикми деб хавотирда юрак ютишдан чарчадим. Қачон келиб рўзгоримни қилиб берар экан деб йўл пойлаш жонимга тегди. Ҳавога учувчи ёлғон ваъдалар энди зада қалбимга юпанч бўла олмайди. Қачонгача бир дона буханка нонга пул сўраб, қўшни эшигини қоқаман? Жигарларим ё онам ул -бул кўтариб хабар олгани келиб қолар, деб яна неча йил бешинчи қаватдан йўлга боқаман? Опа, ана энди гапиринг, сиз чидай олармидингиз?

Синглиси ярасини ногаҳон тирнаб қўйган опа бошини чайқади. Пичирлаб куёвини қарғагандай бўлди. Синглисини юпатиш учун сўз топа олмай жим қолишдан бошқа йўл тополмади.

— Ҳозир ажрашмасам, калтакларнинг зарбидан эртага бир жойим майиб бўлганида кеч бўлмасмикан? Тўрт гўдакнинг руҳи синиб, оч қолишлари кўзларимни кўр қилмасмикан? Ахир онаман-ку, ўзимга ачинмасам ҳам гўдакларимга раҳмим келади. Ўн йил сабр қилдим. Яна қанча сабр қилиш мумкин?!

Синглисига раҳми келган опанинг кўнгли бўшаб, кўзларидан ёш думалади.

— Майли, ажралишинга розимиз. Лекин шуни бил, сен она бўлсанг, у ота. Ҳайвон ҳам, қуш ҳам, полапони оёққа турмагунча оғзига икковлашиб емиш тутати. Эринг ота бўлгандан кейин болаларингни иккитасини унга бер. Сен ҳам ўз ҳаётингни ўйлашинг керак. Тўрт бола билан турмушингни йўлга солломайсан. Эринг болаларини боқадими, ота онасига бериб юборадими ё етимхонага топширадими, бу ихтиёри...

— Оғзингизга келганини қайтармай гапираверасизми, опа. Бу нима деганингиз? Тўрт болам — икки оёқ, икки қўлим-ку. Буларнинг қай биридан воз кечаман? Шугиналарнинг руҳини, қорнини ўйлаб отасидан юз ўгирияман-ку. Тамом-вассалом, муҳокамага ҳожат йўқ. Дала-ҳовлига кўчиб ўтаман. Сизларга оғирлигим тушмайди. Мени, болаларимни ер боқади. Дала



ҳовлининг майдони катта. Ерга мевали дарахтлар ўтқазаман, томорқада деҳқончилик қиламан. Болаларим мевалардан тўйиб-тўйиб еб, кўзи тўқ ўсади, орттанини сотаман. Кўз очиб юмгунча, фарзандларим ёнимга кириб кўмаклашади. Уларни меҳнатга ўргатаман.

— Сув бўлмаса, газ бўлмаса у Хиротингда. Синглим, қадамингни ўйлаб бос. Шаҳарда ёнимизда бўласан. У ер узоқ, атига биргина автобус икки соат деганда ўтаркан. Бориб ўша ҳовлинингни кўриб келдим. Ажралсанг на илож, лекин далани зинҳор танлама, — аканинг гапи шундай бўлди.

— Ака, гап тамом. Далага кўчиш тараддудини бошлайман.

Синглисига сўзини уқтира олмаган ака жаҳл билан ўрнидан туриб кетди. Нар и кета туриб, қўлини силтади. Унинг ҳафсаласи пир бўлди. Тўғри-да, маҳаллада ишлаб қанча-қанча оилалар можаросини ҳал қилган, ажралиш ёқасида турган келин-кўёв, қайнона-келинларни муросаи мадора қилишга қурби етган одам ўз синглисига гапини уқтира олмаса. «Ажрашма, от айланиб, бир кун қозигини топади. Эрта-индин эрингга инсоф кириб оилангга қайтади», деган ака синглисига озмунча насиҳат қилдими. Синглисини шаштидан тушириш учун «ўзингдан ҳам ўтса керак, тилинг ёмон сени», деб койиғанлари-чи.

Оиланинг каттаси Аҳмад ака анча ўқувчи, оғир-босиқ эди. У мактабда физика-математикадан дарс берарди. Шундай катта билим даргоҳида ўқувчилар у ёқда турсин, ўқитувчилар ҳам кўз ойнак остидан жиддий боқувчи бу кўзларга тик қаролмайди. Синглиси эса ...

— Чайласигина бор ерда иморат солгунингча сочинг оқаради сенинг. Э, билганингни қил! — шундай дея ака суҳбатта якун ясади. Синглисига насиҳат кор қилмаслигини писанда қилди:

— Сен ўжар барибир айтганингдан қайтмайсан.

Шу-шу йиллар давомида маслаҳат сўраб келган сингилга аканинг жавоби доим тайёр эди. "Билганингни қил!"

Сингил ўз айтганини қилди. Ажралиш жараёни тутагач, судья қарорини ўқиди. У болалари билан дала-ҳовлига кўчиб ўтди.

Тошкент вилоятининг чеккаси Қозоғистон билан чегарадош Рамадан қишлоғи нақ жаннатнинг ўзгинаси. Кенг дала, кўм-кўк экинзорлар... Даладан қайтаётган сигир-бузоқлар подаси, елкасига кетмон ташлаган деҳқонларнинг оғир-оғир қадамлари осуда ҳаётга файз киритиб туради. Атроф сокин. Оёқ боссангиз чанги тиззага чиқадиган сертупроқ кўчалар. Элакдан ўтгандай бу майин тупроқнинг шифобахш хусусиятини билганлар ёз чилласида соябон остига яшириниб оёқларини тупроққа кўмганча ҳузурланиб дарддан форир бўладилар. Куйдиргудай тупроққа кўмилиб оёқлари ва белларидаги азобли бодни даф қилиш йўлини топган шаҳарликлар ҳар сафар ўзларига янги шерик эргаштириб келадилар. Кўёви сотиб олган дала-ҳовли кўчаларида айланган Хосият буви ҳам сингисини Латифа хола билан бирга шундай муолажани қилиш учун қишлоққа кўп келишган. Қани энди ўша дамлар яна қайтиб келса.

Қишлоқнинг ана шундай гаштли дамлари олдидан турмуш муаммолари кўзга кўринмайди. Ўчоқ кавлаб, ош дамлашга нима етсин. Ота-боболардан қолган мерос, ариқнинг сувини тиндириб ичасан, ўрганмаганга қийин, лекин на чора. Тақдирдан нолиган худога ёқмас, дейдилар. Қишлоқликлар бир челақ суту, томорқасидаги экинлар, болаларнинг сурур тўла шўхликларига маст бўлиб яшаб, кўрган кунига шукур қилиб дунёдан ўтади. Чунки улар ҳаётнинг ҳақиқий лаззатини фарзанд меҳрида, ҳалол ризқда, оила жамлигида, деб билишади.

Назира шартта таваккал қилди. Қишлоқда жойлашган ўн саккиз сотихли ҳовлига кўчиб ўтди. ДАН ходими бўлиб ишлаган, кейинчалик безорилиги учун ҳайдалгач, темир йўл вокзалига проводник вазифасига жойлашган эри бу ҳовлини ишхонасидан арзимаган пулга «дача» сифатида олиб қўйган эди. Эри улфатлари билан икки-уч кунлаб шу ҳовлида маишат қилишини қўшнилар Назирага кўчиб келганидан кейин дастурхон қилиб айтиб беришди.

Пули борида икки-учта машина сотиб олиб ўртоқларининг номига ўтказиб қўйган эри болаларни ҳув туширди. Шу боис суд давомида ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам аёл ана шу машиналарнинг бирортасига даъво қилолмади. Анча йил аввал сотиб олинган ҳовли этагига Нозиманинг дадаси қатор шафтоли

кўчатларини эккан, юқори қисмига икки хонали уйни пишиқ гишт билан кўтарганди. Аввалига ҳафсала билан қаралган ҳовлига кейинчалик ҳеч ким келмай қўйди. Қишлоқ шароитини кўрган эр-хотин «ундан кўра каталакдай бўлса ҳам домда яшайверамиз», дейишди. Икки хонали гиштин уйнинг томи омонат ёпилганича қолиб кетди. Ҳеч ким хабар олмай қўйган ташландиқ ҳовлида қўшни болалари ўз уйларида юргандек юришарди. Кўкламда молларни ўтлатиб, пишиқчиликда меваларни еб, чала битган икки хонали уйда пилла етиштирадиган қўшни болаларига тўртта тирик етимини етаклаб келган бева аёл хуш келмади. Равшан аканинг бўйи етиб қолган ўғилларига ҳовли ўртасига тортилган баланд девор ёқмагани тайин.

Нозималар ҳовлига айна боғдаги мевалар қийғос очиб гуллаган баҳорда кўчиб келишди. Ердаги кўм-кўк майсалар устида қувнаб ўйнаётган болаларини кўрган она дала-ҳовлини танлаб тўғри қилганини англади. Баланд қаватли уйда ўсаётган болалар учун бир парча ерда яланг оёқ юрганга нима етсин. Иккита юк машинасига ортилган юкларини тушираётган янги қўшнини томоша қилиб турган маҳалла аёллари «роса бой экан-а», деб пичир-пичир қилишди.

Дастлаб дала-ҳовлида иш қўшнилар чегарасига девор тортиш билан бошланди. Укаси Неъмат опасининг кўчиш тараддудини кўриб ишхонасидан меҳнат таътили олиб, уй хоналарини сувоқ қилди, остонага зинапоя кўтариб, эшик ва дераза ромларни бўёқдан чиқарди. Опасига ортиқча чиқим қилмаслик учун ёлғиз ўзи эрта тонгда келиб то қоронғи тушгунча меҳнат қилаётган ука оиланинг бошқа аъзоларидан оқибатлироқ чиқди.

Уйга кўчиб кирган Назира иморат ёнига қўшимча қилиб емакхона, ошхона қурдирди. Усталар хоналарни қора сувоқдан чиқаргач, уларга жавоб бериб юборди. Қолган ишлар кейинга қолдирилди.

Нозималар уйга, жойлашиб олгунларича куз келди, боғдаги шафтолилар фарқ пишди. Бошланғич синфга қатнай бошлаган Асадулла билан Нозимага мактаб кийим-кечаклари, ўқув қуроллари харид қилиш тараддуида юрган она иккита катта тоғорага терилган шафтолиларни уйиб жойлади-да, учини учма-уч қилиб дастурхон билан тутди. Аёл умрида қилмаган ишини удаалаб, меваларни сота олармиканман, деган ҳадиқда таваккал қилиб бозорга йўл олди.

Автобус бекатига аввал биринчи тоғорани, сўнг иккинчисини базўр кўтариб борган аёл тарози билан халтасини олиш учун уйга кириб чиқаётган эдиямки, узоқдан келаётган автобусни кўриб чопқиллади. Кондукторнинг ёрдами билан тоғораларни автобустга чиқариб олгач, чарчоқдан ҳаллослаганча ўриндиққа жойлашди. Орқа ўриндиқлар остида турган тоғораларга қараб хаёлга толди: «Меваларни уйган эдим-а, силкиниб жойлашганга ўхшайди, анчагина пасайиб қолибди». Чорсу бозорига етиб келгач тоғораларни ерга тушириб олди. Бекатда ўтирган кекса кампир ёнига бир тоғарасини қўйиб, илтимос қилиб топширди-да, ўзи иккинчисини биқинига тираб бозор ичига кириб кетди. Ҳўл мева сотаётган деҳқон қизлар орасидан топган жойига юкини қўйгач чопқиллаганча иккинчи тоғорасини келтирди. Аёл ҳансираганча тоғоралари устидаги дастурхонни ечиш учун чўккалади.

— Нима олиб келдингиз, опа?

— Боғда пишган шафтолиларни териб келдим, сота олармиканман? Оқ шафтолилар майдароқ бўлса ҳам мазали. Пўсти осон арчилади, шундоқ данагидан ажраб чиқади.

Соябон билан офтобдан юзларини пана қилганча помидор сотиб ўтирган қиз ёнидаги аёлнинг далачи эмаслигини дарров англади.

— Бу ерда сизни ҳеч учратмаганман. Шафтолилар ўзингизнинг боғингизданми?

— Ҳа, ўзимнинг боғимдан, ҳозир тугунни ечиб олай, мазасини татиб кўрасиз.

— Бозорда шафтоли кам, савдоингиз яхши бўлади худо хоҳласа. — Дастурхони олинган тоғорага энгашиб қараб турган қизнинг бирданига тили айланмай қолди. Бир тоғорага, бир тепасида ҳайрон турган қизга қараган аёл ҳайрон бўлиб адууқланди.

— Вой, шафтолилар эзилиб, сув бўлиб оқипти-ку. Нега ундай бўлди экан. Тоғорага сараларини жойлаб, эзилиб пишганларини ейиш учун болаларимга ажратиб қолдирган эдим.

— Шафтолилар автобуста силкинса ҳам шундай эзилиб кетмайди. Меваларни кимдир атайин эзиб ташлаганга ўхшайди.

— Йўқ бўлиши мумкин эмас, ким бу ишни қилиб улгуради? Кейин бунақа аҳмоқлик кимга керак?

Нима қиларини билмай турган Назира атрофдагилар муҳоқамасидан қулоғи том битди. Тоғорани устма-уст қилиб кўтарди-да, ичидаги ейишга яроқсиз бўлган мевани чиқинди идишига ағдарди. Бўш тоғорани кўтарганча икки қўли қуруқ уйига қайтди. Дарвоза панасида оналарини бозордан қайтишларини пойлаб ўтирган болалари автобус тўхтаб жойидан силжигач, қораси кўринган оналарига пешвоз югурдилар.

— Айтган ҳамма нарсамизни олдингизми, халтангиз нега бўш, пулингиз етмадими? — болалари бирдан уни саволга тутишди.

— Жим бўлларинг, — у болаларига бақириб берди-да, сўнг уларнинг бошини силади. — Нима бўлганига ҳозир ақлим етмай турибди, — деди.

Эртасига эрталаб кўча эшик олдини сув сепиб, супураётган Назира автобус бекати яқинида яшайдиган қўшниси Улбола женшени кўриб қолди. Елкасида икки пақир сув тўла обкаш илиб олган қўшни дам олиш учун тўхтади. Икки қўлини кўкраклари остида қовуштириб энгашаркан:

— Ҳорманг, қўшни. Бизнинг шароитимизга анча ўрганиб қолдингизми? — деди.

— Раҳмат, ўрганмай қаёққаям борардим. — У қўшниси билан сўрашиб бўлгач, дард дафтари очилиб кетди. Улболага кеча бозорда бўлган воқеани айтиб берди. Қўшни аёл таажубланди, сўнг кеча дераза ойнасидан қараб турганида кўрган воқеани эслади.

— Бекатда турган тоғоралар сизникимиди? Кеча қўшнингиз Равшан аканинг ўғли Собир ўша тоғоралар атрофида айланиб турувди.

Аёл бу гапни эшитгач, жойида ўтиролмай қолди. Шошиб, Равшан акаларникига жўнади. Тасодифми, эшикни Собирнинг ўзи очди.

— Собир, кеча бекатда турган тоғораларга сен тегдингми?

— Қанақа тоғора, нега менга тўхмат қиялпсиз, — деди мактабни юқори синфида ўқийдиган Собир дўриллаб.

— Сенга ҳали тўхмат қилганим-ча йўқ. Нега хавотирга тушяпсан? Кеча қўшнилари сени тоғора атрофида кўришибди.

— Ҳа, мен тоғорангиздаги шафтолиларни оёқларим билан эзгилаб ташладим.

— Нега бундай қилдинг, сенга бир ёмонлик қилганмидим?

— Сиз бўлмасангиз, эрингиз ёмонлик қилган. Зикрилла ака ўртоқлари билан маишатта келганида ов милтиғи билан менинг қуёнимни отиб ташлаган, аламимни олдим.

— Зикрилла акангиз энди менга етти ёт бегонадек, уларнинг қилмиши учун мен айбдор эмасман-ку. Раҳмингиз келмайдими? Ахир менинг тўртта болам бор, уларни боқишим, кийинтиришим керак.

— Қуёнимнинг ҳам тўртта боласи бор эди, — деб Собир эшикни тарақлатиб ёпди.

Унга бошқа гап айтишнинг ҳожати қолмаган эди.

Ҳаёт деб аталмиш ана шу бепоён кўчада, қўшнилар билан танишув ана шу тарзда бошланди. Бундай воқеалар йиллар ўтиб вояга етаётган икки оила фарзандлари орасидаги келишмовчиликларга сабаб бўлди.

Назира бориға шукур қилганча, тўрт фарзанди билан меҳнат қилиб ўзини анча уддалаб олганди. Тўғри қилдими, нотўғрими, ҳар ҳолда ака-опалар сўзларини қулоғига илмай ўзи яшаш йулини танлади. У эридан юз ўтирганида икки йўл орасида қолган эди. У йўлда ҳам, бу йўлда ҳам уни фақат сермашаққат, серзаҳмат меҳнат кутаётганини яхши биларди. У ахир бир кун келиб албатта ёруғликка чиқишига чин қалбидан ишонарди. Шу боис ҳаётда учраган машаққатли тўсиқлардан қўрқмай, мағрур одимлади. Фақатгина ҳаёт деб аталмиш ана шу бепоён кўчада ёлғиз ўзи, тўрт норасидасини етаклаб юришга мажбур этган бир инсонга нафрат ...

Пешонасида бор экан-да, турмуши аста изга тушган бир вақтда тўсатдан уйи ёниб кетди. Бугун ўзи танлаган йўл, ҳаёт кўчасидаги бир харсанг тошга қаттиқ қоқилди. Ахир у анча йўлни босиб ўтганди, меҳнат қилиб, иморат солганди. “Энди болаларим билан яйраб яшайман”, деб ният қилганди. Аёл номи билан усталарга бош бўлиб фишт ташиди, устун кўтарди. Ўн ёшли қизига ўчоқ ёқиб, қозон кавлашни ўргатди. Ўн бир ёшли Асадуллани сомсачиларга хизматта бериб, кунда олиб келадиган бир сўм пулини қувнаб олганди, билганича чин дилдан дуо қилганди. Икки норасидасини етаклаганча боғчага чоппан эди, билар-билмас ғийбат қилувчи аёлларга, бева дея ола қараган фисқу-фасодчиларга қўл силтаган эди.

Бугун не-не азоблар билан қурган уйи аланга ичида қолди. Машаққатлардан бунёд бўлган бошпанаси кўз очиб юмгунча

бир уюм кулга айланди. Кенг дунё кўзларига тор кўринди, киприклари ёшни тутиб турса-да, юрак-бағри қон-қон йиғлади. Шунда беихтиёр хаёлига бир инсон келди. У бу инсонни меҳр билан эсладими, нафрат билан ёдга олдими, ё бир илинж кутиб ёдладими, буни фақат ўзи билди.

## 5

Қиш. Сурункасига уч кун тўхтамай ёққан қор ерни оппоқ гиламдек қоплади. Изиллаб турган қор бўрони кишининг қулоқ-бурнини чимчиб олаётгандай ачиштиради. Яланг, бийдай дала ана шундай изғиринли кунларда кўпроқ билинаркан.

Нозима мактабдан қайтаркан совуқ қоттанидан уйга тезроқ етиб олиш учун катта-катта қадам ташлаб боради. Уйларида ёқишга кўмирлари бўлмаса-да, ҳар тугул танчалари бор. Тагига электр плитаси қўйилиб, устига кўрпа ташланган курси ичига оёғингизни тиксангиз танангизга дарров илиқлик югуради. Аввалига совуқдан тахтадай қотган оёқларингиз қичишиб, ачишгандай бўлади. Баданингизга иссиқ тарқганида бирам ҳузур қиласиз.

Уйга шошиб келган Нозима чой ичиш учун курси устига егулик олиб келди. Танча атрофида қаторлашган укалари ҳар икки-уч сонияда пириллаб турган, уста кўравериб ҳоли қолмаган телевизорда мультфильм томоша қилиб ўтиришарди. Улар қаторига келиб қўшилган Нозима ҳам оёқларини кўрпа орасига суқди. Нозима эндигина нон тишлаб, очикқан қорнини алдашга ҳам улгурмай, эшик чертилгандек туюлди. Ташқаридан эркак кишининг томоқ қиргани эшитилди. Нозима ўрнидан сакраб турди.

— Ким?

Эшикни тутқичидан ташқарига итарган Нозима кўзларини катта очганча ҳайкал мисол жойида қотиб қолди. Рўпарасида соч-соқоли олпоқ, юзидан нур таралаётган бир чол турарди. Елкасига чакмон ташлаган қария бошидаги телпак устида қор учқунлари ялт-ялт этиб товланарди. Чол остона ҳатлаб ичкарига киргунга қадар, Нозиманинг хаёллари ҳар томонга учди. Бу киши Хизир бува, бу ўша, ривоятларда ўқиган, бувисидан эшитган Хизир бува. Гуноҳсиз, ҳалол, яхши одамларга учрайдиган бува-ку. Ахир у Нозима қачонлардан бери кўришни

орзулаб, қалб тўрида сақлаб юрган армонларини ошкор қилишга аҳд қилгани — авлиё бува-ку.

— Уйда ким бор, она қизим?

— Ассалому алайкум, уйда мен билан укаларимдан бошқа ҳеч ким йўқ. Акам ҳали мактабдан қайтмадилар. Онам боғчада ишлайдилар, соат олтиларда келадилар.

Чол алик олиб, бир оз сукут сақлади. Сўнг қўлидаги бўзга ўроғлиқ нарсани бурчакка тиради.

— Мен маҳалла масжидидан келдим, мана бу нарсани сизларга ёрдам тариқасида ажратган эдик. Онанг келса Бекмирза ота бериб кетдилар, деб айтгин.

— Бу нима ўзи? — Нозима қизиқишини яшира олмай ўроғлиқ буюмнинг бир четини очди.

— Кигиз, гиламнинг бир тури. Уйингизга солиб, иссиққина ўтирасизлар энди.

Нозима лол бўлиб қолгандай индамай қолди. Сўнг аста «раҳмат», деди.

— Ҳа, баракалла, бахтли бўл, она қизим. Уйлари куйиб, сизларга жабр бўлди-да.

— Ҳа...

Ҳозиргина жидмайиб турган Нозиманинг юзидаги табассум бир зумда йўқолиб бошини қуйи эгди.

Остонада турган чол қия очиқ эшикдан гуриллаб кираётган изғиринни гавдаси билан тўсди. Эшик тутқичидан тортганча болалар ўтирган қўшни хонага кўз югуртирди. У хаёлчан, аста Нозимага деди.

— Тоға, хола, аммаларинг хабар олиб туришадими?

— Амаки, аммаларимни танитаймиз. Тоғаларим, холаларим уйимиз ёниб кетган куннинг зртасига келиб, бир-бир хабар олиб кетишди. Улар шаҳарда яшайдилар, уйлари узоқ. Шунинг учун кўпда бизникига келаверишмайди.

— Ул- бул ёрдам бериб туришадими сизларга?

Афтидан, қария бу савол болага берилиши ноўрин эканлигини билса-да, сир олмоқчи бўлди. Шу боис ҳар савол бераётганида ўнг кафти билан оғзини пана қилди.

— Билмасам, болаларига кичик келган кийимларни бериб туришади. Ойимлар «Отам раҳматли бўлиб, онам ёлғиз мункиллаб қолдилар. Жигарларимнинг каттагина оиласи бор, улардан гинам йўқ», дейдилар.



Қария пастқам, нурсиз хоналарга қарар экан, чуқур хўрсинди. Нозима чол нима учун бу саволни берганини сезгандай бўлди. Кимлардир мурувват кўрсатиб тортиқ қилган уй жиҳозларининг эскилигидан уялиб, юзлари “дув” этиб қизарди.

— Даданг-чи, даданг хабар олишга келадими?

— Йўқ, келмайдилар...

Чол бу саволни берар чоғи жавоби ўзгача бўлади, деб умид қилганди. Ноўрин саволиданми, қизчанинг отасининг бемехрлигиданми пушаймон бўлган чол бош чайқади.

— Аттанг, аттанг. Оллоҳнинг ўзи отангга инсоф, сизларга сабр берсин, қизим.

«Хизир бува» эшикни оҳиста очди-да, остона ҳатлаб ташқарига чиқди. Ҳовлида серрайиб қолган Нозимага қўлини болаларча силтаб хайрлашди. Оҳиста ғарч-ғурч қадам ташлаб қайтиб кетди. Ҳаял ўтмай, чол ўтирилиб, мулойим кулимсираб:

— Ҳаммаси яхши бўлади! — деб қўйди.

Шунда Нозима чолнинг оғзидаги тўрттагина тишни кўриб жилмайди. Чол гапираётган вақтида «ш» товуши ўрнига нега ҳадеб ҳуштак чалинганини энди фаҳмлади. Юзидан нур ёғилиб турган чолнинг «Хизир бува» бўлишини Нозима чин дилдан истаганди. Унинг юрагида изтиробли сўзлари шунчалар кўп эдики, дил дафтарига ёзиб адо қилолмасди. Ана шу дил сўзларини дадасига кимдир етказишини жуда хоҳларди.

Уйга кирган Нозима бўзга ўроғлиқ кигизни очиб ерга солди. Уйлари ёниб кетмасдан олдин сигир-бузоқ боқилган иккита кичик хоналарни онаси суваб, оқлаб бошпана қилганди. Ҳар кўклам қути-қути пилла қурти етиштириладиган хоналардан Нозиманинг назарида қандайдир қўланса ҳид анқиб турадигандек эди.

Нураб қолган шолча устига солинган кигиз болаларга Хиванинг олди гиламидан ҳам аъло кўринди. Оналари ишдан келгач, Нозиманинг укалари мақтанганча кигиз тарихини сўзлаб беришди. Бу ҳодиса болаларга оламшумул воқеадек таъсир этган эди. Бу мурувват негадир Нозиманинг кайфиятини туширди. Онаси ҳам сукут сақлаганча кундалик уй юмушларига шўнғиб кетди. Нозима ўзга кишилар улар оиласига, турмушига ачинишини, раҳм-шафқат билан қарашини, ўзгаларга овоза қилиб, ўзларига кераксиз буюм ё кичик келган кийимларни туҳфа қилишларини хушламасди.

Атрофдагилар эса бундан ортиқ мурувват кўрсатишга қодир эмасди гўё.

Ёз кунлари охирлаб, куз поёнида дала юмушлари тугаб, қиш учун деҳқончиликдан орттириб ул-бул ғамлаган Назира қаҳратоннинг баракасиз кунларини боғчада ошпазларга кўмаклашиб ўтказарди.

Бутун ишдан қайтган она болаларни тушкун кайфиятда кўздан кечирди. «Етишмовчилик ўлсин-а», деди у ичида. Бирининг оёғидаги пойафзал адо бўлган, бирисининг кийими сузилган. Аксига олиб, кенжатоғи Ҳикматиланинг касали хуруж қилиб, йўталаяпти. Тамадди қилган болалар кеч тушгач, жой-жойларига дам олиш учун думалашгач, оёқларини курси ичига тиқиб танчанинг совиб қолганини пайқашди. Қишнинг қаҳридан болаларни пана қилиб келаётган курси таги музлаб бўлганди. Она кўрпани кўтариб, аранг иситиб турган электр плитасини чиқариб олганча, у ёқ- бу ёғини кавлади.

— Ойижон, нима қилибди? — болалар бирин-кетин савол бериб оналарини ўраб олишди.

— Нозима, укаларингни жойларига ётқизиб, устларига қалинроқ кўрпа ёп. Мен новвой холаникидан тандир тагида қолган чўғи бўлса олиб чиқаман. Кечаси бир амалласак, тонг отади, эрта бозорга бориб янги электр плита олиб келамиз.

— Ойижон, тузалмадимми? Ҳар доим ишламай қолганида ўзингиз тузатар эдингиз-ку, — электр плитасини кавлаб кўрган онасига Ҳикматилла савол берди.

— Йўқ, тузалмади, болажоним. Симлари куйиб кетибди. «Эскини ямасанг, эсинг кетади», деб шуни айтишади-да.

Елкасига жун рўмолини ташлаган Назира тунука хокандоз билан эски челақни кўтарганча ташқарига чиқиб кетди.

У сандалга чўғни соларкан «хайрият-э», деб енгил тортди. Энди болалари тунда совуқдан дийдираб чиқади, деб хавотирланмаса ҳам бўлади. Танча атрофида кўрпага ўралганча пинакка кетган фарзандларига бир-бир қараб кўзи қувнади. «Умримнинг мазмуни, кўзимнинг оқу қораси, наслимнинг давомчиси бўлган сенлардан айланай, бахтимга омон бўлинглар. Пешонамга нимаики яхши кунлар битилган бўлса сенлардан кўрай», деб пичирлади. У темир каровотга ёнбошлаганча муздек совуқ кўрпа ичига оёқларини суқар экан, қишнинг совуқ келганидан ичида нолиди. Онаизор кузда чакки ўтавериб,

тешилган шифтнинг нам тортган сувоғига тикилиб ётганча уйқуга кетди.

— Қаёққа, Нозима? — ярим кечаси ташқарига чиқиш учун ҳозирланаётган қизининг шитир-шитиридан она чўчиб уйғонди. Нозиманинг мақсадини англагач, унга секингина эргашди.

Уйда эркак йўқлигидан ҳайиқибми, ё болалар қўрқмаслиги учунми, қўшни хона чироғи тунда ҳам ўчирилмасди. Эркак киши уйнинг мустаҳкам қўрғони, беминнат посбони бўлар экан. Айниқса, илон воқеасидан сўнг болалар, «чироқни ўчирманг», деб оналарига ялинишарди. Бир куни кечаси ташқарига чиқиб кетаётган аёл муздеккина ниманидир босиб олди. Сесканганча чироқни ёқиб не кўз билан кўрсинки, ерда чамаси бир метрча келадиган илон тўрт бўлакка бўлиниб ётарди. Илонни парчалаб ташлаган мушук эса панжалари билан тумшугини қайта-қайта яларди. Ана ўшанда мушуқлари Мош болаларни бир фалокатдан қутқариб қолиб, ҳамманинг меҳрини қозонганди.

— Қиз бола кўзга яқин, кечаси ёлғиз ташқарига чиқма, мени уйғот, деб сенга неча маротаба айтаман-а. Қулоғингга гап кирадимми ўзи? Устингга иссиқроқ кийим ташлаб ол, шамоллаб қоласан, — қизини койиётган она болалари уйғониб кетмаслиги учун пичирлади.

Қизидан хавотирланиб, куюнган онанинг ташвишланишига сабаб бор эди. Эҳ, беваларнинг кўрган куни қурсин. Инсон зоти қадамини етти ўлчаб бир босса, бева аёл етмиш ўлчаб бир қадам босаркан. Кўзи ўйноқи, ғаламис борки, кўнгли кемтик ёлғиз аёлларни кимгадир ўйнаш қилишга, уддасидан чиқа олишмаса, ғийбат қилишга тушар эканлар. Шаҳар шароитидан қишлоқники мутлақо фарқ қилганидек, қишлоқ одамлари ҳам бошқача. Қишлоқда ҳамма бир-бирини яхши танийди, янги келганларни дарров илғаб олади. Қишлоққа кўчиб келган тўрт болали ёлғиз аёлнинг ҳаётини кўрган кишилар унинг катъиятлилигига қойил қолишди. Аммо кўча-куйда тентираб юрувчи бекорчи баднафслар дарров аёлнинг ҳуснига кўз тика бошлашди. Гап отишлари, қочиримлари иш бермагач, ғаламис ниятларини ўзларича амалга оширишни режалаштирардилар. Бу ҳам амалга ошмагач, аёл шаънига доғ тушириш учун турли бўҳтонлар тўқир эдилар. Ачинарлиси, уларнинг лоғига ишонувчи кишилар қишлоқда топиларди.

Маҳаллада, бир кўчада яшовчи эркаклар унинг қандай покиза аёллигини яхши билишарди. Аммо, баъзи эркаклар алаמידан ҳатто хотинларига бу аёл билан сўрашишни ҳам таъқиқлаб қўйишганди. Уларнинг наздида фақат ёмон аёлларгина турмушидан ажралар эмиш.

«Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон», деганлари аччиқ ҳақиқат. Нозималарнинг уйлари ёнган куни кўчанинг ёноч дарвозаси куйиб, кул бўлиб тўкилди. Ҳовлига кириш йўли очиқ қолганлиги учун ичкарига вақти келганда бегона ит, қўшнининг товуқ-хўрозлари, ҳатто моллар ҳам тап тортмай, беъмалол кириб келаверишарди. Лекин кўзига қон қуйилган инсон қиёфасидаги ҳайвонлардан худонинг ўзи асрасин экан. Она маошларини тўлаб темир дарвоза қурдиргунига қадар ҳовлига ярим тунда ўралашиб кириб келган маст-аласт эркаклар важоҳатини болалар неча марта кўришди. Ўзларини ҳимоя қилишга ўрганиб қолган гўдаклар бу вақтда довдираб қолмай, қўлларига таёқ олганларича чақирилмаган «меҳмонни» савалай-савалай қувиб солишарди.

Қизининг ортидан эргашиб ташқарига чиқаётган Назира ҳовлига бир кўз югуртирди. Шу вақт остона ҳатлаб беш-олти қадам босган Нозима, кетидан онаси “гуп” этиб қор устига қулади. Кўз оддилари қоронғилашиб, бир неча дақиқа ҳеч нарсани сезмай ерда беҳуш ётишди. Муздек қорнинг нафаси танага киргач Назира аста-секин ўзига келди. Қаддини ростлаб, нима бўлганини англомай, бир зум гир-гир айланаётган бошини чангаллади.

— Вой ўлмасам, Нозима, бизга нима бўлди?

Онаизор ёнгинасида ер билан чилпарчин бўлиб ётган қизини астагина туртди. Қаттиқроқ ҳаракат қилай деса, кучи йўқ.

— Нозима, қизим, кўзингни оч.

Кўзлари олдидаги қора тутун йўқолиб, ўзига келаётган Нозима аста бошини кўтарди.

— Ойижон, бошим айланиб йиқилиб тушдим. Кўнглим беҳузур бўлиб кетяпти. Турай десам, мадорим йўқ. Ер тортиб кетяпти. Бизга нима бўлди ўзи?

Қулоғи шанғиллаб, тили зўрға айланаётган Нозима ҳатто бармоқларини ҳам қимирлатолмай қолди. Ҳеч нарсани тушунолмай онасига термулди.

— Мен ҳам шундай бўлаяпман. Нозима, мен билдим, бизни ис урибди. Кўмирдан чиқадиған ҳиддан захарланибмиз,

шекилли. Мен қандай қилиб бўлса ҳам амаллаб туришим керак. Ичкарида укаларинг ухлаб ётишибди. Уларни тезлик билан ташқарига, тоза ҳавога олиб чиқиш зарур. Акс ҳолда кеч бўлади.

Онаизор қаддини тик тутишга уринса-да, оёқлари, танаси унга бўйсунмади. Энди нима қилади, ичкарида болалари ухлаб ётишибди. Уларга бир нима бўлса, ўзини ҳеч қачон кечирмайди. Эшитган қулоққа нима деган гап. Энди оёққа тураётган болалари... Йўқ, йўқ, у куч топиши керак. У эмаклаганча, судрала-судрала уйга кириб кетди. Амаллаб эшик деразаларни очиб, уй ҳавосини алмаштирди. Кучини йиғиб шоша-пиша дуч келган кийимларни болалар елкасига ташлаб, бирин-кетин ҳовлига етаклади.

Ҳовлида оппоқ қор узра тўрт бола ҳолсиз, думалаб ётарди. Кўмир исидан заҳарланган болалар карахт қолганларича ҳеч нарсага тушунмас, ўзларини босиб келаётган уйқуга таслим бўлишаётган эди.

— Нозима, қизим, сен каттасан, менга ёрдамлаш. Укаларингни гапга солиб тур, ухлаб қолишмасин.

Тоза ҳаводан чуқур-чуқур нафас олиб тетиклашаётган она ташқарига ошиқди.

— Қаёққа кетяпсиз? — қорнинг совуғи танасини титратаётган Нозима бир амаллаб чўккалади. Йиқилиб кетмаслиги учун икки қўлини ёнларига тирговучдек тиради.

— Қўшнимиз Комилни айтиб чиқаман, касалхонага бормасак бўлмайди.

Совуқданми, қўрқувданми дағ-дағ титраётган она зум ўтмай ортидан қўшни йигитни эргаштириб чиқди. Ҳаммалари машинага жойлашиб олишгач, туман касалхонаси томон йўл олишди.

Қабулхонада уларни кутиб олган навбатчи шифокор аёл аҳволни кўриб хавотирга тушди. Кушеткага думалаганида гижимланган халатини текислаганча тугмаларини тақиб, болаларни бирма-бир кўздан кечирди. Бўлиб ўтган воқеа ҳақида савол-жавоб қила туриб бирваракайига болааларнинг кўзлари ва томоқларини текшириб чиққан шифокор гапнинг нимада эканлигини англаб етди. Бундай воқеалар кўмирдан фойдаланадиган қишлоқларда учраб турарди.

Керкиб кетган қовоқлари остидаги қизарган кўзларини ишқаб, телефон рақамини тераётган шифокор аёл онага тушунтирди:

— Сизларга откровенно айтай, болаларнинг соҳияси  
слишком ёмон. Срочно Тошкентдаги Биринчи горбольницага  
олиб бориш керак.

Назира каравотда ётиб енгилроқ заҳарланганми, ё иродаси  
метиндай қотиб қолганми, ўзини ҳаяжондан тийди. Кўздан  
оқаётган шашқатор ёшларни артиб, шифокорга зорланди:

— Жон доктор, ёрдам беринг. Бир кўзлаб ўстираётган  
болаларимни асраб қолинг! Етса молим, етмаса жоним. Менинг  
булардан бўлак ҳеч нарсам йўқ. Бор давлатим ҳам шу  
фарзандларим. Ёруғ дунёга келиб нима кўрди булар. Орзуларим,  
умидларим бисёр ҳали менинг...

— Истерика қилманг! Скорий помощь машинасини визов  
қилдим, ҳозир келса болаларингизни реанимацияга олиб  
борамиз.

“Тез ёрдам” машинасида болалар билан кетаётган она  
хаёллари паришон норасидаларига термулади. Тонг отгунча  
ухлаб қолишганида нима бўларди? Ҳалиям худо асради.  
Калласига келган ўйларидан ваҳимага тушиб сесканди. У илгари  
эски шаҳар атрофидаги газсиз ҳовлиларда кўмир исидан  
заҳарланиб, қотиб қолган кишилар ҳақидаги нохуш воқеаларни  
эшиттанди.

Машина ойнасидан кўчага қараб бораётган она оғир  
хўрсинди. «Шўр пешонамга яна қандай кунлар битилган экан».   
Нима бўлганда ҳам фарзандлари омон бўлиб ортида қолиб,  
ўздан кўпайиб юрса, бас. Оллоҳим ҳеч бандага фарзанд доғини  
кўрсатмасин.

Эрта саҳар, соат тўртлар чамаси. “Тез ёрдам” машинаси  
кўчалардан елдек учиб боради. Осмонда пардай майин ўйноқлаб  
ёраётган қор машина ойналарига муз парчаларидек урилади.  
Шу дамда ойнани синдириб юборадигандек шитирлайди.

Турмушинг ҳам гўё шундай кечади. Елиб-югуриб юрган  
одамлар ғамсиз, шодон кўринсалар-да, юрагида қайсидир  
тиғнинг изи бор. Онасидан бегуноҳ гўдак бўлиб туғилади-ю,  
ҳаёти давомида ё жаннатга элтувчи савоб, ё дўзахга ирғитувчи  
гуноҳ орттириб кетади. Энг ёмони, баъзи ўз роҳатини  
ўйлайдиган худбинларни деб атрофдагилар фақат жабр кўради.

Болалар аҳволини назорат қилиб кетаётган шифокор Нозима  
билан сингиси Нафисага машинанинг ўзидаёқ биринчи ёрдам  
кўрсатиб томирларидан суоқлик юборди. Ҳар сонияда «ухлаб

қолманглар», деб таъкидлаганча гапга солар, уларни туртиб сергаклантириб турарди.

— Уйқум келяпти, ухласак нима бўлипти? — инжиқланди Ҳикматулла. Худди шу саволни бергандек Нозима ҳам шифокорга юзланди.

— Нельзя! Ухлаб қолсаларинг қайтиб турмасликларинг мумкин.

Телефон орқали хабар топган шифокорлар тезлик билан болаларни реанимация бўлимига жойлашди. Бири дори-дармон келтириб муолажани бошлаб юборса, яна бири варақ-варақ қоғоз тўлдирди.

Уч кун беҳол ётган бемор болалар шифокорлар саъй-ҳаракати, дори-дармонлар кучи билан аста-секин оёққа тура бошлашди. Тўрт норасиданинг ҳали рангида ранг, оёқларида мажол йўқ эди. Аммо қалбларида алам ва нажот бор.

Нозима учинчи кун деганда ўзига келди. У деразадан тушаётган қуёш нурининг иссиқ тафтини юзларида туйди, оғир бўлиб қолган қовоқларини кўтариб, аста кўзини очди. Секин ўрнидан турди ва оёқларини судрай-судрай дераза олдига келди. Деразадан кўринган манзара кўзларига шундай азиз, қадрдон кўриндики! Қуёш нурларида оппоқ қор ажиб тусда товланиб, кўзлари қамашди. Неча кундан бери офтоб шуъласини кўрмай панада биқиниб ётган бир жуфт мусича токчага қўниб кукулай бошлади. Дарахт шоҳларида қотиб қолган музлар, қуёш нурларига дош беролмай ерга маржондай тўкилади. Сумалаклар офтобда биллурдай жилваланади, қиш қуёши-да, сумалаклар кўринишдан ҳали-бери эриб оқадиган эмас.

Атрофни томоша қилиб, Нозиманинг кўнгли ёришди. Ширин орзу-хаёллар яна қалбида бош кўтарди. Дераза ортидан касалхонада ётган яқинлари ҳолидан хабар олгани келаётган кишилар кўринди. Елкасига оқ халат ташлаб, қўлига халта тутиб келаётган одамлар орасидан Нозима беихтиёр ўзига таниш чеҳраларни излади. Негадир бу кишилар орасидан уларни ҳам йўқловчиларни топа олмади. Дард нурсиз қилиб қўйган мунгли қароғлари милт-милт этганча дурдай ёш тўқди. Кўнглида нур сочган қуёш юзини яна қора булут тўсди. Дили хира бўлди, кўнгли ўксиди, лаблари пичирлади:

— Бу дунёда меҳрсиз, қаҳри тошдан қаттиқ инсон менинг отам бўлса керак.

Нозиманинг икки холаси ва уч тоғаси бор эди. У улар уйларига келишганида юраги ёрилгудек севиниб кетмасди. Сабаби, улар кўзида Нозима ўзига, укаларига нисбатан ҳақиқий меҳрни сезмас эди. Қалбаки муҳаббат эса қалбларга меҳр, юракларга илиқлик олиб киролмайди. Ахир туйғуларни яшириб бўлмайди-да. Тоға, холалар жиянларининг отасидан — кувларидан нафратланишларини яшириб ўтиришмасди. Бу нафратга тўла нигоҳлар эса Нозимани эзгандан-эзарди. Албатта, уларни ҳам тушуниш мумкин. Бу одам сингилаарининг умрини хазон қилди. Лекин норасидалар айби нима?

Нозиманинг Хосият бувижониси билан Мансур буваси қарийб қирқ беш йил бир ёстиққа бош қўйиб яшаганлар. Тўнғич ўғил Аҳмад дунёга келгач, иккинчи фарзанд қадамини ўн йил кутишган эди. Хосият бувижониси «ёлғиз фарзандга термултирма», «боланинг кўпи яхши, бири кофир бўлса, бири мусулмон бўлади», деб худога нолалар қилган. Карамни кенг Оллоҳ улардан саҳоватини дарир тутмади. Эр-хотин яна олти фарзанд кўришган: уч ўғил, уч қиз. Болалар ота-она бағрида шўх-шодон ўсганлар. Тангри уларни бир-биридан кам қилмай, такрорланмас ҳусн билан сийлаган.

Мансур ота елкасида тандир кўтариб, кўчама-кўча тандир сотиб тирикчилик қилган, болаларини боққан. Юкининг оғирлигидан басавлат гавдаси эгилиброқ қолган Мансур дода фарзандларини қора меҳнат билан топган ҳалол луқма билан боққан. Масжидларга бориш таъқиқланган замонлар бўлди. Шундай пайтларда ҳам бу хонадон беш вақт намозни қанда қилгани йўқ.

Олти фарзандни уйли-жойли қилган, орзу-ҳавас билан юртта ошлар берган Хосият хола ҳам худди чоли каби тиниб-тинчимасди. Озгин, баланд бўйли бу аёлнинг эпчилгина оёқлари гўёки ерга тегмас эди. Хосият буви қишда қор кечиб, саратонда куйиб Кўкча бозорида хамиртуруш, фил расми туширилган ҳинд чойи ва яна алақандай майда-чуйдалар сотиб «савдогар» деган ном чиқарганди.

Хосият хола, маромида ўқимаган бўлсаларда, аммо сўзга чечанлиги, удабуронлиги боис, давраларнинг гули эди. У ҳар давранинг тўрида ўтирар, суҳбатларнинг зўрини қуради.



Сўзамол, ҳар бир гапи орасига теша тегмаган мақолларни қўшиб айтадиган чечан бу аёл камсуқум чолини ҳам эл орасида юзага чиқарган. Мансур ота топганига қаноат қилиб, йўғини яшириб, борини ошириб уй сирини ичида тутувчи аёлини «Жаннатой», деб чақирарди.

Чол-кампир ёшлик чоғларида чаласаводликни тугатиш курсларини битиришган, холос. Шу боис ҳам улар фарзандларини ўқимишли инсонлар қилиб етиштиришга аҳд қилишган.

Фарзандлар ҳам ота-оналари истаганларидек илм олишга интилдилар. Уларнинг ҳаммаси ўқиб, олий маълумотли бўлишди. Оила ўз иқтисодини аранг кўтарса-да, барчалари нуфузли ўқув юртларида таҳсил олдилар.

Шаҳарнинг Себзор даҳасида истиқомат қиладиган бу оила аҳиллигига ҳамма ҳавас қиладилар.

Катта ўғил Аҳмад Низомий номидаги педагогика институтини тамомлаган. У институтни тугатиб, ўзи ўқиган мактабда физика, математика фанларидан дарс бера бошлади. Аҳмад билан укалари орасида ўн йил фарқ бор эди. Шунинг учун у ука-сингилларига ҳам мактабда дарс берди.

Саодат оилада иккинчи фарзанд, қизлардан каттаси. Табиатан оғир-босиқ, бу қизни келин қилишга ҳавасманд бўлганлар анча эди. Унинг ҳуснига, одобига ошиқлар неча-неча эди. Совчилар эшик қоқавериб, қулфини бузишди. Хосият хола тўнғич қизини институтни тугатар-тугатмас турмушга бериб юборди. Саодат тиббиёт институтини тугатди. У лоақал бир кун бўлса-да, танлаган соҳасида ишламади. Йиллар ўтиб, бирин-кетин беш фарзанд кўрди. Фарзандлар тарбияси, уй-рўзгор юмушларига андармон бўлиб, эрининг топганига қаноат қилиб яшади. Рисоладагидек, ўзбек аёли зришажак бахтта эришди: уйли-жойли, қуда-андали бўлди.

Рамазон ойининг арафа кунинда туғилгани учун навбатдаги қизалоққа Арофат деб исм қўйдилар. Ширинсўз, одобли қиз Арофат мактабни аъло баҳоларга битириб, тикиш-бичиш сирларини ипидан игнасигача пухта эгаллади ва «Арофат чевар» деб доврўғ қозонди. Ўз ҳунарини шогирдларига ўргатиб, эл орасида меҳр, эътибор топди. Арофат турмушга чиқди, мулойимлиги, чаққонлиги билан қайнбўйинлар кўнглига йўл топди. Арофат ҳалигача чеварликдан дарс беради.

Неъмат, иккинчи ўғил, оиланинг бешинчи фарзанди. Мактабни намунали тугаллаб, савдо соҳасини танлаган ўғил ҳалол, тўғрисиўлиги туфайли ҳамкасблари орасида обрў қозониб, раҳбарлар ишончига кирди. Уйланганидан сал ўтар- ўтмасданоқ Чилонзордаги «Шухрат» дўконининг пойафзал бўлимига мудир этиб тайинланди.

Кенжа ўғил Раҳмат эса спорт соҳасидан кетди. Жисмоний тарбия институтида таҳсил олди. Ўқишни имтиёзли тугатиб, ҳуқуқшунослик техникумида талабаларга сабоқ берди. У ҳам уйланиб, бир оилга бош бўлди.

Хосият холанинг кенжа қизи — Нозиманинг онаси ака-опалари қатори мактабни аъло баҳолар билан тугатди, институтта ўқишга кирди. Политехника, ҳозирги Архитектура ва қурилиш институтини имтиёзли диплом билан тугатди. Назира турмушга чиққач, ҳомиладорлик таътилига чиққунга қадар шу институтда талабаларга дарс берди. Аввал бошиданоқ нотинч яшаётган янги оилани қайнона-қайнота рўзгорини бўлак қилиб, ижарага чиқариб юборди. Икки йил эри ва қўлида эмизикли боласи билан Саодат опасиникида, кейин яна икки-уч йилча Арофат опасиникида яшаб, қарз-ҳавола қилиб Фрунзе, ҳозирги Яккасарой туманидан икки хонали уй-жой сотиб олди.

Келинлик гаштини ҳам ёлчителиб сурмаган кенжа қиз йиллар ўтиб, сабрнинг ортидан тўрт фарзандли бўлса ҳам оиласи тинмади, мўъжазгина хонадонига барака кириб келмади.

Мансур ота фарзандларидан қутулиб энди оғзи ошга етганда вафот этди. Хосият хола куннинг совуқ-иссиғида бетон билан қопланган бозорда савдо қилиб кўп шамоллар, вақтида керакли дори-дармонлар билан даволанмаганлиги сабабли соғлигини анча бой бериб қўйганди. Нозима бувисининг тинмай, бўғилгунча йўталишларини ҳалигача яхши эслайди. Унга ўпка зотилжами, нафас йўллариининг ўткир шамоллаши асоратлари бўлган йўтал кечалари уйқу бермасди. Кампир шифокорлар ёзиб берган дорилар кор қилмагач, фарзандларининг қистови билан озгинадан кўкнори дамлаб ичар, шундагина бироз мизғиб, узун-узун нафас оларди.

Хосият хола «дард устига чипқон» деганларидек, кенжа қизининг ҳаётидан хавотирланиб яшади. У касали кўзига кўринмай, қизининг ташвишини чекарди. Аввалига қизининг турмуши бузилишини қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар олдида

ор билди. Анъанавий ўзбек оилалари сингари, ҳеч уруғида бўлмаган бу кўргиликни авлодига иснод ҳисоблади. Яна ҳам тўғрироғи, тўрт қора кўз набирасининг кўнгли ярим бўлиб ўсишини хоҳламади. Хосият хола «ҳар ерни қилмагин орзу, ҳар жойда бор тошу тарозу» деган нақлни қайта-қайта таъкидлар; қизини эридан ажралиш ҳақида сўз очишига қўймасди. У қизи, набираларини етаклаб келиб қолса, фарзанди кўзидаги қайғуни дарров сезар, келинига бирпасда тансиқ таомлар пиширтирар эди. Радиода шўх мусиқалар янграб қолса рақсга тушиб, қизининг кўнглини олмоқчи бўларди. Кампир қизининг кўнглини кўтариш учун болалигидаги турли қизиқарли воқеаларни сўзлар, қийналиб, кейинчалик рўшноликка чиққан оилалар ҳаётидан мисоллар келтирарди. Қиз бир оз овуниб алаҳсир, кеч тушгач тўрт боласини етаклаганча, онаси илинган ул-булларни кўтариб, яна келган изидан қайтиб кетарди.

Чак-чак этиб томиб турган зардоб ахийри сабр косасини тўлдирди. Қизи барибир рўшнолик кўрмади. Куни оғирдан-оғир кечди. Буни кўрган она аввалги фикридан қайтди. Ахир, қачонгача кўра-била туриб қизини зулматга итаради? Шўрлик қизи бу ёруғ дунёга келиб нима кўрди? Инсон ахир дунёга бир маротаба келади-ку, умрининг қанчаси яна шу алфозда ўтиши керак. Ҳали қараса қизининг юз-кўзи кўқарган, яна қараса бурни синган, мияси чайқалиб, касалхонада ётган... Катта қизлари, келинлари байрамларда оҳорли кийим кийиб ял-ял товланса, бу бечора ўн йил оддинги сузилиб кетган кийимларни устидан қўймайди. Шайтон малагига айланган куёв зулмни қурол, маишатни эрмак қилиб олган. Мастликда қилғиликни қилган «йигитали» эртасига оринмасдан узрини сўрайди, айбни кайфга тўнкаб «йигитчиликда бўлиб туради», деб бонг уради. Бу куёв бўлмади, бало бўлди! Кўнглида хотинига, болаларига заррача меҳр уйғонмади-я! Орадан ўн йил ўтди-я! Ўн йил! Сира одам бўлмади-бўлмади...

Хосият хола икки- уч ойда бир келадиган қизидан хабар олгани борса, рўзғорида ҳеч вақо йўқ. Набиралар рангида қон қолмаган. Қизининг ҳолига ачинган онанинг юраги қон бўлди. Ахир кампир ғазаб отига минди.

— Худо урсин эрингни, ажраш! Тор қорнимга сиққан, кент уйимга ҳам сиғарсан. Эринг миннат билан берадиган ошсиз ҳам бир кунинг ўтиб қолар.

— Энди ўзим ҳам анча кўникиб қолдим, ойи. Бошида ажрашаман десам унамадингиз, бугун тўрт болам билан уйингизга сираманми, келинларингизга ёқаманми?

— Сираман, сираманг эринг кетади. Сен тўрт болага тегишли шу уйда қолсан. Қора қузғунга ўхшаб рўшноликсиз минг йил яшагандан кўра, қолган кунингни тинч яшайсан.

— Қайнона-қайнотам ажралишимни иташмайди. Эшитиб қолишса, мендан хафа бўлишади.

— Хафа бўлишади дегин? Ундай бўлса, кенг ҳовлида олиб ўтиришсин эди. Ўшанда нимани ўйлашувди? Эрингни йўлга солиш ўрнига ўз тинчликларини кўзлашган, тўғрими? «Кўча хандон, уй зиндон» эрингнинг дастидан сен қолиб, мана мен адоий тамом бўлдим. Уйда ҳаловатим йўқ, нуқул сени ўйлаганим-ўйлаган. Бир қошиқ овқат ўтмайди томоғимдан. Нима еб ўтирибди, муштумзўр эри боламанми нобоп жойига уриб қўймадимикан, деб ваҳимага тушаман.

Қизини доим сабр қилишга, бардошли бўлишга чақирган кампир энди тўнини тескари кийди. Алам билан дийдиё қиларкан, ўтган воқеаларни эслади.

— Юмшоққина қайнонангни кўриб сени шу хонадонга бергандим. «Қизингиз билан касалхонада ётиб ишқим тушди, ўғлимга сўраб келдим», деб кўнглимга қўл солувди. «Аввал ўғлингиз қизимни кўрсин, ана ундан кейин бир гап бўлар», деганимда, қайнонанг «ўғлим қизингизни кўриб розилигини бериб бўлган», деса мойиллик билдириб қўйибман. Ҳарна, яна биридан қутулганим, деб шошиб қолдим шекилли.

— Ойи, ўзингиз тақдир бўлиб турган бўлса одамнинг кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб қолади, деб айтардингиз-ку.

— Йигит ўқиган экан, демак анча оғир-босиқ бўлса керак, деб ўйлабман. Яхшигина суриштираман бўлмасмиди, — у алам аччиғида тиззаларига шапатилаб уриб йиғлай бошлади.

— Бўлар иш бўлди ойи, ўзингизни бунча қийнаманг, — қиз нафас олиши қийинлашиб, бўғилиб бораётганини кўриб, онасига чой қуйиб узатди.

— Сени сўраган қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар олдида нима деган одам бўлдим! Ўқимаганларни назарга илмай, ўқигандан нима кўрадим?

— Тақдир экан. Куёвингизни бу йўлга кириб кетишини сиз қасдан билибсиз. Қайнона-қайнотамнинг ҳам насиҳатлари

кор қилмай қолди. Аввалига ўзим ҳам яхши гапиришга ҳаракат қилардим, энди чарчадим. Очликка, йўқчиликка чидаш мумкин, ammo хиёнатга чидаш осон эмас экан. Айниқса, кўз олдинда кирди-чиқди килиб юрган ён қўшнинг билан...

— Қизим, йиғлама, садқай кўз ёшларинг кетсин. Ҳали кўрасан, бу тўрт боланинг уволи туғиб, эрингнинг кўзи кўр бўлади.

— Ойи, алам қиларкан, ёнгинангда бетоналарга ширин муомала қилиб турса-ю, ўз аёлини ҳар гапида жеркиб туртаверса. Бир нарса десам «кунда бир хил овқат ейиш одамнинг меъдасига тегеди», деб оғзимга уради. Оғиз очсам «яна гапирсанг уйдан кетиб қоламан» деб қўрқитадилар. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Куёвингиз қариганда қўйилмаса...

Она бир маҳал бешикда ётган Ҳикматуллани фингиётганини кўриб, боланинг оғзига сўрғичини тикди. Аста бешикни тебрата бошлади. Дўмбоққина ўғлига қараб майингина жилмайиб қўйди.

— Эрингнинг кўнглига қараса, нималарни хоҳламайди. Кўнгил майлига қараган киши нафси қулига айланади. Қарабсанки, уйга ҳаром луқма киради, наҳс киради. Ортидан дард келаверади. Ҳаром луқма еган болалар нима бўлади? Ўйлаб қарасам, куёвим бу дунёда икки нафсини қондириш учун яшайди: бири қорни, бири...

Кампир кўзига ёш олди. Ҳеч нарсани тушунмай ўзи билан ўзи овора, қувлашиб юрган набираларини чақириб, камзулининг чўнтагидан қурт олди-да, бўлашиб берди. У хуморидан чиққунча куёвини қарғаганча, хавотир билан кўча эшикка қараб қўйди. Юзининг ичига ботиб, синиққан кўзларидан думалаганча ажинлар орасидан йўл топиб пастга думалаб тушаётган ёшларини кўйлагининг этагига бурни аралаш артаркан, хонтахтага мушт туширди.

— Бўйлари лаҳатда чириб, кўзларига қора тупроқ тўлгур эрингни интернатда катта бўлганини тўйдан олдин эшитсам бўлмасмиди? — кампир уввос солиб йиғлай бошлади.

— Ойи, ўзингизни бунча қийнаманг. Пешонамга битилгани шу экан. Интернатда ўқиганларнинг ҳаммаси ҳам шундай эмас-ку.

— Биринчи хотини туғиб, ўлгач, қайнотанг уйланиш тараддудига тушган. Қараса, чақалоқ унга қолади, энди нима

қилади? Олгану ўйлаб ўтирмай, гўдакни давлатта топшириб юборган. Бола йўлига тўғаноқ, бўйнига ола хуржун бўлишидан қўрққан. Иккинчи хотинга уйланиб, кетма-кет фарзанд кўрган, биринчиси эсидан ҳам чиққан. Йиллар ўтиб қараса-ки, давлат кечаги гўдагини боқиб, сарвқомат йигит қилиб қўйибди. Не кўз билан кўрсинки, қачонлардир ерга суқиб кетган чўпи барт чиқариб ҳосилга кирай деб қолибди. Ўғилларини олиб келиб уйлантиришни, қуда бўлиб керилишни, бобо бўлиб юришни орзу қилиб қолганлар. «Қайнотаман», деб кўкракка уриш келини, ўғилни йўлга солишни уддалаганларга ярашади. «Бобо» дегани набирасининг инжиқликларини кўтариши керак. Керилиб сарполар кийган, қуда бўлиб елкасини тўнга тутган билан иш битмайди.

— Меҳр кўрмаган бола меҳр қадрини қайдан билсин? Ўзинг бир ўйлаб кўр, чўлда ўсган бута билан боғда ўсган дарахтнинг фарқи бор-ку. Парвариш қилинган ниҳол вақти келгач, ҳосил бериб эгилади. Вақтида буталаниб, озуқа берилмаган ниҳол на мева беради, на шоҳини эгади. Шоҳини тортсанг, синади-қўяди. Эринг ҳам шундай эгилмайдиган туридан.

— Ойи, яна бир оз сабр қилай-чи, ҳеч бўлмаса Хикматилла бир ёшга тўлсин.

Кампир қизи билан ана шу тарзда хайр-хўш қилиб изига қайтди. Тарақа-туруқ қилганча саккизинчи трамвайга ўтириб кетаркан, куёви билан ўтган яхши кунларни эслади. Қачонлардир куёви Сирдарёдан каттагина балиқ олиб келганида, уларникида пишириб, роса гурунглашиб ўтиришган дамларни ёдига олди. Кези келганида, куёви Москвадан «Ойижон сизга олиб келдим, мени эслаб ўраб юринг», деб қўлига бежиримгина рўмолни қистириб кетганида қанчалар қувонганди. Чиқмаган жондан умид, инсоф бераман, деса ҳеч гап эмас. Зора куёвим эс-ҳушини йиғиб олса? Ўтмаган жой борми? У беихтиёр умид қилди. Куёвиге инсоф тилади.

Афсус, кампир умиди саробга айланди. Куёв энди қутургандан-қутурди. Уйга маишат қилиш учун улфатларини, аёлларни тап тортмай бошлаб келадиган, тўрт фарзандини бир уйга қамаб, аёлини улфатларига хизматта солиб, хўрлайдиган одат чиқарди. Тамом, хиёнат оиланинг ўртасига чегара чизиги тортди. Чизиқнинг бир тарафида она тўрт фарзанди билан, бир тарафида ота...

Ҳикматилла бир ёшга тўлар-тўлмас, эр-хотин ажралишди. Юқорида ҳикоя қилганимдай, Назира тўрт фарзандини оддига солиб бор-йўғини кўтарди-да, дала ҳовлига кўчиб келди. Аксига олиб куйган уйи уни анча эсанкиратиб қўйди. Қизини ўйлаган кампир аввалига куёви мушт кўтариб боласининг бир жойига шикаст етказиб қўймадимикан, набираларим оч-наҳор тинка мадори қуримадимикан, деб жони ҳалак эди. Энди эса тўрт етими билан бийдай далада ёлғиз қолиб кетди, деб куюнади. Бориб дийдорини кўрай деса, қариб қолган, бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда. У ёқдан бу ёққа ўтиб вайсашдан бошқасига ярамайди. Ҳар кун азондан туриб, туши бир нимадан аён бергандай, остонада ўтириб олганича кўринганга ялинади.

— Болам келмаганига анча бўлиб кетди, ҳолидан хабар олсаларинг-чи...

## 6

Нозиманинг холалари, тоғалари ҳаммаси яхши, ҳалол одамлар. Ҳаммалари ўзларидан тиниб, қуда-андали бўлиб кетишган. Ўзи билан ўзи овора опа-укалар уйларидан ортиб, сингиллари ҳолидан хабар олгани кўпда келаверишмайди.

Нозима хола, тоғалари маошга кун кўриб, бориға қаноат қилиб яшайдиган кишилар сирасига киришларини яхши билади. Уларнинг ортиқча даромад келиб турадиган жойлари ҳам йўқ. Топганлари ўзларининг орзу-ҳавасларидан ортмайди. Балки шунинг учун йиллар давомида улар ўз фарзандларига кийим-кечаклар харид қилаётганларида отасиз ўсаётган тўртта жиянларини эсга олишмагандир. Уйларида тўкин дастурхонлар ёзилиб, туғилган кунлар, турли байрамлар нишонлаганида сингилларига бирор нарса илинишга, ҳеч бўлмаганда, таклиф этишга имконият топа олишмагандир. Балки ортиқча даромадлари ё вақтлари йўқлиги боис, ақалли бирор марта сингиллари ҳамда унинг кўнгли ярим тўрт сағирини таваллуд кунлари, ҳайит байрамларида йўқлашмагандир. Аммо, бу ҳақда Нозималарнинг уйда умуман гап бўлмаган, ҳеч кимдан ошқора гина қилинмаган эди. Чунки улар ўз араваларини ўзлари тортишни, бориға шукур, йўғига сабр қилишни ўрганишганди. Ҳар йили гилос ё ёнғоқ пишиғида бир-икки бор қадам ранжида

қилувчи, холалар суҳбати нима билан тугяшини Нозима кўп эшитган. «Меҳрибонлари» болаларидан қолган кийим-кечакларни олиб келишганида ноиложликдан устига ҳам илган. «Олиб беринг», деб хархаша қилиб оёқ тираса, онаси олиб беришга мажбур. Аммо ёниб кетган уйларини қайта тиклаш учун жон куйдираётган онаси аҳволини кўрган Нозима янги кийим-кечак ҳақида чурқ этмас эди. Чунки у йиллар мобайнида онаси эгнига бир янги либос олиб кийганини эслай олмайди. Тўғри, опа-укалар бирларидан қолган кийимни кийиб, овқатни еб катта бўлишади. Аммо кўзлари қиймай, неча марта саралаб беришлари, «ўзи яп-янги, фақат кичикроқ бўлиб қолган, ҳеч бўлмаса ярим пулини берарсан», дейишлари одамга алам қиларкан.

Бундай воқеалар Нозиманинг юрагида ўрни битмас излар қолдирган эди.

— Жонингдан айлансин, шу итваччаларни деб ёш умринг хазон бўлди. Отасидан нима кўрдинг-у, боласидан қандай рўшнолик кутасан?!

— Қўйинг опа, шуларни деб яшаб юрибман. Бошқа бу гапни озингизга олманг. Ҳали болаларим шундай инсон бўлиб улағйишсинки, кўрганлар ҳавас билан қарашсин.

— Буларда отасининг қони бор. Қон билан кирган жон билан чиқади. Ўзингни ўйла, сен ҳам ҳаётга бир марта келгансан, ахир. Болаларингни, ҳеч бўлмаганда, иккитасини етимхонага топшир. Нар и борса, катта бўлганида олиб келарсан. Сира миннатдор бўлмайди бола деган зот. Булар ширин душманнинг ўзгинаси. Бир онанинг бағрига ўнта бола сиғиб кетаверади, аммо биргина она қариганида ортиқчалик қилиб қолади. Ҳаётда бундай мисоллар талайгина.

— Ҳеч қачон ундай қилмайман! Ота меҳрига зор болаларим энди онадан ҳам ажралиб, сарсон бўлсинми? Булар худонинг менга берган неъматини-ку. Тирноққа зорлар қанча бу дунёда, мен уларни хор қиламанми...

— Эй, дийдори ўчсин буларни. Қуриб кетгур эрингни шунча яхши кўрганмисан, Нозима билан Ҳикматуллоанг қуйиб қўйгандай ўшанга тортган. Вақти келиб, менга «тўғри айтган экансиз» дерсан, ҳали буларинг катта бўлса, «тўғригизганинг қорнига», деб эшигингни тепади-да, отаси билан топишиб олади.



Ташқарида опа-сингиллар суҳбати Нозиманинг қулоғига чалиниб тутоқиб кетди. Холалари нега уларни доим камситар экан? Ахир онаси бирор марта жигарларига ҳаётдан нолиганини, рўзғоридан зорланиб пул ё ёрдам сўраганини кўрмаган. Ўзлари беришганини ҳам эслолмайди. Сингил тўй-ҳашамларда ҳам ўзини четта олиб қочмайди. Ҳеч кимдан кам қилмайди. Тоғорада кабоб дейсизми, димланган товуқми, тандир сомсами, деҳқончилигидан яшик-яшик... Эрта-индин унинг ҳам тўй қилиши бор ахир. Ўзи айтганидек, «қилган эшикка, қилмаган тешикка боқади». Нега холалари, янгалари ана шуларнинг юз амрини қилиб, бир кўзга илинарли нарса илинишмайди? Фақатгина муштипар Хосият бувижонисигина уларга нафақа пулидан ажратиб нималардир атайди. Ёстигининг тагида яшириб қўйганларини ҳеч кимга бидирмай секингина қизининг чўнтагига қистириб қўяди.

Нозиманинг онаси мағрур ва мард аёл. Гина ва миннат қилиш — номарднинг иши. Шунинг учун у ҳеч қачон ўзгалар ёрдамига кўз тикмайди. Ночор қолган чозларида ҳам «оғирлигим тушмасин», деб хаёлагани боис, жигарларидан бирор ёрдам сўрашга ийманади. Нозима бу ҳақда шундай шеър ҳам ёзган эди:

*Онажоним кўзларида ор сезаман,  
Покиза қалбини меҳрга зор сезаман.  
Юрагида, Хосият бубимнинг орини сезаман,  
Мисли фариштадир онам мен учун.  
Ёлғиз ўтган тунларига куярман,  
Ғам-андухли кунларига куярман.  
Эрта кунга рўшноликлар тиларман,  
Мисли фариштадир онам мен учун.*

— Дийдори ўчгурларни отаси олдига юбор, бориб ёрдам сўраб келсин. Ҳарна бир нарсанинг унгани. Бермаса, эшигининг тагига ўтириб олсин, қўни-қўшнидан уялганидан ҳам беради.

— Опа, ҳадеб бундай гапларни гапираверманг энди. Ўзим пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичавераман. Сизларга оғирлигим тушмаяпти-ку.

— Вой, мендан хафа бўляпсанми? Сенга ачинганимдан гапиряпман-да, — сингисига ичи ачиб кетаётган опа кўзига

ёш олди, — кетингда юрганлар, изингта зорлар озмиди? Танлаб-танлаб тожисига учрадинг. Бу дунёга гам-андух учун келганмидинг сен шўрлик. Кун кўриб, рўшнолик билмай ўтаётганингта эзиламан. Ёлғиз ўзинг тўрт бола билан қийналиб кетдинг. Яхшими, ёмонми, эрнинг бўлгани дуруст. Суянган кишинг йўқ, тўрт бола билан сенга ким ҳам қарайди, қайси тенгинг олади? Ҳеч бўлмаганда иккита болангни етимхонага топширсанг ё отасига бериб юборсанг, йўлинг очилармиди, дейман.

— Ўғил-қизим катта бўлиб, ҳадемай бўйи бўйимга етади. Мен турмуш қурсам ўғил-қизимнинг қадди эгилиб, шоҳи синмайдими? Ўз отаси меҳр бермаган болаларимга ўғайи оталик қиладими? Қайси мард бировнинг тўрт боласини боқаман, деб кўзи учиб турибди? Қийналсам ҳам ўзим боқаман буларни. Қандай яхши ёруғ кун бўлса энди шулардан кутаман. Мактабни туталлашларига оз қолди. Насиб қилса, болаларимни ўқитаман. Мактабда болаларимнинг сурати аълочилар тахтасида осиглиқ. Мен учун бу қанчалар катта бахт эканлигини билсангиз эди.

— Яна ўқиши нимаси?! Ўқиб шаҳар олиб берармиди булар. Ундан кўра ишлат, пул топиб ўзини ўзи уддалаб, рўзгорга ёрдам беришсин.

— Меҳнатдан қочмайди болаларим. Бу йили кузда юқори синфларни бир ойга пахта теримига олиб кетишаётганида Асадулла билан Нозима ҳам сифдошлари қатори пахта теримга кетишди. Аввалига роса хавотир олдим. Ахир сабрим чидамай, ҳафта ўтгач, Оққўрғонга уларни излаб кетдим. Бориб аҳволларини кўриб, ўқитувчилари билан гаплашгач, қувонганимдан ўзимни тута олмай роса йиғлабман. Опа, агар ишонсангиз, далада ўғил болалар ичида Асадулла, қиз болалар орасида Нозима ҳаммадан кўп пахта тераётган экан. Белгиланган планни ҳаммадан оддин бажариб, анчагина мукофот пули йиғиб қўйишибди. Устозлари, тарбия берган сизга раҳмат, дейишди. Эккан дарахтингни илк нишонаси мазасидан тотиб кўриш қанчалар лаззатли эканини шунда тушундим.

— Эй, ҳавойи гапларингни қўйсанг-чи, эринг шунча йил ялло қилиб юра-юра охири уйланибди. Тагида иккита машинаси, қўша-қўша уй-жойи бор. Болаларингга ўргатсанг,

бориб ҳақларини талаб қилади. Берса, бегонага эмас, ўзининг пуштикамаридан бўлган боласига беради. Кулга айланган иморатингни ҳеч бўлмаса полини қоқтириб, бўёқдан чиқариб олардинг.

Ҳанузгача ёнган иморатини тиклай олмаётган синглисига опанинг раҳми келди. Эркаги йўқ кўримсизгина ҳовлига гир айлана кўз югуртирар экан «уф» деб бош чайқади.

— Уйланган бўлса ажаб қипти... Мен ёмон, ношукур эдим. Қани, энди кейинги турмушидаги аёл билан қандай яшашини кўрай-чи?! Шўри қуримаса бўлди яна бир ожизанинг. Олдин юбормаган болаларимни уйланиб оилали бўлгач, энди юбораманми? Айтиб кўринг-чи жиянларингизга, кўнишармикан?

Кичкинагина оилада ўсаётган, кўнглининг бир бурчаги кемтик болаларнинг бирортаси устидаги кийимидан изза бўлганида ҳам, биров кийган замонавий либосга ҳавасланиб қараганида ҳам, яқинлари уйда қўйлар сўйилиб, тансиқ таомлар пиширилгач, ҳиди димоқни қитиқлаганида ҳам, дўстлари олдида яшаш жойларидан изза бўлганларида ҳам дадасидан ёрдам сўраб боришни хаёлларига келтиришмаган. Бу нима, нафратми ё ғурурми? Она ҳам баъзан фарзандларини тушуна олмасди.

Нозима тоға-холаларидан хафа бўлмайди. Аксинча, уларнинг ҳаётидаги ибратли воқеалар, фазилатлари, ўрнак бўлгулик жиҳатлар доим унинг ҳавасини келтирган. Йўқ, Нозима қариндошларидан фақат меҳр кутди. Тўғри, уларнинг ҳеч бирлари унга қўпол гапиришмаган, кўксидан итариб, жеркишмаган. Лекин уларнинг жиянларига қилаётган муомалаларида нимадир етишмасди. Кейинчалик, катта бўлиб турмушнинг муштидан татиб кўрган, оналик, холалик, аммалик, қолаверса, янгалик пиллапояларидан кўтарилиб борган Нозима кўпгина нарсани тушунди. Ўтмишини эслаш учун орқасига қараб, яхшилаб мулоҳаза қилганида орадаги ўша тўсиқ — лоқайдлик эканлигини англаб етди.

Нозима онасининг жигарларини ёмон кўрмайди. Чунки улар яхшими, ёмонми— унинг қондошлари. Меҳрибон бувижониси ва азиз бобосидан қолган авлод. Қон ришталари боғлаб турувчи жондошлар. Қувончларига шерик бўлиб келувчи, ёмон кунларида ҳамдард бўлувчи инсонлар. Улар тўйларда

дарвозада қўллари кўксига тутиб мезбон бўлгучи, азаларда эшик тагида бел боғлаб туришга ярагучи жигарлар.

Нозима сокин тунлар уйқуси қочиб ёлғиз қолганида ўзича ўйларини сарҳисоб қилади: “Бунчалар иззатталаб, ношукур бўлмасам? Нега қариндош-уруғ, атрофдагилардан эътибор талаб қиламан? Юрагимдаги отам тўлдира олмаган меҳр ўрасини ямашни нега бошқалардан кутаман? Бунга ҳаққим борми ўзи?!

Ҳа, у ўзини бунга ҳақли деб билади. Назарида, тоғни кемирса қулайди, сувни симирса тугайди. Аммо меҳр мисли чексиз, тубсиз бир уммон. Меҳр инсонларга Оллоҳ томонидан ҳеч бир товонсиз, яъни текинга берилган ҳадея. Меҳр — йўқларга қиммат, борларга арзон топилма гўё. Меҳри зиё топган инсонлар ночорларга, бегоналарга қанча-қанча маблағларни эҳсон қилади, масжидлар қуради. Ортидан келадиган ажрини у дунёда олишга умид боғлайди. Атрофдаги бошқа тоифа кишилар эса «менда ортиқча маблағ бўлса, бундан-да кўпроқ эҳсон қилиб, ундан-да катта масжид қурган бўлардим», деб оғиз кўпиртиради, ўз ризқидан нолийди. Ахир меҳр зар билан ўлчанадими? Меҳр олгинданда қиммат, савобларнинг улуғи, эҳсонларнинг каттаси, мурувватнинг зўри эмасми? Чегараланган умр, ўлчанган ризқ, ҳисобланган бойлик, саналган дўст олдида меҳр беҳисоб эмасми?

Нозима ўз ҳаётидан нолимайди. Ахир у онаси қучоғида ука-сингиллари билан эмин-эркин ўсмоқда. Нозима дугоналари билан сайрга, тўйларга бораман деса онаси унга ҳеч қачон йўқ демайди. Онаизор шундоқ ҳам кўп нарсалардан маҳрум болаларини эркинликдан ҳам айиришни истамайди. Болаларим бир оз ўзларини бахтли сезсинлар, деб кўнгилларига қарайди. Нозима бирини кўриб фикр, яна бирини кўриб шукр қилади. Оллоҳ унинг тўрт мучасини соғ қилиб яратганига шукрона айтади. Мол-дунё инсон ҳаётидаги иккинчи даражали нарса эканлигини бўйи ўсган сари билиб бормоқда. Ахир бу дунёда ёруғ дунёни кўриш армонида юрганлар, биргина қадам босиш илинжида ётганлар озми? Дунёнинг наинки бор сархил мевалари, кийим-кечакларини кўриб, бедаво дард азобидан қон йиғлаётганлар озми? Нозима бир кунлар келиб, бир кам яратилган бу дунёда ҳар бир инсоннинг ўз армони борлигини англаб етди. Ҳа, у бир машаққат ортидан албатта роҳат келишига ишонади. У қалб изтиробларини ҳеч кимга ошкор

қилишни истамайди. Назарида, бу нолишлар унинг мағрур қаддини эгадигандек эди.

Нозима тоғасининг маҳалласида ўйнаб юриб, бир куни Феруза исми қиз билан танишиб қолди. Ана шу учрашув унга ҳаётни қувноқ чеҳра, очиқ юз билан қарши олиш кераклигини ўргатди. Кўз очиб-юмгунча ўтиб кетадиган болаликда фақат бекаму кўст турмуш кечириб, ота-она бағрида ўйнаб-қулибгина қолмай, балки келажакда қандай инсон бўлиши ҳақида бош қотириш зарурлигини фаҳмлади. Феруза билан танишув, у билан суҳбат Нозимани мулоҳазага қилишга ундади.

— Ўғай онам мени сира чиқиштирмайдилар, — Феруза кўзига ёш олди.

— Даданга айтиб бер! — Нозима масаланинг ечимини осонгина топгандай бепарвогина деди.

— Фойдаси йўқ, дадам менинг қиёфамда хиёнат қилган онам аксини кўрадилар. Уларнинг кўзларига қараб туриб, қаҳрни сезаман. Ахир онамга бир томчи сувдай ўхшайман.

Феруза қошлари устига тушиб, ҳалақит бераётган тимқора сочларини қулоқлари орқасига қистирди. Унинг қалдирғоқ қошларига тегай-тегай деб турган киприклари остида шаҳло кўзлари чақнаб турарди. Унинг оппоқ юзларини кўрган киши, онаси қандай соҳибжамол бўлганини англаши қийин эмасди.

— Онангнинг уйига кетиб қолсанг-чи, — дугонасининг ҳаётидан беҳабар Нозима ўринсиз маслаҳат бераётганини билмасди.

— Бунинг ҳеч иложи йўқ. Тоғаларимнинг айтишича, онам бир фирмада ишлайдиган турк йигитни севиб қолган эмишлар. Ўша йигитга турмушга чиқиб, бошқа юртга кетиб қолганлар. Уларнинг яшаш жойларини ҳеч ким билмайди. Йўқса, амаллаб топиб борардим. Мана, неча йилдирки, онамдан на бирорта хат, на бир хабар келди. Уларни қанчалар соғинганимни билсанг эди...

Ферузанинг қисматини эшитган Нозима қаттиқ таъсирланди. Дугонасининг изтироб билан кўз ёш тўқаётганини кўриб ўзи ҳам йиғлаб юборди. Наҳотки, табиат яратган соҳибжамол аёл қалби суратидай гўзал эмас экан-ки, кўнгил истагини деб ўз фарзандини ташлаб кетибди.

Нозима отасининг қаҳри қаттиқлигини эркаклигига йўйганди. Ахир ундан бағритош оналар ҳам бор экан-ку.

Ўткинчи ҳою ҳавас, лаззатли дамлар, кечиккан муҳаббат деб не азоблар ила дунёга келтирган зурриётидан кечса-я?! Бундай тоифа кишиларни кимлар деб аташ мумкин?! Кўнгила кўчасига кирган, иродасиз кишиларни нима деб аташ мумкин? Айнан шундай инсонлар туфайли қанча-қанча оилалар бузилиб, тирик етимлар сони кўпайиб бормаяптимикин?

Ахир инсон табиатнинг бир бўлаги сифатида унинг қонун-қоидасини бажаради, наслини давом эттиради, фарзандларини комил инсон қилиб тарбиялайди. Қариган чоғида суяниб яшаши, “тепкилаб” кўмиши учун фарзандига таълим тарбия беради. Чунки фарзандларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифасини ҳис қилиб ота-онасини охиратга кузатиб қўйишга, қора тупроққа қўйишга ярайвермайди.

Баъзилар ота-она билан фарзандлар орасидаги муносабатни шунчаки бир зарурият деб биладилар. Аслида уларни боғлаб турувчи ришталар — меҳр, чинакам муҳаббат эмасми. Уларни бир-бирига тортувчи, бир кун кўрмаса хавотирга солувчи ҳиссиёт меҳр билан ёнма-ён юрувчи муҳаббат-ку. Қариган чоғида инсонни фарзандлар муҳаббати азизу мукаррама қилади, роҳату фароғатга элтади.

Нозима қаердадир, кимдандир «Отасиз етим — гул етим, онасиз етим — шум етим» деб эшитган эди. Ҳақақатдан ҳам онаси уларни гулдай парваришлаб ўстираётибди. Ферузанинг бошига тушган кўргуликлар Нозимага жуда қаттиқ таъсир этди. Нозиманинг юрагини ларзага солган воқеа, қўлига қалам олишига туртки бўлди. Аслида Ферузанинг онасини изтироб, аламлар билан қўмсашида ўзининг отасини йўқлаш азоблари ҳам қоришиб кетган эди. Гўёки Ферузанинг армонлари унинг ушалмас армони эди. Нозиманинг матбуотда босилиб чиққан хикоясида ушбу сатрлар битилганди:

“Бугун мен 18 ёшга тўлдим, кўзларим доимгидек йўлда. Назаримда сиз гул кўтариб мени қутлагани келаётгандексиз. Онажон, хаёлларим рўёбга чиқиб, тоғдай кўксингизга бошларимни қўйсам эди. Онажон, қачонлардир менинг ҳам тўйим бўлар, ўшанда сизни муҳтарама, мўғтабар ўзбек оналари каби кўзингизда қувонч ёши билан кўргим келади. Оқ фотиҳангизни, дуоингизни олиб, янги ҳаётга армонларсиз қадам босгим келади.”

Нозима мактабнинг олди қизларидан эди. Унинг ўқишдаги аъло баҳолари, мактаб ишларида фаоллиги янада баландроқ марралар сари етаклайди. Синфда сардор, дружинада етакчи бўлган дадил, бир сўзли қизга тенгдошлари ҳавас билан қарайди. Дадасига ўхшаган бодомқовоқ, узунчоқ юзлари сепкилли бу қизни кўпчилик яхши билади. У туман газетасида тез-тез босилиб чиқадиган хабар ва мақолалари билан анчагина донг таратди. Унга атрофдагиларнинг ана шу эътибори хуш ёқарди. Шу ҳурмат-эътибор туфайли у дадил, мағрур. Нозима уйда, шахсий ҳаётида, ўзини фақир санаб, кўнгли кемтик бўлса-да, кўча-кўйда бошини тик, қадини мағрур тутди. Тўғри-да, отасизлик унинг айбими? Отасиз ўсган бир уми? Бунинг учун у сира-сира айбдор эмас.

Юқори синфда ўқиб юрган кезлари Нозиманинг ҳаётида унутилмас бир воқеа юз берди. У ҳанузгача ўша воқеани яхши эслайди. Эслайди-ю, шу воқеага сабабчи бефаросат «ғамхўр» га нафрати ортиб бораверади. Кўнгли косасини чил-чил синдирган дақиқаларни ўзига ўхшаган кўнгли яримларга раво кўрмайди. Бу удум жамиятимизда ҳозир ҳам такрорланиб келмоқда. «Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак», деган шиор бор. Аммо, унинг номланиши хунук-да. Савоб ишнинг баралла овоза қилиниши ўринсиз. Ҳадисда ёзилганидек : «Эй иймон келтирган бандалар, берган садақаларингизни одамларга миннат қилиб ва озор бериб йўққа чиқармангиз». Яна «кетидан озор эргаштириб келадиган садақадан кўра, кўнгли кўтарадиган маҳфиратли сўз афзалдир», дейилган. Ахир бу сўзлар авлодларга беҳудага ёзиб қолдирилмаган-ку.

Шўро тузуми йилларида етимларга сифатсиз кийим-кечак, магазин пештахталарида сарғайиб, қийшайган, кийишга яроқсиз туфлилар «ғамхўр партиямиз номидан» деб тарқатиларди.

— Нозима, тез директор хонасига бор! — Муаллима Қанигул опа эшикни шиддат билан очди. Машғулотни рухсатсиз бузганидан ҳижолат ҳам чекмай, дарс ўтаётган ўқитувчига истеҳзо билан юзланди. Ўзини муҳим бир топшириқ устида жон кўйдирётган фидокордек тутиб баланд овозда изоҳ берди:

— Отаси, онаси йўқ етим, оилаи ночорларга кийим-кечак, пойафзал жўнатишибди. Нозимага ҳам ажратган эдик, бориб олиб келсин.

Машойихлар айтганларидек, дил ярасига даво йўқ. Бир оғиз сўз неча-неча қуроолардан ортиқроқ жароҳат етказишга қодир. Юракка бундан ўткир тиг санчиш, бундан қаттиқ тош отиш мумкин эмас.

Синфда шивир-шивир кучайди. Нозима гангиганидан ўзини қўярга жой топа олмай қолди.

— Менга ҳеч нарсаларингиз керак эмас, кийим-кечакларим етарли. Нима истасам, олиб берадиган онам бор, сизларникига зор эмасман.

— Бергандан кейин «раҳмат», деб индамай олавермайсанми. Текин-ку, — Қанигул опа киноя қилиб, хунуккина тиржайди.

Кунлаб егулик емагандай ранги гезариб, эти суякларига ёпишиб кетган мактаб касабга уюшмаси раисининг бўйи шифтга етгудек дароз эди. Кулиб гапирганида оғзи қийшайиб, қисик кўзлари айёрона боқувчи бу аёл асарларга салбий қаҳрамон бўла оларди.

— Нима, менсимаяпсанми?! Ноз қилганларига ўлайми? Гапни қисқа қил! Кетимдан тезда етиб бор, ҳаммага ҳам беравермаймиз, сени танладик, — деди буйруғи сўзсиз бажарилмаганидан изза бўлиб туюққан «ғамхўр».

— Ўзингиз олақолинг, мурувватингизга зор эмасман! — Нозима зарда билан ўрнига ўтирди.

Дарс ўтаётган Абдугани ака «бошқа гапиришнинг ҳожати йўқ» дегандай касбдошига имо-ишора қилди. Тил-адабиёт устози Нозиманинг мағрур ва бир сўзли эканлигини яхши билади. Нозима уйлари ёниб кетганида синфдошлари ёрдам учун йиғиб берган пулларни ҳам олмаганди. Ўшанда у қоғозга ўроғлиқ тангаларни ушлаганча бир оз жим туриб, сўнг сочиб юборганди.

Нозима лабини тишлаганча ўзини идора этишга зўрға куч топди. Синфдошлари орасида мулзам бўлганига сира чидай олмасди. Ичлари зириллаб, газабдан оёқ-қўли титради. Пешонасини муздак тер босиб, юраги томоғига тиқилиб қолгандай гупилаб ура бошлади. Кўзларига қуйилиб келаётган ёшларни тушириб юбормаслик учун киприк қоқишдан ўзини тияркан, атрофдагиларга бир қараб қўйди. Нозима кўз ёшларини бошқаларга кўрсатишни истамасди. Мактабда бирор мактабдоши билан тортишиб қолса, ё болаларча шўхликлари ортидан танбеҳ эшитса, ичида ўзига-ўзи қайта-қайта «Йиғлама,



Нозима. Йиғлаганинг — ютқизганинг, йиғлаганинг — ютқизганинг», деб такрорларди. Нозима ўзини кузатиб турган нигоҳлардан қочиш учун бошини қуйи эгаркан, бир инсонни эслади. У ҳозир бошини эгишга мажбур этган, пешонасига «тирик етим» деган тамға босган отасидан нафратланиб кетди. Ҳеч кимга эшиттирмай пичирлади: «Бу дунёда меҳрсиз, қаҳри тошдан қаттиқ инсон отам бўлсалар керак».

## 9

Нозима онаси ишлайдиган боғчага бир неча маротаба борган. Қорақамиш даҳасидаги «Бинафша» номли боғча беш юзта болага мўлжалланган. Теварак-атрофи дарахтлар билан ўралган боғча доим саранжом-саришта, озода бўларди. Боғчада Нозиманинг онаси Назира опа ошпазларга ёрдамчи бўлиб ишга жойлашган эди.

Дала-ҳовлидан институтга қатнаётган Назира опага йўл анча узоқлик қилди. У ишдан бўшаб, меҳнат дафтарчасини олиб келаётганида, йўлда дугонаси Ойшани кўриб қолди. Мактабдош дугонасига турмушини сўзлаб бераётган Назира опанинг иш муаммоси дарровда ҳал бўлди. Ойшанинг болалар боғчасида мудира бўлиб ишлашини эшитиб унинг роса ҳаваси келди. Унинг ҳам қандай орзулари бор эди-я...

Назира опа кенжаси Ҳикматуллани боғчага жойлаб, ўзи ҳам ишга тушди. У болаларча беғубор ва самимийлиги билан аёллар орасида ўз дардкашларини топган эди. Назира опа ишга ошиқиб келаркан, ҳаёт машаққатларини бир зум унутгандек бўларди. Боғча жамоаси ҳам келишиб, унинг рўзгорига ул-бул ёрдам қилиб туришарди.

У турмуши осуда ўтаётганлиги, болаларининг қорни тўқ, тани соғлигига шукур қилиб яшамоқда эди. Энди у жамғарма кассасида ўзининг номига ҳисоб рақами очди. Болалари учун олаётган алимент пулини, маошининг рўзгордан ортган бир қисмини ажратиб, анчагина маблағ ҳам тўплади. Аёл боғчага ишга кирганидан сўнг икки йилча ўтиб, ёнғиндан куйган иморатини қайта тиклаш ишларини бошлаб юборди. Аввалига аёллигига бордими, иморат лойиҳасини режалаштиришга сира ақли етмади. Акасига маслаҳат солди — бўлмади. Кейин таваккал қилди, сўраб-сўраб архитектор топиб учрашди. Ўз

режасини тушунтирди. Аёл бирваракайига икки ўғлига, қариган чоғида набираларини, болаларини етаклаб келган қизлари билан ўтириши учун алоҳида ўзига, машина қўйиладиган узун йўлак, тепасига эса болохона учун мўлжаллаб чизилган лойиҳа чизмани қўлига олгач, қурилиш ишларини бошлаб юборди. У суриштириб-суриштириб, ишончли усталарни ёллаб, бетон қўйдирди. Жамғарма кассасидаги пулларини олиб, пишиқ гишт билан иморатни кўтариб олди. У иморатни икки қават қилиб қуришни бошлаган эди. Иморатнинг томи учун устун ташлаганида пулнинг чўғи учди. Қурилиш тўхтаб қолди. Қолган ишларга маблағ етмай, қолиб кетди.

Аёл ҳар куни ишдан қайтгач, ёнғиндан сўнг қадини тиклай олмаётган чала иморатга қараб, ич-этини ер, нима қилишни, қаердан пул топишни билмай боши қотарди. Ҳа, қуруқ маош билан иморат солиш қийин экан.

Назира опа ишхонасидаги аёллар каби гап-гаштакларга аралашмас, туғилган кунларини нишонлаб, дугоналарини уйига таклиф қилолмас эди. У ўз шароитидан уялса-да, ҳеч кимга турмушидан нолимасди, буни ор биларди. Ўз дардини дoston қилиб юривчи аёлларни хуш кўрмасди. Чунки ота-онаси унга шундай тарбия беришган эди.

— Бу гап маошингизга иккитадан тиражли лотерея билети қўшиб бераман,— боғча ходимларига маош тарқатаётган хўжалик мудираси темир сандиқдан қоғоз тасмага ўроғлик икки даста лотерея чиқарди.

— Лотереянгиз ўзингизга сийлов. Ундан кўра пулини беринг, барибир ҳеч нарса чиқмайди, — аёллар норози оҳангда ҳар чеккадан гап ташлашди.

— Гапни кўпайтирманглар, ҳамма лотерея олиши мажбурий.

— Қанақасиз ўзи, ҳар маошда бир чиқим топиб турасиз. Бунинг ўрнига мукофот деган нарсаларни уюштиринг, — гужурлашди аёллар.

Бу гап жавобсиз қолди.

— Менга тўрт дона лотерея билети берақолинг, — деди Назира опа бир нарсадан умид қилиб, — Яхши ният — ярим давлат дейишади, бир омадимни синаб кўрай-чи.

— Ҳаммангиз Назирадан ўрناق олинглар! — деди кўтарилиб, пулга лотерея билетини қўшиб бераётган хўжалик мудираси.

Орадан икки ой ўтди. Хўжалик мудираси навбатдаги маошини олиш учун хонага кирган ходимларга эслатди:

— Лотереяларингизни текширдингизми? Текширмаган бўлсаларинг, олиб келинглар. Менда ютуқлар тиражи чиққан газета бор.

Маошини олиш учун хонага эндигина бош суққан Назира опа, стол устида ётган рўзномани кўриши билан орқасига қайтди.

— Эслатмасангиз, ёдимдан чиқиб кетибди. Қани, бир кўрайчи, бизга аталгани бормикан?

Ходимлар бирин-кетин лотереядаги рақамлар сонини газетадаги рақамлар билан солиштира бошлашди. Назира опа қўлидаги лотерея рақамлари яқин сонлар устунини топди-да, жимгина разм солди. Ҳали газетага, ҳали лотереяга қайта-қайта тикилиб ишонч ҳосил қилгач, бирдан бақириб юборди:

— Суюнчи беринг!

— Нима, вой, ютуқ чиқибдими? Қани, бир кўрайчи, — мудира ўрнидан ирғиб туриб, унинг қўлидаги лотерея билетини шартта тортиб олди-да, рақамларни қайтадан солиштира бошлади. — Адашган бўлманг тагин.

Ютуқ чиққанига ишонч ҳосил қилгач, баланд овозда, ҳудди ўзига ютуқ чиққандай, баралла ўқиди:

— “Москвич” машинаси! Ура.

Ташқарида турган аёллар бир зумда торгина хонага тиқилишди. Мудира ўринбосари йўлакка чиқиб қолганларни ҳам чақирди. Боғча ходимларининг ҳаммалари ютуқ эгасини табриклар, ютуқ чиққан лотереяни бир-бир қўлларига олиб, газетадаги ютуқлар жадвалига солиштирар ва хурсандликларидан қичқиришарди. Қувонишга арзигулик воқеа рўй берди-да. У вақтларда енгил автомашина сотиб олиш учун йиллаб навбатда турилар, Москвадан келувчи вагонларни интизор кутишарди. Ҳа, машина миниш орзусига етиш осон эмасди.

— Ҳеч нарса чиқмайди, деб мингиллаганлар қани, ҳамма нарсага ҳам ишонч билан ихлос қилиш керак, — маошни тарқатаётган хўжалик мудираси ҳудди ўзи машина ютиб олгандай хурсанд бўлиб деди.

— Ўртоқ, менга қаранг, — катта гуруҳда ишловчи тарбиячи аёл Назира опага юзланди, — Сиз машинани нима қиласиз,

минишни билмасангиз, устига-устак аёл кишисиз. Хўжайиним анчадан бери машина миниш орзусида юрадилар. Аксига олиб, сабил қолгур, навбатимиз келмай ўляяпти. Сизга бозор нархида яхшигина пул берамиз, машинани бизга сота қолинг.

— Йўғ-э, бошимга бир омад қуши қўнганда-я. Ўзим ҳайдашни ўрганиб оламан.

— Ўйлаб кўринг, агар машинани сотадиган бўлсангиз, мента дарагини берарсиз.

Ҳақиқатан уларнинг бошига омад қуши қўнди. Оналари лотерея ютуғи бўлмиш машинани олиб келган куни, уйда расмана байрам бўлди. Машинани кўрган болаларнинг шодлиги ичига сиғмай, роса қувонишди. Нозима билан Нафиса қиз бола бўлганликлари учун орқа ўриндиққа жойлашиб олишса, Асадулла укаси Ҳикматуллани тиззасига ўтқазиб ҳайдовчининг ўрнига ўтирганларича, галма-галдан рулни буришарди. Болаларнинг назарида автомашина фақат бадавлат кишилардагина бўларди. Энди улар ҳам бойиб кетишади. Фарзандларининг хурсандчиликлари онанинг кўнглини ёриштириб юборди. Демак, машина сотиш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Фарзандларининг орзуларини рўёбга чиқариш учун унинг ўзи машина ҳайдашни ўрганайди.

Болаликдан зеҳни ўткир Назира опа тез орада машина ҳайдашни ўрганиб олди. Автомактабда йўл ҳаракати қоидаларини қунт билан ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлига олди.

Ўша кезлари, яъни ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда машина ҳайдовчи аёллар бармоқ билан санарли эди.

— Қара, қара, хотин киши машина ҳайдаяпти.

— Аёл киши бўлиб, шу ишни уйдалабди, қойилман. Қандини урсин!

Биров у деди, биров бу. Хуллас, эл оғзига элак тутиб бўлмас экан.

— Хотин кишига машина ҳайдашни ким қўйибди? — деди баъзи ичиқоралар.

— Кўчага чиққан хотин бузилиб, ҳуқуқини талашишни бошлайди. Аёл, ўз оти ўзи билан ожиза, заифа. Улар уйда мол-ҳол, бола-чақа, рўзгорга қараши керак...

Оғзига кучи етмаганлар нима деса, деяверсин. Назира учун машина ҳайдаш олифтагарчилик эмас эди. Бу нарса уларнинг

ҳаётини яхшилаш, оила иқтисодини кўтариш имкониятини берувчи хазина эди. Мағрурона машина ҳайдаш ортида гилдирак тешилиб, кўчада қолиб кетиш, бузилган машинанинг сабабини топа олмай, қора мойга ботиб, хуноб бўлиб туриш холлари ҳам йўқ эмасди.

Машина рулига ўтириб, бир-икки бор пул топган аёл киранинг мазасини билиб қолди. У азонда қўшни дехқонларнинг экин маҳсулотларини шаҳарнинг Чорсу бозорига элтиб берарди. Назира шу тариқа тирикчилик домига шўнғиб кетди, машинасига ишониб, дехқончиликни ҳам йиғиштирди. Эрталабдан кечгача қолиб кетадиган болалар боғчасидаги ишидан ҳам бўшаб олди. Оила юмушларидан бўш вақтларида тирикчилик учун кира қилаётган аёл машинасига минган бирор бегона кишини кўрганлар тез орада у ҳақда бўлар-бўлмас бўҳтонлар ҳам тарқатдилар. Гийбат гаплар урчигандан-урчиди, ҳудди хамиртуриш солинган кўпчиган хамирдай шишди.

Ҳатто бир куни синфда тарбиявий соат бўлаётган вақтда Нозима синфком сифатида сабоқларни бўш ўзлаштираётган, мактабга доим кеч қолиб, дарсларни сабабсиз қолдирадиган синфдошига танбеҳ берганида у:

— Сен менга эмас, бориб онангга ўргат! Онанг машинасини тўхтатган милиционерлар билан дон олишиб юрармиш-ку, — деганди.

Ўшанда Нозима бу ҳақоратта чидай олмай синфдошининг юзига тарсаки тортиб юборганди.

Эҳ, одамлар, нега билиб-билмай гуноҳлар ботқоғига ботамиз? Ҳақиқий инсон қандай бўлиши ҳақида яхши биламиз, аммо ўзимиздаги ёмон иллатларни баргараф қилишга қурбимиз етмайди. Қўшнимиз ночор аҳволга тушиб қолса ачинамиз, ёрдам учун бирор нарсямиздан кеча олмаймиз. Бошқа бир қўшнимиз бойиб кетса, «қаердан олди экан», деб уни дарров муҳокама қилишга тушамиз. “Бор бўлсанг кўролмайдилар, йўқ бўлсанг беролмайдилар”, деб шуни айтсалар керак. Шайтоннинг бу хислатлари одамзодга қачон юқиб улгурди экан-а?

Назира опа фисқу-фасодчиларнинг гийбатларини эшитиб қаттиқ сиқиларди. Ҳеч кимга ёмонлик қилмаса, нега уни ҳадеб гапираверишади? Қўлидан келганча ҳеч кимдан ёрдамини аямайди-ку. У қўшниси келиб, «боламнинг тоби қочиб қолди,

докторга олиб боринг», деб илтимос қилганида, бу қўшни келиб «келинимнинг тўлроғи тутди, туғруқхонага ҳайданг», деб ялинганларида ҳеч қачон йўқ демаган. Машинаси бор бошқа қўшниларга ўхшаб, «бензиним йўқ», деб баҳона қидирмаса? Нега уни бу одамлар ғийбат қилаверар экан-а? Яна «қўшничилик» деб кира ҳаққини қистамаса. Ночорлардан бензин пудини олмаса, бирор эркакка кўз сузиб қарамаса, бирор қўшнидан бир сўм пул ё бир бурда нон сўрамаса, бундан ортиқ қандай яшасин? Ғийбатларни эшитиб қийналганидан йиғлаган дамларида, кўча-куйда баъзи эркакларнинг ноўрин гап отишлари газабини келтирганда, «беванинг қадами саёқ», деб хом фикрловчи қўшнилари, ҳатто тўй-ҳашамларга ҳам айтишмаганларида у кўп ўксинган. Айниқса, эрининг уруғларига, ўз танишларига «хотиним бошқа эркак билан юриб кетгани учун ажрашдим», деб бўҳтон қилганини эшиттач, алам билан яшади. Поклигини исботлаш учун қасдма-қасдига ҳеч кимга турмушга ҳам чиқмади, кўнгил ҳам бермади. Унинг аёлларга қўшилиб ғийбат қилишга бекорчи вақти йўқ. Ўзи ҳақидаги бўҳтонларнинг ёлғонлигини исбот этишни аввало худога, кейин вақт ва ҳаётнинг ҳукмига ташлаб қўйди. У бемалол кўчада дам олиб, суҳбатлашиб ўтирган аёлларга ҳавас қиларди. Ҳар ҳолда эр топганини пишириб-куйдириб, фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб ўтирганга нима етсин.

Тунлари ёлғизликдан кўрқиб, ноҳақликлар, ситамлардан сиқилиб, фарзандларига сездирмай йиғларди. Шунда у ногаҳон меҳр биланми, нафрат биланми, ё бир илинж биланми бир инсонни ёдга оларди. Уни қандай туйғулар билан эслашни ёлғиз ўзи биларди.

## 10

Назира опа боғчадаги ишидан бўшаб, меҳнат дафтарчасини қўлига олгач, ўйлаб-ўйлаб охири иш стажы тўхтаб қолмаслиги учун фарзандлари таҳсил олаётган мактабга ҳужжатларини кўтариб борди. Эрта бир кун қариб нафақага чиқиши бор, нафақа пули асқотар, деб ўйлади. Мактаб раҳбарияти унинг дипломи мактабда дарс бериш ҳуқуқини бермаслигини айтиб, унга рад жавобини берди. Сўнгра у Тошкент тумани маориф бўлими мудири Ўткир Султоновга учрашди, унга оилавий

шароитини тушунтирди. Мактабда дарсдан бўш вақтларда, бошқа тирикчилик қилиш имконияти борлигини, ҳамда болалари назорат остида бўлишини ўйлаб, дарс соати сўраётганини айтди. Мудир аёлнинг аҳволини тушуниб, у илтимос қилган мактабга расм ва чизмачилиқдан дарс бериш учун йўлланма берди.

Нозима ва укалари онаси ўзлари ўқиётган мактабга ишга жойлашганини эшитиб, хурсанд бўлишди. Ишга келган ўқитувчи мактабда «ёзувчи», деб ном чиқарган Нозиманинг онаси эканлиги тўғрисидаги хабар бир зумда ҳаммага маълум бўлди.

Ҳа, аёлнинг ўқигани зое кетмади. У расм ва чизмачилиқдан ҳамқишлоқларининг фарзандларига билим бериб, тезда уларнинг ҳурматини қозонди. Яна ўқитувчилар малакасини ошириш институтига бориб ўз маҳоратини ошириб қайтди. Назира опа жуда қаттиққўл бўлгани учун унинг дарсларида болалар жим ўтиришар, вазифаларни қунт билан бажариб келишарди. Фарзандлари орқасидан мажлисларга келяётган ҳамқишлоқлари билан у яқиндан танишган эди. У билан бир жамоада ишлаётган аёлларнинг аксарияти унинг ҳамқишлоқлари эдилар. Мактабда ишлаб, кейинчалик шу совхоздан жой олиш мақсадида ишга жойлашган шаҳарлик ўқитувчилар тўрт-беш кишини ташкил этарди. Бир жамоада ишлаб, яқиндан танишиб олган ҳамкасблари у ҳақдаги салбий фикрлар уйдирма эканлигини ахийри тушуниб етдилар.

Ўша йилларда гўшт ва бир неча хил истеъмол маҳсулотлари киши бошига қараб, талон билан бериларди. Ойига атиги бир маротаба бериладиган бу маҳсулотлар савдогарлар қўлида фалон сўм эди. Чекка қишлоқлардаги пештахтаси чанг босиб кетган дўконларга кундалик эҳтиёждаги озиқ-овқат маҳсулотлари йилда бир-икки бориб қоларди.

Назира опа холаси Латифанинг ўғли Раҳимжон раҳбарлик қилаётган омбордан рўзғорига гўшт ва сариёғ олиб турарди. Шундай кунларнинг бирида бир иш бошлашга қарор қилди. Рўзғорларидан талонга бериладиган маҳсулотлар аримаслигини кўрган қўшнилар нолиб қолишарди.

— Қўлимизда пул бўлса-да, рўзғорга қийналиб қолдик. Танишингизнинг дўконидан ҳаражат қилаётганингизда бизга ҳам қўшиб олсангиз яхши бўларди, йўл кирасини берамиз.

Қўшнилар айтганини ўйлаб кўрган Назира опа Раҳимжон билан маслаҳатни пишитди. Ота-онасининг розилиги билан кундан-кунга мансаби ошиб бораётган Раҳимжон қўлидан келган ёрдамни аямади. Назира опа озиқ-овқат омборидан маҳсулот олиб, Тошкент вилоятининг чекка қишлоқларига олиб бориб сотишга киришди. Маҳсулотлар устига йўлқира, устама фоиз қўйганидан қолган фойдасига рўзгорига ул-бул қолганига қаноат қиларди. Болалари катта бўлиб, бўйлари чўзилиб қолди. Ҳозир уларнинг айнаи еб-ичадиган вақти. У кийим-кечакдан пулни аяб, уйига сарфламаса-сарфламайди-ю, аммо рўзгордан сиқмайди.

Ёзнинг чиласи. Куннинг айнаи қизиб бораётган дамлари. Қуёш тафти еру кўкни аямай қиздиради. Далада эрта тонгдан молларини ўтлатиб юрган майкачан болалар пешин ҳам бўлмайдиган подаларни зоғариқ бўйлаб кўкариб турган тут, сада дарахтлари соясига ҳайдайди. Болалар куннинг қайноқ тафтидан, эсаётган гармсел азобидан сақланиш учун ариққа, суви лойқаланиб кетган ҳовузга калла ташлайдилар. Баданларига муздек сув хуш ёқиб, роҳатландилар. Қариялар соя-салқин томорқаларида кўк чойни симириб, гурунглашиб ўтирадилар. Белларидаги оппоқ белбоғларига терларини артиб, ятакларини, бағрини очиб елпинганча аския қиладилар:

— Вой, вой-эй, дўзахнинг эшиги очилиб қолганми, дейман.

Ёзнинг шундай жазирама кунларида Нозима машинасини ўт оддираётган онасига эргашди.

— Ойижон, мен ҳам бирга борай.

— Раҳимжон акангнинг дўконидан мол олиб савдо қилиб келгунимча кеч бўлиб кетади. Қизим, чарчаб қолсан. Ундан кўра уйда, уй юмушларингни қилиб ўтир, укаларингга қара.

— Доим уйда қолдирасиз. Кечаги овқат музлаттича турибди, ўзлари амаллаб иситиб еб олишар. Қачондан бери машинангизга чиқмайман, йўқ деманг.

— Майли, юрақол, чарчадим деб финшимасанг бўлгани.

Она-бола машинада Тошкентнинг Тинчлик даҳясига дўкон очган Раҳимжоннинг олдига боришди.

— Бугун колбаса ва макарон маҳсулотлари йўқ. Хоҳласангиз, кўпроқ гўшт олиб бераман, — деди Раҳимжон ҳар доимгидек мулоим оҳангда.

— Майли, бориға барака, гўштнинг ўзи бўлса ҳам олавераман.



Машинага анчагина гўшт ортиб олган она дўконлари ойлаб маҳсулот олмайдиган узоқ «Ленинград», ҳозирги «Қушқўнди» қишлоғига йўл олди. Йўл йироқ, манзил олис, деганларидек, улар манзилларига етиб боришганида кун қоқ пешинга яқинлашганди.

Сигналини чалганча маҳаллага кириб келаётган машина бекат бўлиб қолган чинор дарахти тагида тўхтади. Машина сигналини эшитган хотин-халаж бирин-кетин уйларида чикиб бир-бирлари билан сўраша кетишди. Узоқларини яқин қилиб талонга зўрға топиладиган маҳсулотларни остоналарига олиб келувчи аёлни кўришлари билан ҳаммалари машинага ёпирилишди. Эртаю кеч далада, уйда мол-қолдан ортмайдиган қишлоқликлар рўзғор қилишга шаҳарга бориш учун бир кунини ажратишлари керак бўларди. Транспорт масаласи чатоқ бўлгани учун ҳам аёллар «савдогар» ҳожатбарордан тез-тез келиб туришини илтимос қилишарди. У вақтда гўшт маҳсулотлари сотадиган якка тадбиркорлар қаёқда дейсиз. «Тадбиркор» сўзининг ўзи ҳали сўз бойлигимизга кириб келмаганди.

— Келдингизми, сизни соғиниб кетдик-кү. Худди «йигирма бешталикдай» кўринмай кетдингиз?

— Ўзимни эмас, гўштли овқатни соғингандирсизлар.

— Ундай деманг, анчадан бери келмаганингизга хавотирда эдик. Бола-чақалар омонми, тўрт мучангиз, тўрт болангиз омонми? Тўрт гилдирагингиз айланиб турибдими?

— Шукур, ҳаммаси яхши, — машинадан тушиб эшикни ёпаётган Назира опа таниш чеҳраларни кўриб улар билан, «эсонмисиз-омонмисиз», дея ачомлашиб кўришди.

— Рўзгоримизда гўшт тугаганига анча бўлди, келиб қоларсиз деб, сизни пойла-а-аб ўтирибмиз-да.

— Бу гал менга гўштни насияга берасиз, «темир» дафтарингизни олинг.

Нозима аёлларнинг гапларини эшитиб энтиқди. Таажжубда колганча, онасининг атрофини ўраб турган аёлларга қаради. Иссиқдан буришган юзига бир зумда табассум югурди. Бунча дилга яқин бўлмаса бу инсонлар. Сўзлари самимий, ёноқларидан беғуборлик балқиб турган бу аёллар билан қадрондек бўлиб кетишга онам қачон улгурдилар экан? Этниларига одмигина чит кўйлак илган, дала юмушларидан

юзлари қорайган, пешоналари рўмол билан танғиб олинган аёлларга Нозима ипак кийган париларга боққандек ҳавас билан қаради.

Савдогар хола ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, машина юкхонасини очди. Қуёшнинг қайноқ тафтидан зўриқиб, машина капотида димиққан гўштнинг ранги кўкариб қолганди. Назира опа буни кўриб қўрқиб кетди. Ёқимсиз ҳид дарров анқиб атрофни тутди.

— Вой ўлмасам, гўшт айниб қолай депти-ку. Энди нима қиламан, ҳали пулини ҳам тўламаган эдим. Шунча гўштни қаерга олиб бориб, кимга сотаман? — Назира опа йиғламоқдан бери бўлиб гапирди. Яна ярим соатча шу алфозда турса гўшт ит олдига ташлашдан бошқа нарсага ярамайдиган ҳолга келишини ўйлаб бошини чангаллади.

— Хафа бўлманг, биз сизнинг касод бўлишингизга йўл қўймаймиз. Гўштнинг оралари ҳали бисқиб қолмаган, ишлатса бўлади, — капотдаги гўштларни бирма-бир кўтариб кўздан кечираётган аёл тасалли берди.

— Шундай кунларда бир-биримизга ёрдам бермасак нима қилиб юрибмиз? Сиқилманг, тарозингизни олинг. Гўштнинг ҳаммасини ўзимиз бўлишиб оламиз.

Аёллар унга бирин-кетин далда бериб, бўлак-бўлак гўштларни тарозида тортиб бўлишиб олишди.

— Ҳамма қўшниларни чақир, — набирасини елкасига опичлаб олган кексароқ кампир баланд овозда гапирди. Бир қўли билан оркасида опичлаб олган набирасини тагидан тутиб, иккинчи қўли билан узоқда турган қўшниларни имлаб чақирди.

— Гўштни ҳозироқ қатиқ билан ювиб, қизиган ёққа ташлаб олсак сассиқ иси кетади. Бир гал «свежий» гўшт емасак, осмон узилиб ерга тушмайди. Даладан қайтган эрларимизга ўзимиз ётиғи билан тушунтирамиз, улар сизни жуда яхши билишади.

Хотинлар бир-бирларининг гапларини маъқуллаган кўйи ҳисоб-китобни қилишгач, уй-уйларига кириб кетишди. Қайси бирларидир ўчоқдаги овқатни сузишга, қайси бирлари даладан қайтган сигирларини соғишга, яна бировлари кўча чангитиб тупроққа беланган болаларини чўмиштиришга уннашганида шом ҳам тушиб қолганди.

Кенг далалар, чироқсиз ўнқир-чўнқир кўчалар. Машина ғилдираклари ортидан кўтарилиб тўзғиётган чанг, уларни изма-

из қувиб келаёттандек кўринади. Она рулни маҳкам тутганча, машинасиғи ҳайдаб бораркан, хаёл суради. Дунёда яхши одамлар кўплигидан кўнгли кўтарилиб боради.

Бунчалар буюк экан ўзбек аёли. Ғам, рўзгор, бола ташвиши ҳам улар юзига бота олмайди. Ибоси бойчечакдек майин, қалби ердек сахий, қадрли тоғдек баланд уларнинг. Яхшиям бор яхши одамлар.

## 11

Назира опа удабуронлиги, сўзга чечанлиги ва ўз вазифасини сидқидидан адо этиб келаётгани учун орадан икки йил ўтмай мактаб маъмуриятининг таклифи билан директор ўринбосари лавозимига кўтарилди. Кечагина келиб, бугун мактаб раҳбарининг ўринбосари вазифасига тайинланаётган аёлнинг номзоди педагоглар кенгашида овозга қўйилганида, жамоа орасида унга қарши чиққанлар ҳам бўлди. Аммо камчилик кўпчиликка бўйсунилди. Кейинчалик бу масала ўқитувчилар орасида қарама-қаршилиқни юзата чиқарди.

Назира опа юқори поғонага кўтарилгач, эришган мавқеидан фахрланиб, ташкилий ва хўжалик ишларига янада зўр ғайрат билан шўнғиб кетганидан атрофида бўлаётган майда-чуйда гапларга парво қилмасди. Мактабда анчадан бери ишлаб юрган ходимларнинг баъзиларига унинг тез орада раҳбарият ишончига кириб қолгани ёқмади. Айниқса иши, қониқарсизлиги учун ўрнини бу аёлга бўшатиб берган Сотимбой оға ошкора душманга айланиб қолганди. Касаба уюшмасининг раиси Қанигул опа бошчилигидаги гуруҳ унинг ишидан камчиликлар топиб «тагига сув қуйиш» ҳаракатини бошлаб юборилди.

Бир куни мактаб директори бетоблиги боис унинг ўрнини вақтинча эгаллаб турган Назира опа йўлақдан фаррош Ирисгулнинг ўтиб кетаётганини кўриб қолди.

— Ирисгул опа, менга қараб юборинг.

— Ҳа, нима дейсиз?

— Ассалому алайкум, Ирисгул опа, менинг хонам анчадан бери тозаланмайди. Бугун хонага бир қараб қўйсангиз. Неча кундан бери қоровулга тайинлаб, калитни бериб кетсам ҳам тозалаб қўймабсиз.

— Кеча келиб, бугун буйруқ беряпсизми?!

— Кечирасиз-у, ҳамма ўз вазифасини бажариши керак.

— Менинг вазифам билан ишинг бўлмасин, сенинг қанақалигингни яхши биламан.

— Бу нима деганингиз, сизга нима ёмонлик қилдимки, менга бундай муомала қиляпсиз? Мен қандай одам эканман. Айтинг, ўзим ҳам билиб олай.

— Бузуқисан!

Назира опа газабдан титраб кетди. Агар бу ердан бошқа жойда гапирганида бу гапи учун Ирисгулнинг таъзирини бериб қўярди.

— Нима?!

— Ўзингни фариштадай кўрсатмай қўяқол. Эримнинг жойига ўтириб нимага эришдинг? Ундан кўра кўчага чиқиб фоҳишалигингни қил!

— Ўйлаб гапиринг! Мен тўртга болам билан фоҳишалик қиладиган аёлга ўхшайманми? Бу нима деганингиз?

— Одамлардан эшитганман... — Эрининг лавозимига ўтирган аёлга нафратини соча олмай юрган Ирисгул зап алам оладиган пайт келганини билиб, оғзига келганини гапира кетди.

— Яхши бўсанг, эринг ташлаб кетармиди?!

— Эътиборингиз учун, мени эрим ташлаб кетмаган, ўзим у билан ажралишга қарор қилиб, тўрт боламини олиб кетганман.

— Машинангда бегона эркак билан кетаётганингни ўз кўзим билан кўрганман.

— Ота-онангиз сизга адашиб Ирисгул деб исм қўйишган экан, аслида бу феълингизга Ифлосгул деган исм кўпроқ ярашади.

— Нима? — чидай олмаган Ирисгул ўзи тираниб турган қўлбола поллаттага ўроғлиқ таёқни кўтариб аёлни уришга чоғланди. Ўзини зўрга босиб турган Назира опа стол устида турган жилд тешгични унга қарата отди.

— Хонадан чиқиб кетинг! Мен сиздай омиларга тенг бўлишни истамайман!

Мўлжасиз отилган жилд тешгич бориб Ирисгулнинг пешонасига тедди. Ирисгул оғриққа титроқ қилмай вайсалганида, пешонасидан нимадир оқиб келаётганини сезиб, кафтлари билан юзини силаб қўларига қаради.

— Вой-дод, ёрдам беринглаар!

Мактабда дарс соатлари тугаб, болалар уйларига тарқаб бўлишганди. Акс ҳолда текин томоша бўларди. Қарабсизки,

бу воқеа бутун қишлоқ бўйлаб ёйиларди. Шунга қарамай шовқинни эшитган ўқитувчилар ва Ирисгулнинг эри бир зумда етиб келишди. Эрини кўриши билан ўзини беҳушликка солган хотинининг қўлтиғидан тутган Сотимбой уни бўралатиб сўкаркан, кета туриб ўшқирди:

— Ҳали мендан кўрасан, умрингни қамоқда чиритаман сени!

Ҳамманинг кўзига хўрланган, ҳақоратланиб руҳий зарба олган аёл эмас, тан жароҳати олган шаллақи аёл бечорадек кўринди.

Эртасига эрталаб ишга келган бир гуруҳ ўқитувчилар Назира опани мактаб дарвозаси олдида пойлаб туришарди. У бир зумда улар узатган номага кўз югуртириб чиқиб, ҳайратда қолди. Қоғозда оғир тан жароҳати олган Ирисгулга мия чайқалиши ва руҳий зарба ташхиси қўйилган ва касалхонага ётиш учун йўлланма қистирилган эди. Кетига эса участка нозирига битилган шикоят ҳам илова қилинганди.

— Агар бугуноқ ишдан бўшаш ҳақидаги аризани ёзиб ишдан кетмасанг, эртага тонгни қамоқхонада оттирасан.

— Қўлларингиздан келганини қилинглар, мен ариза ёзмайман.

Мактаб директори кечга бориб воқеадан хабар топди. Бир кунга шифохонадан рухсат сўраб келиб, аёллар орасидаги муаммони ҳал этди.

— Бу можаро жамоамизнинг ўзида яхшилик билан ҳал этилиши керак. Мактабнинг мавқеига путур етишини истамайман. Токи мен шу ерда раҳбар эканман, милициявозлик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бу низода тан жароҳати етказган аёл айбдор топилиб, унга ҳайфсан эълон қилиниши билан тутади.

Нозима онаси устидан бўлган бу ноҳақликларга чидай олмасди. Онаизор эса дардларини қизидан бошқа одамга айта олмасди. Нозима мактабдаги баъзи ўқитувчилардан кундан-кунга кўнгли совиб борарди. Ҳатто бир куни мактабга онасини излаб келган нотаниш кишини кўрган ғийбатчилар «жазмани келипти» деб бўҳтон тарқатишаётганининг гувоҳи бўлди.

Рус тили дарсида ўтирган Нозима ўқитувчиси Зарифа билан пичирлашиб гаплашаётган она тили ва адабиёт муаллимаси Муяссар опанинг онаси ҳақидаги гапларини ўз қулоқлари билан эшитди.

Кўшни синфдаги дарсини ташлаб келган Муяссар опа вазифани ёзиб ўтирган Нозимани ёнига чақириб кўча томондаги ойнага ишора қилди.

— Ойинг билан гаплашиб турган анави киши ким?

Нозима улар томонга орқасини ўгириб турган кишини танимади.

— Билмадим...

— Даданг бўлса, таниган бўлар эдинг. Демак, у бегона. Қучоқлашиб кўришаётганларини уз кўзим билан кўрдим. Бўлмаса, бу киши янги дадангдир, балки. Уялмасдан ҳамманинг кўз олдида гаплашиб туришларини қара-я...

Ойнадан нотаниш кишининг ҳаракатларини кузатиб турган Нозима улар томонга беихтиёр ўтирилган кишини таниди.

— Вой, Неъмат тоғам келибдилар!

Нозима синфдан чопқиллаганча чиқиб кетди.

Нозима икки дугона ўқитувчи дарс вақтида бир-бирларининг хоналарига кириб ё эшик тагига туриб олиб нималарнидир пичирлаб гапиришаётганида, онаси ҳақида гап кетаётганини сезарди. Айниқса ғийбатчилар Нозимага қайта- қайта қараб кулиб қўйишларини пайқагач, Нозима гумонининг рост эканлигига ишончи комил бўларди. Шу воқеалар сабаб бўлиб, Нозиманинг айрим муаллимлардан кўнгли қолди. Нозима айниқса, икки муаллимдан ҳафсаласи пир бўлиб, улар билан юзма-юз келиб қолганда салом бермай ўтиб кетадиган одат чиқарди. Дарс бериш учун хонага кирган Муяссар опани кўрган Нозима ўрнидан турмасди. Ўқувчилари олдида нафсонияти топталган муаллима Назира опага «қизинг тарбиясиз», деб танбеҳ беришди. Онаси Нозимани қанча койиса-да, фойдаси бўлмади, қизини иззатталаб ўқитувчига салом беришга мажбурлай олмади. Одобсизликда айбланган Нозима нима сабабдан бундай қилаётганини ҳеч ким билмасди. У фариштадек онасини ёмонлаганларни одам сифатида ҳурмат қилмай қўйганди.

Маърифат ва маънавият ўчоғи бўлган мактабда, зиёлилар орасидаги бу низолар Нозимада юрагидаги ўқитувчилик касбига бўлган интилишнинг сўнишига туртки бўлди. Аксарияти аёллардан ташкил топган мактаб жамоасининг ички муҳитининг носозлиги Нозиманинг қарорини ўзгартиришига

сабаб бўлди. Шунда у журналист бўлишни, ҳаётдаги ноҳақликларга қарши курашишни, одамлар муаммоларини ҳаққоний ёритишни ўз олддаги мақсад қилиб қўйди.

Ушбу воқеа эса юрагидаги бу қарорни янада мустаҳкамлади. Бир нарсага унинг имони комил бўлди. Ҳақиқат то одамлар томонидан изланиб, курашиб юзага чиқарилмагунга қадар эгилиб, букилиб яшайвераркан.

Мактабдаги етакчи ўқитувчилардан бири Меҳри ва янги ишга келган расм ўқитувчиси Фарҳод орасидаги сирли учрашувлар тарихи тез орада ҳамманинг оғзида дoston бўлди. Икки ёшнинг пинҳона учрашувлари оғиздан-оғизга ўтиб чигаллашиб кетди. Фарҳод номаълум сабабларга кўра, ўз хоҳишига биноан ариза ёзиб ишдан бўшади.

Навбатдаги байрам тадбири муносабати билан синфдаги қизлардан пул тўплаган фаоллар совға олиш учун Чорсу бозоридаги «Болалар дунёси»га тушишди. Синфдош болалар учун совға танлаётган Нозима, Дилфуза ва уларга эргашиб келган Муҳаббат узоқдан ўзларига таниш одамни кўриб пичирлаша бошлашди. Уқувчи қизларни бир кўришдаёқ таниган Фарҳод уларни кўрмаганликка олиб юқори қаватга кўтарилди. Икки ўқитувчи орасидаги ишқ дostonини эслagan қизлар совғани харид қилиб бўлгач, мактабларига қайтдилар.

Қизлар автобусдан тушгач, мактабга кираверишда айланиб юрган етакчи Меҳрихон қўлига тушдилар.

— Дарс вақтида бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

— Бозорга совға олиш учун борган эдик.

Қизлар бирор тартибсизлик бўлса, ўқувчиларни дарров директор ҳузурига судраб кирадиган Меҳрини кўриб, кўрққанларидан довдираб қолишди.

— Нима, қайси ўқитувчи сенларга дарс вақтида кўчага чиқишга рухсат берди? Қани, тез олдimgа тушларинг-чи!

Довдираб қолган қизларни кўрқув босиб бехосдан:

— Фарҳод акамни кўрдик, сизга салом айтиб юбордилар, — деб юборишди.

Хушxabарни эшитиб Меҳрихоннинг қаҳри тарқади. Юзи ўзгариб, овози майинлашди:

— Қаерда кўрдинглар, мени сўрадимми?

Вазият юмшаганидан хурсанд қизлар бири олиб, бири қўйиб ёлгон тўқий бошлашди. Лофга уста Муҳаббат ёлгонни дўндирди:

— Сизни сўрадилар, салом айтинглар, деб тайинладилар. Эртага соат 10 да сизни Панорама кинотеатри кассаси олдидан кутар эканлар.

— Ростданми?

Нозима билан Дилфуза ҳам унинг гапини маъқуллаб, бош чайқашди.

— Тезда синфхоналарингга чопинглар. Бу гапни бошқа ҳеч кимга айтманглар.

Ёлгонлари охир-оқибат нима билан тугашини ўйлаб кўрмаган қизлар қилган ишларидан кула-кула синфлари томон чопиб кетишди.

Эртаси куни сўнгги олтинчи соатга кириш қўнғироғи чалиниб, ўқувчилар жойларига ўтириб улгурмасларидан синфга Муяссар опа кириб келди-да, Дилфуза билан Мухаббатни чақириб, ўқитувчилар хонасига олиб кетди. Икки синфдошларининг нима айб иш қилиб қўйганидан беҳабар ўқувчилар бир-бирларига қараб елка қисиб қўйишди.

Бу манзарани кузатиб турган Нозима гап нимада эканлигини англади. Нега уни чақиришмади экан?

Қўнғироқ чалиниб, дарс соатининг тугаганидан огоҳ этди. Ўқувчилар ўрниларидан туриб, кўча эшик томон ошиқишаётганида Мухаббат билан Дилфуза қайтиб келиб қолишди. Нозима дугоналарини кўриши билан ёнларига чопқиллаб бориб, савол берди:

— Тинчликми, сизларни нимага олиб кетишди?

—

Икки қиз сен гапир, дегандай бир-бирига қараб турарди.

— Гапирсаларинг-чи, нима гап бўлди?

— Нозима, бизни кечир, бошқа иложимиз йўқ эди. Агар шундай деб ёзиб бермасаларинг ота-онангизни чақиртириб, мактабдан шарманда қилиб ҳайдаймиз, ота-онангиз ишхонасига мактуб жўнатамиз, деб қўрқитишди.

— Меҳри опа агар айтганимизни қилмасаларинг, комсомол сафидан ўчириб ташлаймиз. Кейин бирорта ўқишга ҳам кира олмайсизлар, деб пўписа қилди, — Мухаббат Дилфузанинг гапига шундай деб қўшимча қилди-да, ўзи синфдан чиқиб кетди.

Нозима гап нимада эканлигини тушуна олмай тудоқиб:

— Нима деб ёздиларинг? — деди.



— Кеча қилган ҳазилимизнинг зили чиқди. Меҳри опа бутун соат 9 дан 12 гача ёмғир тагида, кинотеатр ёнида Фарҳод акани пойлаб жиққа шалаббо бўлиб қайтибди. Келгач, ҳамма гапни йиғлаб Муяссар опа билан Зарифа опага айтиб берибди. Биз уларга «Нозима бизни шундай деб айтишга мажбур этди, унга онаси айтган экан», деб тушунтириш хати ёзиб бердик.

— Бу гапни қаёқдан олдиларинг?

— Нима деб ёзишимизни Муяссар опа сўзма-сўз айтиб турди, — дугонасига қилган тухматидан ҳижолат чеккан Дилфуза йиғлаб юборишига оз қолди.

— Нега энди ҳамма айбни менга тўнкаб чиқдиларинг?! Нега?

— Сенга айтдим-ку, бошқа иложимиз қолмади. Бизни кечир, Нозима...

Нозима аввалига бир оз қўрқди, кейин «бор-эй, нима бўлса-бўлар, керак бўлса, талашиб тортишиб ҳақиқатни юзага чиқариб оламан», деган кўйи пинагини ҳам бузмай уйига кетди. Тўғриси айтганда, Нозима бўйи етган, олий даргоҳда илм олиш билан бирга мактабда ишлаётган Меҳри опа қизларнинг гапига ишониб югургилаб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Меҳрининг ўрнида бошқа гурурли қиз бўлганида ўла қолса, бундай қилмаган бўларди.

Нозима кечки таомни укалари билан тановул қилиб эндигина идиш-товоқларни ювиб бўлган ҳам эдики, тушқун кайфиятда онаси ишдан қайтди. Қиз тақиллаган дарвоза эшигини очаркан, бўлган гапдан беҳабар, онасига тикилиб турарди:

— Ойи, намунча кеч қолиб кетдингиз?

— Мактабда шошилинич педсовет бўлди. Сени номаяқул йўлга бошлаб, Меҳрининг устидан кулганим ва ўқитувчи номига доғ туширганим учун менга ҳайфсан эълон қилинди.

— Индамай туравердингизми, ахир сиз бу гаплардан беҳабар эдингиз-ку.

— Мевали дарахтга тош отилавераркан. Қолаверса, то раҳбарлик лавозимидан туширмагуналарича бу шухратпарастлар тинчимайдиганга ўхшайдилар.

— Ахир бу тухмат-ку!

— На илож...

Назира опа раҳбар ўринбосари лавозимига кўтарилгач, эртаю кеч мактабда ушланиб қоладиган бўлди. У дарсларини ўтиб бўлгач, қолган вақтлари мактабнинг жамоат ва хўжалик ишлари билан банд бўларди. Назира опа мактабда зўр шижоат билан ишлаб, тадбиркорлик ишларини ҳам йиғиштириб қўйишга мажбур бўлди. У гоҳида чала ётган иморатига қараб, иқтисод масаласини ўйлар экан, раҳбарликдан кетгиси келарди. Аммо у ўзи билан ўчакишиб юрган ҳамкасбларига қасдма-қасд, жон фидо қилиб ишларди. Тўғрироғи, лавозим таллашиб унга қарши уруш бошлаганларга ютқазिशни истамасди.

Шу алфозда кунлар, йиллар ўтди. Она рўзгорини тебратиб бир кунини кўриш билан, ундан ортганини жамғарма кассасида сақлаб тўғри қилган экан. Жамғармаси анча бўлиб қолгач, ҳафсала қилиб уста гаплашди-да, иморати томини ёпиб, тунукасини қоқтириб олди. Ҳозир иморати гамида югурмагани учун аввагидай пул тушумлари йўқ эди-ю, лекин жони бир оз ҳаловат топганди. Шунда у мактаб таътилларида тирикчилик қилиш ишларини режалаштиришга тушди.

Аёл баъзан орзу-ҳавас билан яшаётган аёллар даврасига қўшилиб қоларкан, иш орасида бўйи етаётган қизларига, орзу қилган келинарига атаб ул-бул харид қила бошлади. Яхши ният билан сеп йиғиш ўзбек оналарига хос фазилат. Ҳали иморатини битириб, унга кўчиб кирмаган бўлса-да, сеп олаётган аёлларга ҳавас қилиб нарса сотиб оларди. Духоба дейсизми, учраб қолганда метр-метр шоҳи товарлар, яна кимнингдир маслаҳати билан чийдухоба тўнлар йиғди. Асл буюмлар фақат пештахта остидан таниш-билишларга сотиладиган кунларда кўзига чиройли кўринганларини қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, сотиб олаверди.

— Тирикчилик деб доим кўчада бўламан, болаларим кўпинча уйда ёлғиз қолишади. Опа, орзу-ҳавасимга деб олган мана шу омонатларим сизникида тура турсин. Яхши ният билан болаларимга атаб сотиб олдим. Ўзимнинг уйимда қўярга на тахмоним, соларга на бир сандиғим бор.

— Майли, сингилжон, бериб кетақол. Булар ош-нон сўрамаса. Бир бурчакка қўярман.

— Худо хоҳласа, тўй бошлаганимда оламан. Худо ҳаммамизни шу кунларга етказсин. Опа, онам қариб қолдилар,

мен уйда аёл, кўчада эркакман. Тирикчилик ортидан юриб, борди-кедидан ҳам чиқиб қолдим. Сиз, Арофат опам кетмакет тўй қилиб анча тажрибангиз ошиб қолган. Менинг тўйларимда ўзингиз туриб берасизлар. Йиғинларимга бош бўлиб, йўл-йўриқ кўрсатиб, кам-кўстини тўлдириб берасизлар-а?

— Кўнглинг тўқ бўлсин, тўй қилсанг бир чеккада қараб турмасмиз.

Бировнинг дарди кеч кириб, эрта чиқаркан. Вақти келиб, тўй тараддудига тушган сингил ял-ял ёнаётган духобалар ўрнига жомашовга тушган, пахтаси бўрсиллаб турган тўнлар ўрнига кимёвий йўл билан тозаланиб, киришган, оҳори тўкилган тўнларни қўлга олишини билмасди. Қизларини турмушга чиқараётганда, «сенинг қизинг буй етунча олиб бераман», деган опа айтганида турмаслигини сингил хаёлига ҳам келтирмаганди. Жигарларининг тўйларида тавонининг бир бурчини кўтарар экан, эртага қайтиб келади, деб умид қилганида адашган экан.

Хосият буви Нозиманинг тўйи кезида катта қизи воқеасидан хабар топиб ҳақиқатдан кўз юмиб кетолмади, омонатта хиёнат қилган катта қизининг қилмишидан норози бўлиб, аразлади. Қазоси етган кезлари ҳам арази тарқамади, йиғлаб дийдиё қилиб, катта қизини мунофиқликда айблади.

— Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам деганларки, мунофиқнинг учта аломати бор: омонатта хиёнат қилгайдир; сўзласа, ёлгон сўзлагайдир; шартнома тузса, шартида турмагайдир.

Қизларини бекаму-кўст узатиб, дабдабали тўйлар қилган хола жиянларининг омонатига қилган хиёнати қанча пичингларга, кўнгилсизликларга сабабчи бўлганини билармикан?

Қизларига сеплар олаётганида моддий томондан ёрдам бермаса-да, маслаҳат бериш, қайнонасиз яшаётган сингилларига йўл-йўриқ кўрсатиш опаларнинг бурчи эканлигини икки хола билармикан? Бу иш ҳеч қаерда қайд этилмаган бўлса ҳам, виждон амри, қалб истаги, қондошлик талаби ҳисобланади.

Нозиманинг икки холасини кўрган одам борки, «фариштали аёл экан», дейди. Ҳақиқатда ҳам шундай. Оқ-сарикдан келган чеҳраларига бошларидан тушмайдиган турли-туман нафис

рўмоллар жуда ярашади. Ташлаб қўйса, тўпигини ўтадиган икки ўрим сочларини кўпчилик кўрмаган ҳам. Пардоз нималигини билмаган оппоққина, думалоқ юзлардаги қошу кўзлар сурма суртгандай қора. Қайин-бўйинлар измида, эрларга итотда бўлган холалар бештадан фарзандларининг тарбияси, кир-чири, уй юмушларидан ортиб, ҳадлари сиғиб бирон жойга бесўроқ бормаган. Эрлари юқори лавозимда ишлайдиган икки опа ўзига тўқ оиланинг бекаси. Хотинларнинг бахти яхши эрда эканлиги оддий ҳақиқат. Қуда-андаалар кўриб, ҳаж сафарларига бориб келган холалар бир аёлга керакли бахтнинг ҳаммасига эришганлар десам хато бўлмайди. Фақатгина кенжа сингилга бундай бахт насиб этмади.

— Пулинг бўлса қарз қилиб тур.

Нозима бугун дабдурустдан ташриф буюрган холасининг мақсадини англаб ташқарига чиқди.

— Опа, аҳволимни кўриб турибсиз-ку. Иморатга уста солганман, уйнинг полларини қоқишяпти. Буёқда эшик-ром учун буюртма берганман, эрта-индин битиб қолса, ҳақини беришим керак. Ҳали ишини тугаллаб бўлмаган усталар ҳам пул сўраб ҳол-жонимга қўйишмаяпти. Бир ишим икки бўлгани ёмон бўлди. Йўлакнинг деворини кўтарган уста ғиштни нотўғри терган экан, қийшайиб кетди. Ўзига бошқатдан тўғирлатиб оларман десам, тутқич бермаяпти. Аксига олиб, уй-жойини билмайман. Агар уйимда эркак бўлганида, ё акамми, укаларимдан бирортаси ўзидан ортиб, усталарга бош бўлиб, қилаётган ишларини назорат қилиб турганида бундай бўлмасди. Бошқа уста гаплашиб, деворни бузиб, қайтадан кўтартирдим. Кўриб турибсиз, қанча пул бўлса ўзимдан ортмайди. Иморат солиш осон иш эмас экан. Иморатимни бўёқдан чиқариб, ичига кириб олишга сармоя топа олмаяпман.

— Сингилжон, жуда зарур бўлиб қолди-да! Поччанга айтмай қизларга деб бир нарса харид қилгандим. Бугун-эрта пулини тўламасам, бўлмайди. Зарур бўлгани учун шундан шуюёққа келдим, бир амаллаб берақол.

— Озгина йиғиб қўйганим бор, ўшани бераман. Лекин бир ойга қолдирмай қайтариб берасиз. Тезроқ иморатни бўёқдан чиқариб олмасам бўлмайди. Болаларимнинг бўйи етиб қолди, ҳаракатимни бошлашим керак.

Сингил опасига йиғиб қўйган пулини бериб юборди. Бор бўлса, жигар жигардан пулини аярмиди. Ўлмагур шу нарсанинг

келиши қийину, кетиши осон-да. Пул қўлнинг кири, деб шунга айтсалар керак. Гоҳида шу «кир» қадри инсонниқидан баланд бўлиб кетганига ачинади киши. Шу қоғозни деб инсонлар лафзларидан қайтганига, ғурурини топтаганига эзилади киши.

Орадан икки ё уч ойлар ўтди. Бир юмуш билан тоғасининг уйига кирган онасига ҳамроҳ бўлган Нозима холасининг қилиғидан ёқа ушлади.

Бурчакда турган каттагина тугунни кўрган Назира опа янгаси Мукаррамдан қизиқиб сўради:

— Келинойи, анави тугундаги нима?

— Эсимдан чиқиб қолмасин, деб кўринарли жойга қўйгандим, бу сизга атаалган экан.

— Ие, кимдан, қачон шунча мурувват бўла қолди. Бу саховатни кўрсатишга ким журъат топди? — қайнсингил кула-кула ҳазил аралаш киноя қилди.

— Ана шу «чақшингиз» қолмади-қолмади-да. Опангиз сизга ташлаб кетдилар. «Даласига бора олмадим, келиб қолса бериб юборарсиз», деб тайинлагандилар.

— Тушунмадим, — Назира опа ажабланганча ўрнидан турди-да тугунни очди. — Нима экан, ичидагиларни кўрай-чи...

— Сиздан қарз олган эканлар, ўша пулнинг ўрнига бериб кетдилар.

Тугун ичидаги латта-путталарни эндигина кўздан кечираётган қайнсингил ҳайратдан ёқа ушлади;

— Алмисоқдан қолган латта-путта, қийшайган этик, ҳеч ким устига илмайдиган кийимларни мен нима қиламан, бошимга ураманми?!

Назира опанинг беихтиёр ғазаби кайнади:

— Сандиқда ётаверганидан нафталин ҳиди ўтириб қолган бу матоҳларни, эски-туски бозорига олиб бориб сотиб, қарзга деб олган пулни қайтарсинлар. Ўғил-қизларидан ортиб, сандиқ тагида қолиб кетганларини менга илинибдилар-да. Келину куёвларига эл билмаган, қизлари назарга илмаган матоҳларини менга раво кўрибдилар-да. Берганимни индамай кияверадиган болаларимни ҳадеб ерга уравермасинлар. Менинг болаларимда ҳам дид, хоҳиш бор. «Онамлар хафа бўлмасинлар», деган шўрлик болаларим менга инжиқлик қила олмай берганимни кияди. Фарзандларим ўртоқлари олдида ўксинаётганини ўзим кўриб турибман. Мен ҳам бошқа оналар каби болаларимни

яхши кийинтириб, олдимга солиб юргим келади. Лекин ноиложман. Ҳа, манманликнинг ҳам чегараси бор, одамда озгина инсоф бўлиши керак...

— Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, — янга елкасини қисганча мум тишлади.

«Элчига ўлим йўқ», дейишади, аммо элчилик қилган янга роса балога қолди.

«Ёғочнинг бўшини қурт ейди» деганларидай, ювошгина янга қайнсингилларига ортиқча бир сўз дейишга ботина олмасди. Опа-сингиллар оналаридан хабар олгани келган дамларида баъзи келинларининг беттачопарлигидан нолиб, сўнгида камсуқум келинойиларини беғамликда айблаб қўйишарди. Одамзот иссиққа ҳам, совуққа ҳам кўнмас экан-да. Инсон зотига тушуниб бўлмас экан.

Қанчалар мураккаб ва қанчалар содда яратилган экан-а инсон...

### 13

Нозимага ўзгаларнинг ҳашаматли кошонасидан, ўзларининг вайронаси кўркамроқ кўринади. У ҳадеганда холалари-ю, тоғалариникига чопавермайди. Холалариникига аҳён-аҳёнда, тўй-ҳашам муносабати билан борса, онасининг қистови билан тоғалариникига укалари билан ҳаммомда ювингани боради. Нозима тоғалариникига одатда онасига ҳамроҳ бўлиб эргашарди. Онаси асаблари чарчаганиданми, яқинлари олдида ўзига ёқмайдиган гап эшитса, ё хуш келмайдиган ишни кўриб қолса, дарров норозилигини билдирар, бақириб юборарди. Бундан Нозима ҳижолат чекарди. Онаси жигарлари ё янгалари орасида бўлиб турадиган майда-чуйда жанжалларни босиқлик билан ҳал қилмай, дарров бақирешга ўтади. Аммасининг жиззакилигини кўрган жиянлар қўшнилар олдида бундан истиҳола қилиб норози қиёфада қараб туришлари Нозиманинг нафсониятига тегарди. Тўғри-да, келганида яқинларининг дилини хира қилиб кетадиган аммани ким ҳам хушларди. Ахир арзимаган нарсани можарога айлантириб юборишлари тўғри эмас-да. Ота-она уйига меҳмон бўлган қизларнинг ойда бир келганида онаси ва келинлар орасига тушиб, уларнинг муносабатларига аралашавериши яхши эмас. Нозималар эса

бувиларининг хонадонига бир умрга боғланиб қолишган. Исташса-исташмаса, бу ерга келишга мажбурлар. Далаларида газ ва сувнинг йўқлиги бунга сабаб. Яхшиямки, онасининг тагида машина бор. Болаликларида оналари болаларни тоғорага солиб ювинтирарди. Энди улар катта бўлиб қолишди.

Нозима холаваччаларига нисбатан тоғалариникига кўпроқ боргани учунми, уларнинг қизлари билан оралари яхши. Бир ҳовлида яшовчи икки тоғасининг қизлари Нозима келганида «бизникига юр», деб ҳол-жонига қўйишмайди. Аҳмад тоғасининг камтарин фарзандлари доим бир юмушга уриниб, ўзлари билан ўзлари овора бўладилар. Нозима ўртанча Неъмат тоғасини жуда яхши кўрар, шу сабабли уларнинг уйига интилиб турарди. Чилонзордаги «Шухрат» дўконига мудир бўлиб ишлайдиган бу тоғаси бошқача одам эди. Сахий, танти тоғасининг болалари, рафиқаси ҳам «жайдари». Уларнинг оиласи қариндош-уруғлар туғилган кунини эслаб, борди-келди қилиб юрувчи ягона меҳр устун ҳисобланарди. Келинойиси Шарофат ҳадди сиғиб гоҳида Нозимага ҳаёт сабоқларини беришдан эринмасди. Аёл киши қандай бўлиши, рўзгорни қандай юритиш ҳақида унга қунт билан уқтирарди. У болаларини янги чиққан ҳинд фильмларини томоша қилишга кинотеатрларга олиб кетаётганида, ўзига яқин тутгани учун Нозимани ҳам эргаштириб олар, қўлига музқаймоқ тугарди. Туғилган кун саналарида ҳам Нозималарникига уларни йўқлаб борадиган ягона инсон ана шу Шарофат келинойиси эди. Шарофат келинойиси фарзандлари билан совға-салом кўтариб келганида, ҳеч қачон меҳмон кутмаган Нозима қувонганидан довдираб, нима қилишини билмай қоларди.

Нозима Неъмат тоғасининг оиласини яхши кўришига жуда кўп сабаблар бор. Чунки унинг ҳаётидаги қувончли кунларида табриклаган, совға берган, аввало эътибор қилган ягона инсон — Неъмат тоғаси эди.

— Жиян, етти ёшга тўлиб, мактабга борадиган кап-катта қиз бўлиб қолибсан. Мана, мактабга кийиб боришингга сенга форма олиб келдим. Энди яхши баҳоларга ўқигин.

— Раҳмат, тоғажон, — Нозима бу кийимни бир неча йиллар асраб-авайлаб кийди, синфдошларига мақтаниб юрди.

Байрамларда қизлари билан Нозимага бир хилда кўйлак танлайдиган тоға чиқимини ҳеч қачон миннат қилмасди. У

меҳнат таътилида Нозималарникига келиб ҳовлидаги оғир ишларини саранжомларди. Неъмат тоға бирор марта қора меҳнатдан оғринмаган. Яхшилик ўлмади. Тоғасининг ана шу ишлари Нозиманинг эсидан сира чиқмайди.

Мактабни тугатаётган кезлари Нозимани табриклаган, келгуси режалари билан қизиққан ягона инсон ҳам Неъмат тоғаси бўлди.

— Жиян, мана мактабни ҳам тугатдинг. Энди буёғига нима қилмоқчисан? Истасанг, савдо соҳасига ўқишга кир. Дўконимга ишга оламан.

Олий ўқув юртида ўқишни ўйлаб юрган Нозима, аввало бундай таклифни юридик техникумда талабаларга дарс бераётган кичик тоғаси Раҳматдан эшитишни хоҳлаганди. Нозима ўтган йили тоғаваччаси Шоҳсанамга кириш имтиҳонларини топширишга ёрдам бераётган тоғасини кўриб, шундай мурувват менга ҳам кўрсатилар, деб кутганди. Аммо, Нозиманинг ўрта мактабни тугаллаётганини билган кичик тоғадан садо ҳам чиқмади. Неъмат тоғасининг эътиборидан қувониб кетган Нозима ўз мақсадини айтди:

— Университетга, журналистика факультетига ўқишга кирмоқчиман.

— Яхши, орзуларингга еттин, омадингни берсин. Мендан нима ёрдам керак бўлса, тайёрман. Мана, бу туфли сенга совға, битирув оқшомида киярсан.

— Раҳмат, тоғажон...

Нозиманинг кўзларида қувонч ёшлари милтиради. Дўконларда талашиб-тортишиб сотилаётган ноёб «Золушка» туфлисини кийиш унинг етти ухлаб тушига кирмаганди. Нозима устлари сариқ тилладай ялтираётган туфлини кияр экан, ўзини эртақдаги «Золушка», деб тасаввур этди. Синфдоши Дилфуза «дадам олиб бердилар», деб худди шундай туфлисини мақтанганида у ҳавас қилганди. Дадалар шундай саҳий, қизларига меҳрибон бўларкан-да, деб ичида ўксинганди. Ушанда у дугонасининг дадасидан бой, басавлат, бойвачча поччаларидан кўра баланд бир инсонни эслади. Унинг назарида, ҳаётдаги дуч келаётган ҳар бир тўсиқ ва атрофдагиларнинг хўрлаш, камситишларига у отасизлиги туфайли дуч келаётгандек эди. Яхшими-ёмонми, соғми-касалми, ўғрими-тўғрими, уйда отанинг ўрни бўш қолмасин экан. Нозиманинг назарида, ҳаёт



муаммоларининг ечимини топувчи эшикнинг қулф-калити ота қўлида эди. Фарзанднинг келажақдаги ўрни, жамиятдаги мақоми ҳам отага боғлиқдай кўринарди. Нозима ўксинган, ўзини ожиз ва ҳимоясиз сезган вақтларида отасини кўп эслар, шунда у секингина пичирларди: « Бу дунёда меҳрсиз, қаҳри тошдан ҳам қаттиқ инсон дадам бўлсалар керак».

— Қалай, кўйлагим яхшими? — янги кўйлагини кийиб кўраётган Мадинанинг кибр билан гапиришидан унинг мақтанаётгани шундоққина билиниб турарди.

— Бунисиям зўр экан. Лекин Зебо опамнинг ЗАГСига кийиб борган кўйлагинг зўр экан, ҳамманинг кўзи сенда бўлди. Куёвнинг бир-иккита оғайнилари сени суриштиришди, — Заҳро Мадинанинг атрофида айланганча оғиз кўпиртирди.

Холасиникига унда-бунда бир борувчи Нозима ўзини жуда ноқулай сезди. Мадинанинг такаббурлик билан, менсимай гапираётганини кўриб гаши келди.

— Аввалги кўйлагимни комиссиян магазинга топширдим. Ҳали яп-янгию, аммо моладан қолган. Бировларга бериб юборгандан кўра, сотсам, ёнига пул қўшиб янгисини оламан.

Нозима холаваччасининг бу қилиқларидан энсаси қотди. У бировнинг кийимига қараб муомала қиладиган, атрофдагиларга паст назар билан қараб ўзини осмон биладиган Мадинани молпараст ҳисоблади. Нозима ота-онаси бағрида эркаланиб, товусдай товланганча шинамгина уйда яшаётган бу қариндошини бахтли билса-да, фикри саёз, маънан қашшоқ, дунёқарашли тор эканлигини фаҳмлади. Нозима ўзгалар кийган кийимни муҳокама қилиб, юриш-туришини масхаралайдиган холаваччаларини кези келганда, ўзининг орқасидан ҳам қулишини сезарди. Аммо Нозима бунга аҳамият бермасди. Чунки у «Шоҳга — шоҳ, гадога — гадоларча муомала қилиш керак», деган ақидага амал қилиб яшарди. Инсон камтар бўлиб, қанча эгилса, калтафаҳмлар улар устига чиқиб топташдан тоймайди. «Эгилганга эгил, кўксинг ерга теккунча, керилганга керил, бошинг кўкка етгунча», деган нақл ҳам бор-ку ахир.

Нозима холасиникига тўйда келганида пешвоз чиқишни ҳам билмай, кўзлари кўзларига тўқнашганида назари ҳам илмай, сўрашишга вақт топмаган Мадинага қараб туриб, ҳайратдан ёқа ушлади. Нега бир ота-онадан тарқалган зурриёдларнинг феъллари турлича экан-а? Ёлғон дунё

чиroyларига маҳдиде бу бандаларнинг кўз олдидаги парда қачон олинар экан? Нозима холасиникига келганидан афсус чекарди.

## 14

Назира опа мактабда ишлаш билан бирга ҳар эрта баҳорда, дам олиш ва таътил кунларида томорқасида етиштирган кўкатларни сотиш учун қўшни Қозоғистон Республикасининг Қизил Урда чўлларига қатнади. У ҳар гал сафардан қайтгач, қўлига тушган пулларни йиғиб, дарров жамғарма кассада очилган ҳисоб- рақамига қўшиб келарди. Ахир бу йил Асадулла, келаси йил Нозима мактабни тугаллайди. Улар ўқишга киришлари зарур. Ўзига яраша чиқимлар бор. Ният қилганидай, болалар ўқишга киргач, бозорга бориб уларни бир сидра кийинтириб чиқади. Қиз бола мактабни тугатдими, тезда кўзга кўриниб қолади. Эртага уйга совчи эшик қоқиб келиши бор. Иморатни бўёқдан чиқариб, уйларини жиҳозлаши керак. Аёл топаётган пуллари жамғарилиб бораётган ҳисоб дафтарчасига қараркан, «анча йиғилиб қолибди, уйни бўёқдан чиқаришимга, Нозимага атаб мебел сотиб олишимга, тенги чиқса, орзу-ҳавас билан тўй қилишимга ҳам, худо хоҳласа етади», дея қувониб кўярди.

Йўл азоби — гўр азоби, деган гап бекорга айтилган эмас. Кўкат ва ҳўл мева маҳсулотлари унмайдиган чўлларга қатнайдиган кишиларга ҳам осон эмас. Бу ишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Пул топиш илинжида келган деҳқонларни мезбонлар яхши кутиб олишмасди. Айниқса, халқ орасида «рэкети» деб ном чиқарганлар топса пулингни, топмаса, кўзингни шамғалат қилиб, молингни олиб қочарди. Ўзга юрт чўлларига бориб, савдо қилиб келувчи Назира опа бир сафар ўзи билан катта ўғли Асадуллани, кейингисида Ҳикматуллани эргаштириб кетарди. Келес вокзалида 2-3 дақиқа тўхтаб, баъзида секинлаб ўтиб кетадиган вагонларга тирмашганча қоп-қоп юкини елкасида кўтариб чиқадиган аёл «ўғилларим ҳам машаққатларни кўрсин, вақти келганида уларни қандай боққанимни эсласин, азобларимни сезсин», дерди. Бу миннат эмас, балки меҳнат тафтида тоблашнинг бир усули эди. Ҳаёт уммонида қовурилаётган фарзандларидан онанинг умидлари катта эди. Тўполончи, гапга кирмас, қайсар Ҳикматулла тарбияси устида ҳали анча-мунча ишлаш керак.

Асадулла анчагина ақлини йиғиб олган, мактабда баҳолари ҳам аъло, ҳар ўқув йилининг сўнгида «фахрий ёрлиқ» билан тақдирланади. Фарзандларим муомалани ўргансин, кўпчилик орасида ўзини қандай тутишни билсин, деган она ҳар ёзги таътилда уларни дам олиш учун оромгоҳларга жўнатарди. Аёл уларни кутиб олар чоғи қўлларидаги эсдалик совға ва мақтов ёрлиқларини кўриб, қувончи ичига сиғмай кетарди.

Йиллар кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Кечагина «энди дадам уйга келмайдиларми?» деб юракни эзган етти ёшли Асадулла энди мактабни тугаллаш арафасида. У онасининг дастёри. Ўн йил мактабда ўқиб, турли фан олимпиадаларнинг ғолиби, фахрий ёрлиқларнинг эгаси бўлган Асадулланинг табелида бирорта тўрт баҳо учрамасди. Асадулла ўнинчи синфни битирар йили мактабда олтин медал билан тақдирланишга номзоди қўйилганди.

Асадулла ўта жиддий ва ориятли бўлгани учун ортиқча ҳазил-ҳузул, бачканаликларни кўтара олмасди. Ўсмирлар орасида бири-бирини итариш, ортиқча ҳазиллар қилиш одат. Буларни бачканалик деб билган Асадулла ҳазилни кўтара олмай тенгқурлари билан тез-тез муштлашиб турарди. У ҳамма нарсага жиддий қарар, ўзини катталардек оғир-вазмин тутарди.

Бир куни йўлақдан ўтиб кетаётган Асадуллани кимдир туртиб юборди. Яхшигина зарб олган Асадулла бориб синф раҳбари Зоҳир акага урилди. Оғриқ зўридан ўқитувчи, ўқувчисининг ёқасидан тутиб, ўдағайлади:

— Кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими?

— Мени итариб юборишди-ку?

— Ўзинг тегмасанг, сенга ҳам ҳеч ким тегмайди. Ҳамма бало ўзингда, тарбиясиз!

— Оғзингизга қараб гапиринг, ўзингиз ёқамдан тутмаганингизда мен айбсиз бўлсам ҳам, сиздан кечирим сўраган бўлардим.

— Бетгачопарлигини қаранг бунинг. Ўзи отаси йўқлар шундай бебош бўлади.

— Ундай деманг! — Асадулланинг қўллари мушт бўлиб тугилди.

— Мен нима дейишимга хўжайин бўлолмайсан, — бу йил олий институтни битириб келган ёшгина ўқитувчи нодон ўқувчисини масхаралаб кулди. — Қўлингдан нимаям келарди?

— Сиз билан йигитчасига гаплашаман!

— Шундайми, бўлмасам ташқарига юр, — Зоҳир ака ғазаб билан мактаб орқасига ўтди.

— Ўғил болачасига муштлашамиз! — Зоҳир ака мушт туширишга улгурмай Асадулла бир зарба бериб устозини йиқитди-ю, хўрлиги келиб йиғлаб юборди.

Воқеа бундай авж олишини билмаган синфдош болалар Асадуллани шаштидан қайтариш учун куча томонга олиб кетишди. Зоҳир ака ўрнидан туриб, чанг-чунгини қоқиб мулзам бўлиб, «сен билан бошқача гаплашаман», деб пичирлади.

Ана шу тўполон баҳона бўлиб, битирувчи синфда ўқиб юрган йили Асадулланинг хулқи қониқарли баҳоланди. “Беш” баҳолар билан тўлган аттестатнинг тагига катта ҳарфлар билан ёзилган «қониқарли» сўзи уни олтин медалдан айирди.

Билими ўткир бўлса-да, ўқувчилар психологиясини яхши тушуниб етмаган Зоҳир ака мактабда қийинчиликларга учрайвериб безор бўлди ва бошқа ишга ўтиб кетди. Асадулла бу вақтда Автомобил йўллари институтига ҳужжатларини топшириб, кириш имтиҳонларидан фақат “беш” баҳо олди. Унинг қувончи чексиз эди.

— Онажон, суюнчи беринг, мен ўқишга кирдим! Ўз билимим билан имтиҳонлардан “беш” баҳо олдим! Ўқишга кирганлар рўйхатининг биринчи қаторига менинг фамилиямни ёзиб қўйишибди. Энди мен студентман, мени табрикланг-а-а-р!

— Ўзим ўргилай, бўйларингдан. Мен сенинг ўқишга киришингга ишонардим. Орзуларим ушаладиган кунлар келди. Раҳмат сента, болам. Энди мактабдагилар олдида юзимиз ёруғ бўлди.

Асадулла ўқишга кирган куни уйда байрам бўлиб кетди. Кўзига қувонч ёшларини олган она хурсандлигидан почтага бориб қариндош-уруғларга қўнғироқ қилди, суюнчилади. Ҳамма қўшнилари уйига кириб дараклади.

Асадулла ўқишлар бошланишига бир ҳафта қолганида қувонишини, куюнишини ҳам билмай онасининг ёнига келди.

— Ойи, имтиҳонлардан “аъло” баҳо олганим учун комиссия аъзолари мени Москвага ўқишга жўнатишга қарор қилишибди.

— Вой, сен кетиб қолсанг мен нима қиламан? Уйимизнинг каттаси бўлганинг учун сенга анча суюниб қолгандим.

— Москвага ўқишга бориш орзусида юрганлар қанчалигини билсангиз эди. Ота-оналар фарзандларим катта шаҳарларда ўқиб келса нуфузли жойларда ишлайди, деб югуриб юришибди. Менинг эса имкониятим йўқ...

— Асадулла, бориб домлалар билан гаплашиб келгин. Москвага боришга менинг оилавий шароитим кўтармайди, деб тушунтир. У ерга кетиб урф-одатимиздан кечганлар, ота-онасининг юзини ерга қаратганлар қанча? Борган ерида юқори лавозимга чиқиб олиб, ўз юртини ташлаб кетганлар озми?

— Она, мени шундай ишларга қодир деб ўйлайсизми? Сиз айтганингиз бўлади, ўқишимни кечкига ўтказиб, кундузи ишлаб, сизга ёрдам бераман.

Ўз билимига, кучига ишонган Асадулла ҳаёт у ўйлагандек бўлиб чиқавермаслигини тушунди. Рўзгор тебратиш, пул топиш осон эмасди. Кечаси ўқишга қатнаётган Асадулла ўз эҳтиёжлари учун пул ҳам топиши, бир томондан, онасига ёрдам бериши зарур. Йигитчиликнинг ўзига яраша чиқимлари бўлади. Айниқса ошна-оғайнилар олдида боши ҳам бўлмаслиги керак. У ўқишдан сўнг кинога бориб, ресторанларда тушлик қилувчи тенгқурлари қаторидан қолишни истамасди. Лекин начора...

Асадулла ҳунар ўрганиш учун машина созлайдиган қўшнисига шогирд тушди. Қора мойга ботиб, ҳалол луқманинг мазасини тушунди-ю, аммо рўзгорнинг ҳали у еридан-ҳали бу еридан очилиб қоладиган кемтикларини ямай олмади.

— Ҳаёт жонимга тегди, — чоп-чоплардан чарчаган Асадулла бир кун келиб онасига ёриди.

— Оғайниларим ўқишга кирганида қанчасининг отаси машина совға қилди. Туғилган кунида уйларига таклиф қилишса яшашларини кўриб, ҳавасим келади. Мен бирорга ошнамни уйга бошлаб келолмайман...

— Сабр қил, ўғлим. Тўрт мучанг соғ, бошинг омонлигига шуқур қил. Оч-яланғоч қолмаяпсан. Сен айтганларингга ҳам аста-секин эришамиз. Катта бўлиб, ёнимга кириб қолдинг. Энди икки кишилашиб аравани тортиб, иморатни бўёқдан чиқарсак бўлди. Топганимиз кундалик рўзгор, сенинг ўқишингга етади.

— Бу кетишда ҳали-бери турмушимиз яхши бўлиб кетишига ишонмайман. Қорин тўқ, уст бут бўлган билан тамомми? Яшагандан кейин яхши яшаш керак-да. Бизни кимдан кам жойимиз бор? Менинг ҳам орзу-ҳавас кўргим келади. Бунинг учун пул керак, пул...

Асадулла кўпроқ пул топиш учун кечалари устахонада қолиб ишлай бошлади. Ишининг яхшилигидан миждозлар кети узилмасди. У пачоғини тузатиб, бўёқдан чиқарган машиналарни уловнинг этаси танимай ҳам қоларди. Машина ҳайдайдиган курсдошлари бирор иш чиқиб қолса унинг ёнига югуриб келишарди. Бир куни машинаси моторини кўриқдан ўтказишга Асадулланинг олдига келган Султон деган курсдоши иши биттач, уни машинасида ўтирган аёл билан таништирди;

— Танишиб ол, фирмада ишлайди. Бирор ёрдам керак бўлса, қўлидан келганини қилиб беради.

— Ростданми? Фирмаларда ойлик катта дейишади. Сиз қайси фирмада ишлайсиз? — Асадулла машинадан тушиб танишиш учун қўлини узатган аёлга савол билан мурожат қилди.

— Фирмамиз савдо-сотик ишлари билан шуғулланади. Шаҳардаги бир нечта бозорда савдо қиладиган «точка» миз бор. Истасангиз, сизга ҳам ҳужжат расмийлаштириб бераман. Маҳсулотлар билан ҳам ўзим таъминлаб тураман.

— Розиман.

Асадулла фирмада ишлайдиган аёл билан бирга ишлай бошлади. Аёл керакли ҳужжатларни ҳозирлаб берганидан сўнг Асадулла Қорақамиш ва Талабалар шаҳарчаси бозорларида савдо растаси очди. Асадулла озиқ-овқат сотишни йўлга қўйиб, анча ўзини уддалаб олди.

## 15

Мактабни “аъло” баҳоларга туталлаган Нозима Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетига ҳужжатларини топширди. Нозима омадини синаб кўриш учун бирин-кетин кириш имтиҳонларидан ўтаётганида онаси Россиянинг кунботмас Магадан шаҳрига кетганди. Боғда ҳосилга кирган гилосларни териб, сотиш учун фирма орқали жўнаган она қизининг муваффақиятларидан ҳали беҳабар эди.

Нозима учта имтиҳондан муваффақиятли ўтиб, тўртинчи синовда она ҳақида мақола ёзишни танлади. Онасини шунчалар

софинганиданми, қораламаси таъсирли чиққан шекилли, ижодий иши юқори баҳоланди. Уқишга кириш учун қабул ҳайъатига ҳужжатларини топширган абитуриентлар орасида Нозиманинг каттагина бир альбомни тўлдирган мақолалари ўқитувчиларни ҳайратда қолдирди. Ниҳоят, Нозима талаба бўлиш бахтига эришди. У сўнгги синов куни, аудиторияда ўтириб, ижод қилаётган дамлари онасининг таваллуд куни эди. Қўлига қалам олган қиз ушбу сатрлар билан волидасига дил изҳорини битди.

### УМИДЛАР СЎНМАСИН ҚАЛБИНГИЗДА!

Онажон, бугун сизнинг умр йўлингизда гуллар очилган. Шодлиқларингиз бир олам. Қирқ ёшга тўлибсиз. Кўзларингизга қараб, бир нарсани уққим келади, умрингиздан мамнунмисиз, билмадим...

Онажон, айтинг-чи, ўз фарзандларидан юз ўтириб, бахтни фақат ўйин-қулги, мол-дунёда деб билган одамни «ота» дейиш мумкинми?! Ўз отасини ақалли бир бора кўрмай, бугун мактабни тугаллаш арафасида, катта ҳаёт остонасида турган укамнинг ҳам хаёлларидан шу фикр ўтмаяптимики? Тунлари билан отасининг расмини қучоқлаб болалигини ўтказган синглимни-чи?

Онажон, баъзи вақтларда маънос юзларингизга, барвақт оқ оралаган сочларингизга қараб ич-ичимдан эзилиб кетаман. Сизни шу кунларга солган ўша ҳаёт тоғининг тақдир деб аталмиш чўққисига минг-минг лаънатлар ўқийман.

Онажон, биламан, сиз оғир дамларда ҳам келажакка умид ва ишонч билан боқасиз. Доим ўзингизга-ўзингиз далда бериб, «Худойим, ўзингга шукур», деб секингина хўрсиниб қўясиз.

Онажон, барибир сизни бахтли деб биламан. Чунки сизнинг садоқатли, суюкли тўрт фарзандингиз бор. Яна бахтлисизки, сиз табиат инъом этган она деган муборак номни оқладингиз. Қийинчиликларни мустаҳкам иродангиз, покиза қалбингиз, ишонувчан юрагингиз, камтаринлигингиз билан енгдингиз. Сизни алдаган, оғир дамларда мадаккор бўла олмаган ўша «инсон»ни қачонлардир оёғингизга бош уриб, ўз сўрашига ишонаман. Ўз сўрашга журъат эта олмаси-чи? Унда ҳаётнинг ўзи жазолайди. Бу дунёда ҳеч бир гуноҳ жазосиз қолмаган, қолмайди ҳам...

Балки мен бутун кимнидир қоралашга ҳаққим йўқдир. Лекин инсон ўзи кўраётган ҳақиқатни тан олмаслиги инсофдан эмас. Онажон, ҳозир ҳам кечалари руҳан эзилиб, хиёнат қилган ўша инсондан мадад кутаётганингизни биламан. Ўзингизни ўтга-чўққа уриб қийнаётганингизни кўраман. Орқангиздан билар-билмас майда-чуйда гаплар тарқатаётган «маънавий кўрларга» парво қилмаслигингизга қойил қоламан.

Нега энди инсон учун бир маротаба берилаётган синовли умрни покиза яшаб ўтказа олмаймиз?! Нега энди бу ўткинчи дунёда ўз ҳаловатини ўйлаб, оилаларни бузаётган, болаларни етим қилаётган нокасларга жазо йўқ экан?

Онажон, бутун ҳаётингиздан мамнунмисиз?! Биладим... Кўзларингиз айтиб турибди, сиз орзу қилган кунлар албатта келади. Ҳа, ҳа келади. Мен бунга ишонаман.

Невараларингиз атрофингизда «бувижон», деб елиб-югурганида ҳамма қийинчиликларингиз унут бўлиб кетади.

Онажон, бутун сизга нима тиласам... Худойим сизга инсон гўзаллиги сандиғидан камтарлик, иффат, оқиллик, сабр-тоқат, ирода, гурур ва бошқа зебу зийнатларни ато этган.

Бутун менинг сизга энг эзгу тилагим, кўзларингиз фақат қувонч ёшларини кўрсин. Қалбингизда яшашга бўлган умидлар сўнмасин!...

Россиянинг торғи ҳудудларида жойлашган, иқлими совуқ Магадан шаҳрига юк олиб кетган она, ҳаво ёмонлиги учун самолётларининг учиши қолдирилганлиги сабаб бегона юртда бир ойча қолиб кетди. Назира опа мактабдан ёзги таътилга чиққач, боғида пишган гилосларни фарзандлари билан териб, ўн бешта қоғоз қутига жойлаб жўнаган, бу йилги даромади билан оиласи турмушини анча ўнглаб, тез орада янги иморатига кўчиб киришни ният қиларди.

Лекин, бахти чопмади, баъзан етдим деганингда омад юз ўгириб кетар экан. Баъзан тақдир ҳам одамга бўйсунмай, чигаллашаркан.

Йиллар ўтиб ҳовлининг бир бурчагида қолиб кетган қоп-қоп алебастрларга неча-неча қорлар ёғди.

Бу қорлар оиланинг орзуларини ҳам кўмиб юборган эди.



Нозима ёзган ҳикоя ва шеърлари янги мавзу билан бойиди.  
Ун саккизга кирмаган ким бор?

Нозима алданган, муҳаббати топталган онаси билан дардлашаркан, қалбида шубҳа-гумон куртаклари ниш урди. Йўқ, аслида унинг қалбида шубҳа-гумондан кўра, эҳтиёткорлик, қўрқув ҳукмрон эди. У ўзбек қизи бўлгани учун ҳам, севган ёрига бўлган ҳис-туйғуларини фақатгина никоҳ оқшомидан кейингина ошкор этиш мумкин, деб ҳисобларди. Китобларда ўқиганидек, адашиб боши берк кўчада унсиз фарёд чекаётган қизлар тақдири уни анчайин сергак қилганди. «Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини», деб фарёд қилаётганлар айбни ўзларидан изласинлар. Нозима алданишдан, адашишдан жуда-жуда қўрқарди.

Нозима оиласига моддий томондан оз бўлса-да, ёрдам кўрсатиш учун Университетдаги ўқишини сиртқи бўлимга кўчирди. У мактабга етакчи бўлиб ишга кирганига бирмунча вақт ўтмай, ўқувчилик давридаёқ мактаб ва туман тадбирларида фаол қатнашиб, анча танилиб қолгани боис маориф бўлим мудирини уни туман ёшлар уйига оммавий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасига ўтказди.

Энди у тумандаги ўттиз олтита мактаб етакчилари олиб бораётган ишни назорат қила оладиган етук мутахассистга айланган эди. У туманда ўтказиладиган турли тадбирларига ўзи сценарийлар ёзарди ва бошчилик қиларди. Туманнинг ягона нашри бўлган «Шонли меҳнат» газетасида Нозиманинг долзарб мавзуга бағишланган мақолалари, ўртак бўлишга арзигулик кишилар ҳаёти ҳақидаги очерклари ва мухлислари интиқлик билан кутадиган ҳикоялари тез-тез босилиб турарди. Мактаб раҳбарлари мажлис, туман кенгашларида сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини аниқ, дадил баён этаётган қизни кўриб «бу қизнинг толеи баланд, қалами ўткир, раҳбарликка қобилияти бор», деб баҳслашиб қолишарди.

Шундай кунларнинг бирида Нозимани биринчи котиб ҳузурига чақиртириб қолишди.

Нозима раҳбар ҳузурига борди.

— Чақиртирган экансиз, — Нозима раҳбар салобати босиб ҳаяжондан юраги дук-дук урди.

— Ҳа, сизни бир таклиф юзасидан чақиртирган эдим. Анчадан бери иш фаолиятингизни кузатиб юраман. Менга ҳақгўйлигингиз, дадиллигингиз ёқади. Қолаверса, газеталарда босилиб чиқаётган мақола, хабарларингизни бирортасини қўймай ўқиб бораман.

Нозима мақтовдан эриб, ўзини эркин тутди.

— Раҳмат...

— Туман раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, сизни ишга олишга қарор қилдик. Нима дейсиз?

— Билмадим, уйдагилар билан маслаҳатлашишим керак.

Нозима кутилмаган бу таклифдан қувониб кетди. Шу дамда розилигини бериб юборгиси келди-ю, шошилмай ўйлаб кўриш керак, деган тўхтамага келиб, аниқ жавоб қайтармади.

— Ўйлаб кўринг, бу шошилиб ҳал этиладиган иш эмас. Одамлар ишончини оқлаш керак. Лекин биз сизга ишонамиз. Сизга ишга келиб кетишингиз учун машина берамиз. Маош ҳам ёмон эмас. Ишимизнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, албатта. Биз халқ билан ишлаймиз, кўпчилик билан муомала қилиш осон эмас. Бу ерга раҳбарлар, дардини кимга айтишни билмай юрган фуқаролар келади. Уларнинг ҳар бирининг дардини тинглаш керак. Бизнинг ишимизда энг керакиси муомала, самимият. Туман ижтимоий ва сиёсий ишларини бажаришда чоп-чоплар кўп. Гоҳида дам олиш кунларисиз ишлаймиз, кечалари қолиб кетадиган кунларимиз ҳам бўлади. Қисқаси, ўйланг. Сизга бир ҳафта муҳлат.

Нозима раҳбар хонасидан чиқиб, гиламлар тўшалган йўлакдан юриб, хоналарга назар ташлаб ўтаркан, юраклари ҳаприқиб кетди. «Наҳотки мен шундай шинам бинода, алоҳида ўриндиқлари бор кондиционерли хоналарда ишласам?». Ҳозиргина йўлакда туфлиси пошнасини дўқиллатиб, жиддий қадам ташлаган Нозима ташқарига чиққач, зинапоялардан болалардек енгилгина сакраб-сакраб тушаркан, рўпарасида туман газетасининг бош муҳаррири Саъдулла Матёқубовни кўриб жим қолди.

— Ассалому алайкум, Саъдулла ака.

— Салом, бу ерда нима қилиб юрибсиз?

— Сизни кўрганим яхши бўлди, — Нозима биринчи учраган таниш кишисини қувончига шерик қилмоқчи бўлди. Чунки у болалигидан юқори ташкилотларда ишлашни орзу қиларди.

Нозимага танасидаги ғайрати, юрагидаги шижоат тинчлик бермасди, — мени ишга таклиф қилдишди. Сиз нима маслаҳат берасиз?

Саъдулла ака Нозиманинг жовдираб турган кўзларига қараган-ча ўйланиб туриб, жавоб қайтарди:

— Нозимахон, ахир сиз журналист бўлмоқчи эдингиз-ку. Ўқишга киргач, ўзимизнинг газетага ишга кириш мўлжалингиз бор эди.

— Иш билан бирга ижод қилавераман, қайтага мавзулар тури кўпаяди.

— Менимча бу йўлни танламаганингиз маъқул. Менинг маслаҳатимни худди акангизникидай қабул қилинг. Раҳбар аёлларнинг шахсий ҳаёти қийин кечади. Бу бор гап. Сизга ўзимизнинг орамиздаги гапни айтай. Раҳбар аёл ё ишни, ё оилани танлаши керак. Шахсан мен аёлим раҳбар бўлиб ишлашини истамас эдим. Мен сизнинг ёзган мақолаларингизда аёл бахтни оиладан топиши, оилавий бахт инсон учун биринчи ўринда туришини таъкидловчи ибораларни кўп ўқиганман. Юрак амрингизга қарши иш тутманг.

Нозимага шу сўхбатнинг ўзигина етарли бўлди. Лекин унинг ғайрати, ишлашга бўлган шашти шунчалар баланд эдики, кечалари уйқусини йўқотди. Таклифга нима деб жавоб қайтаришини ўйлаб, иккиланди. Нозима ҳаёт уммонида қайнагиси, одамлар билан ишлагиси, турли муаммоларни ёритгиси келарди. Нима қилса экан? Муҳлат туташига бир кун қолганида онасига бор гапни айтишни қарор қилди. Онаси қайси йўлни маъқул кўрса, у шу йўлни тутади. Шундай ҳаёллар билан уйига шошиб қайтаётган Нозима йўлдан чиққан бегона одамга дуч келиб, қўрқиб кетди.

— Нозима сизмисиз?

— Ҳа, менман.

— Сизни пойлаб турган эдим.

— Кечирасиз, мен сизни танимайман, — Нозима танимаган одам билан кўчада гаплашиб туришдан истиҳола қилиб, энди кетмоқчи бўлиб турган эди, қаршисидаги одам яна гапириб қолди.

— Мен синфдош дугонангиз Моҳиранинг қўшниси, Сарви холанинг жияни бўламан.

— Сарви холани танийман. Менда нима ишингиз бор?

— Сарви хола мени оддингизга бир муҳим иш билан юбордилар. Ҳозир уларнинг қон босимлари ошиб, ерпарчин бўлиб ётибдилар. Кўзларига икки дунё қоронғи.

— Тинчликми, бунга менинг нима даҳлим бор?

— Ҳамма гап сизда-да. Сарви холамнинг уйларида кунда жанжал. Уларнинг ёлғиз ўғиллари Абдуҳакимни танисангиз керак.

— Танийман, биздан икки синф юқорида ўқир эдилар шекилли.

— Абдуҳакимни ҳарбий хизматга чақиришган, эрта ўтиб, индинга кетиши керак. Абдуҳаким холамини «Нозималарникига бориб, унга унаштириб келмасангиз кетмайман. Хизматдан келгунимча уни узатиб юборишлари мумкин, мен ундан бошқасига уйланмайман», деб ҳоли-жонларига қўймай кунда тўполон қиляпти. Сарви холам қийналиб кетдилар, Абдуҳаким билан орангизда бирон гап борми?

— Мен Абдуҳаким билан бу мавзуда умуман гаплашмаганман. Кўчада, мактабда учрашиб қолсак, салом-алиқдан нарига ўтмаганмиз. Орамизда мактабдошлиқдан бошқа туйғу йўқ, ҳайронман...

— Ўзингиз унга турмушга чиқишни хоҳлармидингиз?

— Қандай қилиб билмаган, синамаган одамимга турмушга чиқаман?

— Демак, ростдан орангизда ишқий муносабатлар йўқ экан. Сарви холам сиздан айти шу нарсани билиб келишимни тайинлаган эдилар. Агар билсангиз, холам сизни келин қилишга кўрқиб юрибдилар. Ўғлим айтганидан қайтмаса, нима қиляман, деб бошлари қотган. Фалон жойда ўқиб, катталар ичида ишлаб юрган, газетага алланималарнидир ёзган шартаки, манмансиратган қиз бизни менсимайди, менга келинлик қилмайди деб, йиғлаб юрибдилар. Ёлғизгина боламдан кўрганим шў бўлдимми деб, қариндош-уруғларни йиғиб Абдуҳакимни ўртага олсалар ҳам гапимизга унамаяпти. Сарви холам бу қиз уйимга келин бўлса, мени токчага ўтқазиб, дарс беради, ювошгина ўғлимнинг бурнидан ип ўтказиб етаклаб юради, деб хавотирдалар.

Нозима эшитганларига қулишини ҳам, йиғлашини ҳам билади. Сўнг қатъий оҳангда суҳбатта яқун ясади:

— Бориб Сарви холангизга айтинг, кўнгиллари тўқ бўлсин. Мен уларнинг хонадонига келин бўлиш ниятим йўқ.

Айтганларингиздан хабарим йўқлигини ҳам етказиб қўйинг. Кейин жиянингизга айтинг. Мени шаҳардаги узоқ қариндошимизга унаштириб қўйишган. Абдуҳаким ҳарбий хизматдан қайтиб келгунича мен бу қишлоқда йўқ бўлман.

Бегона киши билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг Нозиманинг таклифга жавоби тайёр эди. Онаси билан маслаҳатлашиб кўришга ҳожат қолмади: у юқорига ишга ўтмайди.

Нозима дарвозадан ичкарига ҳатларкан, ичкари уйдан хотинларнинг овозини эшитиб қолди. Эшик тагига бориб, секингина ичкарига қулоқ тутди.

— Ўғлим Иброҳимни биласиз. Меҳнаткаш, одобли бола бўлган. Ўнта фарзандим ичида шу ўғлимга меҳрим ўзгача. Аширбиби келинойисиникига келганида қизингиз Нозимани кўриб, кўз остига олиб қўйган экан. Шунга қизингизни сўраб, қулчиликка келдик.

— Нозима бу йил биринчи курс, ҳали беш йиллик ўқиши бор. Сизнинг катта даргоҳингизга келин бўлиб тушса, қизим қийналиб қолмасмикан. Ўқишидан ортиб, келинлик хизматини кўнглингиздай адо эта олармикан? Ўзи қийналиб ўқишга кирган...

— Ўқишларидан хавотир олманг, ўзимиз ўқитамиз. Қайнонам зулм қиладиганлардан эмаслар. Кўриб турибсиз, ҳамма овсинлар еганимизни еб, кийганимизни кийиб юрибмиз. Ойимлар олтига келинлари бўлса ҳам ўзлари қозон кавлаб, супурги тутиб кетаверадилар. Болаларимизни ҳам ўзлари оёққа тургазиб берганлар.

Нозима рўпараларида яшовчи қўшнилари Аширбиби келинойини овозидан таниди.

— Оилангизни биламан, маҳаллада ибратли, аҳил хонадонлардан бирисиз, — келган совчилар қизини ҳозир олиб кетиб қоладигандай, юраклари безовта ураётган она аста гапира бошлади, — келинларингизга ҳавасим келади. Нозимани сизларникидан ортиқ жойга берармидим. Ишдан келгач, ўзи билан гаплашиб кўрай-чи нима гап чиқаркан?

— Қиз бола нима дерди, қизингизнинг ихтиёри сизда-да. Сиз нима десангиз шу бўлади-да.

— Йўқ, ўзим мажбуран турмушга чиққанман. Турмушим бузилиб, бева деган ном олдим. Болаларимнинг кўнглига қарайман. Токи, кейинчалик афсусланиб қолмай.

Нозима юзига фотиҳа тортиб, аёллар урнидан кўзгалаётганини сезиб аста-аста қадам босиб ташқарига чиқди-да, ошхонага беркиниб олди.

Онаси хотинларни кузатиб ичкарига кайтгач Нозимани кўриб қолиб, саволга тугди:

— Уйдаминг, қачон келдинг?

Нозима алақачон бир қарорга келган эди.

— Ҳаммасини эшитдим, кўнглимга қарасангиз, шу гап, мен бу қишлоқда яшашни истамайман, маҳаллага келин бўлмайман.

Пинҳона учрашув, боғларда сайр этиш хоҳиши Нозиманинг иродасидан устун бўла олмади. Кейин унга кўча-кўйда юриб, «йигитлик гаштини сурай», деб ўйлаган шилқимлар эмас, таниган-билганлари сўз очишди. Ён қўшниси, рўпарада яшовчи Аширбиби келинойисининг қайнукаси, қўшни маҳаллада яшовчи йигитлар... Нозима келган совчиларга рад жавобини берди. Қизининг хоҳишини тушунган она уни қистамади. Нозима йигитларга беписанд эмасди. Сарвқомат, маҳалланинг олди бўлган бу йигитлар ота-оналарининг ифтихори эди. Қизлар ҳавас қилгулик қишлоқдош йигитлар, ўзларига тўқ, тинч оилада ўсиб, меҳнатда тобланишганди. Нозиманинг рад жавоби кибрдан эмасди. У фақатгина қишлоқда қолишни истамади. Меҳнатдан, қишлоқ ҳаётидан нолимасди-ю, аммо кўнгли узоқ-узоқларда, ўзи билмас кишилар орасида яшашни тусарди.

Нозима кўнгли амрига қулоқ солса, бахтли турмуш қуришига кўзи етмади. Демак, энди ақл билан иш тутиши керак. У бир неча бор совчи қўйган йигитнинг оиласи билан ўзининг оиласида моддий жиҳатдан еру осмонча фарқ борлигини биларди. У остонадаёқ эгилганча салом бериб кирувчи хонадоннинг жиблажибон қизлари, манмансираган ўғиллари кўнглини овлаш осон эмасди. Нозима уйқусидан кечиб каттагина бу оиланинг кир-чири, ош-овқатига улгурар, аммо такаббур оила аъзолари кўнглига йўл топа олармикан? Орзу-ҳавас бобида жарақ-жарақ пул сочувчи бойваччалар билан онаси беллаша олармикан? Унинг моддий жиҳатдан кам-кўстини кўрган қайин-бўйинлар унга кўз очирмай бир умр бош эгиб юришга мажбур этишса-чи? Нозима бош эгиб, тили қисик яшашни истамайди, ғуруридан кечолмайди. У бекаму кўст, тўкин оилада ўсаётган болалар уни назарга илмасликларини алақачон англаб олганди. Нозима кўрган ҳар кунини қора қилишга қодир бу хонзодаларга бошини

ҳам қилишни хоҳламади. Севишганларнинг тунлари лавзятли, кунлари гурбатли ўтади, деган мисрани қаердадир ўқитанди. Аниқроғи, бу уйда қалдирғоч ҳам икки қаватли шохона ин қурсагина яшаши мумкин, деган хулосани ясади. Баланд дорга осилишни ихтиёр қилмади. Мол-дунё, зебу-зийнатлар тахтгина бўлиб, ҳақиқий бахтни инсоннинг ўзига яратиши, бунга муҳит ҳам зарурлигини англаб етганди.

Нозима Университетни битириб, нуфузли жойларда ишлагиси, «ўсгиси» келди. У ўтмишидан хабардор кишилардан қочишни, «отасиз», деб тикилаётган нигоҳлардан қутулишни ихтиёр қилди.

## 17

1991 йил, 19 октябрь. Тошкентнинг Хадра даҳасида жойлашган каттагина тўйхонада шодиёна. Икки ёшнинг висол оқшоми.

Камтарин, ҳалол бир ўзбек хонадонда дошқозонда ош дамланди. Элга маълум қилиш учун тўкин дастурхон ёзилди. Тошкент Давлат консерваториясида катта ўқитувчи бўлиб ишлайдиган, хизмат кўрсатган артист Насрулло ака Бобожонов, рафиқалари Шаҳодат аянинг қувончлари чексиз. Бугун икки томон бувилари дараклашиб, дил розини берган ўғилларининг тўйи. Йиллар давомида хаёлларда қурилган бахт қасрининг биринчи пиллапоясига қадам қўйилаётган кун.

Келин остонадан бош эгиб, салом бериб, пок ниятлар билан янги хонадонга қадам қўйди. Бугун унинг қалбида орзулари бисёр, истакалари чексиз. Давра тўрида бош эгиб ўтирган келин — кечанинг маликаси ёнида эса хаёлидаги шаҳзода. Остонаси тиллодан уйлар бўлсин муборак...

Назира опа никоҳ кечасида бўладиган «оналар операцияси»га кўп тайёрланди. У бутун фарзандига дунёда наинки яхши тилаклар бўлса, шуни тилайди. Узатиб келган қизи ушбу хонадонда қўша қариб, тош қотишини хоҳлайди. Ниятларининг адоғи йўқдек эди гўё... Навбат келганида эса онаизор ҳаяжондан «бахтли, ували жували бўлинглар», дейишдан нарига ўтолмади. Шу дақиқада унинг вужудида титроқ турганди. Атрофдагилар салобати босган она юрагида

жойлаб келган тилакларини айтолмади, жигаргүшасига аталган дил изҳорлари бўғзида қолиб кетди.

Унинг юраги бугун шундай дея сўйларди:

«Қудажоним, айланай, сиз ушбу хонадонда боғбонсиз, заррин нурсиз, қуёшсиз. Ниҳол эқдим бугун боғингизга. Сиз офтоб бўлинг, офтобойим бўлинг. Машаққатлар билан етиштирган нозик ниҳолим тафтингиздан баҳра олсин, меҳрингиздан қониб ичсин. Туп қўйиб, палак ёзсин. Ҳаёт бўронлари, шамоллари ниҳолим иддизини пайҳон қилмасин, шохини синдирмасин. Эккан ниҳолим вақтлар ўтиб, мева тугсин. Ҳосилини енг, роҳатини кўринг, илойим. Кўриб, кўзим қувнасин, эшитиб, дилим яйрасин.

Кувёжоним, дилбандимни ёнингизга қўйиб, дил розимни пойингизга солиб кетдим. Онангизни бошда тутинг, соянгизда қизим юрсин. Атрофингизда фарзандларингиз ўйнаб кулиб, шодон юрсин. Оила қасрингизнинг тирговучи вафодан, томи садоқатдан, остонаси меҳрдан бўлсин...»

Атрофда ўйин-кулги, шўх кўшиқ ва рақсларнинг кети узилмайди. Ҳамманинг қалбида қувонч, кўнглида эзгу тилак. Фақатгина Нозима маъжус боқади. У пешонасидан нолимайди, дил рози билан ўктам йигитга тақдирини боғлади. Ҳақиқий муҳаббат, севги нима эканлигини энди тушуниб етди. Нозиманинг ичидан келаётган бир туйғу яқин кишисини топганлигини айтиб турарди. Ҳалол, ризқли оилада камол топган кувёнинг самимий назаридан унинг иддизи эзгуликларга сўғорилган эканини англаб етиш мушкул эмасди.

Нозимага шунда дамларда остонадан ҳатлаб янги уйига келаётганида оқ фотиҳа берадиган отаси қошига келмагани, пешонасидан ўпиб бахт тиламагани алам қилди. Ота бўлиб, эшик тагида туришга ҳам ярамагани дилини ўртади. Айтишади-ку, ўнта янга йиғилиб битта она бўлолмас деб. Шундай кунда отаси келиб, кам-кўстни бутламади. Қиз базми куни худди тўйга айтилган меҳмондай келди-ю, кетди. Кам-кўстлар йиллар ўтиб тўлар, аммо қалбдаги алам излари битармикан?! Битмаяпти-ку...

Никоҳ кечаси Нозиманинг кўз олдидан қиз базми куни дадаси билан кўришган дамлари ўта бошлади. Бу кунларни у неча йиллардан бери кутган эди. Дадаси келганида бўйнига осилиб, қучоқлаганча юз-кўзларидан ўпиб йиғлаганини эслади-ю, ўзидан-



ўзи газабланиб кетди. У тўғри иш қилдимикан ё нотўғри? Ўн уч йилдан бери ақалли бирор марта хабар олмаган отасига қанча айтадиган сўзлари бор эди. Нега журъатсизлик қилди? Болалиқдан чекаётган изтироблари бир зумда қаерга йўқолди?! Нозима ё уларни кузатиб турган нигоҳлардан андиша қилдимикан?! У нега энди шу кунларга етказган, ёлғиз ўзи ўстириб, тарбия қилган онаси қизининг отаси билан кўришаётганини кўрганда не ҳолга тушишини ўйлаб кўрмади экан? Шу дамда онасининг кўнглидан не-не ўйлар ўтишини, қулоқлари остида холалари «фарзандларинг катта бўлгач, отаси билан топишиб кетади, қони тортади», деб айтган башоратлари акс садо беришини ўйламадимикан? Ҳа, отасини кўрган Нозима буларни ўйлаб ҳам кўришга фурсати қолмаган эди. Чунки унинг онаси шунча йиллар мобайнида баъзи эри бошқа турмуш қурган ёлғиз аёлларга ўхшаб «отанг билан топишиб кетсаларинг, рози эмасман», деб бирор марта писанда қилмаганди. Отанг ундай, отанг бундай, деб орқасидан бирор марта ҳам лой чапламаганди. Хаёлидан нималар кечганини эса онаизорнинг ёлғизгина ўзи билади.

Қўшиқ кетидан қўшиқ уланди, икки ёшнинг қалб риштаси бир-бирига боғланди. Шу дамларда Нозиманинг вужудини бир алам ўртамоқда эди. Бугун атрофидаги қиз-жувонлар, дугоналари уни болалиги ўтган қадрдон уй остонасидан эмас, Неъмат тоғасининг уйдан “Ёр-ёр” айтиб келишганди.

Назира опа ёниб кетган ўйини бирваракайига иккала ўғлига мўлжаллаб икки қаватли қилиб кўтарганди. Қизининг тўйи арафасида қанча уринса ҳам қаддини ростлаган иморатини бўёқдан чиқариб олишга маблағ топа олмади. Иқтисод танглигидан ҳовлисига хомуш тикилган Нозимага яна Неъмат тоғаси юпанч бўлди.

— Хафа бўлма, жиян, тўйини бизнинг уйда ўтказамиз.

— Тоға, бу уйда онам қудаларни қандай кутиб оладилар? Дўст-душман устимиздан кулиб кетишмайдимми?

— Сен ҳеч нарса ни ўйлама, ҳаммаси зўр бўлади. Мени айтди дерсан. Сен бахтли бўлишинг учун ҳамма нарсага тайёрман — Неъмат тоға Нозиманинг пешонасидан ўпиб бахт тилади, оқ фотиҳа берди.

Шарофат келинойи ҳам тўйдан аввал қуданинг уйига жўнатилаётган келин сепларини бирма-бир кўздан кечирди, баҳоли қудрат қўлидан келганича ёрдам берди. Уйда эрига рўзгорга қарашиш учун буюртма олиб, чойшабларга попопдан гул тикиб

пул топадиган янга Нозиманинг пардаларини тикди, ўрин устидаги чойшабни гуллар билан безади. Шарофат келинойиси сепдаги чиннилар кам-кўстини кўриб, ўзининг сервантида ясатиб қўйган биллур идишларини ҳам йиғиштириб берди.

— Қизларга сеп қилиш, ота-онамиздан қолган мерос. Сепингизга қараб сизга, қолаверса бизга ҳам баҳо берадиганлар топилади. Бу жиҳатдан тилингиз қисик бўлмаслиги керак. — Қайнэгачиси қизининг тақдири устида бош қотираётган янганинг муруввати Нозиманинг кўнглини кўтарди.

Никоҳ кечасида ўтирган Нозиманинг хаёлида Неъмат тоғасининг меҳр тўла кўзлари жонланди. Шунда у алам ва нафрат билан пичирлади: бу дунёда энг меҳрсиз, қаҳри тошдан қаттиқ тошбағир одам — менинг дадам бўлсалар керак.

## 18

— Айланай, ширинликлардан еб ўтиринглар. Сизларга атайин ўзим новвотчой дамлаб келдим. Ҳаётингиз новвотдай ширин ўтсин. — Янга икки ёш орасидаги сукутни бузганча, лаби лабига тегмай гапирарди. Янгалик — масъулиятли вазифа. Янгаликга сўзга чечан, оилавий бахти кулганлар танланади.

Янга чойнакни дастурхон устига қўйиб, чойни ўзингиз қуярсиз, детандек келинпошшапа имлади. Нозима ўрнидан туриб, пиёлага чойни қўйиб, уч марта қайтарди. Келинойиси ўргаттандек, пиёладаги чойни ўнг қўли бармоқлари устига қўйиб узатди. Аввал куёвга, сўнг янгасига. Янга чойни бир ҳўплашдаёқ ичди-да, ўрнидан туриб шкаф тепасига олдиндан тайёрлаб қўйилган нималарнидир олиб, яна гап бошлади:

— Мана бу кўзгу сизларга, умрингиз, дилингиз шу тошойнадек соф ва равшан бўлсин. Бир-бирингизга доим ёруз юз билан боқинг.

— Бу кеча хонадонингизга осмондан нур ёғилиб турибди. Сизга Оллоҳнинг назари тушган. Бугун айтилган дуоларни, қалбингиздаги покиза ниятларни Оллоҳимга етказиш учун фаришталар хизматда. Ушбу Қуръон китобини қўлингизга олинг, — янга китобни куёвга тутқазди.

— Китобни юзу кўзингизга суртинг. Яратгандан дилингизда асраб юрган эзгу ниятларни, оилавий бахт, тан-сиҳатлик, оқил ва оқила фарзандлар сўранг. Илоҳим ниятларингиз ижобат бўлгуси...

Нозимага бу кеча эртакалардагидек сехраи тунга ўхшаб туюларди. Нозима Қуръони каримни қўлига авайлабгина олар экан овозини чиқармай илтижо қилди. Шу дамда у хаёлига келган биргина ниятни қайта-қайта яратгандан сўради:

— Эй худойим, отам қалбига меҳр сол, укаларим ота меҳридан баҳра олсин.

## 19

— *Тириклар дунёни обод айлагай,  
Ўтганларни ҳамиша ёд айлагай,  
Руҳи бузун таъзиму шод айлагай,  
Ўтганлар учун бир бир жуфт салом.  
Эгилиб-эгилиб бергин салом,  
Салом, салом, келин салом, боболарга бир салом.*

— *Алик салом.*

— *Экхан боғларининг мевасин кўрсин,  
Невара-чевараларнинг роҳатин кўрсин,  
Юз йил яшаб келин хизматин кўрсин,  
Қайнотанга таъзим билан бир салом.  
Эгилиб-эгилиб бергин салом,  
Салом, салом, келин салом, қайнотасига салом.*

— Алик салом, бахтли бўлинглар. Шу икки хонали ўйни биз келинимизга маҳр қилиб бердик. Ўғлим билан қўша қариб ували-жували бўлиб юринглар.

— *Хур қилар доим ўғил-қизларин,  
Очиқ чеҳра табассумдан юзлари,  
Табаррукдир ҳар бир босган излари,  
Эгилиб-эгилиб бергин салом, қайнонасига салом.*

— Алик салом, қўша қаринглар. Бошингизга оппоқ дастурхон қўяй, илоҳим дастурхонли бўлинг, қўлингиз ошу нондан чиқмасин.

Нозима паранжи ичида димиқиб, иссиқдан пешонасини тер босди. У янгаларнинг илтифоти билан кўрпачага чўккалади. Қаршисига мункиллаб қолган Хосият бувижониси ўтирди.

— Болажоним, ҳаёт дегани аччиқ-чучук кунлардан иборат. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ дейдилар,

юзимизни ерга қаратмагин. Ўзинг ўқиган, қийинчиликни кўрган, ақлли қизсан, энди шу хонадон — сенинг уйинг. Ҳаммаларига меҳр қўйиб яшагин.

Нозима бувисининг гапларини маъқуллаб бош ирғади. Бувисининг ўғитларини бошини ерга ҳам қилганча тинглаётган Нозиманинг хижолатдан юзи қизариб кетди.

— Одамзот мураккаб қилиб яратилган. Унинг лойида меҳр билан қаҳр, ҳавас билан ҳасад, шодлик билан ғам тупроғи қўшилиб кетган. У ўзи билмаган ҳолда бир-бирини тушунмай қолиши, қизишганда ноўрин хафа қилиб қўйиши мумкин. Жон болам, кечиримли бўлгин. Хатоингни тушунсанг, узр сўрашдан уялмагин. Ҳар қандай дақиқада ҳам оғир бўл, ҳеч қачон жаҳл қилиб, аразлаб юрма. Аввал-боши янги оилага кўниккунингча озгина қийинчилик бўлади, сув ҳам бир лойқаланиб, кейин тинади. Ўзинг истаганингдек, зиёли, тинч оилага келин бўлдинг. Ортиқча гап сўз эшитмайин-а, жон болам.

Нозима яна бош ирғади.

— Қулоқларингга қўйиб ол! Қайнона-қайнотангдан, эрингдан сўрамасдан бирон жойга борма, берухсат устингга кийим идма. Ўқишга, ишга борганингда «бирровга онамни кўриб чиқай», деган хаёл билан уйингга кирма. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан сўнг бўлса ҳам чиқади. Елғонингни кўриб ё сезиб қолишса, ишончни йўқотасан. Бу эса оиладаги аҳилликни бузади.

— Бувижон, бу гапларни неча марта айтгансиз...

— Гапимни бўлмай, қулоқ сол! Бировнинг гапини бўлишга, эътиборсиз тинглашга ўрганмагин. Насиҳатни жимгина тинглаш ҳам тарбияликка киради. Гапиришни ҳамма билади. Сабр билан қулоқ тутиш осон эмас. Юрагинг тор бўлмасин. Эринг ишдан келса, ичкарига кириб қоли-и-иб кетмагин-а тагин, уят бўлади, қайноналарнинг гаши келади.

— Хўп...

— Қайнона-қайнотанг бирор жойдан қайтишса, дарров олдиларига пешвоз чиққин. Салом бериб, қўлларигади юкларни олгин. Икки уй гап-сўзини асло бир-бирига ташимагин. Ҳаётда кўп нарсалар бўлиши мумкин. Ҳамма келишмовчилик ва кўнтил совишлар гап ташишдан чиқади.

— Насиҳатларингизни қулоғимга таққан эрагингиздай илиб оламан, — Нозима бувисига ҳазиллашиб туй арафаси бувиси қулоқларига тақиб қўйган ёқут кўзли зиракни қўллари билан ушлаб қўйди.

— Маҳмадона бўлма. Ҳар куни катталардан сўраб, кейин овқатта уннагин. Меҳр билан овқат пиширсанг мазали бўлади. Режа билан иш қил, ўйни саранжомлаб, кунда чанг-чунгини арт. Шифтларга қараб юр, ис бўлган уйдан барака кетади. Кирган-чиққанингда оёқ кийимларни тахлаб, тозалаб қўй. Ошхонада чайилмаган идиш, ваннахонада ювуқсиз кир қолмасин. Хўпми, она қизим?

— Хўп бўлади.

— Ҳалол бўл, ўғритомоқ бўлма. Нима есанг, дастурхон ёзилганда, ҳамма билан баҳам кўр. Уйингга таом олиб кириб ейишни ўрганма. Баъзи келинларга ўхшаб, қозон тепасида оғзингга емак тиқма. Бу қилиқ жуда хунук кўринади. Сўрамасдан бу уйдан бир бурда нонни ҳам онангга илинмагин. Билиб қўй, бу нарса ҳаром ва ўғирликдир.

— Хўп, бувижон.

— Уйингга эшик қоқиб ким келса, қариндошингми, қайнбўйнилариңгми дарров тагига кўрпача солиб, олдига дастурхон ёз. Шунда ҳамманинг орасида меҳр қозонасан, обрў топасан. Дастурхонга аввало нон олиб кел, чойингни қўйгинда, ошхонангга чиқиб ишингни қил. Катталар олдида ўтириб, гапга аралашини ўрганмагин.

— Хўп бўлади, бувижон.

— Эринг уйга сенга атаб, бирор нарса олиб келса, ҳаммага илинишни ўрган. Тенг егани тарихча ҳам суйибди. Меҳмонга келган қайнисингилларингни иззат-икром билан кутиб ол. Тансиқ таомлар пишириб, рўзгоринг борича сийлагин. Оллоҳимдан то қазо куни етгунча қизларнинг насибаси онасининг уйига ҳам қўшиб берилади. Рўзгорингда бирор етишмовчилик бўлса, «у йўқ, бу йўқ», деб ҳадеб катталарга шикоят қилаверма. Имкониятта қараб иш тутишга, рўзгорга қараб таом тайёрлашга ўрган. Сепингда кам кўст бўлса онангни сиқмагин, хўпми. Яхши кунларингда топа-тута, борича қилади. Бўлса сендан моли тутул, жонини аямайди онанг. Ўзингни пешонангга берсин, халолдан етказсин. Қандоқ қилай болам, боламга ачинаман...

— Буви, бахт мол-дунёда эмас-ку. Мендан хавотир олманг. Зебу зийнат, латта-путталар билан ишим йўқ. Менга фақат меҳр бўлса бас!

Нозима бувисининг насиҳатларига жон-дили билан амал қилишга ҳаракат қилди. Лекин остонадаёқ уни биринчи қоқиладигани — харсанг тош пойлаб турарди.

Нозима меҳмон-у мезбонлар ташқарига чиқиб кетишганида, хоналарга секингина кўз югуртириб чиқди. Сўнг ҳаммани кузатиб орқасига қайтиб кирган келинойисидан секингина сўради.

— Келинойи, шу меҳмонхона менгами?

— Ҳа, шу уйни сизга беришибди.

— Бўлмаса, стенка қани, қайси уйга безатдинлар?

— Вой тавба, ҳали билмайсизми? Стенкангиз йўқ-ку. Опам сизга стенка топа олмадилар.

Нозима янгиликни эшитиб турган жойида қотиб қолди.

— Нима?

Нозима тўйдан олдин ширин ҳаёт тўғрисида кўп хаёллар сурган, янги оиласи аъзоларига қандай муомала қилиш, уларни қандай тансиқ таомлар билан сийлаш ҳақида кўп ўйлаганди. Фақат яхши келин бўлиб, ҳамманинг ҳурматини жой-жойига қўйишга аҳд қилганди-ю, аммо кунда қайси кўйлагини кийиш, меҳмон келганида неча маҳал устидаги либосини алмаштиришни ўйламаганди. Жавондаги чинниларни қандай жойлаш, уларни нималар билан тўлдириш хаёлида бўлса-да, жонлантириб кўрмаган экан. У онамнинг ўзи ҳаммасини билиб-билиб қияпти, аралашишим одобдан бўлмас, деб андиша қилганди. Онаизори ундан ҳеч нарчасини аямаслигини яхши биларди. Демак, имконият...

Она ёлғиз боши билан елиб-югуриб, навбат билан фақат талонга, турар жойидаги дўкондангина бериладиган жавонни шунча уринса ҳам топа олмади. У ёққа чопди, бу ёққа чопди, аммо «дефицит» матоҳни топиш иложи бўлмади. Ўша вақтда мебел жиҳозлари камёб эди. Ўзимизнинг Олмалиқ шаҳридан чиқадиганлари дўкон кўрмай, эгасини топиб кетарди. Қўлида пули бор бўлса ҳам йўл-йўриқни билмай, дўконга келадиган мебелга навбат пойлаб юрган она таниш-билиш ахтаришга тушганида тўй куни яқинлашиб колган эди. Орадан бир ой ўтмай савдогарлардан икки баробар қимматига харид қилинган мебел тўйдан кейин чалинган ноғора бўлди.

Назира опа қудасининг уйига узрини айтиб, мебелни курдириб кетди, аммо шу матоҳ туфайли бўлган дилхираликни,

хотирада қолган йўқчиликни ўчириб кетолмади. Нозима пичинглардан юраги эзилиб, киноялар зардобиди дили ачишиб қўлига қалам олди. Аламлирини доимий сирдоши бўлган оқ қоғозга сочди. Унинг бу мақоласи ёшлар газетасида босилиб чиқди. Мана, мақоладаги сўнгги сатрлар:

«... Дугонамнинг фотиҳасини эшитиб кўп қувонгандим, тўйга нима етсин.

Аммо никоҳ кечасига тўрт кун қолганида, тўй бўлмаслиги ҳақидаги хабар бир зумда маҳаллага тарқалди.

Кейин билсам, унинг ёлғиз онаси мебел қилмагани учун қуда томон, «жавонсиз тўй бўлмайди», деб айтишибди. Баҳонага эса «биз урф-одатларни ҳаммасини бекаму кўст қиляпмиз, сизлар ҳам болангиз учун қиласиз-да. Бизнинг ўзимизга яраша орзу- ҳавасимиз, дўст-душманамиз бор», деб туриб олишибди.

Ё тавба, инсон ҳам шунчаликка бориб, калта ўйлайдими? Ахир қўша-қўша сарпо, чет эл жиҳозлари билан узатилиб, кейин оз вақт ўтмай никоҳни бекор қилиш мақсадида ариза кўтариб юрганларни эшитяпмиз-ку. Елкаларига кимхоб тўнлар ташлаб, олдиларига патнисда мева-чевалар билан хонатласлар қўйган қудалар эрта келиб, фарзандларининг мурасасизлиги сабаб бир-бирларига кафан бичаётганларини кўряпмиз-ку. Кечагина қучоқ очиб кўришган қудалар суд залида бир-бирларига қарата куракда турмас ҳақоратлар билан бақиришаётгани-чи. Тирик етим бўлган норасидаларнинг уволи-чи...

Кувё сарпосини кийиш бўсағасида турган йигитларга қизнинг сеплисини эмас, эплисини танланг, бўлғуси қайнотангиз молини эмас, тантиқ қизни олгач, бошингизга тушадиган ҳолингизни ўйланг, қайноналик бахтига мушарраф бўлаётган оналарга, «Ўғлингизга бойвучча келин эмас, кўзида ҳаёси, юзида ибоси, қалбида вафоси бор бокира келин сўранг худодан» дегим келади».

## 20

Қўшниси Бикачойнинг набираси билан Нозиманинг бошини қовуштирган кампир хурсанд эди. Хосият хола неварасининг тўйига бош бўлиб, тўйдан сўнг енгил нафас олди: «Ҳайрият, биттасидан қутулди, бола туғиб бешик тўйи кўрмаган, ўғил туғиб, суннат тўйи қилмаган, уйлар қуриб, ҳовли тўйини билмаган қизим тўй кўрди, ёруғликка чиқди».

Хосият хола кенжа қизи Назирадан набира кўргач, роса қувонганди. Қизининг нотинчроқ оиласи фарзанд пойқадами билан тинчлику, шодликка бурканади, деб умид қилганди. У набирасининг исмини Асадулла деб атади. Ахир, фарзанд эру хотинни бир-бирига боғловчи занжир-да. Бу дунёда мураси келишмай, орзулари ушалмай, фарзандларининг кўнгли учунгина яшаб юрган жуфтлар оз дейсизми?! Остонаси сабрдан қурилган хонадон борки, унда фарзандлар ота-она бағрида ўсади. Оила жамлигига нима етсин...

Тадқиқотчиларнинг айтишича, ажралишадиган оилалар суд жараёнида: «Уйимизда эр-хотин орасида кўп жанжал-тўполон бўлади, буни кўрган болаларнинг тарбияси бузилмоқда», деган важни кўндаланг қўйишар экан. Жанжалга сабабчи ота ё онасиз яшаган тақдирда, турмуш яхши бўлармикан? Уларнинг назарида эр-хотин келиша олмай яшаган оилада ўсаётган болалар тарбиясида салбий жиҳатлар шаклланади ва жамиятда хавотир уйғотади. Уларнинг назарида ажралиш энг тўғри йўл бўлиб кўринади. Аслида эса фарзанд ўз ҳаётида турли муҳитга мослаша олиши, керак вазиятда ўзини идора қилишни ўрганиши керак. Вақти келганда улар, ота -она орасидаги тортишувларни кўриши ҳам керак бўлади. Болалар оиладан бошлаб ҳақ-ноҳақни ажрата бошлайди. Чунки болалар бир кун келиб вояга етади! Ўзлари ҳам ота - она бўлишади. Оиладаги ўз бурчларини болаликдан таҳлил қилиб борадилар.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, аксарият ота ё онасиз вояга етган болалар жамиятда ўз ўринларини топишга, мукамал оила қуришга қийналар эканлар.

Хосият хола кенжа қизи Назира биринчи фарзандига ҳомиладор эканлигини эшитган куниданоқ, сандиғига «томизғи» ташлаганди. Набираси икки ёшга етиб, қизининг рўзғори бўлак бўлгунча сарпо йиғиб катта тугун қилди. Асадулла юриб боғчага чиқиш арафасида турибди-ю, қудаларга бешик ё суннат тўйи ҳақида оғиз очса садо чиқмайди. Қараса, қудаларининг меҳмон кутишга хоҳишлари йўқ. Куёв эса кўчадаги маишатни орзу-ҳавасга алмаштириб юборган. Фарзандли бўлгач, «ўғлимни қўлини ҳалоллаб, бир жонлиқ атаб, хатна қилдириб олай, қариндош-уруғ, оғайнйларим олдига дастурхон солиб суннат тўйини қилай», деб ҳаракат қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайди.



Хосият хола бир кун бориб қудаларни кичкинагина дастурхон безаб, бешик тўйини ўтказиб олишга амаллаб кўндирди. Бешик тўйи кунини белгилаб келгач, бориб чоли билан бозордан икки юз сўмга бўрдоқига боқилган каттагина қўйни сотиб олди. Қуданда, қўни-қўшиларни дараклаб келди. Тўйига бир кун қолганда, қуда томондан бешик тўйи бўлмаслиги ҳақида хабар келиб, ҳамманинг ҳафсаласи пир бўлди. Хосият хола чоп-чоплардан чарчаб юрган эканми, бу хабар ортиқчалик қилиб қон босими кўтарилиб, мазаси қочиб қолди. Чақиртирилган шифокорнинг малҳамларидан мириқиб ухлаб эртасига ҳужрахолага кирган эдиямки, тўйга атаб олинган қўй бўғилганча ўлиб ётибди. Хосият хола аввалига аламига чидай олмай роса йиғлади, сўнг, «нима қилсам болам учун», деб ҳаллослаган-ча йиққан-терган нарсаларини юк машинасига ортиб йўлга тушди. Атаганини қудасининг остонасига туширди-да, бир пиёла чой ҳам ичмай изига кайтди.

Хосият хола орзу- ҳавас кўришни дилига тутмаган куёвининг беғамлигидан нолиб Назиранинг кичик фарзанди Ҳикматулланинг суннат тўйини ўғли Неъмат кятга ўғли Шухратга атаб элга ош бераётганида қўшиб юборди. Қизим ўкинмасин, деб қатор сарполар қилиб, ўзининг кичкинагина хонасида набирасини «ётқизиб» олди.

Кампирнинг жонига ёпишиб олган дард кўндан-кўнга азоб берарди. Назира «кўзим очиқлигида Асадулланинг ҳам бошини иккита қилиб олса яхши бўларди» деб хаёл қиларди. Кампир кетар чоғи яқинлашаётганини сезар, раҳматли чолини кўп эсларди. Чоли билан ўтган кўнларини ёдга оларкан, ҳаётидан рози бўларди. Гоҳида атрофида чувалашаётган набираларини йиғиб, Мансур додаларининг танти фазилатларини, илгари бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берар, чолининг деворга осифлик суратини тез-тез ортиб қўярди.

Хосият хола набираси Нозиманинг қиз базмида анчадан бери нафақасидан йиғиб юрган, бели букилмаган пуларини ўйнаётганларга қистирарди. Орадан нақ бир йилдан кейин Азроил келиб Яратган берган омонатини қистаб келишини билмасди. Билганда ҳам қайларга қочарди. Ўлим — ҳақ.

Хосият хола кечалари йўтал зўридан қийналар, уйқусиз туналари худога нола қилиб чиқарди. «Қиш ўлдирма, ёз ўлдир, оч ўлдирма, тўқ ўлдир», «Сарғайтириб ётқизма, термултириб ўтқизма», «Елдай келиб, селдай олгин омонатингни».

Кампир бечора қазоси етгунча Назира қизининг пешонасидан нолиди, шугинанинг турмушидан кўнгли тўймай ўтиб кетди. Кетар чоғи фарзандларига «Ҳаммаларинг ўзингдан тингансанлар, бева қизимнинг қилар иши кўп, яхши-ёмон кунларида бош бўлиб, ёрдам беринглаар» деб жон таслим қилди.

*Муштингарим, онажоним, ёлғизгина қолиб кетдим.  
Ҳар келганда патир тутмай, гам- андуҳга солиб кетдим.  
Вой онам-а, онам-а!*

Нозима бувисининг маъракасида фарёд чекаётган онасига термулади.

*Деворларда қўлларингиз изи қолган  
Силаб, силаб йиғлайман.  
Ўйингизда бўйларингиз иси қолган,  
Ҳидлаб, ҳидлаб тўймайман.  
Вой онам-а, онам-а!*

Деворларни сийпаб йиғлаётган онасини кўрган Нозиманинг кўзлари ёшланади.

*Ўйим дедим, ҳолингизга яролмадим,  
Болам дедим, дийдоризга тўйолмадим.  
Фарзанд бўлиб бир томчи сув тутолмадим,  
Гумроҳингиз афв этинг, жоним онам.  
Вой онам-а, онам-а!*

Назира опа онасининг сўнги нафаси чиқар чоғи тепасида бўлмагани, қишлоғидан етиб келолмагани учун ўзини-ўзи сира кечира олмайди. Жонини таслим қила олмай, қизи дийдорига муштоқ бўлган онасининг азобини, нигоҳлари йўлда қотиб қолганини эшитиб бошини деворларга ургиси келади. Сўнги дамда ҳам азоб бердим-а, деб ўкинади.

## 21

Ота-она борки, тезроқ фарзандларимни уйли-жойли қилсам, бурчимни адо этсам, дейди. Назира опа қизи Нозиманинг

турмушидан кўнгли тўлиб, бир йил ўтмай яна топганини қоқиб-суқиб бешик тўйи қилган эди. Ҳали унинг қилар иши кўп эди. Энди навбат ота ўрнида оилага устун бўлган катта ўғил Асадуллага келди. Ҳар бир нарсага кужонавериб, серзарда бўлиб қолган Асадулла, оила ташвиши бўйида қолиб кетганиданми, танасига ҳеч эт битмасди. Болалигидан жигарларидан бўйи пастроқ бўлган Асадулла онасига ўхшаб оқ-сарикдан келган, туташ қалин қошлари тимқора эди. У меҳнатда пишгани учун елкалари кент, билаклари бақувват.

Асадулла устахонада ишлаб топган пулига машина сотиб олди, энди у ишнинг кўзини анча билиб қолганди. У сингисининг тўйига, бешиктўйига қарашди, онасининг ёнида туриб берди. Сингисининг тўйи тоғасиникида ўтганидан қариндош-уруғлар олдида истиҳола қилди. Энди ўзи ҳаракат қилиб уй-жойларига қарамаса бўлмайди. Асадулла бир йилча устачилик қилиб йиққан пулига помидор сотиб олиб, Россиянинг Узоқ Шарқдаги шаҳарларига олиб боришни режалаштирди. Вагонларга ортилган юклари йўлда қолиб кетиб, манзилига анчагина кеч етиб борганидан чириб оққан памидорларни кўрган Асадулланинг тарвузи қўлтиғидан тушди. Пешона тери билан топган шунча пули кўкка совурилди.

Назира опа Нозимани узатгач, уйи, кўнгли ҳувиллаб қолди. Устига-устак суянчи — онасидан ҳам айрилди. Унга далда бериб, йўл-йўриқ кўрсатиб турадиган меҳрибони энди йўқ эди. Ҳа, она — давлат экан. Назира опа руҳан тушдими ё югурлардан чарчадими, мактабдаги дарсларини купайтириб, иморатнинг қолган чала ишларини ўғиллари зиммасига юклади. Қараса, Асадулланинг бўйи чўзилиб, катта бўлиб қолибди. Россиядан касодга учраб қайтганига ҳам бир йилча бўлиб қолди. Она «эртаю кеч тиним билмай машина ковайди, бир-икки сўм жамлагани бордир», деган хаёлда Асадуллага оғиз очди.

— Ўғлим, менинг топганим ҳеч нарса бўлмай қолди. Аввалгидай қўшимча иш қилмай сенга суяниб қолдим. Энди сени уйлантиришимиз керак, топган-тутганинг бўлса, ўртага ташла.

— Ойи, пича жамғарган пулим бор. Лекин унга яна озгина ишлаб топиб қўшсам ёмон бўлмасди. Йигит кишига фарзанд билан давлатнинг эрта-кечи йўқ. Бу йил бўлмаса келаси йил келин қиларсиз, яна озгина чиданг...

— Майли, ўғлим, топган тутганингга барака берсин.

— Ойижон, биримиз икки бўлармикан, деб юрибман. Фирмада ишлайдиган аёл тўғирлаб берган ҳужжатлари билан бозор ичидан савдо растаси очдим. Озиқ-овқат ва бошқа майда-чуйдалардан» тушаётган даромад ёмон эмас. Ҳали ҳамма орзуларимиз ушалади, кўрасиз.

— Сенларни ҳалол боққанман, умидим катта.

Асадулланинг иши юришиб анча даромад килди. У яхши кунларга ятаб тўплайётган ризқида қинғирлик борлигини сезмасди. Охири шундай тугашини билганида у бу ишга қўл урмаган бўларди. Ёшлигидан қора мойга ботиб, меҳнатдан бўйин товламаган йигитта омад кулиб боқмади. Билмай бирор ишда нобопликка йўл қўйдими, топгани яхшиликка буюрмади.

Ишдан қайтаётган бир аёл Қорақамиш даҳасидаги бозорда савдо қилаётган сотувчидан тухум сотиб олади. Уйга келиб тухумни ётга ташлаб, болалари билан тамадди қилишади. Ярим соатлар ҳам ўтмай аёл ва болаларнинг кўнгли беҳузур бўла бошлади. Кечга бориб аҳвол оғирлашганини кўрган оила аъзолари, “тез ёрдам”га қўнғироқ қилишади. Тинмай қайт қилаётган, ҳолсизланган беморларни назоратдан ўтказгач, «Овқатдан ўткир заҳарланилган» деган ташхис қўйишади. Беморлар тиббий ёрдам кўрсатиш учун касалхонага олиб кетилади. Заҳарланган аёл фақат бутун сотиб олган тухумидан истеъмол қилганини айтгач, тергов иши очилади. Суриштирув натижасида сотувчи ва унинг моллари ички ишлар бўлимига келтирилади. Текширув ўтказилган тухум натижаларини лаборатория «сифатсиз, истеъмолга яроқсиз» деб аниқлаб беради. Шундан сўнг сақлаш муддати ўтган озиқ-овқат моллари билан савдо қилаётган растанинг ҳужжатлари текширилади. Собир Раҳимов туманидаги дўкон муҳри билан юритилган ҳужжатларни олиб мудир оддига борган терговчилар, бундан тўрт йил яввал йўқолган муҳр аллақачон газетада эълон орқали бекор қилинганини билишарди. Асадуллага ўзини «фирма бошлиғиман», деб таништирган фирибгар аёл қачонлардир фаррош бўлиб ишлаган дўкондан ўғирлаб олган муҳр билан ҳужжат юритаётгани ҳаммага аён бўлди. Шундай қилиб, «ишбилармон» аёл устидан жиноий иш қўзғатилади. Агар ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади.

— Нима қилиб бўлса ҳам мени бу ердан олиб чиқасан, — қамоқда ўтирган фирибгар аёл Асадуллани сиқувга олди.

— Қандай қилиб?!

— У ёғини ўзинг биласан. Тезроқ ҳаракат қилиб, ишни қайта кўриб чиқиш учун апелляция комиссиясига ариза ёз. Кемага тушганнинг жони бир, агар ёрдам бермасанг, сени ҳам тортиб кетаман. Керакли одамларга пул берсанг, ҳаммасини тўғирлаб беришади.

— Нималар деяпсиз, эсингиз борми ўзи? Савдога тиккан пулларимдан айрилган бўлсам, энди пулни қаердан оламан?

— Эсим жойида, ўзинг ақлингни ишлатиб кўр! Ўтириб чиқсанг қай аҳволда, ким бўлиб чиқасан? Онанг, қариндош-уруғларинг олдида қандай бош кўтариб юрасан?

Асадулла боши берк кўчага кириб қолган эди. Энди, буёғига калласини ишлатиб иш қилиши керак. У аёлни қутқаришга кўнди. Асадулла қамалиб кетишдан, одамларнинг гап-сўзидан чўчимади, бундай йўлни танлаб, қарз-ҳавола билан аёлга ёрдам беришга уни бир нарса мажбур этди. У виждон амрига қулоқ солди. Ҳақиқий йигит шу йўлни тутиши керак, деган қарорга келди. Асадулла бу аёлнинг уйига бир-икки иш билан борганида оилавий шароитини кўриб ачинганди. Шу сабабли ҳам у айни дамда бу аёлга жиноятчи сифатида эмас, олти боланинг онаси сифатида ёндашишга ҳаракат қилди. Асадулла гиёҳванд эри қамоқда ўтирган бу аёл орқасида йиғлаб қолган олти боланинг нигоҳидан, нашаванд эрдан туғилган икки ногирон гўдакнинг мунгли кўзларидан қўрқди. Эртадан кечгача онаси йўлига кўз тикиб ўтирадиган норасидалар кўрадиган қора кунларидан хавотирга тушди. Онаси қамалиб кетгач, бу олти боланинг аҳволи нима кечади, деб боши қотди. У топган-тутганини жамлаб, қолганини қарз-ҳавола қилиб аёлни қамоқдан қутқариш ҳаракатига тушди.

Асадулла кечроқ бўлса ҳам йўлини топиб кетар. Буёқда мактабни битирган Нафисанинг ҳам бўйи етиб қолганди. Элда қиз болани тенги чиққанида текин бер деган нақл бор. Асадулла оғир аҳволда қолди. Бир томонда онасининг орзулари, бошқа томонда эса... Яна ҳаммасини бошдан бошлаши керак. Бирор ишга қўл урай деса, чўнтаги бўм-бўш. Дардини кимга айтади? Заифа онасигами? Тирик бўлиб, уйда йўқ, ўлик бўлиб гўрда йўқ, отасигами? Минг афсуски, йўл-йўриқ кўрсатадиган отанинг ўзи йўқ.

Нафиса мактабни аъло баҳоларга тугаллагач, Офицерлар уйи қошида очилган тикиш-бичиш курсига ўқишга кирди. Нафиса табиатан оқкўнги, феъли майин қиз эди. Нозима шаддодгина, қаерга борса таллашиб-тортишиб, сўзини ўтказарди. Нафиса эса опасининг акси бўлди. У онаси олдига қўйганини танламай ер, олиб берган кийимини индамай эгнига иларди. Нафиса кўнгли бўшлигидан қаноти синган қушчани кўрса ҳам кўзига ёш келарди. У болалигида, жўжасини ўлиб қолганига бир ҳафта аза тутганди. Онаси бетоб бўлиб қолса, ухлмасдан парвона бўлар, овриқдан инграса ўзи ҳам қўшилиб инграрди. Шунинг учунми Нафисага онаси, ака-опалари қаттиқ гапира олишмасди. Доим унинг кўнглига қарашар эди.

Нафиса биринчи курсни яхши ўзлаштириб тезда тикиш сирларини ўрганиб олди. У ўзига, қўни-қўшниларга либос тикиб, буюртма ола бошлади. Буюртмага тикаётган кўйлаги кўнглидагидек чиқса хўп-хўп, агар бирор жойи бузилиб қолгудай бўлса ҳижолат бўлганидан онасининг бисотидан мато олиб, бошқа тикарди. Нафиса бўйи етиб, кўзга кўриниб қолди. Кўйлак тиктириш баҳонасида ҳовлиларига кўп чиқиб турадиган Мавлуда келинойи бир куни Нафисага оғиз очди. Каттақўржон шаҳридан келиб қолган бу аёл алақачон Тошкент шеvasини ўзлаштириб олганди.

— Нафиса, қўлингиз гул бўлди-да. Сизни ўзим келин қилсам, деб мўлжаллаб турибман.

Уятдан юзлари қизариб кетган Нафиса бошини қуйи эгди. Оппоққина қизнинг ловиллаб кетган чеҳрасини кўрган қўшни гапни охирига етказди.

— Келишган жияним бор!

— Мен ҳали-бери турмушга чиқмайман.

— Ие, нега экан? Ёшингиз ўн еттига чиқиб қолди, айна вақти!

— Гап унда эмас, шароитимизни ўзингиз кўриб турибсиз. Меҳмон кутадиган бирорга шинамгина хонамиз, тўй қиладиган пулимиз йўқ. Онаминг мактабдан оладиган маошлари қорнимиздан ортмайди. Акамнинг ҳам ишлари юришмай қийналиб кетдилар. Уларга ҳам осон эмас. Бор-йўғимизни сарфлаб Нозима опамни турмушга бердик. Буёғи бешик тўйи ҳаракати...

Нафиса яшаш шароитлари яқин- орада яхши бўлиб кетишига кўзи етмас, ҳаётдан ҳафсаласи пир бўлгани маънос кўзларидан билиниб турарди. Тўғри, қишлоқда уларнинг уйдан ҳам ҳароб, еб-ичишларининг тайини йўқ оилалар топиларди. Аммо Нафисанинг холалари, тоғалари, қариндош-уруғлари яшаётган дангиллама уйлар, қилаётган дабдабали тўйлар, фарзандларига аталган сеплар оддида уларнинг турмуши нима бўпти?

— Жияним бизникита меҳмонга келгани, сизни бир-икки кучада кўриб ёқтириб қопти. «Таништириб қўйинг», деб ҳоли жонимга қўймапти. Нима, Самарқанддай шаҳри азимга тошкентлик эрка келин бўлиб борсангиз ёмонми? Ё қишлоқи деб менсимаяпсизми? Шунга айтиб қўяйки, қишлоқ одамлари Тошкентнингиз одамларидан яхшироқ бўлади. Қишлоқликлар қувлик, шумлик, усталикни билмайдилар. Кейин бизда сизларга ўхшаб қиз чиқарганда мебел, қўша-қўша сарпо, яна қандайдир ашқол-дашқоллар қилинмайди. Агар Каттақўрғонга келин бўлсангиз, маза қилиб юрардингиз. Жиянимнинг топиш-тутиши зўр, бунинг устига ёлғиз ўзингиз яшайсиз, хўжайин бўладиган ҳеч ким йўқ. Келинойим билан амаким ўлиб кетишган, кетар чоғлари менга шу жиянимни топшириб, «бошини иккита қилиб қўй, ёлғиз қолмасин», деб васият қилишганди. Шунга...

— Мавлуда келинойи, қаёқдаги гапларни гапириб одамни ҳижолат қилиб юборасиз-а. Мен ҳеч нарсани билмайман. Бу масалада онамга учрашинг.

Нафиса Мавлуда келинойи билан бўлган суҳбатни анчагача эслаб юрди. Ўқишга кетаётганида, қўшнисининг жияни йўлидан чиқиб, гапга тутаварди. Қараса, кўриниши библинойидай, гап-сўзлари жойида, лекин вилоятга келинлик ...

Умрнинг оқар сувга ўхшатилиши тўғри экан. Кечагина қўлига игна ушлаб, биринчи курсга ўқишга қатнаётган Нафиса бир зумда ўқишни битирай деб қолибди. Бу даврда синфдошлар, курсдошларининг нечтаси турмуш қурди, бола ҳам кўрди. Бир куни ўқишдан қайтган Нафиса уйдан жаранглаб чиқаётган таниш овозни эшитиб, суҳбатга қулоқ тутди.

— Қизингизни бизга келинликка берсангиз, афсус қилмайсиз. Илтимос, йўқ деманг. Нафиса жиянимни яхши танийди, йўқ демаса керак. Икки йилдан бери розилигингизни пойлаймиз.

— Қизимнинг ихтиёри қўлида, ўзингиз гаплашиб кўринг.

— Нафиса билан гаплашдим. Онамдан узоққа кетмайман деб кўнмадилар.

Мавлуда опани гапи тутамасидан Назира опа суҳбатга яқун ясади:

— Мен қизимни зўрлаб турмушга беролмайман, агар ўзи рози бўлса ўйлаб кўрармиз...

Нафиса икки йилга яқин Мавлуда опа ва унинг жияни Карим таъқибида юрди. Аввалига қатъий рад жавобини берди. Кейинчалик, қудалар қистайвергач, кўнгли юмшаб фикри ўзгарди.

Эрта тонгда ўқишга ошиқаётган, кеч кирмай кечки овқат тайёрлаш учун уйига чопаётган Нафисани эринмай пойлаб юрадиган Карим ниҳоят бир кун келиб дадиллик билан унинг йўлини тўсди:

— Нафиса, бир гаплашиб олсак бўларди.

Нафиса йўлида учратавериб кўзи анча кўникиб қолганиданми, Каримнинг кўзига тик боқди.

— Нима гапингиз бор?!

Карим ўзини дадил тутишга ҳаракат қилиб, қизга гап бошлашдан олдин кўзларини олиб қочди.

— Ортингиздан икки йилдан бери юрибман. Мақсадимни биласиз, менга турмушга чиқсангиз.

— Бу масалада қариндошингиз Мавлуда келинони билан гаплашиб бўлганмиз.

— Онангиз, «қизим рози бўлса, майли» дегандай гап қилиптилар. Буёғига гап сизда қолди.

— Йўқ, бегона шаҳарга кетиш хоҳишим йўқ.. Сиз ҳам тушининг ахир. Ўзим билмаган, кўрмаган одамлар орасида қандай яшайман? Яқин жой бўлса экан, ҳафтасига онам билан кўришиб турсам. — деди Нафиса ва билагидан тутмокчи бўлган йигитнинг қўлларини силтаб юборди.

— Мен борман-ку, сизни бошимда кўтариб юраман. Ота-онам қазо қилиб, турмушга чиққан уч опам ўз уйларида, болалари билан тиниб кетишган. Опаларим, қариндошлар ўзларидан ортиб менинг ҳовлимга келаверишмайди. Ўз кунимиз ўзимизга қолиб, эркин бўлиб, билганимизча тинч ҳаёт кечирамиз.

— Йўқ...

— Ўйлаб кўринг, истасангиз, пойтахтдан уй олиб, кўчиб келамиз. Аввал ўзимизда Каттакўрғонда тўй қиламиз, кейин Тошкентда. Тошкентга кўчиб келсак, онангиз ёнида бўласиз.



Хотинини уйга қамаб қўядиган эркаклардан эмасман. Истасангиз кўнглингиз тусаяган жойда ишлайсиз. Тўй қилсак, сизлардан ҳеч нарса керак эмас. Сарпо, мебел яна латта-путта, тоғора деганлари билан ишим йўқ. Ота-онамдан менга қолган ҳовлида иккимиз яшашимиз учун рўзгорнинг ҳамма нарсаси етарли. Уйимиз Каттақўрғон марказида жойлашган, газ, иссиқ сув бор. Қисқаси, шароитимиз яхши.

Нафиса ваъдалар гирдобига тушиб, боши айланиб қолди. Ана шу гирдоб Нафисани Самарқандга тортиб кетди.

Назира опа кеңжа қизи Нафисанинг қароридан хабар топаркан, опа-укалари билан маслаҳатлашиб кўрсаммикан, деб ўйлади. Бироқ бундан не фойда, уларнинг доимгидай жавоби тайёр: «Билганингни қил», дейишади, вассалом. Қачонлардир айтганидан қайтмай, ўз билганича иш тутадиган ўжар сингилга жавоблари шу.

Шундай қилиб, икки ёш ЗАГС дан ўтишди. Мавлуда опанинг режаси билан тўрт қўшни ва икки яқинини эргаштирган она Нафисани олдига солиб, Каттақўрғонга йўл олди. Иккинчи фарзандига ҳомиладор Нозима ой-кўни яқинлиги учун сингисини узатиб боролмади. Каттақўрғонда кичкинагина базм бўлди. Мавлуда опа тўйга йигирма-ўттизтача кишини айтди. У Нафисанинг онасини овулган бўлди:

— Катта тўйни Тошкентда қиламиз. Ўшанда ҳамма қариндош-уруғларингизни айтасиз. Кўнглингиз тўқ бўлсин, қизингиз жияним билан бахтли бўлади.

Назира опа ўғиллари Асадулла билан Ҳикматулланинг қаршилигига қарамай иккилана-иккилана зўрға фотиҳа берган эди. У орадаги шартномани эслатмоқчи бўлди:

— Менинг ҳам ўзимга яраша орзу-ҳавасим бор, сизларга қараб турмайман. Тошкентда тўй қилмасак бўлмайди, танишлар олдида нима деган одам бўламан? Айтганингиздай, Тошкентдан жой олишса, қўлимдан келганича рўзгорларига қараб, уларини жиҳозлаб бераман. Кўёвим Каримжон бу ерда қизимнинг ёлғизлигини билдирмай, кўнглини ўкситмаса бўлди...

Тўй ўтгач икки кун меҳмон бўлган она, ўзи билан бирга қиз узатиб борган ҳамроҳлари билан изига қайтди.

Нафиса анчадан бери ҳеч ким яшамай, ташландиқ ҳолга келиб, йўлақлардан ўт ўсиб кетган ҳовлини саранжомлаб супур-сидир ишларига шўнғиб кетди. Хоналарни дидига қараб безади. Ҳар кўни ҳолларидан хабар олиб турувчи қайинопаларининг

кўнглини овлаб, келинлик вазифасини бажаришга уринарди. Нафиса кунлар елиб ўтаётганини кўриб Тошкентга қачон қайтарканмиз деб, бир ой пойлади, икки ой пойлади. Ҳомиладор бўлганидан кейин, ҳаммасига қўл силтади. Она бўлиш бахти уни маст қилиб қўйганди.

Карим туғилиб-ўсган маҳалласига қайтгач, ишга жойлашиш мақсадида жуда кўп корхоналарга бош суқиб чиқди. Тадбиркорлик ишларини бошлаган, хусусий дўконлар очган поччалари негадир Каримни ёнларига ишга олишмасди. Нафиса рўзгоридан қийналиб, эрининг опаларини бемехрликда айбларди. Укалари орасига тушиб ишга жойлаб қўйишса бўлади-ку, деб гина қиларди.

Карим иш топа олмай, кўча-кўйда тентираб, тунда уйга қайтадиган бўлди. Орадан беш-олти ой ўтгач Нафисага қарамай ҳам қўйди. Нафиса Каримдаги бу ўзгаришни сезиб боши гаранг бўлди. Нафиса ярим тунда уйга қайтиб ваннахонада ўқчиб қайт қиладиган, ўтирган жойида ухаб қоладиган одат чиқарган эрини ичганга йўйиб, ўрнига зўрға ётқизарди. Гоҳида ташқаридан кўзлари олазарак қайтган Каримнинг бақирини кўчагача эшитиларди:

— Қорним очиб кетди, тезроқ овқатингни олиб кел!

Косада келтирилган овқатни қошиқ билан тимирскилаб кўраркан, яна норози бўларди.

— Гўштини кўпроқ солиб, тузукроқ овқат пиширсанг бўлмайдами? Эркак кишига мошхўрда овқатлик қиладими?

— Рўзгорнинг бориға қараб қозон осяпман.

— Опаларим рўзгорни қилиб туришган бўлса, шарт-шурт солавермайсанми?!

Қайнопаларидан хижолат чекиб, келтирганларини иложи борича тежаб ишлатаётган Нафиса эрига зорланди:

— Ўзингиз ишга кирсангиз бўларди. Қачонгача опаларингиз қўлиға қараб ўтирамиз? Бировнинг қўлиға қараб ўтиришдан ёмони йўқ. Шу кунларда негадир ўзгариб боряпсиз. Бунақа эмасдингиз-ку, сизга нима бўлди ўзи?

Нафисанинг барча орзулари саробга айланган, ваъдалар ҳавога изсиз учиб кетган эди. Кечагина Каримнинг ширин сўзларидан эриб, дунёга гўзал нигоҳ билан боққан Нафиса бутун эрининг бефарқлигидан, ўзининг мусофирлигидан юраги қон

бўлган эди. У ёруғ дунёдан насибасини узиб кетгиси келардию, ammo юраги остида дук-дук тепаётган гўдагини ўйлаб, иккиланарди.

Нафиса икки-уч ойда бир марта телефонда гаплашиб турадиган онасига бу гапларни айтолмасди. Каримнинг ичкиликка берилиб, бекорчиликдан зулмат қаърига шўнғиб кетаётганини онажонисига айтолмасди. Нафиса, «келманг, ҳадемай бориб қоламиз», деб онаси кўнглини пуч ёнғоққа тўлдирар, ҳомиласи катталлашиб анчагина билиниб қолганидан истиҳола қиларди.

Нафиса Карим нима сабабдан ўзгариб қолганини унинг билагидаги игна изларини кўрганида англади ва ларзага тушди. Эрини ичкиликка берилган, деб ўйлаб янглишган экан.

— Шўрим қурсин менинг, бахтимни қаро қилдингиз! Ҳеч бўлмаса туғиладиган болангизни ўйласангиз бўларди. Опаларингизни чақиртириб, бор гапни айтиб бераман, — дея Нафиса уввос солиб йиғлади. Қани энди, онаси ё опаси Нозима ёнида бўлса эди. Ичини ўртаб юборган дардларини тўкиб-сочиб анча енгил тортарди.

— Опаларимга айтганингнинг фойдаси йўқ, менга бу иллат ёлишиб олганини улар яхши билишади, — деди Карим йиғлаётган хотинига парво ҳам қилмай. У кўчага чиқиб кетдида, оз вақт ўтмай қайтиб келди. Ваннахонага кириб кетаркан, хаёл суриб ўтирган Нафисага қараб, «чиққунимча овқатинг тайёр бўлсин», деб тайинлади. Нафиса худога пешонасидан зорланиб, йиғлай-йиғлай овқатга унади. Эри овқатланиб бўлгач, қайнопалариникига бориб, укаларининг аҳволини айтишни мўлжаллади. Овқат пишгач, дастурхон ёзиб, чой дамлади. Ваннахона эшигини неча маротаба тақиллатиб, чақиришига қарамай Каримдан садо чиқмади. Нафиса хавотирга тушиб, куч билан эшикни итарган эди, илгич узилиб кетди. У шошиб ичкарига кирди, қўлига игна илиниб қолиб, ваннага суюнганча жон таслим қилган эрини кўриб беҳосдан қичқириб юборди.

Нафиса бу даҳшатдан чала туғиб қўйди, бола етти ойлик бўлган экан. Назира опа куёви жанозасига етиб келди. У куёви Каримнинг ўсмирлик чоғидаёқ безори болаларга қўшилиб, гиёҳванд бўлиб кетганини унинг қўшниларидадан эшитди.

Каримнинг опалари афсус тўла изоҳларини муҳокама қилишга энди кеч бўлганди.

— Каримни ўртоқларидан ажратиш учун нималар қилмадик, охири Тошкентдаги наркологик диспансерда даволатдик. Тошкентда юриб анча ақлини йиғиб олган укамдан хавотирда бўлсаяк-да, ортидан зурриёд қолсин, номи изсиз ўчиб кетмасин, деб уйлантириб қўйишга қарор қилгандик.

— Сизларнинг шу ниятларингизни деб қизимнинг умри хазон бўлди, — деди Нафисанининг онаси, эрининг дафн маросимига қатнаша олмай туғруқхонада ётган қизининг аҳволига ачиниб, дастрўмолчасига кўз ёшларини артаркан.

— Бизни кечиринг, укамиз болали бўлгач, бу қилиқларини ташлар деб ўйлаган эдик. Ниятимизга етмадик. Уй-жой Нафисага тегади. Хоҳласангиз сотиб, пулларини болага ишлатишингиз мумкин, — деди марҳумнинг опаларидан бири.

Назира опа жигарбандининг доғида бевақт куйиб-ёнаётган опани кўриб, юмшади, уларга ич-ичидан ачинди.

Назира опа қизи билан набираси ҳали анча пақт касалхонада ётишини эшитиб уни қудаларига топшириб, Тошкентга қайтди.

## 23

Нозима янги хонадонга тезда киришиб кетди. У пойтахт маркази, Чорсу бозори ёнгинасидаги Хадра маҳалласидаги кўп қаватли ўйга келин бўлиб келар чоғи бу оилада уч ўғил ва икки қиз вояга етаётганини эшиттанди. Нозима янги оиласидаги болалар билан тез орада тил топишиб олишига ишонса-да, лекин юрагида шаҳарнинг нақ киндигида яшайдиганлар бир оз ҳавойироқ, манмансираган бўлади, деб ўйлаганди. Бироқ қайни ва қайнсингиллари ҳақидаги гумони бекор чиқди. Келинлигининг биринчи кунндаёқ, қайнонаси Шаҳодат аянинг босиқлик билан хонадон шарт-шароити, болааларнинг феъли билан таништириб ўтгани, панд-насиҳатлари Нозимани ҳурсанд қилди. У қизлар билан сирдош бўлиб кетди. Кенжатой Гулнозанинг белларини чирмаган узунгина сочларини ўриб қўяркан, унинг жилмайиб турган қиёфасида қалбидаги беғуборлик соясини кўрди. Нозима ўзи билан тенг Шаҳноза Чилонзордаги педагогика билим юртига ўқишга киргач, кунда

дадаси билан машғулотларга кетаётганини кўриб, бу қизнинг ота-онасидан бесўроқ остона ҳатлаб ташқарига чиқмаганини сезар, кийиниши, юриш-туришидан ўта соддалигига ҳайрон бўларди. Тўқсон ёшли қайнона буви Ҳабиба она бу хонадоннинг фариштаси эди. Кампир келини билан ўғли рўзгор ғамида ишга киришиб кетганларида набиралар босган қадамини назорат қилиб ўтирар, одатини қанда қилмай тергар, бирорга набираси мактабда ҳаяллаб қоладиган бўлса, чопқиллаб кўчани ахтаришга тушарди. Ҳабиба она бўш вақтларида ироқи дўппи тепчиб, ҳунармандлар растасида ишлайдиган қўшнисига топширар, ҳарна рўзгорга ёрдам деб тиним билмасди. Она кунда хабар олишга келадиган қизларига ҳадисларни ёддан айтиб берар, хонадонига набира келин бўлиб келган Нозимани ҳам чақириб, «Юсуф ва Зулайҳо» достонини куйга солиб, хиргойи қиларди.

Нозима бу оилани оқиллик билан бошқараётган қайнота ва қайнонасининг ўзаро муносабатлари таъсирида, бувисининг панду насиҳатлари остида катта бўлган болаларни кўриб, ўзи орзу қилган меҳр-муҳаббат гўшасига келганлигига шоҳид бўлди. Бу оила Нозимани ўз фарзандидай қабул қилди. У ҳам ўз навбатида келинлик вазифасини меҳр билан адо этишга, оиладаги майда-чуйда гапларга парво қилмасликка ҳаракат қилди.

Нозима Тошкент Давлат консерваториясида талабаларга сабоқ берадиган, бўш вақтларида Мухтор Ашрафий номли муסיқачилар дастасига қатнашиб турадиган қайнотаси Насрулло Бобожоновнинг ўғил-қизларига бўлган муносабатини кўриб, ўз отасини кўп эсларди. Ўз фарзандларини ҳам сизлаб гапирадиган қайнотасини ўз отасидек кўра бошлади. Нозима тобора бу оилада ўз ўрнини топиб борар, янги қариндошларини самимий муносабатлари баъзида учраб турадиган рўзгор етишмовчиликларини ҳам ювиб кетарди.

Хонадоннинг катта қизи Шаҳнозанинг тўйи арафасида Нозима фарзанд кўрди. Икки томонга ҳам биринчи набира бўлган қизалоққа Лазиза, деб исм қўйишди. Нозима фарзандини илк бор қўлига олганида аёл учун она бўлиш нақадар катта бахт эканлигига амин бўлди. Она бўлгач, онанг қадрига кўпроқ етасан, деганларидай Нозима тўлғоқнинг аччиқ дардини татиб кўриб, муштипарни олдида қанчалар қарздор эканлигини янада чуқурроқ англади.

Назира опа шодиёна билан бешик олиб келди. У биринчи набирасини қўлига авайлабгина тутганида, қувончдан йиғлаб юборди.

— Шу кунларга етганимга беҳисоб шукурлар бўлсин, — Нозима кўзларини чирт юмганча пишиллаб ухлаётган чақалоқни эркалатаётган онасини кўриб, енгилгина жилмайди.

— Ойижон, мен ҳам чақалоқлигимда шундай жажжигина бўлганманми? Қаранг, яхшилаб қаранг, менга ўхшайдими?

Она ширин пинакка кетган гўдакнинг роҳатини бузмаслик учун секингина ўрнига қўйди-да, қизига қараб қўйди.

— Туғруқхона ойнасидан кўрганимдаёқ қизингни дадангга ўхшатганман. Қош-кўзлари худди дадангники. Ўзи сен дадангга ўхшайсан-да. Қизинг ҳам сендан ўтиб қаёққа борарди?

Йўрғақдаги чақалоққа суқланиб турган Нозимани онаси сочларидан силаб қўйди.

— Она қизим, бешик тўйи сарполари, болага керакли барида жиҳозларни кам-кўстсиз бутлашга ҳаракат қилдим. Эл қатори, кўнглинг ўксимасин, деб бор-йўғимни сарфладим. Сен хурсанд бўлсанг бўлди.

Нозима кулиб, онасининг юзларидан ўпиб қўйди.

— Раҳмат, ойижон.

— Ганга магазинидан сенга ва куёвимга деб тўрт сизрадан кийим бош олдим. Сенга ёқса керак, кийиб яйраб юргин.

Нозима хотинлар қаторида туриб меҳмондар билан кўришаётганда онасининг устидаги қимматбаҳо матодан тикилган янги костюм-юбканинг бежиримлигини пайқаб, онасига ишора қилди.

— Қуда хола, — Нозима уч қадам орқага тисарилиб онасига бошдан-оёқ разм солиб ҳазиллашди, — қуда бува десам ҳам бўлади. Ахир отам ҳам сизсиз-ку. Ўзингиз ҳам костюм-юбканинг зўридан кийиб савлат тўкиб турибсиз.

Онаси эгнидаги костюмни чангдан тозалагандай елкасини бармоқлари билан оҳиста чертиб қўйиб, қизининг қулоғига шивирлади :

— Бешик тўйининг харажатларидан орттирсам, шу кун ўзим ҳам бир оҳорли либос киярман, деб ният қилиб қўйгандим. Энди буви бўлдим, деб қарилкни буйнимга олишга ҳали эртадир. Тўғрисини айтсам, ўзимга келганда пул орттира олмадим. «Хизмат кўрсатган», ҳаммага таниш қўйлагимни

кийиб келсам, дўст-душман олдида сен изза бўлмагин, ўзим ҳам қудалар олдида хижолат бўлмай, деб қўшнимиз Ўғилойнинг шу кийимини бир кунга «прокат»га олдим.

Назира опа меҳмонлар ўтирган хона томон йўналаркан, «ҳеч ким билмасин», деб кўрсаттич бармоғини жуфтланган лаблари устига босди.

Нозима онасининг бу гапларини эшитиб, деворга суюнганча жим қолди.

“Боламнинг кўнгли ўксимасин, деб бор-йўғидан кечган онажоним-а. Мени ясаниб юрсин, деб сарполар йиғиб, ўзига биргина мато орттиролмаган меҳрибоним-а. Ўзи емай-едириб, киймай-кийдириб, меҳнатларда қадди букилган заҳматкашим, бахтини фарзандлар камолидан излаётган жони жаҳоним. Сизнинг олдингиздаги фарзандлик қарзларимни узишга умрим етармикан менинг...”

Қўшни хонадан суюнчи пулини минг хижолат билан олган онаизорининг ҳаяжондан тутила-тутила ўқиётган дуоси эшитилди. Нозима ичкарига қулоқ тутар экан, дилида шу мисралар битилди.

*Дуо қилинг, онажон, кафтингиз очиб,  
Қадоқ қўлларингиздан ўзим айланай.  
Қишда қор кечиб, саратонда кутган  
Қадамларингизга поёндоз бўлай.  
Дуо қилинг, онажон, билак кўтариб,  
Оналар тилаги вожиб дейдилар,  
Муштирагина бўлиб ўтирганизда  
Уйингизга кунда бир бор мўралай...*

## 24

Нозима турмушида бахти кулганиданми, дадил-дадил юрадиган қайнонасининг тақдирдан хушнуд чеҳрасига боққанида ўз онаизорини кўп эсларди. Бечора онасининг умри бийдай далада ёлғиз ўтиб кетди. Тақдири тоқ яралган экан шўрликнинг.

Нозима жажжигина қизалоғига кунда ниманидир илиниб келадиган турмуш ўртоғининг кўзларида илк бор оталик ҳисси,

меҳрни кўрарди. У қизчасининг жажжи қўлчаларидан тутиб, тета-поя қадамларини босишга кўмаклашаётган эрининг гўдагига бўлган ҳаракатларидан қувониб термуларкан, беихтиёр эсига отаси келарди. Нозима отам дўмбоққина набираларини кўрсалар, бобо бўлганликларини ҳис қилиб, қизимни эркалаб бағирларига босадилар, пешонасидан ўпадилар, деб ишонарди. Ахир мевасидан мағзи ширин дейишади-ку. Нозима кундан-кунга ширин қилиқлар чиқариб, чучук тилларини сўзга жуфтлаётган гўдагига маҳдиё бўлганча, беихтиёр дадаси билан учрашишни, унга қизчасини кўз-кўз қилишни орзу қила бошлади. Лекин қачон, қачон отасининг мудроқ кўнгли сертак тортади? Қачон унинг ҳиссиёз қалбига дийдор шираси маза беради? Қачон соғинч ҳижрони ўртаган отада меҳр уйғониб, қизидан хабар олгани келади?

Нозима неча-неча кунлар тасаввур қилган, интиқиб кутган учрашув тасодифан юз берди. Шаҳодат ая қизи Шаҳнозани даволаниш учун касалхонада ётганини эшитиб, келини Нозиманинг қўлига халта тутқазди.

— Қизингизни етаклаб қайнсинглингиздан хабар олиб келинг. Баҳонада кўчани айланиб, баҳор ҳавосидан баҳра олиб келасиз.

Нозима эндигина атак-чакчак қилиб юра бошлаган қизчасини ясангириб олди. Ўзи ҳам ясаниб қизчасининг жажжи қўлчасидан тутганча бир бекат наридаги касалхона томон пиёда кетди.

Нозима қизчасини етаклаб олганича аста кетаётганида, касалхона кираверишида беш-олти ёшлар чамаси ака-сингилнинг ниманидир талашиб, хархаша қилаётгани эътиборини тортди. «Ойи, акамни қаранг», деб йиғлаётган қизга қараб Нозима ўзининг болалигини эслади. «Бу ака-сингил худди мен билан акамнинг болалигимизга ўхшар эканми?». Нозима беихтиёр шу фикрни хаёлидан ўтказди. Акаси Асадулла билан унинг орасида фарқ бир йил бўлгани учунми, бўйлари бўйларига тенг эди. Уларнинг ҳар нарсани талашиб, хархаша қилаверишлари оналарини безор қилиб юборарди.

Сал наридаги харракда ўтирганча ёнидаги шеригига кимдандир норози бўлиб нолиётган аёл болаларининг тўполонига эътибор бермади. Нозима болаларига парво қилмаётган бу аёлга бир қараб кўйиб, йўлида давом этди.



Нозима қайнсинглиси даволанаётган бўлимни топди, уни кўрди, ҳол-аҳвол сўради. У касалхона ҳовлисидан қайтаркан, димоғига боғда қийғос очилган нафис настарин гулларининг хушбўй иси урилди. У майсалар орасида очилиб ётган сапсарик қоқигуллардан икки донасини узиб, дўмбоққина, ўзича гангир-гунгур қилиб кетаётган қизчасининг қўлига тутди. Ҳаводан ёмғир иси келарди. Узоқ-узоқларда оппоқ булутлар сузиб юрган мовий осмонда дуриллаб учаётган варрак овози эшитилди. Кўм-кўк осмонда парвоз қилаётган варрак эгаси ҳеч қаерда кўринмасди. Самода елаётган варрак овози, майин баҳор ҳавоси Нозиманинг кўнглини ёритди. У битта-битта қадам ташлаб онасидан орқада қолиб кетган, норози қиёфада ўзича чарчаганини тушунтираётган қизчасини кўтариб олди. Баҳорнинг тоза ҳавосидан чуқур-чуқур нафас олди. Тўсатдан елган енгил шабададан чаман бўлиб очилган ўрик гуллари бир-бир этиб тўкилди. Нозима қизчасининг ўрик пушти гуллари қўнган киприкчаларини қоқаётганини кўриб, меҳри товланди. Фарзанд деганлари бунча ширин бўлмаса...

Нозима касалхонадан чиқиб кетаётиб, ёнгинасидан бир-бирига эргашиб чопиб ўтган бояги ака-сингил шовқинидан чўчиб кетди. Болалар нарида турган оқ “Жигули” машинасининг эшик тутқичига баравар ёпишиб, «мен биринчи чиқаман», деб тортишарди. Улар кетидан эргашиб келган аёл олдиндаги ўриндиққа ўтирди. Бир киши болаларни эркалаб тинчлантирди. Нозима ўтиб кетаётиб беихтиёр машинага қаради-ю, юраги орқасига тортди. Машина рулини тутган одам — унинг отаси эди! Отам, менинг отам-ку! Машина жойидан қўзғалганида Нозима шошиб қолганидан ўзи билмаган ҳолда бақириб юборди:

— Дада, тўхтанг, тўхтанг! Мен Нозимаман.

Тобора тезлаб бораётган машина орқасидан боласини маҳкам бағрига босганча эргашиб чопаётган жувонни кўрган бекатдаги кишилар ҳуштак чалиб ҳайҳайлашди. Ўзига қараб қўл силтаётган одамларнинг мақсадини англай олмаган ҳайдовчи тормозни босди. Олдига югуриб келган қизини кўрган ота машинадан тушди. Хижолатомуз атрофга олазарак қараб қўйди.

— Ассалому алайкум, дада! Мени кўрмай кетиб қоласиз, деб қўрқиб кетдим.

Нозима “дук-дук” ураётган юрагини, ҳаяжонини босиш учун ўпкасини тўдириб нафас олди. Кейин қўлидаги боласини отасига тутқазмоқчи бўлди.

— Дада, набирангиз, исми Лазиза. Қаранг, худди сизга ўхшайди-я.

Ота набирасини қўлга олиш уёқда турсин, қизидан ҳолаҳвол сўрашга ҳам ботинмади. У машина ичидагиларга бир қараб қўйди-да:

— Шошиб турибман, ишим жуда зарур. — деди, сўнгра машинасини елдирганча кўздан ғойиб бўлди.

Эҳ, Нозима бу кунни қанчалар кутган эди. Эсиз, ота-бола учрашуви унинг тасаввуридатидек илиқ кечмади. У кўзларидан шашқатор оққан ёшларни арта олмади. Бола тутган қўллари банд. Атрофдагилар нигоҳи уни саволга тутгандай таъқиб қилади. Ҳозиргина қизини «Ойдиной», ўғлини «Қўчқортой» деб эркалатган дадаси уни ҳам ёшлигида шундай эркалаб чақирганмикан? Онаси ҳам бояги аёл каби машинанинг олди ўриндиғида ястаниб ўтирганмикан. Шу пайт Нозиманинг вужудида қандайдир туйғу ғалаён кўтарди. Бу туйғу нафратми, жавобсиз меҳрми ё қизғанишми? Ҳа, у отасини қизғанди. Ҳозиргина «дада», деб машина ичида сакраб қувнаётган болалардан қизғанди. Онаси сайр қилмаган машинада керилиб ўтирган аёлдан дадасини қизғанди. У аламдан юрак-бағри ўт бўлиб ёнди.

Нозима бугунги совуқ учрашувнинг айбдори, деб ноҳақ қоралаган аёл эрта келиб онаси каби бева бўлиб қолишини, нобоп эр доғида куйиб, туналарини ёлғиз ўтказишини, ҳозиргина чопқиллаганча қувнаб бахтиёр болалик даврини сураётган икки гўдакка вақти келиб етим тамғаси ёпиштирилишини билмасди. Оз вақт ўтмай, иккинчи оиласидан ҳам кечган ота ёшгина бир жувонга уйланиб олади. Нозима кейинчалик борди-келди қилиб, топишиб кетадиган бу беғубор икки гўдакнинг қалблари ўзлариники сингари яра бўлишини асло истамасди.

## 25

Нозима ТошДУ журналистика факультетининг учинчи босқичида таҳсил олаётганида иккинчи фарзандига ҳомиладор бўлди. У турмушга чиқаётганида, ўқишдан қолиб кетаётган

гуруҳдош дугоналарини кўриб, уларга ачинарди. Яхшиямки, уни тушунадиган, ўқишига шароит яратиб берган қайнонаси ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган турмуш ўртоғи бор.

У босқичдан ўтиш имтиҳонларини топшириш учун тайёргарлик кўраркан ҳомиласи тўққизинчи ойга қараб кетди. Ўзбек адабиёти тарихидан эса қониқарсиз баҳо олди. Имтиҳонлар ҳам тугай деб қолганди. Нозима синов дафтарчасини кўтарганча, бетоб бўлиб ишга келмаётган, имтиҳон оладиган ўқитувчисини излаб сарсон. Кунда эрталаб, қизининг кийимларини халтага жойлаб, қайнонасининг қўлига тутқазганча, ўзи университет томон шошади. Мактабда ўқувчиларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берадиган Шаҳодат ая қўлига қалам тутишни ўрганиб олган набирасини синф хонасидаги охирги партага ўтқазиб қўйиб, ўқувчиларга машғулот ўтади. Келинини ўқитишга ваъда қилиб олганми, демак, оғирликни ўз бўйнига олиб бўлса ҳам лафзида туриши керак. Нозима қайнонаси яратиб берган шароитдан фойдалана олмай биргина имтиҳонни топшириб олгунча, кўзи ёриб курсдан-курсга ўта олмай, қолиб кетмаса бўлгани.

Нозима бугун эрталабдан яхши ният қилиб, университет томон йўл олди. Филология факультетида машғулот ўтадиган ўқитувчисини тополмай ҳолдан тойди. У белида оғриқ турганини сезса ҳам икки соатча йўлакда ўқитувчи йўлини пойлай-пойлай сабри тугади. Нозима тинкаси қуриб, «нима бўлса бўлар», деб қўл силтади-да, уйга қайтиш учун бекат томон йўл олди. Пиёдалар йўлагидан астагина юриб бораркан, шу вақт ёнгинасидан ўтиб кетган машина кўзига иссиқ кўринди. Орқасига қараб машина рақамини кўриб, ишончи комил бўлди. Машинани дадаси ҳайдаб борарди. Нозима савлатидан дадасини таниб, қўл силтаганча, бақирди:

— Дада, дада!...

Нозима машина уч юз метрлар нари бориб тўхтаганини кўриб, қадамини тезлаштирди. Рулда ўтирган дадасини, машинасини орқага ҳайдаб, овора бўлмасинлар, деб секин-секин чопа бошлади.

«Дадам, дадажоним мени кўриб тўхтадилар». Нозима зўриққанидан нафаси томоғига тиқилиб қолаёзиб эндигина машинага яқинлашган эдиямки, тўхтаб турган машина олдинга қараб учиб кетди. Нозима турган жойида ҳангу манг бўлиб

қолди. У қаршисида ўрнатилган светофорнинг ярақлаб турган яшил чироғини кўриб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Дадаси Нозимага эмас, светофорнинг қизил чироғига тўхтаган, орқасидан қўлларини силтаб чопаётган Нозимани кўрмаган ё танимаган ...

Нозима кўча-куйдаги бундай ўткинчи учрашувларга кўникиб қолди. Лекин негадир бемехр отасини кўнглидан юлиб ташлай олмасди. Қани энди, инсон мияси компьютерга ўхшаса-ю, кишига азоб берадиган туйғулар хотирадан бутунлай ўчириб ташланса.

## 26

Нозима икки фарзандли бўлгач, қайнукасининг тўй куни белгиланди. Энди Нозима кичкина оиласи билан рўзғори бўлак бўлди, алоҳида уйга кўчиб ўтди. У етмаганига қарз-ҳавола қилиб жой сотиб олган турмуш ўртоғининг ўзини ўтга-чўққа уриб, қарз тўлаётганини кўриб, ачинарди.

Нозима университетни муваффақиятли тугаллади. У эрига ёрдам бериш учун икки қизини боғчага жойлаб, қисқа муддатли бухгалтерия курсини ўқиб битирди. Сўнг Шайхонтоҳур туманидаги "Халқ банки" га ишга жойлашди. Янги рўзғор, кам кўстлари аста-секин битар, эр-хотин қўш ҳўкиз бўлиб арава тортиб, йўлларида учраган муаммоларни тезда ҳал қилишар, қозонларида кунда тансиқ таомлар пишиб, эгниларида охирги урф бўлган кийимлар ярқирамаса-да, улар тинч ва осуда ўтаётган кунларидан хушнуд эдилар.

Дабдабали тўйлар ўтиб, янги уйнинг қарзлари узилгач, ҳовли тўйи тараддуи бошланди. Шаҳодат ая тўнғич ўғлининг уйига меҳмон бўлиб келди. У Нозимани қошига чорлаб, ҳовли тўйига тоғаларини, хабар олмай қўйган бўлса-да, отасини айтиб келишларини тайинлади. Қайнона жимгина турган келинининг фикрини кўзидан ўқиб, насиҳат қилди.

— Одамзот кечиримли бўлиши керак. Ҳар ким қилган қилмиши учун вақти келиб, жазо топади. Сиз отангиздан хафа бўлманг, чунки ҳаётда адашмай ўз ўрнингизни топиб олганингиз онангизга ютуқ бўлди.

Нозима йигин куни отасининг келишига ишонмаганди. У меҳмонлар кетар чоғи кириб келган отасини кўриб, қувонишни

ҳам, қайрилиб қарамасликни ҳам билмай довдираб қолди.

— Рўзгоринг бўлак бўлганини эшитиб, хабар олгани келдим. Кам-кўстинг бўлса, тўлдирай. Айт, нима керак? Телевизорми, видеоми... — эшиқдан кирибоқ ушбу мавзуда сўз очган ота Нозимага манмансираётгандай кўринди.

Меҳмон ота қўллари кўксига қўйганча меҳмоннавозлик қилаётган қариндош йигитга калит тутқазди.

— Йўлақ олдида қора “Мерседес” машинаси турибди. Южхонада гилам бор, шуни олиб чиқсангиз.

— Дада, менга сизнинг меҳрингиздан бўлак ҳеч нарса керак эмас. Йилда бир маротаба бўлса ҳам, вақт орттириб, келиб турсангиз бўлгани, — Нозима кўзларига қуйилиб келаётган ёшларни тия олмай, югуриб ваннахонага кириб кетди. Уларнинг янги рўзғорида отаси овзининг бир бурчагидан санаб чиқарган буюмлар, ғамланган маблағлари бўлмаса-да, ундан ҳам қимматроқ, дадаси тоифасидаги кишиларга ноёб саналган меҳр бор эди. Шу сабабли дастлаб рўзғор ташвишлари, иқтисод муаммосига дуч келган кичкинагина оила тез орада ўзини тиклаб олди.

Ошхонада ош билан бирга тортиладиган помидорли салатга пиёз тўғраётган Нозиманинг қизарган кўзларини пайқаган овсин сўради:

— Опажон, сизга нима бўлди? Бирортаси хафа қилдими?

— Пиёз жуда аччиқ экан.

Бир йил аввал қуда чақириқда қизига атаб харид қилган юмшоқ мебеллар тўпламини кўтариб келган овсинининг дадасига ҳавас қилган Нозимага пиёз аччиғи баҳона бўлганди. Ойда бир келадиган қизини хушнуд қилиш учун ўз қўли билан ош дамлайдиган, атайин бозорга тушиб, шоҳона дастурхон безайдиган қайнотасининг қизи билан қучоқ очиб кўришишига ҳаваси келган Нозимага доим пиёзнинг аччиғи учрарди.

Нозима никоҳдан топган бахтини болаликдаги кўнгли яримлиги учун берилган мукофот, деб қабул қилди. У табиати оғир, меҳнаткаш турмуш ўртоғи билан ўтаётган кунининг ҳар бир лаҳзасини эъзоларди. Нозима ўзи орзу қилган ота меҳрни фарзандлари кўраётганидан хурсанд эди.

Нозима уч-тўрт йил ишлаб, банк соҳасини анчагина ўлаштириб олди. У банк раҳбарининг таклифи билан Беруний мавзесида очилган янги омонат кассага катта назоратчи қилиб тайинланди. Нозима тўнғич қизи Лазиза мактабнинг бошланғич синфига қадам қўйганида учинчи фарзандига ҳомиладорлик таътилига чиқди. У тунлари, Оллоҳдан икки қизи кетидан ўғил фарзанд беришини сўрарди. Ўғил фарзандли бўлган кунлари оқкўнғил турмуш ўртоғининг юзидаги қувончни кўргиси келарди. Гоҳида у бир кам яралган дунёда камим фарзанддан бўлмасин, деб қўрқиб кетарди. Нозима ўзининг эмас, унга бахт ато этган турмуш ўртоғининг қувончини кўриш учунгина жон фидо қилишга тайёр эди. Улфатлари орасида ўғил фарзанди йўқ эрининг кўнглини овлагиси келаётган Нозиманинг сабрсизлигини кўрган турмуш ўртоғи «Ношўкур бўлма, тирноққа зорлар қанча бу дунёда. Менга Оллоҳ берган неъматнинг ўғил ё қизлигининг фарқи йўқ», деб койиб қўйса-да, аммо юз-кўздан укалари, оғайнилари ортидан эргашиб юрган ўғилларига суқланиб қараётгани билиниб турарди. Нозима қўшнилариинг ўғилларини кўтариб эркалатаётган эрини кўрганида Худодан ўғил фарзанд тиларди. Докторлар Нозимага ҳомиласини қиз деб тахмин қилган, буни билган эр ўзини хотиржам тутарди.

Нозима тўлғоқ тутиб, машинасида шифохона томон ғизиллатиб олиб кетаётган эрининг юз-кўзига қайта-қайта тикилди. Илтижолари қабул бўлганмикан? Қиз туғилса, эри ўксиб қолмасмикан? Ишқилиб, ҳомиласи ўғил бўлсин-да.

Нозимани қўлтиғидан тутиб ичкарига бошлаган шифокор, орқага қайрилиб деди:

— Кетиб қолманг, ҳозир ўзим суюнчига чиқаман.

Жажожигина қизалоқ дунёга келди. Нозима қулоқларга ҳуш ёқувчи “инга-инга” лаб, илк ҳаёт қўшиғини айтган зурриёдини кўриб қўлини чўзди. «Бунча ширин бўлмаса, қиз бўлса ҳам, тўрт мучаси омон бўлганига шўкур». Суюнчи олиш учун пастга чопқиллаб тушиб кетган ҳамшира елкасини қисганча орқага қайтиб чиқди.

— Эрингизга қизлик бўлдингиз, десам орқасига қарамай, кўчага отилиб чиқиб кетди.

Гумонасидан эсон-омон қутулиб олган Нозима бу воқеани эшитиб, доьдираб қолди. У шундан, эрининг тушқунликка тушиб қолишидан хавотир оларди. Нозиманинг юраги увишди.

— Фарзандлари қиз туғилганини эшитиб, хафа бўлган бўлсалар керак. Қизимиз учта бўлди.

— Шунақага ўхшайди. Эрта-индин боқадиганим, ўлганимда кўмадиганим ўғил, деб ўйлашади улар. Аслида оталарга кўпроқ қизлар меҳрибон бўлади. Ўғилдан буюрадими, қизданми? Хафа бўлманг, ҳали ёшсиз, ўғилни ҳам туғарсиз,— ҳамшира ўзича унга тасалли берган бўлди. Нозима гўжгон хаёллар ичида қолди.

Бир маҳал кўлида бўй бараваар бир қучоқ гулдаста тутганича, ҳозиргина унга доялик қилган шифокор аёл келиб қолди.

— Мана бу гулдастани сизга турмуш ўртоғингиз бериб юборди.

Нозима хушбўй ҳидлари анқиб турган нафис гулларни боши ёнига оҳишта қўйган шифокорга таажжуб билан қараб, аста деди:

— Адашган бўлсангиз керак. Менинг турмуш ўртоғим учинчи фарзандлари ҳам қиз туғилганини эшитиб, хафа бўлганларидан кетиб қолиптилар.

— Нозима сизмисиз? Турмуш ўртоғингизни исмлари Муродми?

Нозима қувончдан кўзлари чақнаб ўрнидан ирғиб турди.

— Ҳа, ҳа, Нозима менман.

— Демак, адашмабман. Эрингиз сахийгина йигит экан, — шифокор мамнун қиёфада хонадан чиқиб кетди.

Нозима орадан роппа-роса бир йил ўтиб, шу ерда оиласи учун азиз бўлган, куттанлари ўғлини туғди. Нозима ўғилчасини кўриб, қувончдан аста пичирлади: «Илоҳим, бахтимга кўз тегмасин».

## 28

Нозима оилавий бахтидан қувнаб яшарди-ю, аммо фикрий ёни онасида, улғайиб бораётган ака-укаларида эди.

Асадулла ота-онаси ажрашаётган вақтлари оқ-қорани ажрата оладиган бола эди. У оилавий можаролар сабабини яхшигина англади, ким ҳақ, ким ноҳақлигини фаҳмади оларди. Фарзандлар

орасида, дадаси келса, беркиниб оладиган, рўбарў келганида салом бермай, тумтайиб турадиган ҳам шу, Асадулла эди. У дадаси минадиган машина балонларини билдирмай бўшатиб қўяр, отасига бўлган нафратини шу билан изҳор қиларди.

— Ие, ўғлим, катта йигит бўлиб қолибсан-ку, — Ота бир куни Асадуллани кўчада тасодифан учратиб қолиб, қучоқ очди.

— Ассалому алайкум...

— Ваалайкум ассалом. Бўйингни қара, мендан ошибсан-ку. Тўй қачон? Сен тенгилар алақачон уйланиб, бола-чақали бўлиб кетди. Ё, мени айтмай уйланиб бўлдингми?

Ота Асадулланинг нозик жойидан тутди. Асадулла чўкаётган чумоли хаста ёпишади, дегандек отасига ёрилди.

— Озгина қийналиб қолдим, ишим юришмай турибди. Уйланиш қаёқда дейсиз? Ҳовли-жой ҳали битмаган, уйланишга имконият йўқ.

— Нега имкониятинг йўқ, ишлаб турган бўласанг, қўлингда ҳунаринг бўлса...

— Каттароқ иш бошлайман, деб тушиб қолдим. Таваккалига қилган ишим ўхшамади, бор-йўқ сармойадан айрилдим. Энди нима қилишга бошим қотиб қолди...

— Менга қара, бир ошнамга анча йил олдин қарз бергандим. Ўша оғайним бошқа юртга кўчиб кетаётганлиги учун Ибн Сино мавзесидаги тўрт хонали уйини қарзи ўрнига бериб кетяпти. Уйни сен таъмирдан чиқаргин-да, уйлан, тўйингга ўзим бош бўламан. Кам-кўстидан сиқилма, мана мен турибман, — ота кўксига уриб мақтаниб, ўғлининг елкасидан қучди.

Болаликдаги нафрат шу билан сўнди. Йигитлик ғурури ота сўзлари қаршисида таслим бўлди. Асадулла отасининг айтганларига кўнишдан бошқа иложи йўқ эди. Йигит бўлиб, ота-она даврида даври давра сурмаган ўғил энди ҳаёт машаққатларидан чарчаганди. Осида ҳаёт ҳақидаги орзулари ушалиши учун отасининг таклифига рози бўлди. Шунча йиллар алангаланиб келаётган қаҳр ва нафратни бутунги учрашув бир пуфлашдаёқ ўчирди-қўйди.

— Ойи, дадамни кўрдим! Менга тўрт хонали уйланининг калитини бердилар. Уй-жой сенга совға. Уйлангин, етмаганига ўзим ёрдам қиламан, дедилар.

Она кўчадан хурсанд келган ўғлининг сўзларини эшитиб жим қолди. Самарқанддан қайтган Назира опа кичик қизи



Нафисанинг турмушини ўйлаб анчадан бери ўзига келолмай юрганди. У паришон, ўглининг сўзларни эшитиб нима деб жавоб қайтаришни билмай қолди. Бу бурилиш унга яхшилиқ келтирадимми ё нохушлиқ? Майли, нима қилса ҳам болааларининг отаси, берса, бегонага эмас, ўз зурриёдига беряпти-ку...

— Нега индамайсиз, яхши эмасми? Ёшим йигирма саккизга чиқди. Даладаги бу иморат битгунча менинг сочим оқаради. Сиз ҳам шароити йўқ бу қишлоқда қийналиб кетдингиз. Энди биз ҳам барча шароитлари муҳайё шаҳарнинг кўп қаватли уйида маза қилиб яшаймиз. Сув таши, қишга кўмир ғамла, ўчоққа олов ёқ... Баридан қутуласиз.

— Ҳар ҳолда даданг берган уйда мен...

— Мен билан бирга яшайсиз, тўйни ҳам ўша ерда қиламиз. Тўрт хонали уйнинг бир хонасини сизга ажратиб бераман. Сиз таъмирлаш учун келадиган усталарнинг ош-овқатига қарайсиз. Анчадан бери кўз остимга олиб юрган қиз бор, уйини кўрсатсам, совчиликка борасиз. Жуда яхши қиз. Кўрсангиз сизга ҳам ёқиб қолади.

Асадулланинг қувончи ичига сиғмай кетганди. Ҳар ҳолда ҳаёти яхши томонга ўзгариш арафасида турибди. Отасининг тантилиги эса айни муддао бўлди. Шу баҳона оилалари жам бўлса ажаб эмас. Асадулла отаси билан топишиб онамни ранжитиб қўймаганмиканман, деб кўп ўйлади. Ҳар сарҳисобнинг сўнгида ўзини тўғри йўл тутган деб ҳисоблаш учун: «Шунча йилдан бери хабар олмаган бойвачча отам биргина уйини менга берса нима қилибди, бойни бало урармиди», деб қўярди.

Шу зайлда югур-югурлар бошланиб кетди. Тез орада кўп қаватли уйдаги тўрт хона таъмирдан чиқди. «Ундан кўра даладаги иморатта ҳаражат қилса бўларди», деб ўйлаган она ўглининг кўнглига қараб кўп қаватли уйга кўчиб келди. Уйнинг бир шинамгина хонаси унга ажратиб берилди. Айтилган қизнинг ота-онаси берган розилиги билан икки ёшнинг фотиҳаси бўлди, тўй куни белгиланди. Ҳамма хурсанд. У ёқда Нозима «хайрият-а, борганимда кутиб оладиган, тагимга кўрпача солиб, қўлимга пиёлада чой тутадиган янғалик бўладиган бўлдим», деб қувонди. Буёқда мактабни тугаллаб бозорда деҳқонлардан кўтара юк олиб савдо қилаётган

Ҳикматулла энди «шаҳарда яшайман», деб оғзи қулоғида. Хушxabарни эшитган Нафисанинг боши осмонда.

Уйда ҳақи бор ота фарзандлари билан кўришиш учун уйга келиб турадиган бўлиб қолди. Бу гал ҳам ҳеч қайси фарзанд болаликларини вайрон этган отасининг кўзига тик қарашга, кўксидан итариб, ораларидан чиқаришга ботина олмади. Ҳады қилинган уй фарзандлари билан яқинроқ бўлиш истагида юртан отага тузоқ вазифасини ўтади. Ахир бир кун келиб учрашишлари керак эди-ку.

Тошкентнинг муҳташам «Регистон» гузарига тўй бўлди. Асадулла ўзига хуш ёқувчи қиз билан никоҳдан ўтди. Машҳур хонандаалар тўйда хизматда бўлди. Тўкин-сочин дастурхон, ўйин-кулги билан ўтган файзли тўй оқшоми қариндош-уруғлар орасида дув-дув гап бўлди. Никоҳ кечасига кечикиб келган ота ташқарида қўлини кўксига тутганча мезбонлик қилди. «Мен куёвнинг отаси бўламан», деб ғурур билан турди. Аммо ичкарига киришга ботина олмади. Бети чидамади шекилли, қариндош-уруғлар кўзига қарашдан қочди. Зикрилла бой келганини биров билди, биров билмади.

Назира опа Каттақўрғонда фарзанди билан қайнопалар қўлида қолиб кетган Нафисага шаҳардан икки хонали жой олиб бериш учун яхшигина маблағ йиғиб қўйган эди. Энди у топганини тўйга сарфлади. Асадулла уй-рўзгорли бўлгач, қизи Нафиса қўлидаги боласи билан шу ерда яшар, деб кўнгилади. Тўй баҳона қизи билан набирасини Тошкентга олиб келди. Куёвдан қолган ҳовлини куёвнинг опаларига ташлаб қайтди. «Тешик мунчоқ ерда қолмас, қизимнинг тенги чиқиб қолар» деб ўйлаган она Нафисани овутиш учун сартарошхонага шогирд қилиб жойлади. Тўйдан сўнг ҳаммалари Асадуллага берилган тўрт хонали уйда яшай бошлашди.

Отасининг ора-чорадаги ташрифи болалар кўнглини анчагина юмшатиб бораёттанди. Тўғри-да, нима қилса ҳам ота, шу киши сабаб болалар дунёнинг аччиқ-чучугини татиб юришибди. Ташқаридан қараганда, ҳамма иш жойида бораётгандек эди. Фарзандлар бўй-бастини кўрган отанинг меҳри жўш урибми, ё қариндош-уруғ олдида ўзини кўрсатиш учунми, тўй-ҳашамларда атаганини кўтариб кела бошлади. Бундан йигирма йил аввал юз ўтириб кетган фарзандларининг бугунги юриш-туришини кўрган отанинг кўзи қувнади.

Оталари бирор маротаба уэр сўрамаган бўлса-да, фарзандлар учун отасининг келгани бош эгани, пушаймон бўлгани эди. Аммо, ҳақиқатан шундаймикан? Ё қачонлардир юрагида алам қолган эрнинг хотинига бўлган қасосимикан...

Она отаси билан тез-тез кўришиб турадиган Асадулладаги ўзгаришни пайқади ва орзулари саробга айланиб бораётганини англади.

— Ҳикматуллангизга айтинг, менинг уйимда майкачан юрмасин. Келинойисининг олдида уялмайдами?! — ишдан кеч қайтган Асадулла шундай деб тўнғиллади.

— Хўп айтаман, иссиқлаб кетгандир-да уканг. Кейин, у ҳали ёш, сендай бўлгунча кўп нарсани билиб қолар. Сен ака бўлиб, унга ҳаётнинг паст-баландини, кўча-кўйда ўзини қандай тутишни ўргатгин, — деди она келини олдида ўғлининг кўпол муомаласидан мулзам бўлиб.

— Қизларингизга айтинг, уйимга келганида болаларини олиб келмасин. Не ҳасратлар билан таъмирдан чиқарган хоналар деворини набираларингиз қўли билан ушлаб расво қилиб ташлаяпти. — Асадулла деворларни синчиклаб кўздан кечириб озгина қирилган бурчакни қўллари билан силади. «Кўриб қўйинг» дегандай, онасига қошини чимирди.

— Ундай дема, болам, уй-жой, мол-дунё топилади, жигарлар топилмайд.

— Менга қайси жигарингиз ёрдам бериб қўйди? Қайси бири ёмон кунимда ҳолимга яради? Ҳаммасига ўзим эришдим. Пешона терим билан топдим. Менга ҳеч кимнинг ўтказиб қўйган жойи йўқ. Буёғига мен ўзим хоҳлагандай яшашни истаيمان...

— Бу гапларингни сингилларинг, уканг эшитмасин, хафа бўлишади-я. «Болангни олиб келма», деб қандай айтаман? Фарзанд, набира қанчалар ширин бўлишини эртага ота бўлганингда биласан. Бу гаплар жигарларинг қулоғига чалиниб қолса, сендан кўнгиллари қолади. Бу гапни бир гапирдинг, иккинчи оғзингга олма, кўнглингни кенг қил. Илоҳим, яхши фарзандлар бериб, уйинг бозор бўлсин. Илоҳим, келинимга оқ йўл бериб, эсон-омон қутулиб олсин.

— Яна насиҳатингизни бошладингизми? Сиз ҳар доим ҳақсиз, қолганлар ноҳақ бўлиши керак.

— Сени не орзулар билан ўстирганман, ҳар бир гапингни ўйлаб гапир. Менга нима қилиб қўйдиларинг, деб кўпам катта

кетма. Оиланинг каттаси бўлсанг, уканг энди пул топишни бошлади. Ҳаммаларингни ўқишга киритдим, Биргина Ҳикматилла «ўқишдан кўра пул топиб, турмушимизни яхшилаيمان», деб туриб олди. Ҳадемай у ҳам ҳосилга кириб қолар. Қизлардан эса бир нарсани даъво қилишга ҳаққинг йўқ. Нозиманинг тиниб-тинчиб ўтиргани бизнинг бахтимиз, обрўйимиз. Сенларни қандай қийналиб боққанамни ҳаммадан кўра сен яхши биласан..

— Сенларни қийналиб боққанман, деб миннат қилаверманг. Боққан бўлсангиз, оналик вазифангизни бажаргансиз. Тўққандан кейин, боқасиз-да. Бу йўлни ўзингиз танлагансиз. Ажрашинг, деб сизни ҳеч ким мажбурламаган. Сиздан ҳам ўтган бўлса керак. Ўзингиз айтасиз-ку қарс икки қўлдан чиқади деб.

— Ия... — Онанинг юрагида нимадир чирт этиб узилди. Фарзандларим бир-бирига меҳрли бўлсин, деб ният қилган она бошини чайқади. Каттам, деб суянгани Асадулла бундай эмасди-ку. Меҳнатдан қочмайдиган, топганини онасига кўрсатиб, еганини меҳрибонларига илинадиган фарзандига нима бўлди? Ахир Асадулла фарзандлари орасида энг ақллиси, табиатан оғир-вазмин бола эди-ку. Онасидан бесўроқ бирорта иш қилмайдиган, ҳар даврада одоби билан атрофдагиларни қойил қолдирадиган йигитга нима бўлди? Юриш-туриши озода, теран фикрли, қобил фарзандига кўз тегдими? У бола тарбиялайман, деб қайси жойда хатога йўл қўйди? Суянган тоғига бундай қусур қачон илашди, кимдан ўрнак олди?..

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Ҳикматулла акасининг уйдан чиқиб кетди, онаси айтгандай, киноя-пичинглардан зада бўлди. Онаси билан акаси орасидаги тортишувлар унинг қулоғига чалиниб қолди. У акасидан қаттиқ хафа бўлди. Ахир акаси Ҳикматулланинг суянчиги эди-да. Акаси унинг ҳимоячиси эди. У билаги кучга, калласи билимга тўла акаси билан доим фахрланарди. Энди эса негадир акаси кундан-кунга жижизаки, баджаҳл бўлиб борапти. Арзимаган нарсага тортишув, жанжалга айланиб бораётган гаплар Ҳикматулланинг жонига тегди. Ҳикматулла ҳеч кимга лом-мим демай, дала-ҳовлига кўчиб кетди. Қариган чоғида эндигина шинам уйда яшаб, қарилик гаштини сураётган онасига «мен билан яшанг», деб айтолмади. Келин хизматида ўтирган онасини яна қишлоққа қайтаришни истамади.

Назира опа кундан-кунга ўзгариб бораётган Асадуллага нима бўлаётганини тушунолмасди. Асадулла бир қараса, онасининг атрофида айланиб, тиззасига бошларини қўйиб эркаланар, эртасига фарз саломини ҳам бермасди. Бир қараса, музлаттични ноз-неъматларга тўлдириб, «ойи, нима егингиз келяпти? Айтганингизни муҳайё қиламан», деб рўзгорнинг кам-кўстларини бутлаган ўғил оз вақт ўтмай топиш-тутишидан нолийверарди. Она Асадулланинг ўзгаришини шунчаки бир болаликка йўярди. Уйланган йигитларда учрайдиган бундай ўзгаришни оиладаги мавқеини ўрнатиш зарурати, деб ҳисобларди-ю, гоҳида хаёллари бошқа томонга кетар, «дадаси билан топишиб, ўзгарди», деган ўй келиб, хафа бўларди.

Кунлар шу тарзда ўта бошлади. Оилага қўшилган янги меҳмон хонадонга шодлик олиб келди. Она ҳамма тортишувларни турмушда бўлиб турадиган оддий ҳол ҳисоблаганча, дуога қўл очди.

— Набирамнинг қадами изли-қутли бўлсин, уйимизга қут-барака ва тинчлик-хотиржамлик олиб келсин. Шуларнинг роҳатини кўриб ўтириш менга ҳам насиб этсин.

Онаизорнинг қувончи чексиз, бугун унинг набиралари сафи яна биттага кўпайди. Энди ёнида «бувижон», деб айланадиган овунчоғи бор.

— Ойижон, ўғлингиз туғилганлик гувоҳномасини шу кунгача олиб келмадилар. Эртага бизга жавоб беришади. Гувоҳномасиз касалхонадан чиқаришмайди, энди нима қиламиз?

Қайнона деразадан мўралаб турган эркатой келинини хотиржам қилди.

— Хавотир олманг, ўғлимнинг иши кўп-да. Асадулла ишлар билан югуриб юрибди. Ўзим бугуноқ бориб, гувоҳномани олиб келаман. Айтгандай, набирамнинг исмини нима қўямиз?

— Ўзингиз биласиз, — келинининг жавоби онага хуш ёқиб тушди. Ҳусн-жамолда тенги йўқ, кўзлари шаҳло, қора қошлари қалдирғочнинг қанотидай қайрилган, дурдай тишлар мўралаб турган гунчадай лаблардан сирғалиб чиққан гапни эшитган қайнонанинг меҳри янада жўшиб кетди.

— Тарбия берган ота-онангизга раҳмат.

Ҳожатбарор она кечгача югуриб набирасига туғилганлиги ҳақида гувоҳнома олди. Қилган ишидан кўнгли тўлиб, кечга

яқин овқатни сузиб, эндигина дастурхонга ўтирганида Асадулла ишдан кайтиб келди. Она фарзандини хурсанд қилиш учун унинг қўлига набирасининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини туттанча пешвоз чиқди.

— Қизингга гувоҳнома олиб келдим.

— Яхши қилибсиз. Эртага барча юмушларимни четта суриб, бир амаллаб бориб келарман деб, режалаштириб қўйгандим.

Асадулла ўзини кўрпача устига таппа ташлади. Она қўллари майдан қорайиб кетган ўғлининг аҳволини кўриб, ачиниб кетди.

— Шўрлик болам-эй, меҳнатда эзилиб кетдинг-да.

— Нимасини айтасиз, таъмирлашга келаётган машиналарнинг кети узилмайди. Бир минут дам олишга вақт тополмайман.

Ўғлининг юмуши кўплигини билган она қилган ишидан хурсанд эди. Гувоҳномани ўзи олиб келиб яхши иш қилди-да.

— Неча кундан бери қизингга исм топа олмай бош қотираётган эдик. Бугун дилимга ёққан чиройли исмни танлаб, набирамга гувоҳнома олдим. — Набираси исм-фамилиясини гувоҳномага қараб, алоҳида эътибор билан ўқиётган онанинг гапи тугамасиданоқ ҳафсаласи пир бўлди.

— Нима, мен билан маслаҳатлашмай эски замондан қолган отни қўйиб келдингизми?! — Она ўғлидан раҳмат ўрнига дағдаға эшитиб, довдираб қолди.

— Ёмон исм эмас шекилли, нима, сенга ёқмадимми?...

— Ҳа, менга ёқмади, шунақаям от бўладими? — Асадулла ирғиб туриб, онасига қараб бақира кетди. Қўлини пахса қилганча, яна нималардир деб ўшқирди. Она қош қўяман деб кўз чиқаргандай, ўзини айбдор санаб, ўғлини юмшатмоқчи бўлиб, секин гап бошлади.

— Бувиман, набирамга исм танлашга ҳақлиман, деб ўйловдим. Сенларга ҳам исмни бувиларинг қўйишган. Жаҳлинг чиқмасин, жон болам, кейинги фарзандларингга ўзингга ёққан отни қўярсан, — у ўғлини шаштидан туширмоқчи бўлиб Асадулланинг орқасини силади, яна қўшиб қўйди: — Илойим кетидан Ҳасан-Ҳусан ўғиллар кўриб, шошиб қолгин.

— Доим ҳақ-ҳуқуқингизни талашиб яшайсиз. Ҳаммага ўзингизнинг ҳукмингизни ўтказингиз келади. Эртагаёқ бориб, гувоҳномадаги исмни алмаштириб келасиз. Нега менинг ишимга аралашдингиз, сиздан сўраганмидим?

— Майли, ўзинг биласан. Лекин мен гувоҳномани ўзгартириш учун бормайман, — деди она ўглининг бақиринишларидан тоқати тугаб. У бирдан кўкси аламга тўлиб, кўзлари ёшланди. Бошқа ҳеч гап айтмай, ўз хонасига кириб кетди. Кечки овқат заҳарга айланди...

— Бу галдан кейин мени ишимга аралашманг! — Асадулла бақирганча қолди.

— Исми эмас, хулқи чиройли, қалби гул бўлсин қизингни, болам...

Эри топганини пишириб-куйдирадиган, қайнона-овсинлари билан тўй-ҳашамларга товланганча тоғора кўтариб борадиган, дардларини суянган ёрига айтиб, эркаланиб яшайдиган аёллар билан ўз шаъни, болаларининг қадрини таллашиб яшаган она орасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Уйда хотин, кўчада эркак бўлиб яшашга мажбур бўлган она алдаб-сулдаб жонни олишни, ширин сўз билан йўриғига йўрғалатишни билмасди. Росттўй, шартакилиги унинг ҳам ютуғи, ҳам қусури эди. Она шу фазилати боис, баъзан жигарлари ҳатто, болалари билан ҳам тортишиб қоларди.

Уйда арзимаган нарсага тортишув-жанжаллар авж ола бошлади. Она «мен онаман», деб ўзиникини маъққулар, ўғил «эркакман», деб ўз гапидан қолмасди. Бу воқеалар ўглининг устaxonасига бориб турадиган ота қулоғига ҳам етди.

— Ўзи онанг шунақа, фақат ўзининг айтганини қилади. Мени куним сенинг бошингга тушибди-да. Токи онанг билан яшар экансан, қулоғинг тинчимайди...

— Жонимга тегиб кетди. Келинингиз билан ҳам бирпасда гиди-биди қилиб қолишади. Ким ҳақлигини билолмай гарангман. Онаминг гапини эшитсам, онам ҳақ, хотинимникини эшитсам, у ҳақ..

— Хотинингнинг ёнини ол! Онанг қанақалигини мандан сўра. Онангнинг шу ўжарлиги деб сенлар шундай яшадиларинг. Ана, вақти келиб сен мени тушунаяпсан.

— Келинингиз тарафини олсам «сен эркак кишисан, хотинларнинг ишига аралашма, қайнона келинга ёмонликни ўргатмайди», деб гап очгани қўймайдилар.

— Ўғлим, менинг айтганимга кир. Оиланг тинчини бузмагин. Маслаҳатим — онангни уйдан чиқариб юбор. Яшайман деса, ана дала-ҳовлиси бор. Бориб ўша ерда тураверсин.

— Қандай қилиб уйдан ҳайдайман?

— Уйни сенга мен олиб берганман, демак, меники. Онангнинг уйда ҳаққи йўқ. Бугун боргин-да, бор гапни очикчасига айт. Мен ҳоли яшашни истайман, уйдан кетинг, дегин.

— Ундай қилолмайман, таниш-билишлар оддида нима деган одам бўламан? Бошимда яхши-ёмон куним бор. Уйда катта одамнинг бўлгани яхши.

— Сен ёлғиз эмассан, ёнингда мана, мен борман. Сен менинг меросхўримсан. Ана “Мерседес” машинамни сенга бераман. Лекин онангни уйга киритмайсан. Агар онанг сен билан яшаса, мен уйингга қадам босмайман.

Ким ҳақлигини ёлғиз Оллоҳ билади. Давлат келганда маишатта берилиб, бугун фарзандлари ёнига қайтиш учун ўзини оқлашни истаган отами? Хўрликлардан адо бўлиб, сабр эшигини қарсиллатиб ёпган онами? Йўқчиликда катта бўлиб, бугун туққан онасини иззат қилмаган, унинг инжиқликлари ва эркалигини кўтара олмаган болами?

Нима бўлганда ҳам фарзандларини аро йўлда ташлаб этак қоққан, ҳаммасига қўл силтаган ким? Қачонлардир иккига ажралган оиланинг бузилишига ким айбдор? Хиёнатчи ким?

Она баъзида дилга хуш ёқувчи, баъзида жонни олувчи елвизакдай бу ҳаётда иккинчи бор хиёнатта учради. Назира опа эндигина тушкунликдан чиқиб, сартарошхонага ишга кирган Нафиса ва набирасини олдига солди-да, кечагина, «Ойи уй олдим, юринг мен билан яшанг», деб калит шақиллатиб келган Ҳикматулланинг уйига кўчиб кетди.

### 30

Ҳикматулла ўрта мактабни тугатиб, аввалига акасига қўшилиб бинойидай савдо қилиб юрди. Аксига олиб «фирма»лари касодга учради. Ўқишга кирай деса қўрқади, мактаб даврида астойдил ўқимаган, шўхликка берилиб, вақтни бекор ўтказиб юборган. Таваккал қилиб нуфузлироқ олий ўқув юртига ҳужжатини топширишга журъати етмади, билимига ишонмади. Яхшиси ишлаб, пул топиб, онасига ёрдам бергани маъқул кўринди. Акасининг иши юришмай иморатлари ичига кўчиб кира олишмади. Онасининг топгани икки қизнинг тўйи, борди-келдисидан ортмай қолди. Ҳикматулла дадаси берган



шаҳардаги уйга кўчиб ўтаётганида, акаси билан баҳамжиҳат яшашни орзу қилган эди. Афсуски, оилавий келишмовчиликлар, жанжаллар уни акасидан бездирди. У дала-ҳовлидаги уйларига кўчиб кетишга мажбур бўлди. Озроқ еб, кўпроқ ишласа ўзи ҳам шаҳардан жой олишига кўзи етиб, ҳаракатини бошлади. Нозима опасиникига бориб поччаси билан маслаҳатлашди, иш бошлаш учун қарз олди. Бозорда гап кўп экан. Пишиқчилик пайтида Қўйлик бозоридан, кейинчалик Андижондан кўтаргага ҳўл мева олиб келиб, Тошкент бозорларига тарқатди. Ҳаракатлари тез орада ўз самарасини бериб, сармоя тўплади. Ҳар бир ишни поччаси билан бамаслаҳат қиладиган Ҳикматулла аввалига машина сотиб олди. Икки оёқ битта-битталаб юриб, бир кунда бажарадиган юмушни тўрт ғилдирак бир соатда физиллаб битириб келарди. Ҳосият бувижониси айтганидек, «Ўғирлик айб, ғарлик айб, тирикчилик айб эмас». Ҳикматулла отаси ва акасидан кўрмаган меҳрни поччасидан кўрди. Қайнисини фақат ҳалол яшашга ўргатган поччасини ўз акасидай кўрарди.

Ҳикматулла пул топаман, деб эртадан кечгача ёзнинг иссиғига, қишнинг совуғига қарамай ишлагани учун, касал бўлиб қолди. Почча далада ёлғизликдан қийналиб кетган, унинг устига соғлиги ёмонлашаётган қайнисини кўриб ачинганидан то шаҳардан уй олгунча ўзиникида яшашга кўндирди. Ҳикматулла Нозима опасиникига келган кунининг эртасигаёқ уларнинг қистови билан даволаниш учун касалхонада ётди. Далада ёлғизликдан қийналиб, иссиқ овқатсиз, эътиборсиз кун кўриб юрган Ҳикматулла шифокорларга учрашиб, қулоғини операция қилдириш учун жарроҳлик столига ётди.

Ҳикматулла касалхонада даволаниб чиқиб, яна тирикчилик домига шўнғиб кетди. Кундузлари бозорда савдо-сотиқ қилса, кечалари машинасида кира қилиб, пул топа бошлади. Хуллас, амал-тақал қилиб Нозима опасининг уйи ёнгинасидаги иморатдан уч хонали квартира сотиб олди. Уй эшигини очиб, ҳувиллаган хоналарга кирар экан, Ҳикматулла яхши-ёмон кунда ҳамроҳи, ҳамдардига айланиб қолган поччасига шундай деди:

— Вақти келиб, шундай йигит бўлайки, мени хор қилган отам, уйига сиғдирмаган акам қилган қилмишларидан уялиб қолишсин. Олдига олиб, бир маслаҳат бермаган, кўраётган куним

билан қизиқмаган тоға-ю, амакиларим менга қойил қолишсин. Ҳозир олдимдаги ягона мақсадим — меҳнат қилиб пул топиш. Оидамиз жамлигини тиклаш. Дўст-душман олдада бизни бир кўзлаб ўстирган онам юзини ёруғ қилишим керак. Опаларим, онам акамга совчиликка юраётганларида уй-жойимиздан, яшашимиздан уялиб, кўнгиллари чопган хонадон эшигини қоқишга ботина олишмади. Менга қиз топар чоғи қаддиларини тик тутиб боришсин дейман. Ўғирлик қилмайман, бировнинг ҳаққига кўз олайтирмайман, тинимсиз меҳнат қиламан.

Ҳикматулла кечаю-кундуз тиним билмай меҳнат қилиб, ахийри ёруғликка чиқди. Ўзи ният қилганидай атрофдагилар ҳавас қилгулик даражага етди. Она кичик ўғлининг уйига кўчиб келиб, унинг хонадонига барака олиб келди. Она ризолигини олишда гап кўп экан. Ота-онаси ризо фарзандлар хорлик ва зорлик нима эканлигини билмай ўтиши ҳақиқат. Ҳикматуллани меҳнат улуғлади, онасининг дуолари қўллади. Она унинг билаклари кучга тўлганини кўриб, кўзи қувонарди, уйига сиздирмаган Асадуллани кўп эсларди. Фарзандларидан меҳр кутиб яшаётган онанинг қалбида янги умидлар уйғониб борарди.

— Нозима опа, иқтисод тарафдан ўзимни анча тиклаб олдим. Синфдошлар орасида бўйдоқ фақат ўзим эканман. Онам билан маслаҳатлашиб кўринг-чи, кўз остларига олган қизлари бормикан?

Нозима хурсанд бўлиб кетди. Укаси билан бу борада кўп гаплашиб кўндира олмагани, хайриятки, уйланиб кетма-кет фарзанд кўраётган ўртоқларига ҳаваси келиб, ўзи ёрилиб қолди.

— Ҳикматулла, маҳалламизда бир қиз бор, ақлли, чиройли. Тиббиёт коллежида ўқийди. Қўни-қўшниларнинг ҳаммаси унга ҳавас қилишади. Бир учрашиб, суҳбатлашиб кўрасанми?

— Ўқиса янаям яхши. Ўзим ҳам бу йил ўқишга киришни режалаштирганман. Ўқиганлар кўча-кўйда, бирор даврага қўшилганида ўзини қандай тутишни билади, гапини билиб гапириши билан ажралиб туради.

— Қизни кўрсанг сенга ёқади, бир жойга борса тиниб-тинчиб кетадиган, қийинчилик кўрган.

— Нима сабабдан қийналган деяпсиз? — Ҳикматулла қизиқиб сўради.

— Отаси йўқ, ёшлигида ном-нишонсиз йўқолиб кетган.

Ҳикматулла беихтиёр бақириб юборди:

— Ундай бўлса керак эмас. Отасизи бўлмайди!

— Вой, бу нимаси? «Иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулибди», деганлари шуми?

— Опагинам-ей, нимага кулар эканман? Мени тушунинг. Ўзим отасиз ўсдим. Дардлашгани, маслаҳатлашгани, ютуқларимдан қувонганимда мақтангани бир меҳрибон отага зор бўлдим. Отанинг ўрни бошқа, онанинг ўрни бошқа экан. Бу дунёда ҳеч ким ўзидан бошқа одамнинг ўрнини боса олмас экан. Қайнотам бўлса, отамдек кўрсам дейман. Борганимда, қучоқ очиб бағрига босса, бир пиёла чой устида ишларим, режаларим билан қизиқса, жўяли маслаҳатлар берса дейман. Ниятларим ижобат бўлиб, иморат, савдо дўконлари қураётганимда катта одам бош бўлиб йўл- йўриқ кўрсатиб турганига нима етсин. Қайним, акаларим, кўп бўлса, яхши-ёмон кунларимда ёнимда турса дейман. Ёлғизликдан қанчалар чарчаганимни билсангиз эди. Кечагина ҳайит намозига кета туриб, тўрт-беш ёшли ўғлини қўлидан тутганча масжидга кириб кетаётган бир отани кўриб, бехосдан йиғлаб юбордим. Опа, алам қилади, менга бундай бахт насиб этмади. Ичимдаги дардларимни сизга сўз билан таърифлаб беролмайман. Ўртоқларим, отам насиҳат қилавериб, жонимга тегди, деб нолишади. Менга эса насиҳат қиладиган ота йўқ. Агар билсангиз, мен отам ўрнини босадиган инсонга куёв бўлишни истайман. Орзуларим бир жаҳон...

Ҳикматулла шу гапларни айтаётганида қўлини очиб турган фаришталар «омин» деб, турган шекилли, дилидаги ниятига етди.

Чилонзор даҳасида иноқ оила — Тоҳир аканинг баодоб қизи, Зухра опа пайпаслаб ўстираётган ўн фарзанднинг тўнғичи Зулҳумор Ҳикматулланинг йўлидан чиқиб қолди. Икки ёш танишиб, бир-бирига кўнғил қўйди. Ота-оналар ризолиги билан икки ёш унаштирилди ва тўй куни белгиланди.

Нозима Ҳикматулланинг тўйи арафасида дадаси билан яна бир бор дийдорлашди. Ҳар учрашув олди у отасига нималарнидир айтгиси, ичидаги аламларини сочгиси келардию, ҳеч бунинг уадасидан чиқа олмасди. У басавлат дадасини

кўрганида салобат босиб, йиғлайверади-йиғлайверади. «Меҳр кўзда» деганлари шу бўлса керак. Аммо у айтмоқчи бўлган ўйлари ҳатто тушларига кириб азоб берарди. Шунда у ҳеч бўлмаса, қабрлари устида яккама-якка қолганимда кўнглимдаги гапларни тўжиб-сочаман, деб ўйларди. Нозима акаси Асадулланинг ўзгаришига сабабчи бўлган отасига қарар экан, иккиланади: «Наҳотки кулиб турган шу кўзлар алдамчи, мулойим сўзловчи шу тиллар ёлғончи»...

Зикриллабой фарзандларининг қайта-қайта йўқлови билан Ҳикматулланинг янги уйига ташриф буюрди. Яхши кунларга етиб келган болалар оталарини ҳам қувончларига шерик қилдилари келди. Аслида, бу йўқлашлари замирида қачонлардир кўчада сарсон бўлган фарзандлар отасининг ёрдамисиз шу кунларга етиб, орзу-ҳавас билан дабдабали тўйлар қилиш даражасига етганликларини оталари ўз кўзи билан кўрсин, деган фикр ётарди.

— Қойилман сенга, ўғлим, ўзингни ўзинг удалаб оёққа туриб олдинг. Бировдан бир танга сўрамай уй-жойли, машинали бўлдинг. Қоляверса, аканга ўхшаб қоқилмадинг.

— Дада, осонликча эришмадим бу кунларга, меҳнатимнинг меваси бу. Ёшлигимдан бировдан бир кафт ош, бировдан гоҳида ҳақ, гоҳида ноҳақ мушт еб катта бўлдим. Ўзим учун ўзим курашиб, дўст-душман олдида рўёбга чиқдим, ошна-оғайни орттирдим.

Ҳикматулла айтган сўзларидан отасининг қилмишларидан хафа эканлиги, катта бўлгунича зурриёдларидан хабар олмаганидан ўпкалаётгани сезилиб турарди.

— Эшитиб хурсанд бўлдим, тўйлар муборак...

— Ҳа, тўй бошлаб қўйдик, онам чарчадилар. Яқинда “Нексия” машинасини олиб бердим. Энди келинлари қўлидан чой ичиб, борди-келдини қилиб юрсалар бўлади. Қарилик гаштини сурадиган вақтлари келди.

Отага бу мавзу ёқмади шекилли, гапни бошқа ёққа бурди.

— Дала-ҳовли нима бўлди?

— Ҳаммамиз шаҳардан жой қилиб, дала қаровсиз қолиб кетди. Онам бошлаб қўйган иморат чалалигича ётибди.

«Ғамхўр» ота шундай маслаҳат берди:

— Ундай бўлса, ҳовли вайрона бўлиб ётмасин. Уни бирортасига сот. Пулини бир кор-қолингга яратарсан.

— Йўқ, ҳеч қачон сотмайман. Худога шукур, бир нарсадан етишмовчилигим йўқ. У ерда бизнинг болалигимиз ўтган. Ўша “вайрона” гўрлигимда пишган ватаним. У ерни вақти келиб яхшилаб таъмирлайман. Йигитнинг марди ҳеч қачон қорнини деб ўйини сотмайди.

«Меҳрибон» ота ўғлининг келгусидаги ишлари билан қизиқди:

— Келгуси режаларинг қандай?

— Нафиса опамга қаршимдаги икки хонали ўйни олиб бердим. Қизлари билан ҳеч кимга қарам бўлмай яшасинлар. Рўзгорларини ўзим қилиб бераяпман. Яқинда ўзларига алоҳида саргарошхона очиб бермоқчиман.

— Яхши қилибсан. Ўзингнинг тирикчилигинг қандай кетяпти?

— Чет элдан «Хундай» микроавтобусидан олиб келиб, бир нечтасини ижарага бериб қўйганман. Хусусий тадбиркорчилик билан шуғулланиб, анча сармоя йиғдим. Маиший хизмат ўйи, саргарошхона, савдо дўконлари очиш учун марказдан икки қаватли бино қурилишини бошлаганман. Яна бир овқатланиш муассасасини очишни ният қилиб турибман.

— Мен бир умр тўплаган бойлигимдан бир кунда айрилдим. Барини иккинчи хотинимга топшириб қўйдим. Ажрашгач, қарасам ҳеч вақоим йўқ. Қара-я, йиллар ўтиб, мендан ҳам бойиб кетибсан-да. Қийналганимда ёрдам сўрамадинг. Ёнимга борсанг кўксингдан итармасдим. Қисқаси, мен отамдан нима кўрган бўлсам, сенлар ҳам шуни кўрдиларинг. Энди мен қариб қолдим, ҳолимдан хабар олиб турларинг. Ота рози — худо рози дейишган...

Қатқалоққа кўчат экиб, бирор марта ишлов бермаган дарахти мевага кириб нишона бераётганини кўрган ота ўғлига завқланиб қаради. Қўлларини чўзиб Ҳикматулланинг елкасига қоқди-да, мағрур гулдиради.

— Ўзимга ўхшаб ишни кўзини биладиган удабурон бўлибсан, яша, ота ўғил!

Отажоним-а, сизсиз ўтган қувончли кунларда, аламли тунларда қалбларимиз зулмат ичра дийдорингизни ахтарганини билсангиз эди. Сизни қанчалар зор-ингизор кутганимизни сезганмикансиз? Сиз ўзингизни ваҳимага солаётган, иккинчи оилангизга бой берилган бойликларингиз кексайиб қолганингизда бизнинг бир оғиз ширин сўзимиз, буюрган ташрифимиз олдида ҳеч нимага арзимаслигини

билганингизда эди. Кеч бўлган бўлса ҳам дийдоримизга ошиқиб, меҳримизни қозонишга ҳаракат қилармидингиз...

— Мени нега йўқладиларинг?

— Уй-жойимни кўринг, тўйда бирга бўлинг дегандим...

Ошна-оғайниларимнинг кўпчилиги менинг отасиз ўсганимни билишмайди. Улфатлар орасида куёвнинг ота-онасини даврага чақириб қутлаш одати бор. Шу вақтда оғайниларим, қудалар олдида бошим эгилмасин.

Фарзандлар қалбида ҳали ҳам ота-оналари ярашиб кетишларига, бир-бирларини кечиришларига умид бор эди. Агар оналари оталарининг қилмишларини кечириб юборса, болалар дадаларини қабул қилишга, болалик изтиробларини унутишга ҳам тайёр эдилар. Аммо ота-оналарининг қалбларида озгина бўлса-да, кечиримли бўлиш хислати кўринмади. Улар тўрт қора кўз учун ғурурларидан кечириб бош эгмадилар. Фарзандлар эса улардан фақат яхшилиқни кутишарди...

Ота Ҳикматулланинг қўлидан тўй таклифномасини оларкан, ўйланиб қолди.

— Кўраман, агарда йўлга кетиб қолмасам, келишга ҳаракат қиламан.

У анчадан бери “Тошкент-Москва” поездида йўлбошловчи бўлиб ишларди. Шунинг учун ҳам рейслар жадалини кўздан кечириб қўймаганига афсусланди. Тўйга келишга умид боғлаб, яна оғайниларига ҳам таклифнома олди.

Ота-бола суҳбатини кўчадан югуриб кирган қизалоқ бўлиб юборди. “Бува” етти ёшли набирасини кўрган заҳотиёқ, бу бижилдоқ кимнинг қизи эканлигини дарров фаҳмлади. Нозиманинг кенжа қизи Дилафрўзни кўрганлар Нозимага, «ёшлиқдаги расмлар ёниб, эсдалик қолмаган, деб афсусланмагин. Худойим болалигингни кўриш учун сенга шу қизчани яратиб берган», деб кулишарди.

Қизалоқнинг қўлга зўрға илинадиган сочлари амал-тақал иккита қилиб ўрилган. Сочлари орасидан шалпанг қулоқчалари тиккайиб турибди. Пучуқ бурнининг устидаги саноқли сепкиллари ўзига ярашган. Сал қисик кўзлари кулиб, “пир-пир” жовдирайди. “Бува” набирасининг шўхлиги, бийрон сўзларини эшитиб, кулимсиради.

— Худди ўзинга ўхшабди-я, Нозима.

— Ойим ҳам шундай дейдилар.

Нозима жойида тинч турмас Дилафрўзга кўзлари билан имлади:

— Салом бермайсанми? Булар сенинг доданг бўладилар.

Додасини энди кўраётган қизча салом берди-да, таклиф этилмаса-да, энди топишган бувасининг тиззасига бориб ўтирди.

— Қизинг жа тўполончи бўлибди. Сен ювош эдинг.

Шу дамда Нозиманинг кўнглига бир гап келди-ю, тилини тийди. Отасига ҳаёт уни сўзга чечан қилиб юборганини билдиргиси келмади. Ичида «болалигимда дилим яра, кўнглим хира бўлган-да менинг» деб ўйлади.

— Мен-чи, ёшлигимда мен қанақа бўлганман? — Нафиса қизиқишини яшира олмай гап ташлади. Жавобини тинглаш учун дадасига диққат билан қаради.

— Сен-ми, Нафис қизим, жуда кўнгличан бўлгансан. Оғзингдаги нонингни ҳам барчага илинадиган, меҳрибон эдинг. Эркалигингдан бирор жойга кетаётган бўлсам оёқларимга осилиб олганча йиғлардинг. Машинам ортидан то ҳолдан тойгунингча югуриб борардинг...

Нафисанинг хаёлидан нималар ўтганини ҳеч ким билмади, аммо кўзлари намлигини ҳамма кўрди.

Нозиманинг кўз олдида эндигина тилга кирган синглиси гавдаланди. У киприклари тушса, жажжи бармоқчаси устига қўйиб, «дадамни соғинганимни бориб айт», деб куч билан пуфларди. Нозима отасининг суратини қучоқлаганча пинакка кетадиган Нафисанинг кўзида жўш урган меҳрни кўрди. «Сингилжоним-а, ота- онамиз ажрашаётганида мен оқ-қорани оз бўлса-да, фарқлаб оладиган олти ёшли қизча эдим. Ўшанда хотирамга дадам сиймосини муҳраб олганман. Хотирамдаги ана шу сиймо менга илинж бўлиб келди, сентачи?! Ҳаётингдан нолиб, дадамни қўмсаганинга бировдан гина қилганингни сира кўрмаганман. Отамиз ҳақида бирор марта ёмон сўз айтганингни эшитмаганман. Муштипар синглим-а...»

— Асадулла акам ёшлигида қандай бўлганлигини гапириб беринг.

Нафиса Нозиманинг хаёлларини чўчитиб юборди.

— Тўғри, акам ҳақида гапириб беринг, — Нозима ўзига келиб деди.

Афсуски, ҳозир даврада Асадулла йўқ эди. Асадулла ўзи танлаган ҳаёт зайлига шўнғиб кетган, жигарлари дийдорига кўпда ошиқавермасди...

— Асадулла оғир, жаҳддор, ўта жиддий бола эди. Бирор киши хафа қилса, аламини олмай қўймасди. Бошини ҳеч кимга эгишни истамас эди. Аканг бирор ютуққа эришса, мақтанавериб ҳамманинг жонига тегарди. Ҳозир ҳам ўша мақтанчоқлиги қолмаган...

Опа-укалар бутун вужудлари қулоққа айланиб дадасининг таърифини эшитаётганларида Ҳикматулланинг югуриб, ташқарига чиқиб кетганини сезмай қолишди. Эшик беҳосдан тарақлаб, уларни ҳушёр торттирди.

Қўшни хонадан Ҳикматулланинг ўкириб-ўкириб йиғлагани эшитилди. У болалигида кўп йиғларди. Ўшанда у бурчакларга беркиниб, кўз ёшларини ҳеч кимга кўрсатмай, эзилаётганини сездирмай инграрди. Ўзидан катталар ноҳақ хафа қилганида ҳақлигини исботлай олмай, уларга кучи етмаганидан алам қилиб, тарафини оладиган меҳрибон отаси ёнида эмаслигидан ўртаниб йиғлаганди. У кунларга анча бўлди, лекин ҳозир у ўзини ҳимоя қила олади. У нега энди ҳозир йиғлаяпти? Бугун рўзгор боши бўлган эр йигит нега йиғлайди? Йигит йиғламасин экан...

— Нега йиғлаяпсан? Мен бирор ноҳўя гап айтиб қўйдимми? — дея ота ўглининг қилигидан ҳайрон бўлиб елкасини қисди. Аммо Нозима укаси нимага йиғлаётганини дарров сезди.

— Дада, навбат Ҳикматулланинг ёшлигига келди. Укам болалиги ҳақида сиздан сўрай олмайди. Сиз кетганингизда у бешикда ётган мурғаккина гўдак эди...

Зикриллабой ота исини туймаган ўғлига қараб, ўтирган ўрнидан бақирди:

— Ўғлим йиғлама, пешонага ёзилган экан бу тақдир !

Отанинг жаранглатиб айтган сўнги сўзи хонада акс-садо қайтарди: тақдир, тақдир, тақдир...

Эҳ, одамлар, одамлар! Тақдиримиз ўз қўлимизда, уни ўзимиз ўз ихтиёримиз билан қураимиз-ку. Нега эришган ютуқларимиз учун фаҳм-фаросатимизни мақтаб кўкрак керамиз-у, хатоларимиз учун пешонани, тақдирни рўқач қиламиз?

Ҳикматулла ҳозир ҳаётидан нолиб ўксимади, меҳнатда эзилганидан йиғламади. Балки отасиз ўсгани учун ўзига-ўзи ишонган, қаерга борса сўзини ҳам, ишини ҳам топиб кетадиган



забардаст йигит бўлгандир. Балки ёлғизликнинг аччиғини тотгани учун ҳам бугун у яқинларини қадрлайдиган, жигарбандларига меҳр кўргазадиган одам бўлгандир. Ахир отаси даврида даври даврон суриб, бошга ўлим ё гам-ташвиш тушганида гангиб қолган йигитлар озми?! Жигари ночорликдан қийналаётган бир вақтда улфатлар билан базмхўрлик қилиб, эркатоё фарзандларининг инжиқликлари учун жарақ-жарақ пул сочаётган ака-укалар-чи? Уй-жой, мерос талашиб шарманда бўлаётган жигарлар-чи? Ҳикматулла орқасига қайтиб, жойига ўтираркан, йиғидан ўзини тутта олмай деди:

— Мен, сиздан болалигимда қандай бўлганман, деб сўрай олмайман. Кетганингизда бармоқларингиздан тутиб олишга ҳам кучим етмайдиган бир парчагина эт эканман. Сиз менинг атак-чачак қилиб юрганимни кўрмагансиз. Ота бўлиб қўлимдан тутмагансиз. Қоқилганимда ўрнимдан тургазиб, чангимни қоқмагансиз. Илк қадамимни кўриб, биринчи сўзларимни эшитмагансиз. Мени бир марта бўлса ҳам «тойчоғим», деб эркалаб пешонамдан силамагансиз. Болалик шўхлиги, йигитлик даврини бағрибутунликда кўрмаган, ҳаётнинг не-не азоб-уқубат излари қолган бу пешонамда фақатгина сизнинг бармоқ изларингиз йўқ...

## 32

2002 йил 19 январь. Тошкентнинг донғи кетган «Кўкча кошонаси» гузаридан таралаётган карнай-сурнай садолари еру кўкни ларзага солмоқда, элни тўйга чорламоқда.

Қаҳратон қиш икки кунга ўрнини баҳорга бўшатиб берганга ўхшайди. Ҳаво кўклам сингари очиқ..

“Тўйлар муборак” қўшиғи янграши билан даврага келин-куёв кириб келди. Оқ либосда, пок ниятлар билан куёв қўлтиғидан тутган келин сарвқомат куёвга узукка кўз қўйгандай мос тушган.

*Ёр-ёр билан кириб келдинг, тўй муборак, келинчак,  
Остонаси тиллодан уй муборак, келинчак.  
Келин-куёв иккинчизга мисоли қадр кеча,  
Боқий бахтни ато қилсин сизга Оллоҳ, келинчак.*

«Ёр-ёр», «Тўйлар муборак» қўшиғини эшитганда юраги энтикмаган, эти жунжикмаган одам бўлмаса керак. Ҳамманинг

қўзига ёш қалқиди. Шу куни фарзанди камолини, тўйини кўришни орзу қилган ота-она борки, қувонч ёшларини тия олмайди.

— Қаранглар, хув анави тўрда ўтирган Зикрилла поччамизми?!

Дастурхон яқинига яхшигина жойлашиб олган аёлларнинг бири ёнидаги шеригини секин туртди.

— Худди ўзлари шекилли.

Ҳикматулланинг таъкидига биноан тўйхонанинг тўрига ёзилган дастурхон атрофида улфатлари билан гердайиб ўтирган отани таниганлар ҳайрат билан, танимаганлар бепарвогина қарашди. Ёшига нисбатан анчайин кўркам, гавдаси яхшигина тўлишиб, қорин қўйган Зикриллабойни биров таниди, биров танимади.

— Келибди-да, ахир бош эгиб?!

— Нималар деяпсиз? — бу оилага яқинроқ аёл ҳамма воқеалардан хабари борлиги боис, дадил гапирди, — бу бошлар эгилармиди? Зикриллабой отдан тушсалар ҳам эгардан тушмайдилар. Кечирим сўраш қаёқда дейсиз, бутун бирров тўйга келганлар.

— Келганлари бош эгтанларида. Тили гуноҳини тан олмаса ҳам, дили қилган ишларидан пушаймондир ахир.

— Болалар вояга етганида, пишган ошга қўл чўзибдилар-да поччамиз.

— Тўйга айтиб бекор қилишибди, онасининг кўнгли ранжигандир. Меҳнатни бошқа одам қилса-да, у кишининг гердайиб ўтирганларига ўлайми? Асадулага дом олиб бериб, фарзандларим тўйига бош-қошман деб гап тарқатибдилар. Агар яхшилиқни ўйлаганларида аразлашиб юрган икки ўғилларини ўртага олиб, яраштириб, бутун тўйга Асадуллани ҳам олдиларига солиб келган бўлардилар.

— Тўйга айтиб, бир томондан, яхши қилишибди, кўрсин, куйсин. Ажрашганида Ҳикматулла бир ёшга ҳам етмаган эди, қаранг, қандай йигит бўлди — гап бермай ҳаммани оғзига қаратиб ўтирган қўшни аёл куёв бўлиб ўтирган Ҳикматулага қараб қўйди.

— Чала тақдир экан, ажралишди. Олоҳнинг иродаси шундай бўлган, бири ота бўлса, бири она. Нима қилса ҳам отаси-да...

— Тўғри айтасиз, гуноҳсиз ёлғиз парвардигор. Зикрилла ҳам бир адашди-да...

— Вой, сиз ҳеч нарсани билмас экансиз, — қўшни аёл чўрт этиб гапни узди. — Кўр ҳассасини бир маротаба йўқотади, дейишарди, Зикриллабой ҳассани икки марта йўқотдилар. Бир хатони яна такрорлаб, кейинги оилалари билан ҳам муроса қилолмайд ажрашиб кетганлар. Икки бола яна зор қақшаб ота меҳрисиз қолди.

— Олтмишга кирсалар ҳам қуйилиб, қариликни бўйниларига олмабдиларда. Давлатларига, ҳозирги куч-қувватларига ишонган бўлсалар керак. Эртага белдан қувват, оёқдан мадор кетиб қолганида ҳолларидан ким хабар оларкин?

— Охиргиси ҳаммасидан ўтиб тушди, Зикриллабой ўзларидан салкам ўттиз ёш кичик қизни никоҳларига олиб яшаб юрибдилар, — қўшни аёл кимдандир эшитган гапнинг ростлигига бошқаларни ҳам ишонтирмоқчи бўлиб, «ўз кўзим билан кўрдим», деб кўшиб қўйди.

— Олтмишга чиқиб шунча фарзанд орттирган бўлсалар ҳам атрофларида бирортаси йўқ. Айб ўзларида. Қиз ўлмагур ҳам Зикрилла поччамизнинг “Мерседес” машиналарида сайр қилишга, марказдаги домга учган-да. Поччамизга қарилик ҳукмини ўтказиб, бошлари ёстиққа текканида ёшгина ёрлари нима қилар экан-а. Ёшлиқдаги фарзандсиз кечган умр ўтар, аммо қарилик чоғида уларсиз кечган бир кун минг кунлик азобга тенг. Айниқса, фарзандингиз бўла туриб, ҳолингиздан хабар олмаса, ўйлаб қоласиз, қаерда адашган эканман деб. Лекин энди хатони тўғрилашга кеч бўлади.

— Тўғри айтасиз, қариган чоғимизда ҳаммамизнинг ҳолимизга ўғил-қизларимиз ярайди. Сўнгги насибамизни оғзимизга томизадиган, кўмиб қайтгач, ортимиздан қуръон тиловат қилиб, ёдга оладиган — зурриёдларимиз.

Ҳофизлар никоҳ оқшоми файзига файз қўшди. Айниқса ҳофизнинг «Онажон» қўшиғи барчани титратиб юборди.

Онаизорнинг эса икки кўзи эшиқда, Асадулла келиб қолса эди, деб ҳалиям умидвор. Укаси бориб тўйга айтиб келган эди-ку, наҳотки шундай кунда жигарининг қувончига шерик бўлмаса? Аразлаган ака укасининг тўйи куни уйда қандай ўтирибди экан? Юраклари дош берганини-чи...

Ҳикматулла билан амалий ҳамкор самарқандлик, бухоролик дўстлари, синфдошлари бирин-кетин қутлашди. Даврага тўёнага келган гилам тўшалди, табрик сўзини изҳор қилаётган улфатлар ўртага куёвнинг ота-онасини таклиф қилишди. Онага кимматбаҳо мато, телевизор ҳадя этилиб, отанинг елкасига кимхоб тўн ташаланиб, дўппи кийғизилди.

Ўзбек йигитининг марди кийсада дўппини. Эгилган бошларга дўппи ярашмади. Елкангизга тошдай ботган «ур тўнимлар» муборак, Зикриллабой.

### 33

— Нозима, сенга ҳавасим келади. Бахтингни топдинг.

— Кўз тегмасин.

— Эсингдами? — дея университетда ўқишини оилавий сабабларга кўра иккинчи курсдаёқ ташлаб кетган Дилфуза енгилгина хўрсинди. Курсдошларнинг дийдорлашув кечасига келган икки дугона талабалик даврларини эслашди.

— Олти дугона талабалар ошхонасида тушлик қилар эдик, — деб ёдга олди — Дилфуза. — Ҳаммамизнинг бирин-кетин фотиҳа тўйимиз бўлди. Мен, Барно, Дилфуза, Дилором, Лола, сен. Тушлик қилиб ўтирганимизда ҳаммамиз бир бўлиб қасам ичганимиз ёдингдами?

— У кунларни унутиб бўлармиди?

— Ўша кўни ҳаммамиз талабалик ҳаётимиздаги энг олий бахтимиз, деб тан олган эдик. Биз йўлимизда учрайдиган барча машаққатларни енгишга иродамиз етишига ишонардик. Шунча машаққатлар билан ўқишга кирганмиз, агар тўйдан кейин уйдагилар «ўқишга борманг» дейишса, эримизни ташласак, ташлаймиз, аммо ўқишдан кечмаймиз, деб қасам ичганимизда сен...

— Фақат мен, — Нозима кулимсиради, — оилавий бахт мен учун ҳамма нарсадан устун эканлигини уқтириб, ҳазил қилгандим. «Мабодо тўйдан кейин ўқишга келмасам, хавотир олманглар, «02» га қўнғироқ қилиб, қидирув эълон қилманглар, мен ҳаёт frontiда бахтим учун курашаётган бўламан», дегандим.

— Фалакнинг гардиши айланишини қара. Ёлғизгина сен қўлингга диплом олиш бахтига эришдинг. Биз аро йўлда қолиб кетдик.

— Кўй, ундай дема.. Ҳа, турмушим яхши. Ўқишни ҳам битирдим. Қайнона-қайнотамга, турмуш ўртоғимга раҳмат. Мени шу кунларга етишимда уларнинг ҳиссалари катта. Мен имтиҳон топширишга кетган чоғларим, қайнонам икки фарзандимни етаклаб ишга кетардилар. Қайнонам мактабда дарс беришга кетаётиб, сумкаларига китоб-дафтар билан бирга болаларим кийимларини солиб олардилар. Уйдагилар мени тушуниб, ширингина оиланинг бекаси бўлишимга муҳит яратиб беришди. Қайнонам бир ривоятни ҳанузгача таъкидлайдилар: «Жаннатда икки тахт яратилган эмиш. Бири энг яхши қайнона, яна бири энг яхши келин учун. Шу маҳалгача икки тахтнинг эгаси йўқ экан. Шоҳсупага чиқиш даъвогарлари кўп бўлармиш-у, лекин муносиблари топилмас эмиш». Қайнонам доим «Иккимиз шундай яшайликки, ўша тахтлар бизга насиб этсин», дейдилар. Бир вақтлар яхши одамлардан мурувват топган онам эса: «Яхшиям бу дунёда яхши одамлар бор», дердилар.

### 34

Нозима бугун тўрт фарзанднинг онаси. Тинч-тотув оиланинг бекаси. Турмуш ўртоғининг суюкли ёри. У қачонлардир ўзи орзу қилган бекаму кўст ўзбек аёли.

— Дадажоним келдилар!

Дадасининг ишдан қайтишини ҳар куни ухламай пойлаб ўтирадиган болалар чопқиллашади:

— Дадажон, намунча кеч қолиб кетдингиз?

— Ишим шундай кеч тугагини биласан-ку, қизим.

— Мени ҳаммадан яхши кўрасиз-а, дада?

— Жонимдан ҳам ортиқ кўраман.

— Лазиза опамдан, Азизжон укамдан, ҳатто ойимдан ҳам яхши кўрасиз-а?

— Дада, бугун ҳам от-от ўйнаймизми?

— Ўйнаймиз, тойчоғим, ўйнаймиз.

— Ҳар куни сиз от бўлаверасизми?! Устимга мининг, бугун от менман.

Бу уйда шундай суҳбатлар кўп бўлади. Турмуш ўртоғи фарзандларини суйиб эркалаётганини кўрган Нозиманинг кўзларида ёш қалқийди.

Болалар тўполоннинг зўри билан чарчаб, уйқута кетадилар. Савол бериш навбати энди Нозимага келади. У эрини саволга тутади:

— Қараб туриб ўйлайман, дадам ҳам бизни эркалаб суйганмиканлар? Сизга ўхшаб от-от ўйнаб, елкаларига миндириб, фарзанднинг ширин лаззатидан тоттанмиканлар?

— Қайдам...

— Сиз ҳам отасиз, улар ҳам ота. Лекин сиз фарзандларингизни бир кун кўрмасангиз соғинасиз, бетоб бўлса куюнасиз. Дадам-чи, дадам бизни соғинармиканлар?

— Билмасам...

— Кўргилари келиб, бизни эсга олармиканлар? Шу куни фарзандли бўлгандим, деб туғилган кунларимизни ёдга олиб, кўраётган кунимиз, тақдиримиз билан ҳеч қизиқиб кўрганмиканлар?

— Ҳайронман...

— Дадамни кўрсам нафратимни билдириб, олдимга солиб ҳайдайман, деб ўйлардим. Биринчи бор тўйимга келганларида аксинча елкаларига осилиб, йиғлабман. Қалбимдаги ўзи нима, меҳрми? Ё нафратми? Тўғриси, ўзим ҳам билмайман.

— Нима қилган бўлсалар ҳам отанг-да, томирингда уларнинг қони оқади!

— Ҳамманинг турмушида яхши, ёмон кунлар бўлади. Аччиқ кунлар заҳрини тотли дамлар тафти босиб кетаркан. Отам билан онамнинг бирга кечирган шодликка тўла онлари, кувончли кунлари бўлгандир. Нега улар бир-бирларининг фақат ёмон томонларинигина кўришади? Нима сабабдан фақат нохуш кунларнигина хотираларида сақлаб қолишган? Қилган хатоларини тан олиб, бир-бирларига самимий нигоҳ билан боқиш мумкин-ку. Наҳотки бу шунчалар қийин бўлса?

— Уларни муҳокама қилишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Ота-онамиз биз учун бири ой бўлса, бири қуёш.

— Ҳа, тўғри айтасиз. Ягона ой зимистон тунни нурафшон қилади, ҳар бандага ҳамроҳ бўлади, йўлини ёритади. Лекин бу дунёда фарзандлари йўлини ёрита олмаган, уларга умр йўлида ҳамроҳ бўла олмаган нурсиз ой бор. У инсон менинг отамдир.

Тошкент шаҳрида Кўкча маҳалласи бор. Бу обод маҳаллада қанча-қанча оилалар тинч-тотув ҳаёт кечиришмоқда. Бомдод номозига йўл олган қариялар эрта туриб ораста қилинган кўчалардан гурунглашиб боришади.

Шу маҳаллада бир аёл яшайди. Набиралари қуршовида унинг кунлари шўх-шодон ўтмоқда. Бу аёлнинг иродаси метиндан. Уни ҳаёт аталмиш денгиз тўлқинлари чайқатиб пишитди. Ҳаётдан бирор марта нолимай бутун олтмиш ёшни қаршилаган бу аёл гоҳида кенг уйига ҳам сизмай кетади. Унинг одамлар билан суҳбатлашгиси, дўстлари билан дийдор кўришгиси келади. Шунда машинасини ўт олдириб, одамлар орасига ошиқади. У яхши-ёмон кунларига гувоҳ, ота-онасининг қадам излари қолган кўчалардан ўтиб борар экан, умр дафтарини варақлайди. Машина рулини бошқариб бораркан, йўлда қўл силтаган кишиларга тўхтаб манзилларига элтади, турли мавзуда суҳбат қуриб кўнгил ёзади. Бу дунёда армонсиз инсон топилмаса керак.

Аёл инсонларнинг турли тақдирларини эшитиб хулоса қилади. Ҳаёт курашлардан иборат бир жанг майдонига ўхшайди. Инсон дунёга келиб яшаш учун курашади. Кейин оила бахти, фарзанд камоли... Ҳаётдаги ана шу курашлар билан умри ҳам ўтганини билмай қолади киши. Яхшиямки, Оллоҳим бандаларига эрмак қилиб фарзанд яратган.

Назира опа йўл четида қўл силтаётган аёлни кўриб серрак тортди ва дарҳол машинани четга олиб тормозни босди. Хотираси панд бериб қолдимиз... «Ким эди-я», деб эслашга қийналди. Лекин йўловчи аёл уни дарров таниди, машинанинг орқа эшигини очиб, ўриндиққа ўтирганича кулди.

— Уртоқ, танимадинг-а?

Йиллар икки дугонанинг пешонасига чизиқлар тортган, сочларига қиров сочган... Аммо ўша кўзлар ва овозлар...

— Ҳадича, ўзингмисан?!

— Топдинг!

— Сени кўрар кун ҳам бор экан-ку. Тоғ тоғ билан учрашмайди. Инсон бир кун келиб учрашаркан-да.

Икки дугона машинадан тушиб, бир-бирларини бағирларига босганча кўришишди. Дугонаси Ҳадичанинг ўзгариб кетганини кўрган Назира опа кўзига ёш олди.

— Бормисан?

Дийдор... Ёшаингнда, оғир кунларингнда бирга бўлган дардкашинг билан йиллар ўтиб кўришсанг, бу туйғуни таърифлаб бўлардимиз?

Ҳадича ўттиз ёшида тўрт фарзанди билан ёлғиз қолган дугонасини тез-тез ёдга оларди. У деҳқончилик қилиш учун

Тошкент туманидан гектар-гектар ерни ижарага олиб оиласи билан яшар ва дугонасини кўп эсларди. Улар ёнма-ён ерда деҳқончилик қилиб, кўп дардлашишар, бир-бирларига ёрдам беришарди. Ҳадича айниқса бир воқеани эри Исқандар билан кўп хотирларди.

Ушанда Назира эндигина далага кўчиб келиб, деҳқончилик бошлаган, супурги экаёттанди. Баҳор эрта келиб, кунлар исиб кетди, ёмғирдан эса дарак йўқ. Ариқда сув кам, деҳқонлар экинларини сўғориб олиш учун навбат пойлашади. Шундай кунларнинг бирида ҳаво совиб, бўрон турди. Бирдан жала куйиб, шамол тўзитган чангни босди. Биров уйига, биров чайласига югурди. Анча вақт ўтиб Ҳадича чайласидан чиқиб қараса, дугонаси Назира тиззасигача лойга ботганича ерга супурги уруғини қадаб чиқаяпти. Усти-боши шалаббо дугонаси ёмғирнинг савалашига парво ҳам қилмасди. Исқандар буни кузатиб тураркан, аёлга ачиниб деди:

— Ҳадича, дугонангни қара. Жалада қолиб шамоллайсан. Уйингга кет, қолганини бошқа куни экарсан, десам, айтганимга кўнмаяпти. Бетоб бўлиб ётиб қолса, тўрт боласига ким қарайди?

— Мен ҳам уйингга кет, десам, кўнмади. «Ёмғир ғанимат, эртага ёмғир ёғадими йўқми, бугун уруғларни экиб олсам, тезда ниш уриб чиқади», деб айтганидан қолмаяпти.

Исқандар брезент чайланинг тешиланган тирқишидан аёлни кузатар экан, яна хотинига юзланди:

— Ҳадича, устингга целлофан ташлаб олгин-да, бориб дугонангга қараш. Ёлғиз ўзи қийналиб кетди. Ўзим бориб, кўмаклашардим. Одамларни биласан-ку, дарров гап-сўз қилиб юборишади.

Ҳадича салкам йигирма йил деганда дугонаси билан учрашди. Асли қрим татарлари бўлган бу аёл оиласи билан ўзининг тарихий ватани, Қримга кўчиб кеттанди. Туққан эмас, боққан она дегандек, борган жойида яшай олмади. Ўзи туғилиб-ўсган юрти соғинчи уни Ўзбекистонга қайтиб келишига мажбур этди. Қиңдик қони томган тупроқ исини кўмсади. Қариндошдай бўлиб кетган кўшнилар суҳбати ҳумор қилди. Ҳадича эски ҳовлисига қайтиб келгач, дугонаси Назира яшаган маҳаллага бориб, унинг кўшнларидан дугонасининг яшаш жойини суриштирди, топа олмади. Билганлар «шаҳардан уй олиб, кўчиб кетинган», дейишгач Ҳадича дийдорни вақт ихтиёрига ташлаб қўйганди. Мана, насиби шу кун экан.



— Ҳадича, бу ерларда нима қилиб юрибсан? Кўчиб кетгансан, деб эшитган эдим.

— Мени қўявер, кейин ҳаммасини бафуржа айтиб бераман, ўзингдан гапир. Набиралар билан овуниб ўгирадиган вақтингда нима қилиб машина ҳайдаб юрибсан?

— Бир айланиб, кўнгил ёзай дегандим. Ҳеч нарсадан муҳтож жойим йўқ. Худога шукур, болаларимдан тинганман, ҳаммаси оилали, бола-чақали бўлиб, ўзидан тиниб ўтирибди.

Ҳадича дугонасига кўз югуртираркан, хаёлидан «анча қарибди, кийимлари ҳам ҳар доимгидай содда», деган ўйлар ўтди.

— Камтарлигинг қолмабди. Танинг соғ бўлсин, болаларингдан гапир. Асадулла, Нозима, Нафиса, кичигингнинг оти нима эди-я?

— Кичигимнинг оти Ҳикматулла. Ёшлигида кўп касал бўлаверганидан, дўхтирлар энди нима бўлса худодан, дегани учун мен уни «Темиржон», деб чақирардим. Ҳозир унинг қандай йигит бўлганини кўрсанг эди.

Назира опа Нафисани қайта узатишга бош-қош бўлган Ҳикматуллани эслаб, меҳри товланди. Онаси совчи бўлиб келган аёлларга розилик бериб, қариндошларга тўй хабарини билдириб, уларга ушатишга патирдан улашиб чиқаётганида, Ҳикматулла Нафиса опасининг дилидаги армонларини рўёбга чиқаришни кўнглига тугиб қўйганди. Катта дошқозонда ош дамлатиб, янги ҳовлисида элга дастурхон ёзиб, кўрган кунларидан қувониб йиғлаган Ҳикматуллани кўпчилик кўрмади. Ўшанда фарзандларини кузатиб турган она ҳам кўзига ёш олди. Онаизор тўйга келмаган Асадуллани жуда соғинганди, йўлларига интизор кўз тикканди. Тили ширин келини, асалгина набирасини бағрига босишни жуда-жуда истаганди. Аммо катта ўғил укасининг тўйи каби, сингисининг ҳам тўйига келмади. У билан борди- келди қилиб юрган ота эса Асадуллани олдига солиб келишни хаёлига келтирмади. Ҳикматулла дарвозадан чиқиб кетаётган Нафиса опасини ота ўрнида кузатар экан, келинлик кўйлаги ярашганини кўриб, енгил хўрсиниб қўйди. Назира опа ҳозир шуларни эслади.

— Катта ўғлим Асадулла оилали, икки боласи бор. Автомобиль йўллари институтини тугатди. Ҳозир ўзи очган устакхонада бир неча шогирдлари билан машина созлайди.

Боламнинг меҳнати ҳалол, инсофини берсин. Эртаю кеч қўли мойда. Шукур-ки, шунга яраша оғзи ҳам мойда.

У қўли машина рулида, тўнғич ўғли Асадулла ҳақида фахрланиб гапирди. Аслида-чи... Мана беш йилдирки, у отаси билан топишиб кетган ўғлининг қадамига муштоқ. Набираларини, келинини соғинади. Она фарзандларининг отаси билан топишиб кетишига қарши эмас. Акс ҳолда биринчи тўйдаёқ эрини тўйга айттирмас эди. У ўғиллари отаси билан топишса, биргаликда уй-жойларни эпақага келтириб, тўйлар бамаслаҳат қилинар, деб хаёл қилганди.

— Ҳунарга солибсан-да, болангни. «Ҳунардан унар», деб бежизга айтишмаган. Қизларинг яхшими? Катта қизинг ёшлигидан «шоира бўламан», деб шеърлар ёзиб юрарди. Орзусига етдимми?

— Нозима Тошкент Давлат Университетинининг журналистика факультетини тугаллади. Оилали, болалари тўртта. Ҳозир кенжаси билан уйда ўтирибди. Менга қудалардан, келинлардан, куёвлардан ҳам буюрган. Нозиманинг эри хусусий тадбиркор, ўзининг савдо дўкони бор.

— Оилангда ҳар соҳадан бир вакил бор экан-да?

— Ҳа, шундай десам ҳам бўлади. Кичик қизим Нафиса аёллар соч турмаги устаси. Ўзининг саргарошхонаси, қўлида бир нечта шогирдлари бор. Куёвим меҳнаткаш йигит, қўлидан ҳамма иш келади, уйларни таъмирлайди. Ҳозирча фарзандлари иккита: бир ўғил, бир қиз.

Назира опа гапни чўзиб Нафисанинг ўтмиши ҳақида гап очишни истамади, эслашни ҳам хоҳламади. Яратганга шукур, ҳозир Нафисанинг турмушидан кўнгли тинч. Меҳнат қилиб катта бўлган, ҳалол ризқ топаётган куёвидан ёмонлик чиқмаслигига ишонади.

— Ўзим ўрғилай сендан, — Ҳадича дугонасининг елкасидан кучди. — Ким айтади сени саргарошнинг онаси деб, сочларинг оқариб кетганини қара.

— Юзимнинг ажинидан, сочимнинг оқидан уялмайман. Юзларим пардоздан эмас, меҳнатдан, сочларим буёқдан эмас, ташвишдан оқарган. Мен бахтимни ташқи қиёфамга қараб эмас, болаларимнинг ҳаётига қараб белгилайман...

— Кечирасан, хафа қилиб қўйдим, шекилли. Айтганингдек, инсон гўзаллиги юзида эмас, қалбида бўлиши керак. Ўғлинг Ҳикматулла ҳозир нима иш қиляпти?

— Ҳикматулла хусусий тадбиркор. Меҳнат қилганга яраша яшайдиган замон келди, топар-тутари яхши. Шаҳардан уй олди, оилали, ширингина қизчаси бор. Кўкча маҳалласидан ҳовли олиб, иморат солди. Мен шу ўғлим билан ана шу ҳовлида яшаяпман. Ҳикматуллам ўқимади, деб куюниб юргандим, худога шукур, бу йил Иқтисодиёт университетига ўқишга кирди.

Икки дугона гап билан бўлиб, манзилларига етиб келишганини сезмай қолишди.

— Шу ерда тўхтатаймиз?

Машина Ҳадича кўрсатган йўл четига бориб тўхтади. Ҳадича машинадан тушиб шошиб деди:

— Сен машинагни ўчирмай тур, мен ҳозир келаман — Ҳадича шифокорлар шаҳарчасининг бозорига кираверишда савдо қилаётган ўғли олдига югуриб бориб қўлига иккита тарвуз олиб, ортидан қовун кўтарган ўғлини эргаштирганча қайтиб келди.

— Ўзимизнинг полиздан, ҳалиям насибамизни ердан териб юрибмиз. Бугун кичик ўғлимни фотиҳа қилишга қудаларникига борамиз. Эртага уйимга борсанг, бир чақ-чақлашамиз. Искандар акамга сени кўрганимни айтиб, ҳали каттагина суюнчи оламан.

Ҳадича шундай дея дугонаси билан хайрлашди:

— Албатта бор, сени кутаман-а.

— Албатта ўтаман.

Эртаси кўни учрашиш икки дугонага насиб этмади. У мириқиб суҳбатлашиб ўтириш мақсадида машинасини ҳайдаб, суриштира-суриштира Ҳадичанинг уйини топиб борди-ю, жанозанинг устидан чиқди. Кечагина дийдорига тўймаган, мириқиб суҳбатлашишга улгурмаган қадрдон дугонаси тунда юрак хуружидан вафот эттанди.

## 36

Назира опа дугонаси Ҳадичанинг тўсатдан вафот этганидан қаттиқ таъсирланди. Куюнганидан қон босими ошиб, бир ҳафтагача кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. У фарзандлари койиса ҳам ўзини йиғидан тия олмай, кечалари ухламай чиқарди.

Нозима бу аҳволни кўриб, онаси ёлғизликдан ўртанаётганини сизди. Атиги ўн йил турмуш қурган онасининг

орттиргани тўрт фарзанд бўлди. Ота-онаси ўлиб кетди, жигарлари ўзларининг бола-чақаси билан овора. Нозима онаси ўша вақтда холаси айтганидек, болаларни иккитасини эрига ё болалар уйига бериб юбориб, турмушга чиқиб кетгани маъқулмиди, деб ўйлаб қолди. Шу болаларни деб онаси ёлғиз ўтди. Ёшликда фарзандларининг қорнини тўйдириш, кийинтириш гамида юриб кунлар ўтганини билмай қолди. Қариганда-чи? Ўғил-қизларининг ташрифига, айниқса Асадулланинг қадамига зор.

- Баъзи ўғил-қизлар уйли, оилали бўлгач, ота-оналарининг фанимат эканлигини сезмайдилар, керак бўлса, унутадилар ҳам.
- Қариган ота-оналарининг арзимаган инжиқлиги, болаларча эркалигини кўтара олмай, ҳафталаб араблаб юрадилар. Улфатлар билан чойхонада жарақ-жарақ пул сарфлаб, зиёфат еб қайтишида тиши тушган муштипар онасига икки дона қийма кабоб илинишни хаёлига келтирмаган йигитлар бизнинг ака ё укамиз эмасми? Обру кетмасин, деб дабдабали тўйлар қилиб, элу юртга ошлар бериб, қариндош-уруғлари билан дийдорлашиш учун, йиғинга отланаётган муштипарини ўкситаётганлар, қўлига тўйга деб уч-тўрт сўмни анойи қилаётганлар йўқ дейсиз-ми? Қиз чиқараётганида қарз-ҳавола қилиб бўлса-да, қирқ сидра сарпо тахлаб, онаизорига «Сиз уйдасиз, қариган чоғингизда оғриқ оёғингиз билан қаёққа борардингиз», деб бир кўйлагига чақа орттирмаётганлар ён қўшнимиз, қариндошимиз-ку. Ахир вақтида ота-оналаримиз бизларнинг бебошлигимизни кечирган, хатоларимизни ёшлигимизга йўйганлар-ку. Ўртоқларидан ўксинмасин, деб ўзи киймаганини кийгизган, соғлом бўлсин, деб емаганини едирган... Буни унутмайлик. Фаниматларимизга қарзимизни тўлашдан кечикмайлик, гафлат босиб армонда қолмайлик, азизлар...

Етимхонада она сутини татимай ўсаётган болаларнинг кўлига қаранг. Қароғлар соғинч билан боқади, оила даврасини кўрмаган нигоҳлардан меҳр уфуриб туради. Ахир бирор марта бағрига босмай, кўча-куйга, ахлатхона, етимхона дарвозаси олдига ташлаб кетган онасидан нафратланишга уларнинг ҳақлари бор-ку. Пуштикамаридан бўлган фарзандини тан олмай, ёруғ дунёни кўрмасданоқ ўлдириб юборишга қодир отасидан йиллаб араблаб юришса, ўринли-ку. Лекин уларнинг қалби, бор вужуди соғинчга айланган. Ўн ёшида ҳам, элликка етганида ҳам, бир

бор пешонасидан ўпмаган ота-онаси бағрига эркаланиб бош кўйишни орзу қилади. Шунчалар ғалати экан бу дунёнинг ишлари...

Нозима беморликдан ранглари сарғайган онасининг аҳволига қараб эзилди. Шўрлик онам, кун кўриб, рўшнолик кўрмаса ҳам ҳаётидан нолимайди-я, деб ўйлади.

Она ўрнидан оҳиста турди-да, оёғига шиппагини омонатгина илиб, ҳовлига чиқди. Атиги бир ҳафтагина ётган бўлса-да, атроф шунчалар ўзгариб кетганини кўриб ҳайратланди. Кўклам келгач, ниш урган майсалар худди ерга кўм-кўк поёндоз солиб улгурибди. Табиат марҳаматига қараб завқланган кўзлар гўзалликка тўймайди. Назира опа гуллаган ўрик дарахти новдасини эгиб, уни ҳидлади. «Умрим ўтиб кетибди», деб ичида пичирлади. Шу дамда у бир инсонни эслади. Меҳр биланми, нафрат биланми, ё соғинч биланми, буни фақатгина ўзи билади.

Она шу тарзда хаёлчан бўлиб турган вақтда дарвозанинг эшиги очилиб, кимнингдир шарпаси кўринди. Аёл хиралашган кўзлари билан шарпага тикилди. У таниш овозни эшитиб, қалтираб кетди.

— Ойи, набиралар муборак бўлсин...

— Асадулла, сенмисан, болам?

Дарвоза олдида нима қиларини билмай турган ўғил югуриб келиб, онаси бағрига отилди.

— Ҳидларингдан ўргилай, болам...

Она бошларини кўтариб шаффофдай осмонга қараганча қувончдан йиғлаб юборди. Она бағри ҳеч нимага ўхшатиб бўлмайдиган илиқликни туйди. Қалбида янги умидлар куртак оча бошлади.

## Ў К И Н Ч

### Ҳикоя

*Дугонам Ферузанинг  
юрак нолалари*

Сокин тун, тўлин ой гоҳ-гоҳ булутлар ортидан мўралайди. Эсаётган майин шабада дилга хуш ёқади. Дарахтлар шохларини у ён-бу ён ташлаб, япроқлари билан рақсга тушаётгандай шитирлайди. Гўё она табиат заминни алла айтиб тебратаётгандай. Хушбўй райҳон, бинафша ислари димоққа уриб инсон қалбидаги яширин туйғуларни уйғотиб юборади. Бу ҳар йили қайтиб келадиган вафодор баҳор. Бундай баҳорни мен ўн саккизинчи мартаба қаршиламоқдаман.

Мен бундан роппа-роса ўн саккиз йил муқаддам бу ёруғ дунёга келганман. Кўзимни илк бор очган чоғим, чинқириб йиғлаганча, онам қалбини шодликка тўлдириб юборган бўлсам керак. Ўшанда онам қанчалар қувонгандир-а, билмадим!

Она! Бу сўз мен учун қанчалар йироқ, қанчалар бегона... Қалбимда болалигимдан ушалмай келаётган ёлғиз армоним ҳам сизсиз, ОНА!

Баъзи вақтлар меҳрингизга ташналигимдан хўрагим келиб, ўпкам тўлиб кетади. Йиғлайману, ўша унутилмас машъум кунни эслайман. Ўшанда мен ҳали ҳеч нарсани тушунмайдиган, ҳаётнинг паст-баландларини билмайдиган гўр гўдак, жажжигина қизалоқ эдим. Эрта тонгда боғчага келиб, шом тушгач, эшиқдан сизнинг қайтиб келишингизни интизорлик билан пойлаб ўтирадиган, соғинч нима эканлигини эндигина қалбимда туяётган эркатойингиз эдим. Бир куни тунда сиз дадам билан уришиб, нималарнидир тушунтиришга уриндингиз. Сўнгра ўрнингиздан шаҳд билан туриб, кўзингиздаги ёшларни артганча қошимга келиб тиз чўқдингиз. Мен уйда бўлаётган жанжалнинг сабабини тушунолмай йиғлаганча титраб турардим. Сиз мени иссиққина бағрингизга босиб, юзу кўзларимдан қайта-қайта ўпиб, «кечиросанг, кечирарсан, қизим», деб эшик томон юрдингиз. Дадамнинг важоҳатидан қўрққаним учун сизга эргаша олмадим, «хайр», деганча миттигина қўлларимни силтаб қолавердим.

Онажон, агар ўшанда сизни қайтиб кўрмаслигимни билганимда эди...

Жажжигина кўйлагимни кийиб, сочларимга зўрға тасмалар тақиб, сизни ҳар куни чарчамасдан, интизор кутардим. Кеч тушгач, аламимдан ўзимни боса олмай йиғлардим-у, «эртага албатта келадилар» деб яна йўлингизга кўз тикардим. Сизни жуда-жуда соғингандим. Ўша вақтда мурғак қалбимда сизни кўриш армони туғилди, Онажон!

Кейинчалик уйимизга кўчиб келган бегона аёл сизни кутишимни хоҳламай уйга қамаб қўядиган бўлди. Ўша аёл дадам келганида нималардир дер, дадам эса мени уришиб бурчакка турғазиб қўярди. Бериладиган жазолар орасидаги энг энгили мен учун бурчакда туриш бўлиб қолганди. Қўрққанымдан: «онажонимга кетаман» деб хиқ-хиқ этиб йиғлардим. Дадам бўлсалар, «онанг ўлган, сенинг онанг мана шу!» — деб бақирарди. Йўқ, ойижон, у аёлни сизга алмаштирадим, сиз жуда чиройлисиз. Бурчакда умид билан дадамга қарардим-у, қалбимда армон баттар туғён уради. Сизни жуда соғиндим, Онажон!

Неча-неча баҳорлар ўтди, мактабга бордим. Иш жойингизни билиб сизни ҳар куни қидирардим-у, топа олмасдим. Ёзишни, ўқишни ўрганиб олгач, сизга атаб мактублар битардим. Уларни жўнатишга эса манзилингизни билмасдим. Чунки ўшанда мен ҳали ҳақиқатни англаб етмаган эдим. Билганимда ҳам ҳеч нарса ўзгармасди. Сиз мен учун ягонасиз, Онажон!

Соғинч, изтироблар тўла неча фасллар ўтди. Мен мактабни тугатдим. Дунё гўзалликларини англаб, муҳаббат нелигини тушунгандай бўлдим. Лекин ёрга бўлган муҳаббат сизга бўлган муҳаббатим ўрнини боса олмади. Ўгай онаминг жабру ситамлари сизга бўлган соғинчим олдида сариқ чақалик қийматта эга эмасди. Мен ҳаммасига кўз юмаман-у, лекин қалбимдаги ёлғиз армоним туғён уриб, сизни кўргим келаверади, келаверади... Сизни қанчалар соғинганимни билсангиз, билсангиз эди, Онажон. Кўчаларда тўй ташвиши билан юрган оналарни кўрсам вужудим ларзага келиб, юрагим тинмай савол беради. Нега, бир маротаба берилган ёш жонимга шунчалар азоб. Онажон, ахир фарзандингизда не гуноҳ?

Бугун мен ўн саккиз ёшга тўлдим, кўзларим эса ҳар доимгидек йўлда. Назаримда сиз гул кўтариб мени қутлагани

келаётгандексиз. Онажон, хаёлларим рўёбга чиқиб тоғдай кўксингизга бошимни қўйсам эди...

Онажон, қачонлардир менинг ҳам тўйим бўлар, ўшанда сизни дунёдаги муҳтарама, мўътабар ўзбек оналари каби кўзингизда қувонч ёши билан кўргим келади. Оқ фотиҳангизни, дуоингизни олиб, янги ҳаётга армонларсиз қадам босгим келади.

Неча-неча баҳорлар ўтди, мана мен ўн саккиз ёшга тўлибман-у, қалбимда ҳали ҳам ўша эски ушалмаган армон, сизни кўриш, Онажон!

## ЮРАККА СИГМАГАН ҚУВОНЧ

### Ҳикоя

Ёдгор деразадан тушаётган қуёш нурининг тафтидан ўйғониб кетди. Кўзларини очди-ю, кун чошгоҳга бориб қолганини билди. Эринибгина ўрнидан турди. Йўлакка чиққанида уй ишлари билан ўралашиб юрган хотинига дуч келди. Эгнига атлас кўйлак, оёғига ялтироқ бухороча шиппак кийган Ферузага суқланиб қаради. Унинг бошидаги пуштиранг рўмол бирам ярашибди...

— Турдингизми? Сизни ойим йўқлаётган эдилар.

Ёдгор юз-қўлини ювиш учун ваннахонага кираркан, беихтиёр Феруза билан танишган кунларини эслади. У ўрта мактабни тугатиб, Иқтисодиёт университетининг кириш имтиҳонларидан ўтган вақтлари қалби қувончга тўлганди. Ўшанда ёлғиз ўзи ўстирган онасининг розилигини олиш учун ўзича турли режалар тузганди. Аммо ўқиш бошланган биринчи кундаёқ унга бир умрлик суюкли ёр бўладиган қизни учратиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Ўқиш ҳам бошланди. Ёдгор аудиторияда ўқитувчи маърузасини диққат билан тинглаб ўтирарди. Шу пайт бир қиз машғулотта кеч қолиб, хижолат билан хона эшигини очди, киришга изн сўради. Ўқитувчи бошини қимираятгач, қиз келиб олдинги қаторда ўтирган Ёдгорнинг ёнига ўтирди. Йигит ёнгинасига ҳозиргина ўтирган сулувга хаёли алаҳсиб, ўқитувчи нималарни гапираётганини билмасди. У қизга тез-тез қараб қўяркан, юраги “жиз” этганини сезди.



Бир қарашдаёқ юракни жунбушга, танани титроққа солган бу туйғу — севги эди. Ёдгор шу кундан бошлаб курсдоши Ферузасиз ҳаётини тасаввур қила олмай қолди. Ёдгорнинг ҳис-туйғулари унинг юриш-туришида, маъноли қарашларида шундоққина билиниб турарди. У севгилисини ҳаммадан қизганарди. Ёдгорнинг муносабатидаги илиқликни пайқаган Феруза ҳам, ўзи билмаган ҳолда унга боғланиб борарди. Феруза Ёдгорни кўрса, кўзлари чақнаб, юзлари қизариб лов-лов ёнарди. Ёдгор пайт пойлаб Ферузага дил изҳор қилди. Шу тариқа улар муҳаббат аталмиш дардга мубтало бўлдилар. Ўзаро ҳурмат, жиловланган ҳис-туйғу, нигоҳлар тўқнашувидаги ҳаё Ёдгор билан Ферузанинг умр йўлини бирлаштирди. Ота-она розилиги, орзу-ҳавас билан тўй томоша бўлди.

— Ёдгор, келақол болам, дастурхон интизор бўлди-ку. Қорнинг ҳам очиб кетгандир, — дея Марғуба ая ўғлини дастурхонга чақирди. Онахон тўй чарчоқлари чиқиб, энди енгил нафас олмақда эди.

— Онажон, кетяпман, — дея овоз берди-да, Ёдгор тезгина балкондаги сўри каравотта чиқиб ўтирди. — Ассалому алайкум, яхшимисиз ойижон?

— Ишдан кеч қайтганинг учун бир оз дам олақолсин, деб индамасам, пешингача ётдинг-а.

Феруза ҳам чаққонлик билан чойни янгилаб келди. Дастурхонга ул-бул егуликни келтириб қўйди, чой қуйиб узатди. Сўнг чойнак устига ёпқич ёпиб, қайнонасига юзланди:

— Ойижон, пешинга нима овқат пиширай? — деди Феруза майин овозда. Ғунча лаблар сўзини тугатиб, тугмачадай жамланганда нафис чеҳрага табассум югурди. Чақнаб турган шахло кўзлардан яқинларига меҳр, ҳаётга бўлган муҳаббат сезилиб турарди.

— Тўрттагина гуруч ташлаб, мастава қила қолинг.

Феруза “хўп бўлади” деганча ошхонага чиқиб кетди.

Марғуба ая ҳавас қилса арзигулик келин қилди, орзулари ушалди. У келинининг ширинсўзлигидан қувониб, ўғлига мамнун қиёфада боқиб қўйди. Қайноналик ҳам бир бахтда.

— Ойи, келинингиз қалай? Мен йўқлигимда сизни хафа қилмаяптими? — Ферузанинг юриш-туришидан, муомаласидан, фаҳм-фаросатидан Ёдгорнинг кўнгли тўқ эди. Ахир шунча йил бир-бирларига синашта бўлдилар. У шундай бўлса ҳам онасига хушомад қилди.

— Вой, нега хафа қиларкан? Барака топсин ишқилиб. Кирымни ювса, овқатимни қилса, ширин сўзини аямаса, менга яна нима керак? Оллоҳга шукур, рисоладагидай келин қиддим. Қайнона қайнамаса — келин айнимади.

Ёдгор хохолаб кулиб юборди. Онасининг Ферузани мақташи ўзига ҳам ёқиб кетди.

— Ойи, шунақа мақолларни қаердан топасиза? Ўзи, сиз ёзувчи бўлишингиз керак эди! — Ёдгор онасини қучиб икки юзидан ўпиб қўйди.

— Болам-а, қанча орзуларим бор эди-я. Биласан, отанг сенга ҳомиладорлик вақтимда автоҳалокатга учраб ўлиб кетдилар. Кўнглининг иши қийин экан. Уйдагилар шунча қисташса ҳам, бошқа билан турмуш қуролмадим. Сени ўзингдан кўпайганингни кўрсам, бу дунёда армоним қолмасди. — Марғуба аянинг кўнгли бўшаб кетди.

— Ойижон, йиғламанг. Отамнинг умрини ҳам сизга берган бўлсин. Ҳали набираларингизни тўйини ҳам кўрасиз. Ўзим сизни ҳажга олиб бораман... — Ёдгор тўлқинланиб кетиб, онасининг тиззасига бош қўйди.

— Илоҳим, ўша кунларга етказсин, ўзингдан кўпайгин.

Феруза янги хонадонга тезда кўникиб кетди. Меҳрибон қайнонасини яхши кўрганидан қўярга жой тополмасди. Ёдгор акасининг меҳрибонлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. У тинч, осуда ўтаётган кунларидан жуда мамнун эди. Феруза унга шундай бахтни ато этган Оллоҳга беҳад шукроналар қиларди. Қани энди, тезроқ бўйида бўлса-ю, Ёдгор акасини хурсанд қилса.

Марғуба ая ҳам келинининг бўйида бўлишини кутмоқда эди. Келини қозон тепасида турса синчковлик билан кузатарди. Келини “кўнглим беҳузур бўлаяпти” деса эди, ўзи қозон кавлашга тайёр эди. Қайнона “келинимнинг кўнгли шўртангина бир нимани тусаб қолгандир”, деб музлаткични янги чиққан мева-чевалар билан тўлдирарди. Феруза эса бир нарсани икки суйиб емайди. Қайтага кундан-кунга ранги синиқиб, руҳи тушиб бормоқда.

Шу алфозда йиллар ўтди. Ферузанинг бўйида бўлмади. Марғуба хола келинини етаклаб бормаган доктори, эшик қоқмаган табиби қолмади. Аммо бирор натижа чиқмади. Марғуба ая кимнингдир маслаҳати билан фол ҳам очдирди.

Қайтариқ қилиб, жонлиқ атади, умидини узмади. Беш маҳал номозда Оллоҳга йиғлаб илтижолар қилди, уйқусиз кечалари нолаалар чекди. Қани энди, карами кенг Оллоҳ унинг илтижоларини эшитса-ю, ёлғизгина Ёдгорига зурриёд берса.

Марғуба ая бир суюкли келинига қараб куюнса, бир ўғлига қараб ачинади. Ошна-оғайнилари аллақачон уч-тўрт болали бўлган, ўғлининг кўнглидан нелар кечаётганини тушуниш қийин эмасди. Қандоқ қилсин, ҳаммалари қийин ахволда қолишди. Марғуба ая қўшниси бошлаб борган фолбиннинг уйдан ўлар холда қайтди. Қаёқдан ҳам борди ўша фолбиннинг остонасига? Нима эмиш, "Ўғли билан келинининг юлдузи-юлдузига тушмаган эмиш". Шу гап унинг юрагига ғулғула солди. Марғуба аянинг шу кундан бошлаб фикри бузилди. Келини йўқлигида пайт пойлаб, ўғлига оғиз очган эди, пушаймон бўлди.

— Ёдгор, балки ажрашарсизлар.

— Ойи, нималар деяпсиз? Мен Ферузасиз яшай олмайман. Кўрмайпсизми, келинингизнинг ўзи ҳам ич-этини еб, адо бўлаяпти. Агар бу гапни эшитса ҳоли нима кечади? Докторлар иккинги ҳам соғсиз, кутинглар, дейишяпти-ку.

— Болам, ахир ўн йилдан бери кутамиз-а...

Ёдгор билан Феруза ҳам ўзларидан ўтганини ўзлари билишди. Кўча-куйда, қариндош-уруғлар олдидаги табассумлар ясама эди. Аслида, ичларига чироқ ёқса ҳам ёришмайди. Бир кам дунёнинг синовига дош бериш осон эмас экан. Феруза фарзандини етаклаб юрган жувонларни кўриб ҳавасдан юрак-бағри қон бўларди. Бунча шўр бўлмаса пешонаси. Ҳувилаган уйи ютиб юборай дейди-я. Қачонгача азоб чекади, эй худойим... Қачонгача муштипар қайнонасининг мунгли қарашларига дош бераркан?

— Қизим, балки бошқа турмуш қурсанг... — ота-онасининг уйига ҳайитлаб келган Ферузага онаси секин сўз очди. Она бу гапни айтишни анчадан бери кўнгилига тутиб юрарди. Бутун мавриди келди чоғи.

— Ойи, мени қийнаманг. — Феруза кафтлари билан юзини тўсди. Ўзи тўлиб турган эканми, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Журъат топиб-гап бошлаган она ўзини қўлга олиб, мақсадини айтди:

— Сен фақат ўзингни ўйлама, жон қизим. Қайнонанг ҳам қариб қолди, куёвимга ҳам осон тутма. Кимдир бир қарорга келиши керак-ку ахир.

Феруза онасининг айтган гапларини индамай тинглади. Аввал ҳам бу фикр унинг хаёлига кўп марта келганди. Аммо Ёдгор акасига бўлган муҳаббати уни доим чалғитиб қўярди. Ҳозир у бир нарсани аниқ тушунди. Айнан мана шу муҳаббатни деб у Ёдгор акаси билан ажралиши керак. Феруза суюкли Ёдгор акасини оталик бахтига эришишини жуда-жуда истарди. У севгилисига бундай бахтни ҳада этолмади, балки бошқа бир аёл...

Ёдгор ишдан қайтаётиб қайнонасиникига кирди. Аммо уйга ёлғиз ўзи қайтди.

Марғуба ая хунук хабарни эшитиб йиғлади, сиқилди. “Келиним бир томондан тўғри иш қилди”, деб ўзини алдамоқчи бўлди, удаалай олмади. Ахийри бир кун эрта туриб, қудасиникига йўл олди. У келинини қайтариб келишга ҳаракат қилди, аммо қудалари унамади.

Феруза ичкари уйда қайнонасининг гапларини эшитганча ўртанарди. У тишларини тишларига қўйиб, икки она дардини тинглади. Феруза шу дамда уйдан отилиб чиққиси, қайнонасининг бағрига бош қўйиб ўкириб-ўкириб йиғлагиси келарди. У юзидан меҳр таралиб турган қайнонасининг юз-кўзларидан ўпгиси, бағрини бағрига босиб кўришгиси келди. Аммо, у ўтирган ўрnidан туришга, фариштадай хокисор қайнонасидан розилик сўрашга ботина олмади.

Фарзанд доғида қуйган икки ёш айрилди. Икки қуда томон азобда қолди. Вақт ўтиб, дилдаги жароҳатлар битгандай эди. Икки томон ўз фарзандлари ҳаётини ўйлаб, тўй тарадаудига тушдилар. Ферузалар остонасига ҳам таниган-танимаган кишилардан совчи кела бошлади. Ферузанинг кўзига эса Ёдгор акасидан бўлак ҳеч ким кўринмасди. У бошқа эркак билан яшашни тасаввур ҳам қила олмасди.

Марғуба ая ҳам ўғлининг қаршилигига қарамай совчиликка юра бошлади. Қани энди Ёдгор бирор қизга эътибор берса. Онаси ўғлининг кўнглига йўл тополмай хуноб бўларди. Кундан-кунга озиб-тўзиб кетаётган ўғлига қараб: “Тарки дунё қилган шекилли бу девона”, деб ўйларди. Аслида тўғриси ҳам шундай эди. Ёдгор учун бу дунё Ферузасиз қоронғи эди.

Вақт ҳар бир дардга даво дейдилар. Йиллар ҳар кимнинг дардига малҳам бўлавермас экан. Феруза билан Ёдгорнинг бир-бирисиз кунлари улар учун зулмат билан тенг эди. Улар кунлар ўтган сари бир-бирларисиз яшай олмасликларини янада

чуқурроқ англаб етдилар. Ҳижрон дарди икки қалбни йиллар ўтиб яна учраштиради. Юраклар амри вожиб бўлди. Ота-оналар тақдирга тан беришдан бўлак бошқа чора топа олишмади. Феруза билан Ёдгор бола сақлаб олиб, турмушларини давом эттиришга келишишди. Улар меҳрибонлик уйига бориб, ота-оналик қилиш учун фарзанд сўраб навбатта туриб келишди.

Ҳаёт ўз изига тушиб кетди. Яна осуда кунлар, сокин тунлар бир-бирини қувиб ўтмоқда эди. Ёдгор каттагина корхонага раҳбарлик лавозимига ишга кўтарилади. Топиш-тутиши ёмон эмас эди.

Феруза ҳам давлат идораларининг бирида ишлай бошлади. Ҳар куни ишдан чарчаб келаркан, уйда уни интизорлик билан пойлаб ўтирган қайнонасига бирор тансиқ егулик олиб келарди. Аммо, бугун ҳар кунгидан кўра ҳолдан тойиб, ишдан ҳорғин қайтди. Баҳор келиб кунлар тез исиб кетгани сабабми, лоҳас бўлиб борарди. Феруза эри ишдан қайтиб, уйга кирганида эркалик билан деди:

— Ёдгор ака, негадир бошим айланиб, беҳузур бўлиб кетяпман. Қоним камайиб, қон босимим тушиб кетганми дейман?

— Чарчагансан, таътилга чиқ! Хоҳласанг ойим билан сенга бирорта санаторийга йўлланма олиб бераман, маза қилиб дам олиб келасизлар, — Ёдгор Ферузанинг гапларига эътибор ҳам бермай гапирди. Феруза эридаги эътиборсизликни пайқаб, кечки овқатта уннаш учун ошхонага чиқиб кетди. У ҳар доимги одатини қанда қилмай қайнонасида сўради:

— Ойи, нима овқатта уннай?

Қайнона ҳам кўпинча айтадиган гапини айтди:

— Тўрттагина гуруч ташлаб мастава қила қолинг болам, суюқ овқатта нима етсин. Танамиз яйраб, қатиқлаб ичамиз.

Марғуба ая балкондаги сўрида ўтирганча, “Ҳадис” китобини мутолаа қиларди. Феруза қозонга ёғни солиб, масаллиқларни тайёрлашга тушди. Қозондаги ёғ қизиган сари ундан чиқаётган ис Ферузанинг кўнглини беҳузур қила бошлади. У қўлидаги пичоқни ташлаб, югурганча ваннахонага кириб кетди. Марғуба ая келинининг ҳаракатларини тушунмай қолди. У қозондаги ёғнинг ёниб кетишидан хавотирга тушиб ўрнидан қўзғалди. Келинининг ҳаяллаганидан бетоқат бўлиб, ванна эшигини тақиллатди.

— Феруза, нима қиялпсиз? Тинчликми ўзи? Қўлингизни кесиб олдингизми дейман?

— Ҳозир ойижон, — Феруза эшикни очиб аста мўралаб деди, — ёғнинг ҳидидан кўнглим айниб кетди.

— Вой, нима дедингиз? Қайтаринг, жон болам...

Ахир Марғуба ая бу кунларни ўн етти йил кутгани-я...

Феруза ҳомиласини кўтарганида ўттиз етти ёшга чиққанди. Ҳомиладорлик оғир кечди. У бу оғриқларни писанд қилмасди. Ахир у — она бўлади. Бундан ортиқ бахт борми?! Ахир у вафодор Ёдгор акасига фарзанд туғиб беради. Меҳрибон қайнонасининг армонларини ўлдиради. Уларга фарзанд — ўғил бўладими, қизми фарқи йўқ. Энг асосийси, тўрт мучаси омон бўласин.

Ота-оналарнинг қувончи кенг оламга сирмасди, гўё. Ферузанинг онаси қизининг бўйида бўлганини эшитган кундан бошлаб сарпо йиғишга тушди. Марғуба ая ҳам бурчакка тиқиб ташланган бўхчаларни олди. Келини йўқлигида бўхчадагиларни кўздан кечирди. Ёдгори кийган кийимларни ювиб, дазмоллади.

Ферузанинг ой-куни етиб келди. Марғуба ая шу куни эндигина ишга кетган ўғлини ишхонасидан чақиртириб олди. Она-бола тўлғоқ дардида инграётган Ферузани машинага солиб туғуруқхонага йўл олишди. Лифт яна ишдан чиқибди. Ёдгор тутақиб кетиб, минғилади:

— Неча марта айтаман, тўққизинчи қаватдаги ўйни сотайлик деб. “Отанг олган ўй” деб кўнмайсиз. Фақат биз эмас, ўзингиз ҳам қийналиб кетдингиз-ку.

Қабулхонада уларни қабул қилиб олган доктор жуда хушмуомала экан. У барча ёзув-чизувини қилиб бўлгач, Ферузанинг ҳамроҳларига юзланди:

— Сизлар кетаверинглар, кечга яқин хабар олсангиз ҳам бўлади.

Марғуба ая ҳам Ёдгор ҳам қабулхонада қимирламай ўтиришди. Улар доктор олиб чиқадиган хабарни пойламоқда эдилар. Кун кеч бўлиб туғруқхонадаги докторлар навбатчилиги ҳам ўзгарди. Ферузанинг қутулиб олишидан дарак йўқ. Ферузанинг аҳволини текшириб кўздан кечирган навбатдаги доктор қабулхонага тушди.

— Хожибоева Ферузанинг яқинлари сизмисизлар? — доктор “ҳа” жавобини олиб вазиятни тушунтирди, — Онажон,

келинингиздан кўп сув кетиб, ҳомила қуриб қолай дебди. Агар жарроҳлик йўли билан туғдириб олмасак, бола нобуд бўлиши мумкин. Менга розилигингизни билдириб қоғоз ёзиб беринг.

Она бола бир оз ўйланиб қолишди. Кўнишдан бошқа илож йўқ эди.

Доктор Ёдгорнинг қўлига бир варақ дорилар рўйхати билан, қон топширишга йўлланма берди. Ёдгор қўярда-қўймас докторни кўндириб, Ферузанинг олдига кириб чиқди. Ёдгор оғриқдан юзларидан ранг қочиб, тинкаси қуриган Ферузани бағрига босганча деди:

— Ҳаммаси яхши бўлади, фақат сен қўрқмагин, хўпми. Қабулхонада ойим сени дуо қилиб ўтирибдилар. Яна озгина чидасанг, фарзандимизни қўлингга тутасан...

Ёдгор яқиндаги дорихонага бориб керакли дори дармонларни келтириб берди. Ферузани операцияга тайёрлаётган доктор, “Бориб тез қон топшириб келинг, керак бўлиб қолиши мумкин”, деб тайинлади. Ёдгор донорлик бўлимига бориб қон топшириб қайтгунича Ферузани операция хонасига олиб кириб кетишди. У мўлтираб ўтирган онасининг ёнига чўккалади. Тинка мадори қуриб, юраклари хавотирга тушганди.

— Ойи, докторлар танамдаги ҳамма қонни суғуриб олдими, дейман. Танамга титроқ туриб, кўз олдим қоронғилашиб кетяпти.

Марғуба ая бир кунда кўзлари киртайиб, ранги оқариб кетган ўғлининг юзларидан силади.

— Чарчадинг-да, болам.

Қабулхонага кулиб тушган доктор сўюнчи олди. Паҳлавондай ўғил дунёга келди!

Ёдгорнинг қувончи ичига сиғмай кўзлари ёшланди. У ахир ота бўлди, ота!

— Доктор, хотинимнинг аҳволи яхшими?

— Ҳеч нарсадан хавотир олманг. Хотинингиз яхши, болангиз ҳам полвондай Ёдгор, «қартугул» деб чуқур нафас олди. Қувончдан йиғлаб, оғзи дуодан бўшамаётган онасини маҳкам қучиб, табриклади.

— Доктор опа, мен кириб хотиним билан боламини кўриб чиқсам майлими? Умиджонимни бир марта қўлимга оламан-у, қайтиб чиқаман.

— Ҳозир мумкин эмас. Хотинингиз наркоздан ўзига келгани йўқ. Бир оз сабр қилинг. Эрталабдан бери ўтирибсизлар, бориб бир оз дам олиб келинглар. Болангизни қўлга олишга улгурасиз.

Марғуба ая “муборак бўлсин”га қудаларникига йўл олди. Ёдгор уйга бориб, соч соқолини олиб, кийимларини алмаштириб келишни режалаштирди.

Ёдгор жонажон кўчаларидан юриб эмас, учиб борарди. У ҳеч қачон ўзини бугунгидай бахтли сезмаган эди. Кўчалардан юриб бораркан кўзлари билан танишларни қидирарди. Йўл-йўлакай ҳаммага мақтаниб бораркан, ўйларди: «Ўғлим кимга ўхшаркин-а, ўзимга ўхшайди! Мендан ортиб қаёққа борарди. Қўллари, оёқлари жажжигина, миттигина бўлса керак. Сочлари Ферузанининг сочларига ўхшаган жингалак бўлса ҳам майли. Полвонимнинг исмини Умиджон қўямиз. Умидларим ушалди. Ура!»

Ёдгор йўл-йўлакай уйлариининг ёнгинасидаги дўконга кирди. У биринчи бор фарзандига атаб нимадир харид қилмоқчи бўлди. Кўзи осиялиқ турган сўрғичга тушди.

Сотувчига “ота бўлдим, ўн етти йил деганда юзим ёруғ бўлди” деб мақтанди. Сўрғичга узатган пулининг қайтимини ҳам олмай, ёш боладек қувониб кўчага чопди.

Марғуба ая қудасиникига бориб хушxabарни етказди. Икки қуда аввалига роса йиғлашди, кейин ошхонага ўтиб атала пиширишди. Туғуруқхонада докторлар билан гаплашиб Ферузани кўриб чиқишди. Галма-галдан набираларини қўлга олиб қувнашди.

Марғуба ая кун қоронғи бўлганда уйига қайтди. Йўлакка кирса лифт қурмагур ҳали ҳам ишга тушмабди. Битта-битта қадам ташлаб тепага чиқа бошлади. Йўл-йўлакай қўшнилар қўнғироғини босиб, келини эсон-омон қутулиб олганини дараклади.

Тўққизинчи қаватга чиқиб эшик қўнғироғини босган эди, ичкаридан дарак бўлмади. Секингина зинага чўккаларкан “Туғуруқхонага кетган бўлса керак”, деб ўйлади. Марғуба ая шу ўтирганча чамаси бир соатча зинада ўтирди. Кўзи кетиб, бошини бетон деворга суяганча, бир оз мизғиб ҳам олди. Бекор ўтиргандан фойда йўқлигини билиб, қўшни қўнғироғини босди.

— Ёдгоримнинг қўлидаги телефонига қўнғироқ қилиб олай, жуда хаяллаб қолди. Ўртоқлари билан чойхонада ўтирибди, шекилли. Ҳеч қачон бундай кеч қолмасди. Болам тушмагур умрида қилмаган ишини қилиб, ичиб маст бўлиб қолган бўлса-я.



Эшикни очган қўшни аёл дарров Марғуба аяни ичкарига бошлади. Марғуба ая кўнмади. Тезроқ уйига кириб, мириқиб ухлагиси келди. Йўлакда осиглиқ соатнинг милларига қараган Марғуба аяни ваҳима босди.

— Вой, ўламасам, соат ўн иккидан ошибди-ку. Ёдгор қаёқда юрган экан.

Марғуба аянинг овозини ичкари хонада эшитган қўшни йигит югуриб чиқди-да, деди:

— Боягина Ёдгор акамни уйга кириб кетаётганларини кўрган эдим. Ичкарида ухлаб қолган бўлсалар керак. Эшикни яхшилаб тақиллатиб кўрайлик...

Эшикнинг тақиллаган овозига пастки қаватдаги қўшнилар ҳам уйғониб чиқишди. Орадан бир зумда вақт ўтиб, соат миллари кечки иккига бонг урди. Эркаклар келишиб, Марғуба аянинг уйига қўшнининг балконидан киришди.

Марғуба ая юраги ҳовлиққанча хоналарни кўздан кечири бошлади. Ётоқхонанинг чироғини пайпаслай-пайпаслай топиб ёқди. Эндигина уйларига кириб кетаётган қўшниларни Марғуба аянинг қичқириғи тўхтатди.

Ётоқда қўлларида жажжигина сўргични тутганча, юзларида ним табассум қотиб, кўзлари очиқ қолган Ёдгорнинг танаси музлаб ётарди. Унинг юраги дунёга сизмагудек бўлган, ота бўлишдай катта қувончни кўтара олмаганди.

## МУАЛЛИФДАН

“Бир умр қиссаси” китобида ўзим кузатган, кўрган ҳаёт ҳақиқатларини аск эттиришига ҳаракат қилдим. Лекин барибир, бу асар кўпроқ руҳим маҳсулидир.

Жуссанинг насибаси кийим, тананинг насибаси таом, руҳнинг насибаси меҳр. Тана ва жуссанинг насибаси жисмоний куч, ақлий меҳнат билан топилса, руҳнинг насибасига ширин забон билан эришилади. Оллоҳ егулик ва кийгулик насибамизни ерга сочиб юборган. Руҳимизга аталган насиба — меҳр эса инсонлар қалбида ётибди. Ушбу насибамиз кимдан буюриши бизга номаълум. Кимга отадан, кимга онадан, яна кимгадир етти ёт бегонадан буюради. Кийимсиз жусса шарманда, таомсиз тана бемадор, меҳрсиз руҳ синиқдир. Руҳимиз насибаси икки дунёда ҳам узилмасин.

Яна бир гап: ушбу қиссани дунёдаги барча оналарга атайман. Етимларни тиш-тирноғи билан кутариб боқаятган ёлғиз оналарга бағишлайман. Дунёда яхши одамлар кўплигидан қувонаман. Синовли дунёнинг ҳаёт деб аталмиш катта қозонида шундай одамлар билан қайнаб, аралашиб яшагим келади.

## МУНДАРИЖА

Бир умр қиссаси .....	3
Ўкинч .....	150
Юракка сиғмаган қувонч .....	152

*Адабий-бадiiй нашр*

**МАЛИКА ДАМИНОВА**

**БИР УМР ҚИССАСИ**

*Қисса ва ҳикоялар*

Муҳаррир  
**А. ҚУТБИДДИН**

Техник муҳаррир  
**Е. ДЕМЧЕНКО**

Мусаҳҳиҳ  
**Ш. САЛАЕВ**

Компьютерда саҳифаловчи  
**Ф. БОТИРОВА**

**ИБ № 41119**

Босишга 15.06.2006 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоғи 5,125. Шартли босма тобоғи 8,61.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 140.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.